- *Выполнение мер по выведению из системы правосудия ребенком должно вылиться в окончательное закрытие дела. Хотя могут быть сохранены конфиденциальные данные по применению мер по выведению из системы правосудия в административных и других целях, они не должны рассматриваться в качестве «судимости», а ребенок, который был до этого выведен из системы правосудия, не должен рассматриваться, как имеющий судимость. Если имела место регистрация данного события, то доступ к данной информации должен выдаваться на исключительной основе и в течение ограниченного промежутка времени, например, максимум на 1 год, компетентными властями, которые уполномочены заниматься детьми в конфликте с законом.*

3. Что означает «подход восстановительной ювенальной юстиции»?

Восстановительная ювенальная юстиция-это подход, когда потерпевший(е) и правонарушитель, а иногда и другие люди, пострадавшие в результате правонарушения, вместе активно принимают участие в разрешении проблем, возникших в результате правонарушения, чаще всего с помощью фасилитатора.¹ Восстановительная ювенальная юстиция означает возмещение ущерба, причиненного правонарушением, и восстановление гармонии, в той степени, насколько это возможно, между несовершеннолетним правонарушителем, потерпевшим(и) и обществом. Сильные стороны восстановительной ювенальной юстиции включают:²

- *Устанавливается прямая, конкретная и непосредственная связь между правонарушением и его последствиями*
- *Несовершеннолетний правонарушитель признается ответственным за его/ее действия, он/она понимает последствия правонарушения, он/она принимает ответственность по возмещению ущерба, причиненного правонарушением*
- *Потерпевший(е) и местное сообщество участвуют в определении условий ответственности, мониторинге и поддержке выполнения обязательств, принятых несовершеннолетним правонарушителем, тем самым обеспечивая восстановление справедливости и в максимальной степени способствуя вероятности успешной реинтеграции правонарушителя в общество*
- *Несовершеннолетнему правонарушителю предоставляется возможность доказать свой потенциал и качества, позитивным*

¹ Основные принципы ООН по применению программ восстановительного правосудия в уголовных делах (2002).

² Ресурсы ЮНИСЕФ по мерам по выведению из системы правосудия и альтернативам лишению свободы и Публикация ЮНОДК «Правосудие в делах несовершеннолетних в конфликте с законом, Модельный закон по ювенальной юстиции и соответствующие комментарии», Вена, 2013, стр. 79.

образом затрагивается чувство вины, которое испытывает большинство детей в конфликте с законом

- *Снижается риск повторного совершения правонарушения путем реинтеграции детей в общество и идентификации факторов риска, которые привели к совершению правонарушения*
- *Проецируются сильные стороны многих традиционных систем правосудия, свойственных определенным культурам, таким образом, способствуя их принятию местными сообществами во многих странах.*

4. Что означают «меры по выведению из системы правосудия, основанные на подходах восстановительной ювенальной юстиции»?

Рекомендация общего характера Комитета по правам ребенка ООН No.10 (2007), которая является одним из последних международных инструментов, закрепляющим права ребенка в системе отправления правосудия для несовершеннолетних, подчеркивает необходимость использования мер по выведению из системы правосудия и подходов восстановительной ювенальной юстиции в делах детей в конфликте с законом. В Разделе «Введение» Комитет по правам детей говорит о том, что он хочет предоставить странам, среди которых и Узбекистан, более четкие руководства в их усилиях по отправлению правосудия в отношении несовершеннолетних в соответствии с Конвенцией о правах ребенка. Комитет также закрепляет, что «система отправления правосудия по делам несовершеннолетних, которая должна поощрять, среди прочего, применение альтернативных мер, таких, как выведение несовершеннолетнего правонарушителя из системы уголовного правосудия и восстановительное правосудие, будет давать государствам-участникам возможности эффективно реагировать на проблему детей, находящихся в конфликте с законом, это будет способствовать не только наилучшему обеспечению интересов этих детей, но и удовлетворению краткосрочных и долгосрочных интересов общества в целом».¹

Комитет снова подчеркивает важность восстановительной ювенальной юстиции, размышляя над принципом «наилучшие интересы ребенка»:²

«Во всех решениях, принимаемых в контексте отправления правосудия по делам несовершеннолетних, главным соображением должно быть наилучшее обеспечение интересов ребенка. Дети отличаются от взрослых по своему физическому и психологическому развитию и по своим эмоциональным и образовательным потребностям. Такие различия составляют основу для признания меньшей вины за детьми, находящимися в конфликте с законом. Эти и другие различия служат причинами для

¹Параграф 3 Рекомендация общего характера No.10 «Права детей в рамках отправления правосудия в отношении несовершеннолетних» (2007).

²Параграф 10 Рекомендация общего характера No.10 «Права детей в рамках отправления правосудия в отношении несовершеннолетних» (2007).

создания отдельной системы правосудия по делам несовершеннолетних и требуют иного обращения с детьми. Наилучшее обеспечение интересов ребенка означает, например, что традиционные цели уголовного правосудия, такие, как пресечение/наказание, должны уступать место реабилитации и исправительным целям правосудия в отношении детей-правонарушителей. Этого можно добиться с учетом соображений эффективной общественной безопасности».

Подобное положение также заложено в Модельный закон «О ювенальной юстиции».¹ Принцип, что лишение свободы должно быть средством крайней меры и должно применяться в течение, как можно, короткого промежутка времени отмечается очень часто, а альтернативы судебному разбирательству, как «меры по выведению из системы правосудия», и в частности, «восстановительная ювенальная юстиция» признаны Модельным законом в качестве основных требований для недопущения попадания детей в формальную систему правосудия. Статья 18 Модельного закона закрепляет руководящие принципы, которые могут быть положены в основу законодательных норм, касающихся мер по выведению из системы правосудия, основанных на подходах восстановительной ювенальной юстиции, которые также могут быть отражены в законодательстве Республики Узбекистан:

Статья 18 «Возможные альтернативные меры судебному разбирательству» [меры по выведению из системы правосудия]

- (1) Альтернативные меры судебному разбирательству (меры по выведению из системы правосудия) могут включать:
 - (a) Программы восстановительной ювенальной юстиции, такие как медиация между потерпевшим и правонарушителем, семейные конференции, вмешательства, основанные на социальной работе;
 - (b) Устные предупреждения;
 - (c) Формальные письменные предупреждения;
 - (d) Услуги по консультированию для детей и семей.
- (2) Компетентные власти [полиция] [прокурор] [суды (по делам несовершеннолетних)] должны обладать полномочием по вынесению решения о применении подходов восстановительной ювенальной юстиции. Целью данного решения является возмещение несовершеннолетним последствий его поведения в отношении потерпевшего, местного сообщества и/или общества.
 - (a) Подобное решение не может быть принято, если:
 - (i) ребенок и родитель не соглашаются в свободной форме на принятие данного решения; и
 - (ii) любое согласие на возмещение, которое должен сделать несовершеннолетний, является разумным и пропорциональным.

В случае если у несовершеннолетнего нет родителей, или имеется конфликт интересов между родителями и ребенком, юридический опекун [curator ad litem] [guardian ad litem] может предоставить данное согласие.

 - (b) Принятие вышеуказанного решения может потребовать от несовершеннолетнего:
 - (i) признание ответственности за совершенное правонарушение и проявление понимания последствий правонарушения для потерпевшего;
 - (ii) возмещение ущерба, причиненного потерпевшему, местному сообществу и обществу;
 - (iii) принесение извинений потерпевшему; и
 - (iv) выполнение определенных действий, которые были согласованы с потерпевшим и местным сообществом.
- (3) Альтернативы судебному разбирательству [меры по выведению из системы правосудия] должны быть

5. Пилотирование мер отведения и подходов восстановительного правосудия в Чиланзарском районе г. Ташкента:

В настоящее время пилотирование мер отведения и подходов восстановительного правосудия осуществляется **Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан и Академией Генеральной прокуратуры и Представительством Детского фонда ООН (ЮНИСЕФ) в Узбекистане**. Данный пилотный проект является ответом на рекомендации по отправлению правосудия в отношении несовершеннолетних, предоставленных Комитетом ООН по правам ребенка Узбекистану в 2013 году. Специально подготовленная команда при Межведомственной комиссии по делам несовершеннолетних Чиланзарского района, в которую вошли социальные работники, фасилитаторы процесса восстановительного правосудия, эксперты по применению мер отведения (без процесса восстановительного правосудия), представители Союзам молодежи, Махалли тесно сотрудничают с Прокуратурой Чиланзарского района по применению мер отведения. В частности, задачи проектной команды после получения материалов уголовного дела от Прокуратуры Чиланзарского района включают проведение оценки рисков и потребностей ребенка, составление плана отведения либо соглашения по отведению с участием потерпевшей стороны, а также мониторинг выполнения несовершеннолетних условий, указанных в плане. После успешного завершения ребенка выполнения плана/соглашения по отведению, приостановленное уголовное преследование в его отношении прекращается. Так как применение мер отведение законодательно еще не урегулировано, то пилотный проект осуществляется в рамках Временной инструкции, подписанной Хокимиатом г. Ташкента, Главным управлением органов внутренних дел г. Ташкента, Прокуратурой г. Ташкента.

На сегодняшний день в пилотный проект были переданы материалы в отношении 12 несовершеннолетних, совершивших преступления не представляющие большой общественной опасности и менее тяжкие преступления. 8 из этих детей были успешно выведены, 4 продолжают выполнять условия, предусмотренные в планах/соглашениях по мерам отведения. 1 несовершеннолетний совершил преступление повторно после завершения выполнения плана по отведению, что было во многом связано с нестабильной ситуации в семье и отсутствием контроля со стороны родителей.

Меры отведения-институт, который доказал свою эффективность с точки зрения реинтеграции детей, совершивших преступления, и предотвращения повторного совершения преступлений несовершеннолетними во многих странах мира и существуют многие исследования, подтверждающие эти данные. Соответственно, результатами пилотирования данного проекта в Узбекистане несомненно является необходимость его закрепления в Уголовном и Уголовно-процессуальных кодексах, подготовка

соответствующих инструкций и обучения специалистов, участвующих в данном процессе.

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ
СУДЛАРИДА СУД МУҲОКАМАСИ БОШЛАНГАНГУНГА ҚАДАР
ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ ВА ИШНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН
ТАЙИНЛАШ БОСҚИЧИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Судларда жиноят ишлар кўрилишида прокурор иштироки таъминланиши орқали унинг ваколатлари амалга оширилади ва бу прокуратура органлари фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасигача бўлган босқичда:

А) прокурор жиноят ишини суддан чақириб олиш;

Б) ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ваколатларига эга.

Шу билан бирга, суд муҳокамаси бошлангунга қадар, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи мавжуд бўлиб, ушбу босқичда судьяга бир қатор ваколатлар юклатилган бўлсада, мазкур ваколатларни судьянинг яқка ўзи ҳал этади. Бу эса, ЖПК принципнинг қонунийлик принципига зид ҳисобланади.

Прокурор жиноят ишини суддан чақириб олиш. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 34-модда 2-қисмига кўра, айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунга қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга¹.

Судлар томонидан юритилган ҳисоботларга кўра, 2015 йилда 325 та жиноят иши 481 нафар шахсга нисбатан, 361 та иш 562 нафар шахсга нисбатан, 2017 йилда 433 та иш 627 нафар шахсга нисбатан, 2018 йилда 95 иш 132 нафар шахсларга нисбатан прокурорлар томонидан чақириб олинган².

Мазкур рақамлар прокурорлар томонидан қайд этилган ваколатдан фойдалаётганликларини кўрсатмоқда. Бироқ, улар қандай ва қайси асосларга кўра мазкур ваколатлардан фойдаланмоқдалар?

Қонунда белгиланган қонидани амалга ошириш асослари ва механизми процессуал қонун билан тартибга солиниши лозим бўлсада, бироқ, ЖПКда прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунга қадар ишни суддан чақириб олиш ҳақидаги норма, унинг амалга ошириш механизми ханузгача белгиланмаган.

* Бош прокуратура Академияси Судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [Электрон ресурс] Қаралган вақти 22.03.20 й. <http://www.lex.uz/acts>

² Олий суд йиллик ҳисоботи 2015-2018 йиллар.

Бу каби нормани Германия Федератив Республикаси ЖПКда учратиш мумкин¹.

Фикримизча, қайд этилган қоидани ЖПКга киритиш, унинг асослари ва амалга ошириш механизмини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ саналади.

Шунга кўра, ЖПКнинг 394¹-модда билан тўлдириб, “айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Жиноят иши чақириб олинганлиги тўғрисида жабрланувчи, унинг вакилига ёзма хабар берилиши шарт. Суд муҳокамаси бошлангандан кейин жиноят иши чақириб олинишига йўл қўйилмайди”.

Ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ваколатларига эга. Жиноят ишлари бўйича прокурор ваколатининг сифатли таъминланишига, биринчи навбатда, прокурорни суд мажлисида иштирок этиш учун тайёргарлик кўриш даражаси таъсир қилади. Тайёргарлик кўриш эса, жиноят иши ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосланган ҳолда ўрганишда намоён бўлади.

Деярли барча ушбу йўналишда татқиқот олиб борган олимлар прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлик кўриш босқичига алоҳида тўхталиб ўтишган бўлиб, уларнинг фикрлари ўринли, аҳамиятлидир.

Масалан, Б.Х.Пўлатов фикрича, прокурор айнан суд муҳокамасида қатнашишга тайёргарлик кўриш босқичида иш учун аҳамиятли ахборотларни олиши, уларнинг маъносини тушуниб етиши ва таҳлил қилиши ҳамда шу ҳаракатлар асосида суддаги ўз иштирокининг стратегияси ва тактикасини (йўналиш ва услубиятини) ишлаб чиқиши лозим². Жиноят иши ҳужжатларидан яхши хабардор бўлган ва суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўрган прокуроргина суд процессида пайдо бўладиган барча муаммоларни ҳал эта олади³.

О.М.Мадалиев юқоридаги фикрларни давом эттириб, иш материалларини яхши ўрганмаслик эса давлат айбловини қувватлашни сифатини пасайтириб юборади, бу эса ўз ўрнида суд процесси якунига салбий таъсир кўрсатади⁴.

Н.В.Буланованинг фикрича, жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватлаш ваколати топширилган прокурор, суд муҳокамасига тайёргарлик кўришга мажбур⁵.

¹ Бойкольке Вернер. Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. 12-нашр, қўшимча ва ўзгартиришлар билан. –Тошкент: Тошкент давлат юридик университети нашриёти, 2017. 309 Б.

² Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг давлат айбловини қувватлашга тайёргарлик кўришининг аҳамияти ва мазмуни. Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. –Т. 2003. -5 Б.

³ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. - 93 Б

⁴ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./ -Т.: ТДЮИ, 2005. -41 Б.

⁵ Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Н.В.Буланова; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – Москва: Проспект, 2018. -15с.

В.А.Лазареванинг фикрича, давлат айбловчиси жиноят иши ҳужжатларини тўлиқ билишга мажбур¹.

Е.Павлова таъкидлашича, суд муҳокамасига иштирок этишга тайёргарлик кўриш - судда давлат айбловини таъминлаш методологиясининг асосий элементларидан биридир. Прокурор – давлат айбловчисининг процессуал фаолиятининг ушбу босқичини аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Суд жараёни бошлангунга қадар прокурор жиноят ишини ҳужжатларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли қабул қилишида кўмаклашишнинг муфакқиятли гарови бўлиб хизмат қилади².

Бу борада Л.Курочкинанинг фикрича, “давлат айбловчиси судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ҳақида топшириқ олган пайтдан бошлаб у суд мажлисига тайёргарлик кўра бошлаши, бунинг учун у мавжуд далиллар йиғиндисини холисона баҳолаши, ўз тактик ҳаракатларини ишлаб чиқиши, зарур ҳолларда тайёргарлик кўриш ва ўз позициясини асослаш учун суддан вақт беришни сўраши лозим”³.

Юқоридаги фикрларга асосланадиган бўлсак, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш учун прокурор жиноят ишини тўлиқ ўрганишга мажбур ҳисобланади.

Фикримизча, прокурор жиноят судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш вазифаси юклатилган ходим тегишли судлардан ҳар ҳафтада кўрилиши режалаштирилган жиноят ишларининг рўйхатини олиши, рўйхат асосида жиноят ишларига тайёргарлик кўриш кетма-кетлигини ташкиллаштириши лозим. Ҳар ҳафта бошида янги рўйхатни аввалги ҳафтада кўрилиши режалаштирилган ишлар рўйхати билан таққослаб, янги рўйхатга киритилмаган ишлар натижалари ҳақидаги маълумотларни суддан олиш ва кўриш яқунланган ишлар бўйича суд қарорларига ўз вақтида муносабат билдириш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари прокурордан судда далилларни текшириш, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар бериш, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, судланувчининг айби исботланганлигини ёки унинг жинойий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги ҳақида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини бериш учун жиноят иши материаллари билан батафсил танишиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 86-моддасига асосан исбот қилиш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юклатилган. Бирок, ЖПКнинг 81-моддасида эса, суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг

¹ Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. -129 С. – Серия: Профессиональная практика.

² Е.Павлова. Анализ и оценка прокурором заключений и показаний экспертов при подготовке к участию в рассмотрении уголовного дела судом первой инстанции. Законность. М.: 2020 (1), С 21.

³ Курочкина Л. А. Прокурор в суде апелляционной инстанции: кто он? // Законность. 2016. № 7.

қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Фикримизча, ЖПКнинг 81-моддасига “прокурор” жумласини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, прокурор исботлаш мажбурияти юклатилган субъект ҳисобланади, жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда бевосита иштирок этади.

Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи 6-бандида прокурорлар суд мажлиси бошлангунга қадар пухта тайёргарлик кўриб, терговга қадар текшириш, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилганлигини ўрганишлари лозимлиги белгиланган¹.

Худди шундай талаблар Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2012 йил 25 декабрдаги 465-сон буйруғи 4-бандида ҳам қайд этилган бўлиб, унга кўра прокуратура раҳбарлари давлат айбловчиларини, уларга суд муҳокамасига тайёрланиш учун реал вақт тақдим этган ҳолда, тайинлашлари лозимлиги, судда иштирок этиш ҳақидаги топшириқларни ёзма шаклда бериш кераклиги қайд этилган².

И.Н.Кожевниковнинг фикрича, жиноят иши ҳужжатларини яхши билмаган прокурор, ниҳоятда иқтидорли бўлганида ҳам, ўзининг нутқи билан суд ҳукмида акс этиши лозим бўлган саволларга жавоб бера олмайди³.

Дарҳақиқат, судларда мазмунан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари бўйича прокурор суд мажлисида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун жиноят содир этган шахснинг айби терговда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллар билан тасдиқланганлигини таҳлил қилиши, суд мажлисининг турли босқичларида қандай тактиканинг самарали бўлишини ҳал қилиши керак. Жиноят иши бўйича судда қандай вазият юз бериши мумкинлигини олдиндан билиши жуда муҳимдир.

О.М.Мадалиев фикрича, суд муҳокамасига тайёргарлик қисмини муҳим томони шундан иборатки, айнан шу босқичда ариза ва илтимосномаларни ҳал қилинади. Судда раислик этувчи илтимосномалар бўйича энг биринчи давлат айбловчисини фикрини сўрайди. Агарда, дастлабки тергов томонидан хатоларга йўл қўйилган бўлса, жиноят иши билан танишиб чиққан прокурор, жиноят процессининг худди шу босқичида аниқланган хатоларни бартараф қилиш учун қўшимча далилларни талаб қилишни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин⁴.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганмаслик прокурорнинг пассив фаолият юритишига сабаб бўлади ҳамда у суд натижаларига таъсир ўткази олмайди.

М.Ф.Громницкий, жиноят ишини тўлиқ ўрганиш лозимлигини, жиноят иши бўйича фақат дастлабки тергов ҳужжатларини билган синчковлик билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 27.11.2015 й. №126-сонли Буйруғи

² Борисенко И.В. Актуальные проблемы участия прокурора в рассмотрении уголовных дел судами // Серия “Экономика, право и управление”. 4/2016. С.173.

³ Кожевников И.Н. Прокурор ваколатлари // Россия юстицияси, 2012. -№12. 12Б.

⁴ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография. / -Т.: ТДЮИ, 2005. -42 Б.

билган ҳолдагина прокурор суд жараёнида ўзини хотиржам тутишини, хотиржамлик эса ишни муваффақиятли ўтишининг дастлабки шартларидан бирдир эканлигини, судда жиноят ишини пухта, батафсил биладиган киши ҳукмронлик қилишини таъкидлаган¹.

Амалиётда ишларда иштирок этиш учун тайинланган прокурор жиноят иши бўйича юритилган назорат иши билан танишади. Назорат ишини ўрганишда қийинчилик туғилмайди, чунки унда зарур маълумотлар қисқа шаклда жамланган бўлади.

Шунинг учун жиноят иши материалларини ўрганишнинг энг кенг тарқалган тактик усули – жиноят иши бўйича назорат ишларини ўрганиб, сўнг жиноят иши ҳужжатлари билан танишишга ўтиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 402-моддасига мувофиқ, судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурорга суриштирув ёки дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратиши шартлиги белгиланган.

Амалиётда дастлабки тергов ва суриштирув органларининг республика ёки вилоят маҳкамалари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари муайян ҳудуддаги судларга юборилганидан сўнг улар бўйича назорат ишлари давлат айбловини қувватлаши лозим бўлган прокуратура органига ўз вақтида етказилмасдан қолади. Бундай ҳолларда, судда иштирок этиш вазифаси юклатилган прокурор ЖПКнинг 402-моддасига асосан, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш жараёнида айблов хулосаси ва бошқа иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжатлардан нусха олиши ҳамда ўзи учун назорат иши юритиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ЖПКнинг 412-моддасига кўра, ишга янги киришган прокурорга суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун зарур вақт берилиши лозим ҳисобланади.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, иш ҳужжатлари билан таништириш суднинг мажбурияти, бу имкониятдан фойдаланиш прокурорнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, жиноят ишини ўрганишнинг бир неча усули мавжуд, дастлабки тергов жараёнига нисбатан тесқари тизимлаштирилган тартибда айблов хулосасидан бошлаб ўрганиш, давлат айбловчиси жиноят ишини терговчи томонидан тизимлаштирилган тартибда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва бирламчи ҳужжатлардан бошлаб, айблов хулосасига қадар ўрганиб чиқади².

В.А.Лазереванинг таъкидлашича, жиноят ишини ўрганишнинг энг кенг тарқалган усули хронологик ва тизимли ўрганишдир. Унга кўра, хронологик

¹ М.Ф.Громницкий. Роль прокурора на суде по делам уголовным// Дореволюционные юристы о прокуратуре. сб. ст. / науч. ред., сост. С.М.Казанцев. СПб.: Юрид.центр Пресс, 2001. С. 131.

² Пўлатов Б.Х. Давлат айбловчисининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш дастури/ Тошкент. 2002, 4-б.

бу жиноят ишини ҳар бир варағини тўлиқ ўрганиш бўлса, айблов хулосаси ва маълум бир эпизодларни ўрганиш тизим ўрганиш эканлиги баён этилган¹.

Б.Х.Пўлатов жиноят ишини айблов хулосасини ўрганишдан бошлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа², В.А.Лазерева эса, ҳар қандай ҳолатда, қандай мураккаб жиноят иши бўлишидан қатъий назар ишни тўлиқ ҳар бир варағи “от корки до корки” ўрганиш лозимлиги³ ҳақида, М.Ф.Громницкий ҳам В.А.Лазерева каби ишни биринчи варағидан то охириги варағига қадар ўрганиш⁴ тўғрисида фикр билдирган.

Фикримизча, В.А.Лазерева ва М.Ф.Громницкий фикрларига қўшилган ҳолда, прокурор жиноят иши ҳужжатларини тўлиқ ҳар бир варағини ўрганиши шарт.

Бирок, барча прокурорлар ҳам ушбу ёндашувнинг аҳамиятини тушунмайди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларга кўра, 167 нафар судда давлат айбловини қувватловчи прокурорлардан 16% жиноят ишини биринчи инстанция судида суд бошлангунга қадар тайёргарлик кўришади, 45% дастлаб айблов хулосасини ўрганиб, заруратга кўра жиноят ишини ўрганиб, далилларни таҳлил қилади, 33% жиноят ишини мураккаблиги ва ҳажмидан келиб чиқиб, биринчи ёки иккинчи усулни қўллаб, асосан айблов хулосасини ўрганиш билан кифояланади. Юқоридаги маълумотлар прокурорларнинг суд муҳокамасига тайёргарлик кўришдаги жиноят ишини билмаслигини кўрсатувчи умумий к амчиликни балки хусусий тортишув жараёнида айбловнинг индивидуал далилларини ва уларнинг умумийлигини таҳлил қилиш ва тортишув жараёнида уларни тақдим этиш ҳамда қувватлаш режаси мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда⁵.

Фикримизча, ЖПКда прокурорнинг жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шартлиги тўғрисида бирон бир норма мавжуд эмаслигини, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш иш юзасидан сифатли прокурор ваколатини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, прокурорга жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш шартли тўғрисидаги мажбурият юкловчи нормани киритиш лозим бўлади.

Шу билан бирга, фикримизча, юқорида қайд этилган Бош прокурорнинг соҳавий буйруғининг 6-бандидаги, прокурор иш ҳужжатлари билан танишиши лозимлиги тўғрисидаги қондан жиноят иши ҳужжатларини билан ташиш шартлилиги ҳақида қоида билан қатъийлаштирилиши лозим.

Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш йўналишида фаолият олиб бориш давомида 100 дан ортиқ жиноят ишини

¹ Лазерева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. -131 С. – Серия: Профессиональная практика.

² Б.Х.Пўлатов. Ўша китоб. -18 б.

³ Лазерева В.А. Ўша китоб. -133 б.

⁴ М.Ф.Громницкий. Роль прокурора на суде по делам уголовным// Дореволюционные юристы о прокуратуре. сб. ст. / науч. ред., сост. С.М.Казанцев. СПб.: Юрид.центр Пресс, 2001. С. 131.

⁵ Е.Павлова. Анализ и оценка прокурором заключений и показаний экспертов при подготовке к участию в рассмотрении уголовного дела судом первой инстанции. Законность. М.: 2020 (1), С 21.

таҳлил қилиш натижасида¹ фикримизча, жиноят иши ҳужжатлари билан танишишда прокурор томонидан қуйидаги ҳолатлар:

- ушбу жиноят иши қўзғатилишига асос бўлган сабаблар ва асослар;
- айбланувчи шахсни содир этилган жиноятда айблаш учун тергов жараёнида аниқланган фактлар ва иш бўйича мавжуд бўлган далиллар;
- иш бўйича аниқланган ҳар бир маълумот ёки ҳолатларни асословчи далиллар;
- айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилганлиги;
- жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлиги;
- айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлиги;
- айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар;
- айбланувчига танланган эҳтиёт чораси;
- айбланувчининг дастлабки берган тушунтиришлари, унга эълон қилинган айблов бўйича сўроқлари ҳамда уларни тергов даврида текшириш натижалари;
- айбланувчининг ўз ҳуқуқларидан реал фойдаланганлиги, ҳимоя ҳуқуқи таъминланганлиги;
- жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар;
- жабрланувчи, гувоҳ ва ишга алоқадор бошқа шахсларнинг тушунтиришлари ва сўроқлари;
- жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг жиноят содир этилиши натижасида бузилган ҳуқуқлари ва манфаатлари қай даражада тикланганлиги (моддий, жисмоний ёки маънавий зарар қай даражада қопланганлиги), тергов органи томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида мол-мулк хатлаш чоралари кўрилганлиги;
- иш ҳолатидан келиб чиқиб, экспертиза хулосалари, тафтиш далолатномалари;
- жиноят иши бўйича олинган ашёвий далиллар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- суриштирув ва тергов органи томонидан қабул қилинган бошқа қарорлар;
- дастлабки тергов ва суриштирув муддатларига риоя қилинганлиги ҳамда мазкур муддатларни ЖПКда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтирилганлиги;
- дастлабки тергов ва суриштирув органи томонидан алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш процессуал тартибига риоя қилинганлиги;
- дастлабки терговда, суриштирувда ҳамда жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш якуни бўйича жабрланувчи, айбланувчи, уларнинг адвокатлари ва бошқа процесс

¹ 2015-2018 йилларда ўрганилган жиноят ишлари юзасидан таҳлил натижаси.

иштирокчилари томонидан келтирилган шикоятлар, илтимосномалар мазмуни ҳамда терговчи, суриштирувчининг мазкур шикоят, илтимосномаларни кўриб чиқиш натижаси;

- айблов хулосаси ва айблов далолатномаси қонун талабларига мувофиқ тузилганлиги, ваколатли субъект томонидан тасдиқланганлиги ва имзоланганлиги;

- жиноят иши тергови тамомлангандан кейин тарафларга ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи таъминланганлиги;

- айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхалари юборилганлиги ўрганилиши лозим.

Ҳар бир жиноят иши алоҳида хусусиятга эга бўлганлиги сабабли прокурор жиноят ишининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа ҳужжатларни ҳам ўрганади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мақолада келтирилган таклифлар ва мулоҳазалар қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, уни такомиллаштиришга ҳамда иш сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ПРАВО НА ЮРИДИЧЕСКУЮ ПОМОЩЬ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА

В Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису, а также Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены концептуальные задачи по обеспечению верховенства закона и дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, согласно которым осуществляются организационно-правовые меры по повышению авторитета судебной власти и адвокатуры.

Реформы судебной-правовой сферы направлены на достижение независимости судов и обеспечение защиты интересов граждан в судах. В настоящее время идет работа по разработке проектов новых редакций Уголовного, Уголовно-процессуального, Гражданского процессуального, Гражданского кодексов. Разработан проект Концепции развития института адвокатуры для приведения в соответствие с международными стандартами институциональных основ деятельности адвокатуры и процессуальных прав адвокатов.

Кроме того, разработан проект Закона “О бесплатной юридической помощи”, принятие которого позволит увеличить доступ населения к юридическим услугам. Для удобства граждан создан национальный правовой интернет-портал Advice.uz, начала работу по оказанию бесплатной юридической консультации и практической правовой помощи населению ННО “Мадад”.

Развитие пандемии COVID-19 в мире продемонстрировало, что коронавирус оказал существенное влияние на вопросы соблюдения и защиты прав человека. В частности, во многих странах введены режим чрезвычайного положения, многие государственные органы, включая суды и органы юстиции закрыты для публики, переписка осуществляется в электронном формате.

Международные договоры по правам человека предусматривают, что в условиях чрезвычайного положения государства должны принимать адекватные меры по ограничению прав и свобод человека. В соответствии со ст. 116 Конституции Республики Узбекистан право на профессиональную юридическую помощь гарантируется на любой стадии следствия и судопроизводства.

Следует отметить, что “юридическая помощь” в различных формулировках (“право на юридическую помощь”, “право на помощь адвоката”, “право иметь защитника” и др.) получила закрепление в той или иной форме в международно-правовых документах, конституциях и

* Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

законодательствах государств, а также рекомендациях международных органов по правам человека.

Какие меры предпринимают адвокатские кампании разных стран для преодоления кризиса, вызванного пандемией коронавирусной инфекции COVID-19? Как в сложившихся условиях обеспечивать правовой режим адвокатской тайны и соблюдать процессуальные сроки? Эти и многие другие вопросы сейчас занимают умы адвокатов по всему миру и создают высокую напряжённость во всех странах, борющихся с пандемией коронавируса.

Существующая угроза здоровью адвокатов, режим самоизоляции и карантина, принимаемые меры по ограничению передвижения, а также изменения в порядке работы судов, следственных изоляторов, других органов и учреждений серьезно влияют на осуществление адвокатами своей деятельности и требуют своевременного реагирования.

Вводимые меры и ограничения в еще большей степени предполагают исполнение требований об обеспечении конституционного права граждан на получение квалифицированной юридической помощи. В связи с чем необходимо обеспечить баланс при реализации адвокатами в ходе осуществления ими профессиональной деятельности конституционных гарантий граждан: права на получение квалифицированной юридической помощи и права на жизнь и охрану здоровья. При этом адвокат, исполняя свои профессиональные обязанности, также подвергает опасности свое здоровье и здоровье своих близких.

Кроме того, в связи с изменением работы судов и режима самоизоляции адвокаты в значительной степени утратили возможность осуществления своей деятельности и получения за нее вознаграждения.

В государственные органы различных стран поступают обращения адвокатских палат по вопросам обеспечения безопасности участников судопроизводства при рассмотрении дел и поддержки адвокатского сообщества в период пандемии. Адвокатское сообщество просит судебные и правоохранительные органы обязать сотрудников неукоснительно соблюдать необходимые меры безопасности, а также предлагают судам реализовать ряд мер для повышения безопасности участвующих в рассмотрении дел адвокатов и их доверителей в условиях пандемии. Кроме того, адвокаты обращаются по вопросу снижения размера арендных платежей за помещения, занимаемые адвокатскими образованиями, предоставления налоговых льгот в период пандемии.

Поскольку адвокатская профессия является свободной, а адвокатская деятельность в ряде стран не относится к предпринимательской, меры экономической поддержки бизнеса на неё зачастую не распространяются. Но именно адвокатам в данной ситуации сложнее всего перейти на дистанционную работу, обеспечивая при этом сохранение адвокатской тайны и полноценное оказание юридической помощи доверителям. Так, достаточно непросто переоборудовать своё место проживания в помещение для консультирования доверителей и хранения конфиденциальных данных. При этом спрос на правовую помощь и в период кризиса сохраняется довольно

высоким, особенно он ощутим в сфере трудового права, банкротства, страхового права, семейного права и наследства.

С наступлением кризиса вновь остро встаёт вопрос внедрения цифрового судопроизводства. На сегодняшний день, что успешный переход на систему электронного судопроизводства осуществлён в 27 государствах. Опыт Китайской Народной Республики по цифровизации судопроизводства является одним из самых показательных. Эпидемия коронавируса не застала врасплох судебную систему Китая, где электронное судопроизводство функционирует с 2015 года, и по состоянию на февраль 2020 года в этой системе было вынесено более 81,5 миллиона судебных решений.

Животрепещущим вопросом для адвокатов всего мира является обеспечение конфиденциальности при использовании социальных сетей, различных сайтов и программ для организации видеоконференцсвязи при общении с доверителями или коллегами (например, Zoom, Microsoft Teams, Join.Me или Skype for Business).

Адвокатскому сообществу предстоит дать достойный ответ на новый вызов, связанный с пандемией и связанными с ней ограничительными мерами. Этот ответ формируется по ходу событий, и потому опыт коллег во всём мире особенно важен и ценен.

По мере распространения пандемии многие люди сталкиваются с необходимостью получения юридических консультаций в связи с потерей места работы или жилья, необходимостью получения страховых выплат, государственных пособий и иных льгот, предусмотренных мерами государственной поддержки. Масса вопросов возникает и у работодателей, руководителей компаний.

Многие адвокаты адаптируются к новой реальности, проводя онлайн-консультации, записывая ролики в социальных сетях, комментируя законодательства в приложениях и телеграм-каналах, выступая в качестве экспертов на радио и телевидении, создавая горячие линии для ответов на животрепещущие вопросы граждан.

В этой связи примечателен опыт Американской ассоциации юристов (АВА), создавшей общенациональную рабочую группу, состоящую из опытных юристов и судей, для бесплатного консультирования граждан по любым вопросам, возникающим в связи с пандемией коронавируса. В состав целевой группы АВА входят эксперты по реагированию на стихийные бедствия, законодательству в области здравоохранения, страхованию, трудовому, налоговому, семейному праву.

Кроме того, настала пора развитие системы “Электронная адвокатура”, которая будет интегрирована с системой “Электронный суд”. В условиях пандемии использование электронных систем позволяет минимизировать личные контакты адвокатов с доверителями и представителями судов. Следует также начать работу над мобильным приложением, с помощью которого адвокаты смогут оказывать квалифицированную юридическую помощь гражданам.

АҚШ ВА БУЮК БРИТАНИЯДА ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ

Ғарб жиноят процесси миллий моделлари турли-туман бўлсада ҳозирда ғоявий жиҳатдан яхлитдир. У инсон ҳуқуқлари фалсафаси ва фундаментал демократик принциплар: айбсизлик презумпцияси, одил судга бўлган ҳуқуқ, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқининг таъминлаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда шахс ҳуқуқларини кафолатлашга асосланган. Мазкур кадриятлар универсал ҳисобланиб, миллий қонун чиқарувчи томонидан жиноят-процессуал нормалар ва институтларни шакллантиришда шубҳа остига олиниши мумкин эмас.

АҚШ ва Англия жиноят процесси, қўлида жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал қарорлар қабул қилиш бўйича барча ваколатлар жамланган, иш ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив аниқлаш мақсадида исботлашни амалга оширувчи процессуал ҳоқимиятнинг ягона маркази мавжудлигини техник жиҳатдан инкор этади. Бундай ёндошувда на Англия ва на Америка жиноят процессига “жиноят иши”, “жиноят иши бўйича иш юритиш”, “жиноят иши бўйича иш юритувчи шахс” категориялари номаълум¹.

АҚШда суднинг жамиятда тутган ўрнини биринчи Конгресс томонидан қабул қилинган биринчи қонун “Судни ташкил этилиши тўғрисида” қонун эканлигидан ҳам билишимиз мумкин.

АҚШ суд назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, АҚШ Олий суди томонидан суд назоратининг предмети ва чегараси белгилаб берилади. Полиция мустақил равишда фақатгина фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекламайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолда судга мурожаат қилиши ва турар-жойда тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва бошқаларга рухсат олиш учун судга мурожаат қилиши керак. Полиция қисқа муддатли ушлаб туришдан бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эмас. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида ишни мазмунан кўриш асосан жамоатчилик вакиллари (присяжныйлар суди) томонидан профессионал судьянинг раҳбарлиги остида амалга оширилиши, прокурорнинг ваколатлари чекланганлиги сабабли суд ишни судга қадар юритишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий балки ягона ҳимоячиси сифатида кўрилади.

АҚШда етарли асослар мавжуд бўлганида, полиция қамоққа олиш ёки тинтув ўтказиш ҳақида судга мурожаат қилади. Магистрат суди асослар етарли эканлигини текшириб, қамоққа олиш ёки тинтув ўтказиш масаласини ҳал қилади. Жиноят иши кўзғатиш босқичи мавжуд эмаслиги сабабли ордер

* Судьялар олий мактаби Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.

¹ Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. – 2-е изд., испр. – М.: Статут, 2017. – с.185

берилиши кўпгина штатларда жиноий таъқиб бошланганлигини англатади. АҚШда далилларни номақбул деб топиш йўли билан суд назоратини амалга ошириш, яъни далил конституциявий ҳуқуқларни бузган ҳолда олинган бўлса уни номақбул деб топишнинг ўзи самарали механизм ҳисобланади. Суд назорати бўйича энг машҳур суд прецедентларидан бири 1961 йилдаги *Mapp v. Ohio* ҳисобланади. Огайо полицияси *Dolree Mapp* исмли шахснинг уйида ўтказилган тинтув натижасида, порнографик материаллар сақланаётганлиги аниқланган. Ушбу далиллар асосида, *Dolree Mapp* судланган бироқ суд ҳукмига апелляция берган. Олий суд полиция томонидан уйни тинтув қилиш жараёнида *Mapp* тинтув ўтказилаётгани ҳақида огоҳлантирмаганлиги сабабли тўпланган далилларни номақбул деб топган.

Powell v Nevada, 511 US. 79 прецеденти бўйича эса, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган *Powell* 72 соат ичида судга келтирилмаган. Ушлаб турилишининг 48 ва 72 соати оралиғида у иқrorлик кўрсатмалари берган. Судда *Powell*нинг иқrorлик кўрсатмалари унга қарши фойдаланилган ва у айбли деб топилган. *Powell* ҳукмдан норози бўлиб, кўрсатмалар у ноқонуний ушлаб турилган вақтда олинганлиги яъни 48 соат ичида одил судловга бўлган ҳуқуқи бузилган ҳолда олинганлиги сабабли иқrorлик кўрсатмасини номақбул далил деб эътироф этишни сўраган. Суд унинг важларини асосли деб топган¹.

1970 йил 14 январда полициянинг 6 нафар офицери қотилликда гумон қилинган *Payton*нинг яшаш жойига суднинг рухсатсиз кириб, далилий ашё бўлган гильзани топганлиги ҳолатига асосланган суднинг айблов ҳукми Конституциянинг 4-қўшимчасига ҳилофлиги сабабли бекор қилинганлиги натижасида “*Payton*” қондаси номли прецедент юзага келган².

Johnson v. United States ишида полиция кечиктириб бўлмайдиган ҳолат тушунчасини ўзича талқин қилганлиги, яъни *Johnson*нинг меҳмонхонадаги хонасида суднинг рухсатсиз тинтув ўтказганлиги, хаттоки айбланувчининг гиёҳванд моддалар истеъмол қилганлиги ҳақида далиллар аниқланган бўлсада, унинг хонасига киргунга қадар полицияда суднинг рухсатсиз тинтув ўтказиш учун етарли асослар бўлмаганлиги сабабли, суднинг қарори бекор қилинган. Конституциявий ҳуқуқларни чеклаш учун суд томонидан рухсат бериш “*No warrant shall actually designed without probable case*”(эҳтимолий сабабсиз суднинг ордери берилмайди) қондасига асосланади.

Уйида тезкор маълумотлар асосида тинтув ўтказилган *Spinelli* иши эса, полициянинг ўзи ёки унга кўмаклашувчи шахсларнинг тинтув ўтказишга асослар мавжудлиги ҳақида гувоҳлиги номақбуллиги ҳақида қонданинг шаклланишига олиб келди.

АҚШда ҳам суд камдан-кам ҳолларда тинтувга рухсат беришни рад қилганлиги сабабли унга фақат расмиятчилик деб қараш ҳам мавжуд. Жиноят ишлари бўйича тергов ФБР (Федерал тергов бошқармаси) ва бошқа

¹ American criminal procedure/Cases and commentary. Eight edition/Thomson west. 2007 p. 181

² American criminal procedure/Cases and commentary. Eight edition/Thomson west. 2007 p. 182

кўплаб федерал хизматлар, шунингдек ёки тегишли штат ҳукуматида ёки графлик, шаҳар ёхуд қишлоқ муниципалитети маҳаллий ҳокимиятига бўйсунувчи, бир-биридан мустақил бўлган кўплаб полиция муассасалари томонидан олиб борилади. Улар гумон қилинувчини ҳибсга олиш, тергов қилиш, жиноят далилларини излаб топиш ва йиғиш ҳуқуқига эгадирлар, ҳибсга олиш, тинтув қилиш ва бошқа баъзи тергов ҳаракатлари полиция томонидан суднинг рухсатини олдиндан олиб ёки алоҳида ҳолларда кейин олиб амалга оширилади¹.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида суд назоратининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ишни судга қадар юритувчи органлар шу жумладан полициянинг айблов функцияси аниқ белгиланган.

2. Суд назорати тарафларнинг тортишуви принципи асосида амалга оширилади.

3. Шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузиш йўли билан олинган далиллар ҳар бир ҳолатда номақбул далил деб эътироф этилади.

4. Суд назорати алоҳида институт ҳисобланмасдан, жиноят процесси шу жумладан ишни судга қадар юритишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

5. Судьялар шахснинг конституциявий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ масалаларда нафақат муайян масалани кўриб чиқиб ҳал қилади, балки ҳуқуқ нормаларини яратади ва ривожлантиради.

6. Суд назоратини амалга ошириш жараёнида қарор ва ҳаракатларни қонунийлиги ва асослилиги баҳо берибгина қолмасдан, далилларни текширади ва етарли эканлигини муҳокама қилади. Далиллар етарли бўлмаган тақдирда, жиноий таъқиб тугатилади.

7. Буюк Британияда суд назорати айнан жиноят процесси институти сифатида эмас, универсал институт сифатида фаолият кўрсатади. (2015 йилдаги Жиноят ишлари бўйича одил судлов ва судлар тўғрисида қонун Criminal Justice and Courts Act 2015)

Буюк Британияда ҳам суд назорати ишни судга қадар юритишнинг таркиби қисми ҳисобланади².

Анъанага кўра, Буюк Британияда ишни судга қадар юритувчи органларнинг қарорларини бекор қилиш учун асослар 3 га бўлинади: 1) қарор қабул қилувчи ноқонуний ҳаракат қилганлиги ('illegality'); 2) қарор адолатсиз процедура натижасида қабул қилинганлиги ('procedural impropriety'); 3) қарор асоссиз ёки иррационаллиги ('irrationality' or 'unreasonableness'). Бирок, мазкур асослар доимий равишда ривожланиб бормоқда, масалан Европа қонунларининг шу жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси бузилиши ҳам асос бўлиши мумкин³.

¹ А.Х.Саидов. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: қомусий луғат- Т., 2006-б.46

² Полициянинг ваколатлари, фақат суднинг рухсати билан ўтказиладиган ва мустақил равишда ўтказиладиган ваколатларга бўлинади. Ушланган ҳар қандай шахс, судга келтирилади ва ушлаш асослари текширилади, асослар мавжуд бўлмаган тақдирда суд уни озод қилиш ҳақида қарор қилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи барча ҳаракатлар жумладан тинтув, фақат суд буйруғи билан ўтказилади.

³ Sarah Harvie-Clark. SPICe Briefing Judicial Review 8 July 2016 16/62 p. 6

Буюк Британияда суд назорати натижасига кўра ҳуқуқни тиклаш воситалари ҳам турлича бўлиб, баъзида қарор қабул қилувчига қайта қарор қабул қилиш вазифаси юклатилади, бироқ қарор мазмунига бирор бир шарт қўйилмайди.

ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ИШНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ТОМОНИДАН АДОЛАТЛИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ҲУҚУҚИ

Халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ишнинг мустақил ва холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид нормалар белгиланган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида “Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаш учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”¹ деб қайд қилинган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-банди қўйидагиларни кўзда тутди: “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”². Ушбу пактга давлатлар томонидан риоя қилиниши мониторинги учун масъул бўлган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси таъкидлашича, ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи “ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлак ҳуқуқ”³ ҳисобланади.

Шунингдек, Қўмита ҳатто уруш даври ёки фавқулодда вазиятларда ҳам фақатгина суд бирон бир шахсни жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкинлигини ойдинлаштириб берди. Шундай экан, бу ҳуқуқ барча ҳолатларда ва барча оддий, махсус судларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Шу билан бирга, “Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенциянинг 18-модда 1-бандида белгиланишича, “меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари иши қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”⁴.

Минтақавий халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 6-модда 1-бандида белгиланадики, “Ҳар ким ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

* Судьялар олий мактаби бош мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. – Тошкент: “Адолат”, 2004. –Б.32.

² “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. –Тошкент: “Адолат”, 2004. –Б.41.

³ González del Río v Peru, HRC Communication 263/1987, UN Doc CCPR/C/46/D/263/1987.

⁴ Международная конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей. Принята резолюцией 45/158 Генеральной Ассамблеи от 18 декабря 1990 года.
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant3.shtml.

ҳақидаги даъволашувда ёки ўзига нисбатан ҳар қандай жиноий айблов билдирилганда, ўз ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”¹.

Европа Иттифоқи Вазирлар Кўмитасининг “Инсон ҳуқуқлари ва террорчиликка қарши курашга оид” раҳбарий принципларининг IX принципи шуни белгилайдики: “Террорчилик ҳаракатларида айбланаётган шахс ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли”². Европа Иттифоқи асосий ҳуқуқлари хартиясининг 7-моддасида айтилишича: “Ҳар ким ишининг қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли”³.

Осиё-Тинч океани минтақасида “Суд муассасаларининг мустақиллигининг принциплар тўғрисида”ги Пекин баёнотида (“Пекин принциплари”) кўзда тутилишича: “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги у томонидан масалаларни ҳолис баҳолаш асосида ҳамда қаердан келаётганидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита тарзда, қонунни тегишли таъсирсиз тушуниш асосида ҳал қилинишини тақозо этади”⁴.

Америка Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларациясининг 26-моддасида таъкидланишича эса: “Ҳуқуқбузурликда айбланаётган ҳар бир киши ишининг мавжуд қонунлар асосида тузилган суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли”⁵.

Америкалараро Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциясининг 8-моддаси 1-бандида белгиланишича “Ҳар бир инсон ўз ишининг тегишли кафолатлар билан ва муайян вақт давомида ўзига нисбатан жиноий характердаги ҳар қандай айбловни асослаш учун ёки унинг фуқаролик, меҳнатга оид, молиявий ёки бошқа характердаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун қонуний тузилган малакали, мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”⁶.

Шунга ўхшаш ифодадан фойдаланилган ҳолда Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясида шундай дейилади: “Ҳар бир инсон ўз ишининг кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”, ушбу ҳуқуқ “айби ваколатли суд ёки трибунал томонидан белгиланмагунча айбсиз, деб ҳисобланиш ҳуқуқи”ни ҳам назарда тутаяди, “ишининг малакали суд ёки трибунал

¹ Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms. Rome, 04/11/1950. <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/005>.

² Руководящие принципы в области прав человека и борьбы с терроризмом. Утвержденным на 304-ом заседании Кабинета Министров 11 июля 2002 г. [http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf\(2002\)8rus.pdf](http://www.concourt.am/hr/rus/h-inf(2002)8rus.pdf).

³ Хартия Европейского союза об основных правах. <https://eulaw.ru/treaties/charter>.

⁴ Beijing Declaration on the Principles of the Independence of the Judiciary, adopted in 1995 by the Sixth Conference of Chief Judges of Asia and the Pacific. https://www.hurights.or.jp/archives/other_documents/section1/1995/08/beijing-statement-of-principles-of-the-independence-of-the-judiciary-in-the-lawasia-region-beijing-1.html.

⁵ American Declaration of the Rights and Duties of Man (1948)

(Adopted at the Ninth International Conference of American States, Bogota, Colombia, 2 May 1948)

[https://www.ohchr.org/EN/Issues/Education/Training/Compilation/Pages/2AmericanDeclarationoftheRightsandDutiesofMan\(1948\).aspx](https://www.ohchr.org/EN/Issues/Education/Training/Compilation/Pages/2AmericanDeclarationoftheRightsandDutiesofMan(1948).aspx).

⁶ American Convention on Human Rights: “Pact of San José, Costa Rica”. Signed at San José, Costa Rica, on 22 November 1969. Registered by the Organization of American States on 27 August 1979. <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201144/volume-1144-I-17955-English.pdf>.

томонидан оқилона муддатда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга”¹. Ушбу моддани Хартиянинг 26-моддаси билан бирга ўқиш керак, унга кўра, аъзо-давлатлар “судларнинг мустақиллигини кафолатлашга мажбур”. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси эса, 7-модда “чекиниш мумкин бўлмаган сифатда кўриб чиқилиши” кераклиги, зеро, у “фуқароларнинг энг кам даражадаги ҳимоясини” таъминлашини”² таъкидлайди.

Суд тизимининг мустақиллигига оид Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссиясининг “Суд тизими мустақиллигини ҳурмат қилиш ва уни кучайтириш бўйича Резолюцияси”³ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Халқаро гуманитар ҳуқуқда ҳам ишнинг адолатли судлов йўли билан кўриб чиқилиши ҳуқуқи тан олинади. Женева конвенциясининг биринчи баённомаси 75-моддаси 4-бандида белгиланганидек: “Қуролли можаро билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарлик содир қилишда айбланган шахсга нисбатан оддий суд жараёнининг умумэтироф этилган принципларига риоя қилувчи бетараф ва тегишли тарзда таъсис этилган суд қарорисиз ҳеч қандай ҳукм чиқарилиши ва жазо чоралари кўрилиши мумкин эмас”⁴.

Юқоридаги халқаро ва минтақавий ҳужжатлардаги нормалар ўз ичига қуйидаги ҳуқуқларни қамраб олади:

а) жараён айбланувчи ўзи айбланаётган ҳуқуқбузарлик тафсилотлари ҳақида дарҳол хабардор қилиниши ва айбланувчига судгача ва суд жараёнида барча зарур ҳуқуқлар ва ҳимоя воситалари берилишини кўзда тутиши керак;

б) ҳеч бир шахс шахсан жиноий жавобгарлик асосидан ташқари ҳуқуқбузарлик учун ҳукм қилиниши мумкин эмас;

в) ҳуқуқбузарликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қонун йўли билан исботланмагунча, айбсиз ҳисобланади;

г) айбланаётган ҳар бир шахс ишининг ўзи иштирокида судда кўриб чиқилишига ҳақли.

Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид юқори стандартлари адолатли судлов муҳокамаларининг минимал кафолатларига риоя қилишни талаб қилади, масалан, БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ, судья тарафларнинг қуйидаги ҳуқуқларини тан олиши шарт⁵:

а) суд муҳокамасининг характери ва мақсади тўғрисида батафсил хабардор қилинган бўлиши;

б) ўзини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш учун етарлича имкониятга эга бўлиши;

¹ African Charter on Human and Peoples' Rights. Concluded at Nairobi on 27 June 1981.

<https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>.

² African Charter on Human and Peoples' Rights. Concluded at Nairobi on 27 June 1981.

<https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>.

³ Resolution on the Respect and the Strengthening on the Independence of the Judiciary - ACHPR/Res.21(XIX)96 <https://www.achpr.org/sessions/resolutions?id=26>.

⁴ Дополнительный протокол к Женевским конвенциям от 12 августа 1949 года, касающийся защиты жертв международных вооруженных конфликтов (протокол I) Женева, 8 июня 1977 года. <https://lex.uz/docs/2674806>.

⁵ Проект свода принципов Организации Объединенных Наций, касающихся права на справедливое судебное разбирательство и восстановление нарушенных прав (E/CN.4/Sub.2/1994/24, приложение II).

с) ёзма ёки оғзаки шаклда далиллар ва кўрсатмаларни тақдим қилиши ҳамда бошқа тараф томонидан тақдим қилинган далиллар ва кўрсатмаларга жавоб бериши;

d) суд ишини юритишнинг барча босқичларида маслаҳатлашиш ва ҳимоячи ёки бошқа малакали шахс сифатида танланиб тақдим қилиниши;

е) суд ишларини юритишнинг барча босқичларида таржимоннинг оғзаки таржима хизматига мурожаат қилиши, башарти, музокара олиб бориладиган тилни у тушунмаса ёки мазкур тилда гапира олмаса;

f) очик суд ишида томонлар танишган ягона далиллар асосида қабул қилинган суд қарорлари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалаши ҳамда кафолатлаши;

g) суд томонидан қабул қилинган қарорни ноқонуний равишда чўзмасдан олиши. Суд муҳокамасида қатнашаётган тарафлар қарор ва унинг асослари билан батафсил танишишлари керак;

h) қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиши ёки юқори суд инстанцияларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиш, охириги инстанция апелляция суди томонидан қабул қилинган қарорлар бундан мустасно.

Қонунда назарда тутилган процедуралар асосида ва улар билан асосланган ҳолатлардан ташқари, судья ўз қарашлари асосида шахсни озодликдан маҳрум қилиши мумкин эмас. Шунга мувофиқ, шахсни озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги судьянинг қарори уни ҳолис баҳоламасдан ва бундай чорани асосламасдан қабул қилиши мумкин эмас. Худди шундай, шахсни тегишли қонун нормаларини нотўғри қўллаш натижасида виждонсиз қарор қабул қилиш билан шахсни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳам ўзбошимчалик ҳисобланади. Бу суд процессига тегишли бўлиб, у тегишли далилларга ҳолис баҳо бермасдан олиб борилган ҳисобланади.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуққа таъриф берилади, унда суд олдида “барча шахсларнинг тенглиги” ва уларга қўйиладиган ҳар қандай “жиной айблов” ёки “фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганда” қонунга мувофиқ тузилган “нуфузли, мустақил ва ҳолис суд” томонидан “адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши” ҳуқуқига эгаллиги белгиланган¹.

Халқаро пактнинг 14-моддаси 2-7-бандлари ва 15-моддасида мазкур ҳуқуқдан жиноий иш юритишга нисбатан ҳамда 14-модданинг 1-бандида ўрнатилган адолатли суд муҳокамасининг умумий принциpidан фойдаланиш бўйича аниқ нормалар кўрсатилган мазкур нормалар жиноят ишини тафтиш қилишнинг барча босқичларида шу жумладан, дастлабки процессда, башарти мавжуд бўлса, ҳамда суд музокарасининг барча босқичларида қўлланилади, аммо улар минимал кафолатлар бўлганлиги учун одил судлов музокараларини таъминлаш учун уларга амал қилиш ҳамма вақт ҳам етарли эмас. Қуйидагилар минимал кафолатлар ҳисобланади:

¹ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. –Тошкент: “Адолат”, 2004. –Б. 41.

а) қонун билан айби исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга бўлган ҳуқуқ;

б) жиноят содир қилганлиги учун узил кесил ҳукм қилинган ёки оқланган шахсни мазкур жиноят учун иккинчи марта судланмасликка бўлган ҳуқуқи;

с) жиноий айбловнинг характери ва тақдим қилиш асослари тўғрисида айбланувчини ўзи тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор қилинишга бўлган ҳуқуқи;

д) ўзини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлишга бўлган ҳуқуқ;

е) ўзи томонидан танланган адвокат билан учрашишга бўлган ҳуқуқ;

ф) асослантирилмаган кечиктиришсиз судланишга бўлган ҳуқуқ;

г) ўзининг иштирокида судланишга бўлган ҳуқуқ;

ҳ) шахсан ўзи-ўзини ёки ўзи танлаган адвокати орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқи, башарти, унинг адвокати бўлмаса, бундай ҳуқуқи борлиги тўғрисида хабардор қилиниши;

и) ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзи учун тайинланган адвокатдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ башарти буни одил судлов манфаати талаб қилса, ҳамда адвокатнинг хизматига тўлашга етарлича маблағи бўлмаса бундай ҳолатда бепул хизмат кўрсатишни таъминлаш;

й) унга қарши кўрсатма берадиган гувоҳларни сўроқ қилишга бўлган ҳуқуқи ёки мазкур гувоҳларни сўроққатортишга бўлган ҳуқуқи;

к) ўзига қарши кўрсатма берадиган гувоҳлар учун қўйилган бир хил шартлар асосида ўзининг гувоҳларини чақиришга ва сўроқ қилишга бўлган ҳуқуқи;

л) агар судда ишлатиладиган тилни тушунмаса ёки унда гапира олмаса таржимоннинг хизматида бепул фойдаланишга бўлган ҳуқуқи;

м) ўзи-ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбини тан олишга мажбур қилинмасликка бўлган ҳуқуқи;

н) вояга етмаган шахснинг ёшини эътиборга оладиган ва уни қайта тарбиялашга кўмак бериш учун иштиёқманд бўлган суд процессига бўлган ҳуқуқи;

о) ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро ҳуқуқ нормасига кўра жиноят ҳисобланмаган бирор бир ҳаракати ёки камчиликка йўл ҳуқгани учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилмасликка бўлган ҳуқуқи;

р) суд қарорини очиқ эълон қилинишига бўлган ҳуқуқи;

қ) қонунга мувофиқ бирор бир жиноят учун ҳукм қилинган шахснинг ўзи устидан чиқарилган ҳукмни юқори турувчи суд инстанциялари томонидан қайта кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқи.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 6-моддаси 1-банди ҳамда 7-моддаси, 14-модданинг 7-банди, 15-моддаларда ҳукм қилинган шахснинг қуйидаги ҳуқуқлари тан олинади¹:

¹ “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплами. –Тошкент: “Адолат”, 2004. Б.39-43.

а) жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган жиноий жазога нисбатан оғирроқ жазога тортилмасликка бўлган ҳуқуқ;

б) жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланмасликка ёки жазоланмасликка бўлган ҳуқуқи;

с) шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи жазога тортилмасликка бўлган ҳуқуқи;

д) ўлим жазоси халигача бекор қилинмаган давлатларда 18 ёшдан кичик шахсларга нисбатан ўлим жазоси ҳукмини қўлламасликка бўлган ҳуқуқи, ўлим жазоси ҳукми фақат ўта оғир жиноятлар учун қабул қилиниши ва фақат жиноят содир қилинган пайтда амалда бўлган қонунга мувофиқ ўлим жазосига тортиш мумкин.

ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”нинг биринчи бўлимида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини амалда ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўналишида жиноят қонунчилигининг, айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари - вояга етмаганлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва қарамоғида вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз шахсларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, шунингдек, концепциянинг иккинчи бўлимида жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш белгилаб қўйилган¹.

Юриспруденцияда алоҳида ёндашув билан тадқиқ этиладиган йўналишлардан бири, бу вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланиб, у ўз ичига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, тарбияси, қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига қарши курашни камраб олади.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга, яъни, вояга етгунга қадар бўлган шахс бола ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Шу сабабли, жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсга жиноят содир этганлик учун жавобгарлик белгилашда қонун чиқарувчи томонидан вояга етмаган шахснинг ёши, ўзига хос жисмоний ва ақлий ривожланиши, боланинг ўз ҳатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш қобилияти, унинг жамиятда тутган

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг 1-бўлими 3.4 банди, 2-бўлими 2.6 банди.

ўрни, шуғулланиши мумкин бўлган касби ҳамда бошқа омиллар эътиборга олинган.

Жиноят кодексининг 17-моддаси талабларига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Аммо, ушбу модданинг бешинчи қисми талабларига кўра, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва кодексда алоҳида белгиланган вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, вояга етмаганлар, уларнинг ҳаракатларида фақат Жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатиб ўтилган моддалардаги жиноят таркиби мавжуд бўлсагина жавобгарликка тортилиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар Жиноят-процессуал кодексининг 548-564-моддалари асосида юритилади. Ушбу тоифадаги шахсларнинг жиноят ишларини юритишда 1984 йил 18 майда Пекинда қабул қилинган “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тегишли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қоидаларининг минимал стандартлари”, 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сонли Қарорида назарда тутилган қоидалар эътиборга олинади. Таъкидлашимиз лозимки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизда етарлича қонуний базага эга.

Жиноят процессида вояга етмаганларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши улар иштирокидаги ишларнинг алоҳида тартибда кўриб чиқилиши билан изоҳланади. Демак, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояси алоҳида тартибда амалга оширилиб, мазкур соҳада махсус процессуал қоидалар келтирилган. Ушбу аснода таъкидлаш лозимки, вояга етмаганлар деганда қонундаги фуқаролик лаёқатини тўла амалга ошириш ёшига етмаган, яъни Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ўзининг ҳуқуқ ва эркинлик ҳамда юридик мажбуриятларини тўла ҳажмда амалга ошира олмайдиган шахсларни тушуниш лозим. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби мазкур шахсларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама тўла ва ҳолисона текшириб чиқиш, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳамда судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуига тўғри баҳо бериш,

одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда қонунда кўрсатилган имтиёзлардан тўла фойдаланишга имконият яратиш лозим¹.

Вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини алоҳида ҳимоя қилинишини қуйидагилар билан эътироф этиш мумкин:

- мазкур ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги;
- прокурорнинг алоҳида диққат-марказида туриши;
- ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкинлиги;
- сўроқ қилиш даврида педагог ёки психологнинг иштирок этиши.

Жиноят-процессуал кодексининг 550-моддасига кўра, вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи бор сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахсинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиғи билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур эканлиги кўрсатилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари суд муҳокамасига қўйилганда айбланувчи вояга етган-етмаганлигидан қатъи назар, адвокат иштирок этишлиғи шарт эканлигини назарда тутишлари керак. Ушбу қоида жиноятлардан бирини, шахс 18 ёшга тўлмасдан олдин, иккинчисини вояга етганидан сўнг содир этганликда айбланган ҳолларда ҳам амал қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ дастлабки тергов жараёни ва судда вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари бўйича адвокатнинг иштирок этиши шарт. Мазкур қоида ушбу Кодекснинг 52-моддаси талабига кўра вояга етмаган шахс ҳимоячидан воз кечганда ҳам татбиқ этилади. Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик ЖПКнинг 487-моддасига асосан, ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўладиган жиноят процессуал қонуннинг жиддий бузилиши деб қаралиши керак. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз аниқланган ҳар қандай далил юридик кучга эга эмасдир.²

Агар ишда вояга етмаганнинг ўз ҳимоячиси бўлмаса, ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор муурожаатига биноан адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси адвокатга ишда иштирок этиш тўғрисида топшириқ беради. Бунда адвокат ҳимоячи сифатида иштирок этгани учун ҳимояланаётган шахсдан ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ (гонорар) олади³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ғ. Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 877-878.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 21-сонли қарори 3-банди.

³ Матжанов И.А. Жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси // ҚДУ Ахборотномаси. – 2016. 3-сон. – Б. 81-83.

Жиноят-процессуал кодексининг 549-моддасига кўра, вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилади.

Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилиши белгилаб қўйилган.

Мана шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонуний вакил иштироки, ўз навбатида вояга етмаганнинг ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига, ҳимояни таъминлашга оид қўшимча кафолат яратилишига, жиноят ишининг объектив юритилишига, ҳақиқатнинг аниқланишига, жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларнинг бартараф этилишига ва ниҳоят, тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, қонуний вакилнинг иштирок этиши учун вояга етмаганнинг розилиги талаб қилинмайди ва вакилнинг иштироки унинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятдир. Аммо, вояга етмаган шахсга нисбатан вакилнинг қандай муносабатда эканлигини терговчи ижтимоий-психологик нуқтаи назардан аниқлаши ва зарур бўлса – вояга етмаган шахс билан вакилнинг унга муносабати ҳақида суҳбатлашиши лозим.

Вояга етмаган айбланувчи ёки гумон қилинувчининг қонуний манфатларини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш жараёнида терговчи, албатта, психолог ёки педагогнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Бугунги кундаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда вояга етмаганлар иши бўйича педагог ёки психологнинг иштирок этиш механизми қонунда ўз аксини тўлиқ топмаган. Яъни:

- айнан кимни ишга жалб қилиш керак, психологними ёки педагогними? Мазкур масала вояга етмаганнинг хулқ-атвори ёки руҳий ўзига хосликларидан келиб чиқиб терговчи ёки суриштирувчи томонидан ҳал қилиниши лозим;

- дастлаб ким психолог ёки педагог сифатида чақирилиши ҳал қилиниши лозим. Агар ишга психологни жалб қилиш ҳақида қарорга келинса, бу ҳолда вояга етмаганлар психологияси бўйича олий маълумотли ва етарли иш тажрибасига эга психолог чақиртирилиши мақсадга мувофиқ;

- кимни педагог сифатида чақириш улар ўртасидаги муносабатдан (вояга етмаган танийдиган, яқин алоқада бўлган, устозим деб биладиган ва ҳ.) ва ҳар бир вояга етмаган шахс учун индивидуал ёндашган тарзда ҳал қилиниши лозим.

Амалиётда кўпчилик ҳолатларда вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог сифатида сўроқ қилинаётган вояга етмаган шахснинг синф ёки гуруҳ раҳбари иштирок этади. Айрим ҳолларда, вояга етмаган шахснинг жиноят иши доирасига тортилиши унинг гуруҳда “безори бола” эканлигидан дарак бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолларда ўша вояга етмаган шахс билан синф ёки гуруҳ раҳбари ўртасидаги муносабат маълум даражада ёмонлашиши мумкин. Сабаби, синф ёки гуруҳ раҳбари ўз навбатида, албатта юқори турувчи раҳбари томонидан танқид қилинади, унинг устига терговга қатнайди. Бундай ҳолатларда, вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчини педагог билан таъминлашда суриштирувчи ёки терговчи улар ўртасидаги муносабатларнинг психологик тарафларига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ҳал этаётганда, биринчи навбатда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, ана шу шахсларга оид маълумотларни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим. Суд айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялашнинг имконияти бўлмаган ҳоллардагина озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинлаши мумкин. Айни вақтда ҳукмда суднинг бу тўғрисидаги ҳулосаси асослантирилиши шарт.¹

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда амалдаги жиноят-процессуал кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф қиламан:

- вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ЖПКнинг 548-моддаси 2-банди “вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати” деган сўзларни “интеллектуал, ихтиёрий ва ақлий ривожланиш даражаси, хулқ-атвори, эҳтиёжлари ва қизиқишларининг ўзига хос хусусиятлари” сўзлари билан алмаштириш;

- ЖПКнинг 549-моддаси биринчи қисмига “Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт” деган сўзлардан кейин “Бунда вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчига қонуний вакил сифатида яқин қариндошларидан бирини ёки васийлик ва ҳомийлик органлари ходимини ёхуд ўзи ишонадиган бошқа шахсни таклиф қилиш ҳуқуқи тушинтирилади” деган жумлани киритиш;

- ЖПКнинг 554-моддаси “вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироқи” сўзларини “вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишда педагог ёки психологнинг иштироқи” сўзларига ўзгартириш ва “Педагог ёки психолог ушбу Кодекснинг 70-моддасида кўрсатилган мутахассиснинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради” деган янги таҳрир билан тўлдириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 15.09.2000 йилдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 21-сонли қарори 3-банди. <https://www.lex.uz>

- ЖПКнинг 557-моддаси “Вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш”. Ушбу норма ҳукм чиққанга қадар вояга етмаганнинг эркинлигини чеклаб қўйиши мумкинлигини ҳамда МДХ давлатлари бирортасининг жиноят-процессуал қонунчилигида акс этмаганлигини инобатга олиб ЖПКдан чиқариш;

- қуйидаги таҳрирдаги 557¹-модда билан тўлдирилиши:

“Вояга етмаганни ушлаб туриш тартиби”

Вояга етмаганни ушлаш тартиби мазкур Кодекснинг 220-222, 224, 225, 227, 228-моддаларида, шунингдек, қуйида кўрсатилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ички ишлар ходими ёки ушлашни амалга оширган бошқа шахс, вояга етмаганнинг ушлаб турилганлиги ҳақида вояга етмаган шахс ички ишлар бўлимига ёки бошқа органга олиб келиниши билан дарҳол прокурорга ёзма равишда хабар бериши шарт.

Ички ишлар ходими ёки ушлашни амалга оширган бошқа шахс, вояга етмаганнинг ушлаб турилганлиги ҳақида вояга етмаган шахс ички ишлар бўлимига ёки бошқа органга олиб келиниши билан унинг ота-онасига ёки яқин қариндошларидан брига телефон ёки бошқа усуллар орқали дарҳол хабар бериши лозим ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилиши шарт.

Ушлаб турилган вояга етмаган ички ишлар бўлимига ёки бошқа органга олиб келинганидан бошлаб уч соат ичида ҳимоячи, шунингдек, ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошларидан бирнинг мажбурий иштирокида сўроқ қилиниши лозим;

- ЖПКнинг 561-моддаси “Вояга етмаган судланувчини суд мажлиси залидан чиқариб туриш”. Бунда кўрилаётган жиноят иши бевосита судланувчининг манфаатларига тааллуқли бўлганлиги учун суд залидан чиқариб туриш уни манфаатларига бутунлай зид келишини инобатга олиб, мазкур моддани ЖПКдан чиқариш лозим.

Вояга етмаган шахслар ҳар қандай давлатнинг келажагидир, эртанги кунимиз эгаларидир. Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиши жамият учун салбий таъсир этувчи омилдир. Яна шуниси билан хавфлики, вояга етмаганлар жиноятига қарши курашда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсларнинг камчиликларга йўл қўйиши (ишни сифатсиз тергов қилиш, адолатсиз қарор қабул қилиш ва б.) келажакда жамиятга хавф бўлиши мумкин.

СУД ҲУКМИ, АЖРИМИ ВА ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этиш босқичида жиноят процессуал хусусиятга эга бўлган ва жиноят процессуал қонуни билан мустақамланган суд ҳаракатлари ва қарорлари билан амалга оширилади.

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ҳақиқий ижро этувчи давлатнинг маъмурий органлари, муассасалари томонидан олиб бориладиган ҳаракатлар жиноят процессидан ташқарида бўлиб, ҳукми ижро этиш босқичи мазмунига кирмайди.

Бундай фаолият жиноят-ижроия, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилиги билан тартибга солинади. Бироқ, суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этувчи органлар ўз фаолиятларида жиноят процессуал фаолиятни ҳам қамраб олишлари мумкин. Мисол учун Жиноят-процессуал кодекси 536-моддаси биринчи қисмига биноан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти судга маҳкумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида тақдимнома киритиши мумкин. Судья жазони ижро этиш муассасаси томонидан киритилган тақдимномани кўриб чиқиши шарт.

Шундай қилиб, суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этиш босқичи қуйидаги ўзига хос белгиларга эга;

биринчидан, ушбу босқичда жиноят процессига тегишли бўлган умумий вазифалар ҳал қилинади.

Унинг ўзига хос хусусияти ва мазмуни одил судлов ҳужжати бўлмиш ҳукмнинг умуммажбурийлиги, ўз вақтида ва тўла ижро этилиши билан асослантирилади. “Судья қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ҳукм қонуний кучга кириши билан уни ижрога қаратиши лозим;
- ҳукми ҳақиқий ижро этиш вақтида юзага келадиган процессуал масалаларни ҳал қилиш;

- қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳукми тўла ёки бир қисмини бевосита ижро этиш (бунда ҳукм чиқарилиши билан дарҳол судьянинг яқка ўзи ёки суд томонидан амалга оширилади);

иккинчидан, ҳукми ижро этиш босқичида муайян иштирокчилар доираси иштирок этади. Айрим истисно ҳоллардан ташқари процессуал масалаларни қуйидаги судлар кўриб чиқади:

- ҳукм чиқарган суд;
- маҳкум томонидан жазони ўташ жойидаги суд;
- маҳкумнинг яшаш жойидаги судлар ҳисобланади.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодекси 541-моддаси қайси масалалар қайси суд иш юритувига тегишлилигини ҳал қилади. Ушбу босқичда жазони ижро этиш муассасалари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ёки

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

уларнинг вакиллари, маҳкум, унинг ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар, прокурор, давлат ижрочилари ижрочилари иштирок этади;

учинчидан, ҳукми ижро этиш босқичи алоҳида процессуал тартибга эга. Ҳукми ижро этиш босқичида суд фаолияти ўзида одил судлов фаолиятининг бир шаклини намоён қилади. У жиноят процессуал қонуни билан мустақамланган бўлиб, суд мажлиси ўтказиш воситасида ҳукми амалда қўллаш билан бевосита боғлиқ, шунингдек, ушбу босқичда маҳкумнинг кейинги тақдири билан боғлиқ масалалар ҳал қилинади”¹.

Жиноий жазони ижро этиш мақсадига эришишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини амалга ошириш билангина чекланиб бўлмайди, чунки ушбу жараён жазони ижро этиш механизмларининг ҳам ишлашини тақозо этади.

Шу боис Жиноят-ижроия кодекси нормаларига мурожаат этишимиз асосли ва мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 5-моддасига мувофиқ, жазони ижро этиш асосларини суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими, қарори, шунингдек, амнистия ёки афв этиш ҳужжатлари ташкил қилади.

Қонунда ҳукмларнинг айрим турларини ижро этишнинг алоҳида тартиби ва муддати назарда тутилган. Жиноят-процессуал кодекси 529-моддасига мувофиқ, суд ҳукми эълон қилгач, суд мажлиси залида қуйидагиларни дарҳол қамоқдан озод қилади:

- оқланган шахсни;
- жазо тайинланмаган маҳкумни;
- жазодан озод этилган маҳкумни;
- ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамоқда бўлган вақтдан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;
- шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни;
- озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахслар дарҳол қамоқдан озод қилинади.

-Судга шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланок, дарҳол кучга киради ва ижро этилади. Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд ажримининг айбланувчини ёки судланувчини қамоқдан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Суд ҳукмида мавжуд топшириқларнинг амалга ошиши уни ижро этишнинг моҳиятини ташкил қилади. Ушбу моҳият қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳукми қонунда белгиланган тартибда ижро эттириш;
- суднинг ҳукм ижросини назорат қилиши;

¹ Мухаммадиев А. Судлар фаолиятини ташкил этиш. Дарслик /Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаевнинг умумий тахрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б.202-203.

-ахлоқ тузатиш таъсири кўрсатиш жараёни;

-жазони ижро этишда юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш.

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этиш вақтида жиноят процессининг бир неча принциплари амал қилади. Бунда қонунийлик принципи жазо тайинлаш, шартли ҳукм чиқариш, ҳукмнинг ижросини кечиктириш билан боғлиқ моддий қонун нормаларининг қўлланилишида намоён бўлади.

Чунки, ҳукми ижро этиш билан боғлиқ айрим процессуал масалалар жиноят қонуни билан тартибга солинади.

Ҳукм ўзининг шакли ва мазмунига кўра, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка қатъий амал қилиши, шунингдек ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларига, ҳамда ишдаги мавжуд далилларга асосланиб чиқарилиши шартлиги бу-қонунийлик принципи ҳисобланади.

Ҳукм суд муҳокамаси ва музокарасида аниқланган фактларга асосланиб чиқарилиши, муҳими бу фактлар иш материаллари ва аниқланган далилларга мос келиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 24-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш ҳукми ижро этиш босқичига ҳам тегишли.

Ушбу принцип маҳкумнинг ҳукми ижрога қаратиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳукми ижро этиш босқичининг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, исботлаш босқичи алоҳида аҳамиятга эгадир. Агар жиноят процессининг олдинги босқичларида исботлаш шахсининг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлса, ҳукми ижро этиш босқичида эса исботлаш предмети билан боғлиқ эмас. Бунда суд мажлисида ҳукм қонуний кучга киргандан кейинги, ҳукми ҳақиқатан ижро этиш билан боғлиқ ҳолатлар муҳокама қилинади.

Ҳукми ижро этиш босқичида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар турли хил бўлиб, уларни ушбу босқичда исботлаш предмети қилиб шакллантиришнинг имконияти йўқ.

Кўп ҳолларда судья маҳкумнинг жазони ўтаб бўлган муддатини, иш ва ўқишга муносабатини, тартиб-интизомнинг бузилиши ҳолатларини, синов муддатини, жазонинг ҳақиқатан ўталган вақтини ёки ҳукмнинг ижросини кечиктириш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаши лозим.

Ҳукми ижро этиш босқичи юқорида келтирилган хусусиятлардан ташқари, яна алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга.

Жиноят процессининг бошқа босқичларида процессуал ҳаракатларнинг бошланиши, уларнинг давомийлиги аниқ қилиб белгиланган. Ҳукми ижро этиш босқичи эса узлуксиз босқич бўлиб ҳисобланади. У ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бошланади, кейин эса мажбурий тартибда ижрога қаратилади ва ҳукми ҳақиқий ижро этишга киришилади.

Ҳукми ижро этиш босқичининг бир ёки бир неча марта такрорланиши Жиноят-процессуал кодекси 533-546-моддаларида кўрсатилган процессуал

масалаларни кўриб чиқиш заруратининг вужудга келиш-келмаслиги билан боғлиқ ҳисобланади.

“Ҳукми ижро этиш босқичида процессуал тартибининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, ажрими ва қарорларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Иккинчидан, ҳукми ўз вақтида ижрога қаратиш;

Учинчидан, ҳукми ижро этиш босқичида ишларнинг жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган судлар томонидан кўриб чиқилиши;

Тўртинчидан, жазоларни ижро этувчи органлар ва жамоат ташкилотлари тақдимномасига биноан ишларни кўриб чиқиш;

Бешинчидан, ҳукмнинг ўзгармаслиги ва унинг моҳиятига таъсир қилувчи ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилишига йўл қўйилмаслиги.

Қонуний кучга кирган ҳукмга қонун апелляция, кассация ва назорат тартибида ёхуд янги очилган ҳолатлар тартибида ўзгартириш киритишга йўл қўйилади.

Ҳукм чиқарган суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ўрнатиш, айблилик ва жазо билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас.

Суд томонидан шартли ҳукм қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, озодликдан маҳрум қилинган шахсларни сақлаш шароитини жазо ўташ вақтида ўзгартириш кабиларни қўллаганда ҳам чиқарилган ҳукми ўзгартрмайди. Бундай ҳолатлар ҳукмнинг хатолиги, ноқонунийлигини келтириб чиқармайди”¹.

Одил судловнинг асосий ҳужжати яъни, ҳукми қонуний ва асосли чиқариш муаммоси жиноят ишлари бўйича иш юритувида ҳамма вақт ўта муҳим масала ҳисобланган.

Ижро этиш мажбурийлиги томонидан ҳукм қонунга тенгдир. Ҳукмга асосланган ҳолда давлат жиноий-ҳуқуқий санкцияни қўллаши мумкин ва шу билан шахс, давлат, жамиятни жиноий таъқибдан ҳимоя қилади.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда чиқарилган ҳукм, ҳуқуқ тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат сифатида ривожланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд ҳужжатларини ижро этиш босқичи Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари билан ҳам тартибга солинган бўлиб, уларда қуйидагилар белгилаган:

Жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;

-маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;

¹ Саҳаддинов С.М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм (илмий-амалий шарҳ). Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2014. – 758 б.

-маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;

-маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;

-маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштироки.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференция ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади. Маҳкумларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), меҳнат ва тарбиявий таъсирнинг бошқа чоралари; таълим ва касб тайёргарлиги киради. Ушбу воситалар жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инобатга олган ҳолда қўлланилади.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ИШТИРОКЧИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ҳар бир фан тизимида доимо қизиқиш уйғотадиган ва мунозара келтириб чиқарадиган муаммолар мавжуд. Жиноят ҳуқуқида бундай муаммолардан бири, шубҳасиз иштирокчилик институти ҳисобланади.

Жиноят кодексидаги иштирокчилик ҳақидаги нормаларни таҳлили шуни кўрсатдики, 1994 йилда киритилган бу нормалар ҳозирги кунда эскириб, халқаро стандартларга мувофиқ келмайди.

Иштирокчилик шакллари. МДХ ташкилотига аъзо барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида иштирокчиликнинг *“шахслар гуруҳи”*, *“олдидан тил бириктирган шахслар гуруҳи”* каби шакллари белгиланган бўлса, бу шакллар фақат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳалигача *“оддий иштирокчилик”* ва *“мураккаб иштирокчилик”* деган эскирган атамалар билан юритилади.

Барча юридик адабиётларда ва қонун ҳужжатларида оддий ва мураккаб иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ифодалаш учун *“бир гуруҳ шахслар”* деган сўз бирикмаси ишлатилишини ўзбек тили табиати нуқтаи назаридан хато деб ҳисоблаймиз.

Бу хатолик рус тилидаги *“группа лиц”* сўзларини ўзбек тилига нотўғри таржима қилингани натижасидир. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва жиноят қонунчилигига кўра, жиноят иштирокчиликда шахслар томонидан эмас, балки шахслардан ташкил топган гуруҳ томонидан содир этилади. Шунинг учун *“шахслар гуруҳи”* деган атамадан фойдаланиш, ҳам юридик жиҳатдан, ҳам ўзбек тили нуқтаи назаридан тўғри бўлади.

Шу муносабат билан, Жиноят кодекси 56-моддаси 1-қисмининг “м” банди ва Махсус қисмининг тегишли моддаларидаги “бир гуруҳ” деган барча сўзларни “шахслар гуруҳи” деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилади.

Шунда, оддий иштирокчиликда жиноят содир этилганда *“шахслар гуруҳи томонидан”*, мураккаб иштирокчиликда эса *“олдидан тил бириктирган шахслар гуруҳи томонидан”* деб юритилади.

Илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилиш мақсадида, жиноятда иштирокчилик шакллари ҳақидаги нормаларни тубдан янгилаб, уларни барча белгиларини миллий қонунчиликда батафсил кўрсатиш лозим. Хусусан, Жиноят кодекси 29-моддасининг 1-3-қисмларини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

Шахслар гуруҳи, олдидан тил бириктирган шахслар гуруҳи, уюшган жиноий гуруҳ ва жиноий уюшма жиноятда иштирокчилик шакллари деб топилди.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Икки ёки ундан ортиқ бажарувчиларнинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишида биргалашиб қатнашиши шахслар гуруҳи деб топилади.

Жиноятни биргаликда содир этиши ҳақида олдиндан келишган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этишида биргалашиб қатнашиши олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи деб топилади.

Бундан ташқари, Кодексда иштирокчиликнинг уюшган гуруҳ шаклини тавсифловчи халқаро ҳуқуқда эътироф этилган барча белгилари кўрсатилмаган. Жумладан, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Конвенцияси 2-моддаси “а”, “б” моддаларига кўра, уюшган жиноий гуруҳ деганда, бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий наф олиш мақсадида уч ёки ундан ортиқ шахсдан иборат, муайян вақт давомида фаолият олиб борган ва бир ёки бир неча жиддий жиноятларни содир этиш учун келишилган ҳолда ҳаракатланадиган гуруҳ тушунилади.

Шуни ҳисобга олиб, Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“Қуйидаги белгилар билан тавсифланган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши уюшган жиноий гуруҳ деб топилади:

уч ёки ундан ортиқ шахсдан ташкил топган;

барча иштирокчилар ўртасида жиноят содир этиши ҳақида тил бириктириши мавжуд бўлган;

бир ёки бир неча жиноятларни содир этиши мақсадида олдиндан барқарор бирлашган;

иштирокчилар ўртасида вазифалар олдиндан тақсимланган”.

Шунингдек, Жиноят кодекси 29-моддасида жиноий уюшма шаклини ҳам барча тавсифий белгилари кўрсатилмаган. Масалан, А.И.Плотниковнинг фикрича, жиноий уюшма қуйидаги тўртта тавсифий белгиларга эга: 1) уюшган жиноий гуруҳларнинг бирлашмаси; 2) ягона раҳбарлик; 3) бир ёки бир неча оғир ёхуд ўта оғир жиноятлар содир этилиши; 4) бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий наф олиш мақсади¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноий уюшма тушунчасига аниқлик киритган ҳолда, Жиноят кодекси 29-моддасининг 5-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“Бир ёки бир неча оғир ёхуд ўта оғир жиноятлар содир этиши мақсадида бирлашган икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳларнинг ягона раҳбарлик остидаги иерархик бирлашмаси томонидан жиноят содир этилиши жиноий уюшма деб топилади”.

Иштирокчилик учун жавобгарлик. Гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиш ва уларни жиноий-ҳуқуқий квалификация қилиш қоидаларини хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги билан қиёслаб ўрганиш шуни кўрсатдики, Жиноят кодекси 30-моддаси тубдан такомиллаштиришга муҳтож.

Жумладан, мазкур моддада бажарувчини (ёки бирга бажарувчини)

¹ А.И. Плотников. Уголовное право России. Общая часть: учебник для бакалавров – Оренбург: ООО ИПК “Университет”, 2016. – 442 с.

жавобгарлик доирасини белгиловчи қоида умуман назарда тугилмаган. Бундай қоида Армения, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари, Россия Федерацияси, Украина ва Туркменистон каби кўпгина давлатларнинг қонунчилигида мавжуд. Шу муносабат билан, халқаро стандартларни имплементация қилиш мақсадида Жиноят кодекси 30-моддасини куйидаги таҳрирда янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Бажарувчи (бирга бажарувчи) фақат ушбу Кодекс Махсус қисмининг ўзи содир этган жиноят назарда тугилган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади”.

Амалиётда иштирокчиларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-моддасига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилинади, бироқ шу модданинг қисми кўрсатилмайди. Натижада, жиний суд ишларини юритишда ноқулайлик юзага келади, яъни квалификацияни ўзидан иштирокчининг турини аниқлаш мумкин бўлмайди ва бунинг учун фақат айблов матнини ўқиш талаб қилинади.

Демак, бажарувчидан бошқа ҳар бир иштирокчиларнинг турини ва жиноятда иштирок этганлик хусусиятини ақс этириш учун уларнинг қилмишини квалификация қилишда Жиноят кодекси нафақат 28-моддасини, балки муайян иштирокчининг роли баён қилинган тегишли қисмини ҳам кўрсатиш зарур. Масалан, оддий талончилик жинояти ташкилотчиси қилмишининг квалификацияси куйидаги кўринишда бўлади: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 28-моддасининг 3-қисми, 166-моддасининг 1-қисми.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар бир вақтни ўзида жиноятни содир этишда бажарувчи сифатида қатнашган бўлсалар, Жиноят кодекси 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда Махсус қисми тегишли моддаси билан жавобгарликка тортиладилар. Шуларни эътиборга олиб, Жиноят кодекси 30-моддасининг 1-қисмини куйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи ушбу Кодекс 28-моддасининг тегишли қисми ва Махсус қисмининг бажарувчи содир этган жиноят назарда тугилган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар, улар бир вақтнинг ўзида бирга бажарувчи бўлган ҳоллар бундан мустасно”.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида тамом бўлмаган жиноят иштирокчиларининг жавобгарлигини ҳал қилиш масаласида муаммо мавжуд эмас. Иштирокчилар ўзлари содир этган ҳаракатлар учун жавобгарликка тортилсаларда, уларнинг қилмишини квалификацияси бажарувчининг ҳаракатларига боғлиқдир. Агар бажарувчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятни охирига етказа олмаган бўлса, барча иштирокчилар жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд учун жавобгарликка тортиладилар.

Масалан, уй-жойдан ўғирлик содир этаётган бажарувчи хонадон эгаси томонидан ушлаб олингани сабабли жиноят охирига етказилмади. Бунда бажарувчининг ҳаракати уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб ўғирлик содир этишга суиқасд қилиш сифатида Жиноят кодекси 25-моддасининг 2-қисми, 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан, қолган иштирокчиларнинг

ҳаракатлари эса Жиноят кодекси 25 ва 28-моддаларининг тегишли қисмлари ҳамда 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан квалификация қилинади.

Муаммо шундаки, суд амалиётида қўлланиладиган бу қонундан белгиланган норма Қозоғистон, Армения, Озарбайжон, Тожикистон ва Қирғиз Республикалари, Россия Федерацияси, Туркманистон ва Украина каби кўпгина хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида мавжуд бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўз аксини топмаган. Шуларни ҳисобга олиб, Жиноят кодекси 30-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Бажарувчи томонидан тамом бўлмаган жиноят содир этилганида бошқа иштирокчилар тамом бўлмаган жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликка тортиладилар”.

Махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик учун жавобгарликнинг ўзига хослиги мавжуд. Жиноятнинг махсус субъекти бўлмаган шахс шу жиноятни содир этилишида бевосита тўлиқ ёки қисман қатнашиб, унинг объектив томонини ташкил қилувчи белгиларини бажарса, у бажарувчи деб топилмайди. Бундай шахснинг қилмиши ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида Жиноят кодекси 28-моддасининг тегишли қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилинади.

В.С.Комиссаровнинг билдирган асосли фикрига кўра, маълум бир жиноятда махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахс, ҳатто махсус субъект билан тил бириктирган тақдирда ҳам, бажарувчи ҳисобланиши мумкин эмас¹.

Армения, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Қозоғистон каби бир қатор давлатларнинг жиноят қонунчилигида махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик учун жавобгарликнинг ўзига хослиги ўз аксини топган.

Суд амалиётида иштирокчиликда содир этилган махсус субъектли жиноятларни тўғри квалификация қилинишини таъминлаш мақсадида, Жиноят кодекси 30-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Жиноятнинг махсус субъекти бўлмаган шахс шу жиноятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади”.

Жиноят кодексида бажарувчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтганида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг жавобгарлиги қандай ҳал қилиниши ҳамда уларнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилиниши кўзда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, бу масалага тўғри ёндашган Украина ва Қирғиз Республикасидан тажриба олиш мумкин. Мазмуни деярли бир хил бўлган Украина Жиноят кодекси 31-моддасининг 1-қисми ва Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 48-моддасининг 1-қисмига кўра, бажарувчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтганида, қолган иштирокчилар бажарувчи ихтиёрий қайтган жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

¹ В. С. Комиссаров. Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1 / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, И. М. Тяжковой. – М., 2002. – С. 399, 434.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 30-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Бажарувчи (бирга бажарувчи) жиноятдан ихтиёрий равишда қайтганида, бошқа иштирокчилар бажарувчи ихтиёрий қайтган жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортиладилар”.

Кодексга киритиладиган мазкур норма бажарувчи жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатларини квалификация қилишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этади.

Жиноят кодексида *“амалга ошмаган иштирокчилик”* тушунчаси назарда тутилмаган бўлсада, у жиноят ҳуқуқи назариясида ҳар доим ўрганиб келинган.

Фикримизча, фақат қасддан содир этилган жиноятларгина мантиқан рецидив жиноятларни ташкил қилиши мумкин.

Шунингдек, аввалги жинояти учун судланганлиги тугамасдан ёки олиб ташланмасдан туриб янги жиноятни содир этиш рецидивга ҳосдир. Шундан келиб чиқиб, айблов ҳукмининг кучга кириши рецидив юз бериши мумкин бўлган бошланғич давр бўлиб, судланганликнинг тугалланиши ёки муддатидан илгари судланганликнинг олиб ташланиши унинг якуний даври ҳисобланади.

Беларусь, Қозоғистон ва Россия Федерацияси Жиноят кодексларида рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари назарда тутилган. Унда дифференциал равишда рецидивнинг турига қараб жазо тайинланиши белгиланган. Фикримизча, ушбу аналогияни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисми “Жазо тайинлаш” ҳақидаги XI бобига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Рецидивнинг зарурий белгиларини аниқлаш жиноятларни квалификация қилиш ва жазони қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг эътиборга олиб, МДҲга кирувчи ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатларда рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари назарда тутилган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 68-моддасининг 1-қисмида оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноятларга жазо тайинлашда, олдин содир этилган жиноятларнинг миқдори, хусусиятлари ва ижтимоий хавфлилик даражаси, олдинги жиноят учун тайинланган жазонинг шахсни тарбиялашда етарли бўлмаганлиги, хавфлилик даражаси эътиборга олинади, дейилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, хавфли рецидив жиноят содир этилган тақдирда айбдорга нисбатан тайинланадиган жазо миқдори шахснинг қилмиши квалификация қилинган Жиноят кодекси

моддасининг санкциясида назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги, ўта хавфли рецидивистларга нисбатан тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги керак, дейилади¹.

Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексига ҳам рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш Жиноят кодексининг 60-моддасидан алоҳида ажратиб белгиланиши керак. Олдинги жинояти учун тайинланган жазо етарли даражада таъсир қилмаганлиги сабабли шахс яна жиноят содир этиш йўлига ўтиб олса, демак, уни хулқининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ошиб кетган ва бу янги жинояти учун жазо тайинлашда албатта ҳисобга олиниши зарур. Жиноят содир қилганнинг шахси содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси билан диалектик боғлиқликда бўлади. Рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг 60-моддадан ажратилиши рецидив жиноятнинг моҳиятини тушуниш ва унга қарши кураш чораларини ташкил қилиш учун ҳам муҳимдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида рецидив жиноят содир қилган шахслар учун алоҳида жазо тайинлаш қоидалари мавжуд эмаслигини инобатга олиб, рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш” қоидаларини назарда тутувчи қуйидаги таҳрирдаги нормани киритишни таклиф қиламиз:

59¹-модда. Рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш.

Рецидив, хавфли ёки ўта хавфли рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашда илгари содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, илгари тайинланган жазоларнинг жиноят содир этган шахсга таъсир кўрсатганлиги, шунингдек қайта содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳисобга олинади.

Рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддати ёки меъёрининг ярмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Хавфли рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Ўта хавфли рецидив жиноят учун жазо муддати содир этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо муддатининг тўртдан уч қисмидан кам бўлмаган, лекин ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган санкция чегарасидан четга чиқмаган ҳолда тайинланади.

Шунингдек, қилмишни рецидив деб топишда шахснинг фақатгина 18 ёшга тўлгандан сўнг содир этган жиноятларини ҳисобга олиш зарурлиги

¹ Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 07.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020). Статья 68. <http://www.consultant.ru>

ҳақидаги соҳа мутахассислари томонидан илгари сурилган назарий таклифлар, суд амалиёти ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги тажрибасини инобатга олиб, Жиноят кодекси 34-моддаси олтинчи қисмидаги “Шахсни ўта хавфли рецидивист” деган сўзларни “Шахс томонидан содир этилган жиноятни рецидив” деган сўзлар билан алмаштириш ва уни юқорида келтириб ўтилган таҳрирда ифодалаш тўғрисида таклиф киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, қонунчиликда мазкур масалада мавжуд бўлган бўшлиқлар қонун қўллаш амалиётида жиноят ҳуқуқининг таянч принципларини реал таъминланишига тўсқинлик қилади. Айнан шу омиллар ҳам жиноят учун жазо тайинлашда муҳим бўлган жиноят ҳуқуқининг рецидив жиноят институти жиддий такомиллаштирилиши зарурлигини тақозо этади.

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ҚАРОРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган бўлиб, унга кўра қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш иккинчи устувор йўналиш ҳисобланади.

Ушбу устувор йўналишда “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш; фуқароларнинг одил судловга тўққинликсиз эришишини таъминлаш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Конституциямиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини (19-модда), шунингдек ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди (44-модда).

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси суд томонидан таъминланади ва бу борада суд назорати институти алоҳида аҳамиятга эга.

Суд назорати – кенг маънода бу давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари)нинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини текшириш юзасидан суднинг ўзига хос процессуал фаолиятидир.

Қонунга мувофиқ тузилган, мустақил, холис ва нуфузли судга бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ундан истиснолар бўлмаслиги керак¹.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдидаги тенглик, ва ҳар бир шахс ишининг адолатли судда кўриб чиқилиши ҳуқуқи 18 ва 19 бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 28 октябрдаги фикр. Мигель Гонсалес дел Рио Перуга қарши, 263/1987 хабар, 5.2 банд. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси, 4 (с) ва 13(1) моддалар..

Судга қадар иш юритишни бошланишида, кўпгина ҳолларда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишни рад қилиш йўли билан жабрланувчининг ҳуқуқлари бузилиши, бошқа томондан гумон қилинувчининг, айниқса, ушлаб турилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинмаганлиги пост-совет жиноят процессининг энг заиф нуқталаридан бири эканлиги умумэътироф этилган. Мазкур соҳадаги ислоҳотлар, суд назоратини аксарият ноошкора, шу жумладан, тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси билан қамраб олинмаган тергов ҳаракатларига татбиқ қилишни ўз ичига олиши зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, суд назорати бўйича халқаро стандартлар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон” Декларациясининг 10-моддасига, яъни ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида қоидага асосланади. Бошқа халқаро ҳужжатлар мазкур қоида янада кенгайтириб, айнан суд назоратининг предмети ва шакллари тўғрисида қоидаларни белгилаб берди.

МДХ давлатлари қонунчилигини ўрганиш натижасида, ушбу давлатларда жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар тизими ва ваколатларидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади суд назоратини ролини кучайтиришга қаратилганлигини кўриш мумкин. Бироқ, расман суд назорати механизмлари киритилсада, моҳиятан йиллар давомида шаклланган тизимга ушбу институтни жорий қилиш юзасидан турлича натижаларга эришилганлигини қайд қилиш мумкин. Кўпгина МДХ давлатларида ишни судга қадар юритишнинг “аралаш” шакли қўлланилади, жиноят-процессуал қонунчиликда иш юритишнинг барча босқичларида тортишув ва тарафларнинг тенглиги принципини амал қилиши эълон қилинган. Бироқ, амалда ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув ва тарафларнинг тенглиги принципи ҳар доим ҳам амал қилмайди. Масалан, кўпгина давлатларда жиноий таъқибни амалга оширувчи орган вакили бўлган терговчига ҳимоячининг илтимосномани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколати юклатилган. Фактик маълумотларни далил сифатида эътироф этиш ҳуқуқи ҳам суриштирувчи ёки терговчига тегишли, мазкур масаладаги ҳимоячининг илтимосномаси ҳам улар томонидан кўриб чиқилади.

Умуман МДХ давлатларида суд назоратининг доирасини аввал прокурор назоратига тааллуқли ваколатлар ҳисобига босқичма-босқич кенгайтириб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, деярли барча МДХ давлатларининг мустақилликдан сўнг қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексларида, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга прокурорнинг санкция бериши кўзда тутилди, кейинчалик деярли барча давлатларда қамоққа олиш устидан судга шикоят бериш тартиби жорий қилинди. Кейинги босқичда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаш муддатини узайтириш суднинг ихтиёрига ўтказилди, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари ва

процессуал мажбурлов чораларини суднинг рухсати билан ўтказиш жорий қилинди.

Бироқ, МДХ давлатларининг кўпчилиги суд назоратини жорий қилишда умумий муаммоларга дуч келишган. Булардан бири суд назорати субъекти билан боғлиқ. Яъни “суд назорати махсус судья томонидан амалга оширилиши керакми ёки мазкур вазифани умумюрисдикция судлари судьялари амалга ошириши керакми” деган ўринли савол туғилади? Қулайроқ ва ташкилий жиҳатдан камроқ ресурслар талаб қиладиган ёндашув, яъни суд назоратини умумюрисдикция судлари судьялари амалга оширишнинг баъзи салбий жиҳатлари мавжуд. Аввало, маълум бир ҳудудда фаолият кўрсатувчи судья ва жинойий таъқибни амалга оширувчи органлар мансабдор шахслари ўртасида нопроцессуал муносабатлар шаклланиши суд назоратини ҳолисона амалга оширишга тўсқинлик қилади. Иккинчидан, суд назоратини амалга оширган судья кейинчалик ишни мазмунан кўришига тўғри келади.

Масалан, Молдова Республикасида “жинойий таъқиб бўйича судья” (Молдова Республикаси ЖПКнинг 41-моддаси), Эстонияда “дастлабки тергов бўйича судья” (Эстония ЖПКнинг 21-моддаси), Латвияда “тергов судьяси” (Латвия ЖПКнинг 210-моддаси), Грузияда “судья-магистрат” (Грузия ЖПКнинг 20-моддаси), Украинада “тергов судьяси” (Украина ЖПКнинг 3-моддаси 1-қисми 18-банди), Қозоғистон Республикасида – “тергов судьяси” (Қозоғистон ЖПКнинг 56-моддаси) суд назоратини амалга оширади. Россия Федерациясида “тергов судьяси”ни жиноят процессига жорий қилиш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда.

Россия Федерацияси ЖПКга мувофиқ, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- шахснинг озодлигини чеклаш масаласи билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш (РФ ЖПКнинг 29-моддаси 2-қисми 1-3 бандлари);
- айрим тергов ҳаракатларига рухсат бериш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш (РФ ЖПКнинг 29-моддаси 2-қисми 4-12 бандлари);
- дастлабки тергов органи ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан шикоятлар бўйича иш юритиш (РФ ЖПКнинг 29-моддаси 3-қисми).

Россия Федерациясида процессуал мажбурлов чоралари ва конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси;
- қамоқда сақлаш муддатини узайтириш;
- суд-тиббий ва суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш учун айбланувчини тиббий ёки психиатрия стационарига жойлаштириш;
- турар-жойни унда яшовчиларни розилигисиз кўздан кечириш;
- турар-жойда тинтув ва олиб қўйиш ўтказиш;
- Кодекснинг 93-моддасида кўрсатилган истисноларни ҳисобга олганда шахсий тинтув ўтказиш;

- банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамлари ҳақида буюмлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш;

-алоқа муассасаларидаги жўнатмаларни хатлаш, уларни кўздан кечириш ва олиб қўйишга рухсат бериш;

-мол-мулкни, шу жумладан банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини хатлаш;

- гумон қилинувчи ва айбланувчини лавозимида четлаштириш;

- телефон ва бошқа сўзлашувларни контроль қилиш ва ёзиб олиш.

Кўриниб турибдики, Россия Федерациясида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатларига рухсат бериш устидан суд назорати тўлиқ амал қилади.

Россия Федерацияси ЖПКда суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарор ва ҳаракатлари қонунийлиги ва асослилиги текшириш юзасидан суд мажлиси жараёни, шу жумладан судьянинг жиноят ишини ва қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи, исботлаш предметини текшириш чегараси тўлиқ тартибга солинмаган ва судьянинг ихтиёрида қолдирилган.

Россия Федерациясида суд назоратининг ўзига хос хусусияти, қонун билан тартибга солинмаган масалалар юзасидан Конституциявий суднинг қарорлари муҳим аҳамиятга эга эканлигида. Ишни судга қадар юритиш жараёнида конституциявий ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ шикоятлар юзасидан Конституциявий суднинг қарорлари, муайян шикоятни кўраётган судьяга шикоятни қаноатлантириш ёки рад қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг 125-моддаси 4-қисми, 101-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судлари, муайян ишни муҳокама қилиш жараёнида, қўлланилиши лозим бўлган қонун Конституцияга мувофиқлигини ўрганиши шарт, яъни Конституцияга зид бўлган қонунни қўлламаслиги мумкин.

Украина ЖПКда суд назорати масаласи бошқачароқ тартибга солинган. Яъни, терговчининг ҳаракатларига шикоятлар, алоҳида суд мажлисида эмас, ишни судга қадар кўриб чиқиш ёки мазмунан кўриш жараёнида кўрилади. Фақат, ЖПКнинг 106-моддасида ушлаб туришнинг қонунийлиги ҳақида шикоят суд томонидан 3 сутка ичида кўриб чиқилиши мумкинлиги, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида қарори устидан шикоят 10 кунлик муддатда, 52⁵-моддасида хавфсизлик чораларини қўллашни рад қилиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор зудлик билан кўриб чиқилиши белгиланган.

Эътиборлиси, суд назорати предмети, шунингдек шикоят бериши мумкин бўлган шахслар доираси белгиланмаган. Шикоятлар биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади ва ЖПКнинг 54-моддасига асосан судья тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, қамокда сақлаш муддатини узайтириш масаласини кўрган ёки ушлаб туриш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки тугатишга нисбатан шикоятни кўрган бўлса келгусида мазкур ишни кўра олмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят иши кўзгатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида қарори устидан шикоят қилиш алоҳида моддада берилган.

Украина ЖПКнинг 248-моддасига мувофиқ, ноошкора тергов(қидирув) тадбирларига рухсат бериш ҳақида илтимоснома тергов судьяси томонидан кўриб чиқилади. Агар прокурор, ноошкора тергов(қидирув) тадбирлари натижасида содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, тадбир натижасида иш учун муҳим бўлган, иш ҳолатларини ва жиноят содир этган шахслар ҳақида маълумотлар олинишини мумкинлигини исботлаб берса, тергов судьяси томонидан рухсат берилиши мумкин. Ноошкора тергов(қидирув) тадбирларига берилган рухсат 2 ой давомида амал қилади.

Беларусь ЖПКнинг 144-моддаси ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи қўллаш ёки қамоқда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтиришни суд тартибида текшириш деб номланади.

Беларусь Республикасида процессуал мажбурлов чоралари шу жумладан қамоққа олишга санкция бериш прокуратура ихтиёрида қолдирилган бўлиб, ЖПКнинг 124-моддасига мувофиқ ушлаб туришнинг қонунийлиги 24 соатдан ошмаган муддатда, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтиришга нисбатан шикоят тушган вақтдан бошлаб 72 соатлик муддатда кўриб чиқилиши белгиланган. Беларусь Республикасида юқорида кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларидан ташқари бошқа қарор ва ҳаракатлар устидан шикоят бериш кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, судья ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи қўллаш ёки қамоқда сақлаш ва уй қамоғи муддатини узайтиришнинг фақатгина қонунийлигини текширади, асослилигини текшириш кўзда тутилмаган.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг ижобий жиҳати, қамоқда сақлаш ва уй қамоғи муддати ҳар сафар узайтирилганда шикоят берилиши мумкин.

Жиноят-процессида суд назорати суд ҳокимиятининг мустақил конституциявий фаолият йўналиши бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳамда ғайриҳуқуқий, асоссиз, адолатсиз хатти-ҳаракатлар ва қарорлар оқибатида бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Суд назоратини йўлга қўйиш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳамиятини таъкидлаш билан бир қаторда, бу борада қонунчилиқни янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини ҳам қайд этишимиз лозим.

Шу сабабли, мазкур мақолада МДХ давлатлари қонунчилигидаги жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд назоратини аҳамияти таҳлил қилинган.

Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилган МДХ давлатларининг судга қадар иш юритиш босқичида суд назорати тажрибаларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида тўлақонли суд назорати институтини амалга киритиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва чекланишининг олдини олишга, бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида тиклашга ва қонунда белгиланган

тартибга риоя қилинмаган ҳолда чиқарилган терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларининг қарорлари бекор қилинишига эришилади.

ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ МЕЗОНЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелда “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сон Қонуни қабул қилинди. Унинг асосида Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 87-моддасининг 2-қисми куйидаги тахрирда баён қилинди:

“Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин”.

Яъни, юқоридагиларга асосан ҳимоячининг далил тўплаш процессуал имконияти қатъий белгиланди. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекси 91-моддаси 4-қисмида ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиш шартлиги белгиланди, шунингдек янги 95¹-модда орқали фактик маълумотлар ёки далиллар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолатда олинган бўлса, уларни номақбул деб топиш белгиланди ва номақбул деб топилган далиллардан кейинчалик фойдаланиш тақиқланди.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган муҳим ислохотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори¹ ва шу қарор билан

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори //htt:lex.uz/docs/3735818 (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. мурожаат этилган сана 04.04.2020).

тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”ни тадбиқ этиш исобланади.

Амалдаги қонунчилигимизда жиноят ишлари бўйича судга қадар, суд иш юритуви давомида ўз ечимини кутаётган процессуал назарий ва суд-тергов амалиёти билан боғлиқ бир қатор комплекс муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан далил ва уни баҳолашни тартибга солувчи жиноят-процессуал нормалари ҳамда уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасида жиноят иши бўйича мавжуд далилларга баҳо берувчи субъектлар: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд; далилларга баҳо беришнинг мезонлари: далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги; ҳамда келтирилган мезонларнинг таърифлари келтириб ўтилган.

Далиллар йиғиндисини баҳолаш ҳақиқий маълумотларнинг ишончилигини ва далилий аҳамиятини уларни бир-бири билан таққослаш йўли билан аниқлашга ёрдам беради. Далиллар йиғиндисини баҳолаш далиллардаги тўлиқсизлик, ноаниқлик ва зиддиятларни аниқлаш имконини беради.

Далилларни баҳолаш иш бўйича деярли ҳар қандай процессуал қарор қабул қилиш (асосли хулосалаш) учун зарур замин бўлади. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, хулосалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилишнинг яхлит жараёнини тасаввур қилиш мумкин эмас. Агар бу баҳолаш фақат фикрлашга, ақлий фаолиятга тенглаштирилганида, у исботлашнинг тегишли субъекти онгидан ташқарига чиқмас ва бу шахдан ташқари ҳеч кимга маълум бўлмас эди ва ҳар қандай юридик маънодан маҳрум бўларди.

Далилларни баҳолаш жиноят процессуал исботлаш элементи сифатида маълум доирада ҳукуқий жиҳатдан тартибга солинади, процессуал нормалар таъсири остида бўлади. Мазкур нормалар тафаккур тартибини эмас, балки далилларни баҳолаш шароитлари, мақсадлари ва принципларини (ЖПКнинг 85-87, 90-95-моддалар), шунингдек, процессуал қарорлар ва ҳужжатларда уларни баҳолаш натижаларининг ташқи ифода этилишини белгилайди. Шундай қилиб, далилларни баҳолаш ички (манتيқий) ҳамда ташқи (ҳукуқий) томонларга эга.

Далилларни баҳолаш принциплари қуйидагилар:

- баҳолаётган шахснинг ички ишончи;
- жами далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона баҳолашиши;
- моддий ва процессуал қонун талабларига амал қилиш;
- ҳукуқий онгга амал қилиш.

Ҳукуқий онгга амал қилиш принципи борасида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунида айнан ана шу категориянинг қўлланилиши оптимал ҳолатдир. Масалан, Россия Федерациясининг ЖПК 17-моддасида далилларга эркин баҳо бериш принципи мустаҳкамланган бўлиб унга биноан, исботлаш субъекти иш бўйича тўпланган далилларга таянган ички ишончи, қонун ва виждонига

асосланиб далилларга баҳо беради. Лекин айрим россиялик процессуалист олимларнинг фикрича, далилга баҳо бериш принципи сифатида виждон категориясини белгилаш тўғри эмас. Зеро виждон ниҳоятда маънавий категория, уни ҳуқуқий меъёрлар доираси билан чегаралашнинг имкони бўлмай, этик тасаввурлар ва қоидалар фойдасига қонундан жиддий чекинишга сабаб бўлиши мумкин. Виждон категориясига нисбатан ҳуқуқий онгнинг устунлиги уни исботлаш субъектининг айнан ҳуқуқ нормаларини билиши ва уларга бўлган муносабати асосида шаклланишидадир¹.

Далилларни баҳолашнинг бу асосланган принциплари бир хил даражада жиноят процессуал исботлашнинг барча субъектларига нисбатан ҳам, жиноят иши юритувининг барча босқичларида ҳам амал қилади. Далилларни баҳолашдан аввал жиноят ишини тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг бутун давомийлигида далилларни тўплаш, процессуал қайд этиш ва текшириш амалга оширилади. Ўз навбатида, далилларни баҳолаш уларни тўплаш, тадқиқ этиш процессуал қайд этиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Бундан кўриниб турибдики, далилларни баҳолаш жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилади.

Қайд этиш жоизки, “далиллар процесснинг барча босқичларида баҳоланади”².

Таҳлилларда кўрсатилишича, илмий назарий адабиётларда далиллар мажмуини баҳолаш миллий қонунчилигимизга қўйидача ўхшаш ва фарқларни аниқлаш мумкин.

Кузатишимизча хорижий давлатларда далилларга баҳо бериш қуйидаги субъектлар томонидан амалга оширилади:

Россия Федерацияси³ ва Қозоғистон⁴да миллий қонунчилигимиз каби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд;

Арманистонда⁵ суриштирув органи ходими, терговчи, прокурор, судья;

Қирғизистонда⁶ суриштирув органининг мансабдор шахси, терговчи, прокурор, ҳакамлар, суд;

Тожикистон⁷ ва Туркменистон⁸да суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья;

Молдовада¹ жиний таъқиб органи вакили, судья;

¹ Уголовный процесс: учебник / А.В. Смирнов, К.Б. Калиновский; под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: КНОРУС, 2008. С.234.

² Жиноят процесси. Умумий қисм: / Муаллифлар жамоаси. – Т.,2002. – Б.184

³ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 года (по состоянию на 25.04.2020)//1t11r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 88.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по состоянию на 15.03.2020)//M1r:// aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 125.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (по состоянию на 14.03.2020)// 1t11r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 127.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (по состоянию на 14.02.2020)//511r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 88.

⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (по состоянию на 24.03.2020)// 511r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 136.

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Киргизской Республики от 2 февраля 2017 года (по состоянию на 04.03.2020)// 511r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 136.

Украинада² терговчи, прокурор, тергов судьяси, суд;

Юқоридагилардан англашимиз мумкинки хориж жиноят-процессуал ҳуқуқида миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда далилларга баҳо берувчи субъектларга судья, жинойи таъқиб органи (вакили), ҳакамлар ҳам киритилган.

Миллий қонунчилигимиз баҳолаш субъектларига судьяни қўшиш таклифини Б.Т.Ақрамходжаев³, Д.М.Миразов⁴, Б.Ражабов⁵лар ўз тадқиқотларида илгари суришган. Бизнинг фикримизча ҳам, суддан фарқли равишда, якка судья томонидан қарор қабул қилинишида айнан шу судьянинг ўзи томонидан далиллар баҳоланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган исботлаш субъектлари суриштирувчи, терговчи, прокурор билан бирга *суд ва судья* далилларга баҳо беришини мустаҳкамлаш ҳамда исботлаш субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Шу билан биргаликда, истиқболда миллий қонунчиликка қатор янги процессуал институтларнинг татбиқ этилиши далилларни баҳолаш жараёнига оид нормаларни ҳам жиддий такомиллашувини тақозо этади.

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (по состоянию на 14.04.2020)// Mlr://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 101.

² Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (по состоянию на 25.03.2020)// 1t11r://aze.zr1p1ogt.gi (База данных законодательство стран СНГ). Ст. 94.

³ Жиноят процесси. Умумий қисм: / Муаллифлар жамоаси. – Т., 2002. – Б.184

⁴ Миразов Д.М. “Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари” Докторлик диссертацияси автореферати. - Т.,206.-Б.5.

⁵ Ражабов Б. Жиноят процессида далилларга баҳо бериш тушунчаси. //https://uzjournals.edu.uz/proakademy/vol1/iss4/5/.4.2018.-Б. 19. (мурожаат этилган сана 29.03.2020)

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТОРТИШУВ ПРИНЦИПИНИНГ РОЛИ

Мустақиллик йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, аввало, кадрлар, қолаверса, ишни тўғри ташкил этиш механизмини яратиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш каби ўта муҳим масалалар эътиборда бўлиб келмоқда.

Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида судьялар мустақил эканлиги, фақат қонунга бўйсунушлари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”даги суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири–судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил этиш, унинг таркибини ярмидан кўпини судьялар ҳисобидан шакллантириш ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга доир бир қатор ваколатлар берилиши назарда тутилганлигидир.

Бундан ташқари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси мазкур соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Унда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш таклифи илгари сурилди ва унга одамлардан келиб тушаётган мурожаатлар, халқ билан бевосита учрашув ва мулоқот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш каби асосий вазифалар юклатиш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси органга берилмаган ваколат – одил судловни амалга ошириш ваколатининг берилганлиги мамлакатимиз ҳаётида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга эришишда беқиёс аҳамиятга эга.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Шу боисдан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш одил судловнинг амалга оширилишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар принципларининг демократик мазмунини бойитди, уларни қўллаш доирасини кенгайтди, принципларнинг кафолатли таъминланганлигини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохатлари судлов борасидаги принципларнинг норматив мустаҳкамланиши ва унинг ҳаракат механизми аниқланиши, шунингдек, жабрланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминланиши, айбланувчи ҳуқуқларнинг кафолатлари, гумон қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, тортишувчилик принципи, судларнинг мустақиллиги кафолатлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жиноят процессида принциплар тўлиқ ҳолда ҳуқуқий тизим доирасида амал қилади. Тўлиқ ҳуқуқ тизими деганда ҳар бир принципнинг моҳияти ва мазмуни ҳуқуқ тизими ичида ҳаракат қиладиган, бир принципнинг бузилиши бошқасининг бузилишига олиб келадиган, натижада иш юритишда қонуннинг устуворлиги бузилишига сабаб бўладиган ҳуқуқ тизими тушунилади.

Бу борада, тортишув принципининг асосий элементлари қуйидагилардан иборат: айблов ва ҳимоя функциясининг одил судлов функциясидан ажратилганлиги; тарафларга ўз функцияларини амалга оширишлари учун бир хил ҳуқуқлар берилганлиги; суднинг процессдаги раҳбарлиги ва иш бўйича фақат ўзи қарор қабул қилиши.

Юқоридаги функцияларнинг бир-биридан ажратилганлиги ва бир хил кучга эга эканлиги тортишув принципининг амал қилишини билдиради. Бундай функцияларни бирлаштириш мантиқ ва психологик жиҳатдан тўғри келмайди. Процесснинг бундай қурилиши тарафларнинг ўз ҳуқуқларини тўла амалга ошира олмаслиги, суднинг фақат айблов томонида қолиб кетишига олиб келади. Агар тарафлар бир-бирларидан алоҳида ҳолда ўз функцияларини бажарсалар, суд улардан мустақил ва ҳолисона айб тўғрисидаги масалани ҳал қилиши мумкин.¹

Одил судлов тортишув принципи орқали амалга оширилади. Тортишув принципи айблов ва ҳимоя функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Бунда суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифода этмаслиги лозим. Суд ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда фақат ишни ҳал этиш функциясини амалга ошириши, яъни тарафларга процессуал ҳуқуқларини

¹ К вопросу состязательности в досудебных стадиях уголовного судопроизводства России. // Российский судья. -2001. -№10. -Б. 6.

амалга ошириш йўли билан ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилишлари учун тенг имконият яратиб бериши керак.

Жиноят ишлари бўйича тортишувда айбланувчига айблилигига далиллар воситасида судни ишонтиришга ҳаракат қилинади. Бу далиллар асосан давлат органлари томонидан тўпланади. Далиллар айбланувчининг конституциявий ҳуқуқларини бузмаган ҳолда тўпланиши ва бу ҳаракатларни бажаришда қонуннинг барча талабларига риоя қилиниши лозим.

Судда ишларни юритишда тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминланган ҳолдагина рўёбга чиқади (судланувчи қонунда белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечган ҳоллар бундан мустасно).

Айрим ҳолларда иш жараёни қатнашчиларининг қонун томонидан кафолатланган ҳуқуқлари, тортишув принципи бузилиш ҳоллари учраб турибди. Шу сабабли ҳамда суд ЖПК 86-моддасига асосан исбот қилиш субъекти бўлганлиги учун суд тергови жараёнида кўпроқ айблов тарафнинг вазифасини бажаришига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, суд муҳокамаси чоғида тортишув принципи тўлиқ амалга оширилмаганлиги ва ЖПКда судга тегишли ваколат белгиланмаганлиги ёки берилмаганлиги сабабли суд айрим процессуал ҳаракатларни мустақил амалга ошира олиш имкониятига эга эмас.

Мисол учун, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 11 сентябрдаги ҳукмига кўра, 2019 йил 10 июнь куни соат 18:30 ларда, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қушбозор кўчасида жойлашган “Оқтепа лаваш” кафеси яқинида “шартли харидор 3.”га оғирлиги 2,3 граммга тенг кўп миқдорда бўлган 46 дона “трамадол” гиёҳвандлик дори воситасини 550.000 сўмга сотган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган судланган Усаров Жавоҳир Давроновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддасининг 5-қисми билан Жиноят кодекси 57-моддаси қўлланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 416-моддасида янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жинойий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи **прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг** илтимосномасига кўра амалга оширилиши кўрсатилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, Ж.Усаров 2019 йил 10 июнь куни соат 18:30 ларда, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қушбозор кўчасида жойлашган “Оқтепа лаваш” кафеси яқинида “шартли харидор 3.”га оғирлиги 2,3 граммга тенг кўп миқдорда бўлган 46 дона “трамадол” гиёҳвандлик дори воситасини 550.000 сўмга сотган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган бир вақтда холислар иштирокида тинтувдан ўтказилганида, унинг чўнтагидан оғирлиги 0,3 граммга тенг бўлган яна 6 дона “трамадол” гиёҳвандлик дори воситалари борлиги аниқланганлиги ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда гиёҳвандлик

воситалари ашёвий далил сифатида олинганлиги кўрсатилган бўлсада, тергов органи томонидан Ж.Усаровнинг ёнида гиёҳвандлик воситаси сақлаб келганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бу ҳолат жиноят ишини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш чоғида тортишув принципи прокурор томонидан тўлиқ амалга оширилмаганлиги ҳамда ЖПК 416-моддасига асосан Ж.Усаровга нисбатан янги айблов бўйича жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш бўйича илтимоснома киритилмаганлиги сабабли, суд айбловни тўлдириш тўғрисидаги масалани ҳал қила олмай, фақат ишда мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда қарор қабул қилишга олиб келади.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати томонидан прокурор протестида келтирилган вазлар асосида судлов ҳайъатига киритган илтимосномаси қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2019 йил 11 сентябрдаги ҳукми билан судланган Ж.Усаровга нисбатан жиноят ишини ЖПКнинг 416-моддасига асосан қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун айбловни тасдиқлаган Чилонзор туман прокурорига юборилган.

Ушбу жиноят иши юзасидан қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказилиб, Ж.Усаровга нисбатан айблов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, яъни гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда кўп миқдорда сақлаш ва эгаллаш жиноий аломатлари билан тўлдирилган ҳолда янги айблов хулосаси қўшимча тергов ҳаракатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига юборилган.

Натижада жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2019 йил 11 сентябрдаги Усаров Жавоҳир Давроновичга оид ҳукми ўзгаришига олиб келган ва Ж.Усаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, Жиноят кодекси 57, 59, 61-моддалари тартибида жазолар қисман қўшилиб, 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 416-моддасига судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг илтимосномаси ёхуд суднинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилиши лозимлиги бўйича тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Худди шу каби, Жиноят-процессуал кодекси 417-моддасига ҳам суднинг ўз ташаббусига кўра процессуал ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ тегишли қўшимча киритиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судьяларнинг мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини, одил судловни амалга оширишини таъминлаш ҳуқуқий

демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куришдаги муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бу борада эса суд муҳокамасида тарафларнинг ўзаро тортишуви алоҳида аҳамият касб этади.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИ: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

Маълумки, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазкур соҳада инқилобий ўзгаришлар олиб келиши билан аҳамиятлидир. Истиқболда процессуал қонунчилигимизга кириб келиши кутилаётган ана шундай ўзгаришлардан бири МДҲ мамлакатларида кенг қўлланилиб келинаётган келишув институтидир.

Келишув сўзининг маъноси икки келишаётган томоннинг ўзаро қўлай ва манфатли мақсадлар марказини топишни ифодалайди. Бироқ, жиноят-процессул қонунчиликда мазкур сўз айбланувчи билан давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишувни ифодалайди.

Мазкур институт илк бор ўрта асрларда Британия судлов тизимида қўлланила бошланди, кейинроқ АҚШ қонунчилигига кириб келди ва ҳозирги кунда айнан АҚШ процессуал қонунчилик тизимида самарали фойдаланиб келинмоқда. 2017 йилгача федерал судларнинг 97% ишлари келиш асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда бу кўрсаткич нисбатан камроқ нисбатни ташкил этади, яъни магистрат судларда кўрилган ишларнинг 87% келишув асосида тугалланади¹.

Англо-саксон ҳуқуқ тизими давлатларида континентал ҳуқуқ давлатларига нисбатан келишув институтининг бунчалик самарали фойдаланиб келишининг асосий сабабларидан бири англо-саксон жиноят процессуал ҳуқуқининг ўзига хослигидир. Ҳар қандай жараёнда томонлар тортишуви асосида ечим топишини, иш юзасидан тортишув ва фикрлар хилма хиллиги бўлмаган ҳолатда жиноят иши юритуви ҳам бўлмаслигини инобатга олиб, томонлар ўртасида ҳар қандай босқичда ҳар қандай келишувга йўл қўйилади. Шу сабабли АҚШ судларида айбни тан олиш юзасидан келишув судлов жараёнининг ҳар қайси босқичида амалга оширилишига йўл қўйилади.

Шу ўринда хорижда келишув институти миллий қонунчилигимизда мавжуд ярашув институти билан алмаштирмасликни сўрар эдик. Чунки ярашув институтида келишув судланувчи ва жабрланувчи ўртасида амалга оширилса, адолат билан келишув институтида айбланувчи ва давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишув тушунилади.

Айбни тан олиш юзасидан келишувнинг бош мақсади—давлат айбловчисининг айбланувчини содир этган жинояти юзасидан иқрорлигини асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш ва шу билан бирга кўплаб сансоларликка сабаб бўладиган узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришга қаратилганлигидир.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Дубровина Е.Г. Сделка о признании вины по законодательству Великобритании и США. Автореферат диссертации на соискание степени кандидата юридических наук. 2010.

Хориж олимлари айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасидаги келишувни тавсифлашда 1) “plea”, 2) “plea bargain” 3) “plea agreement” каби атамалардан фойдаланишади. “Plea” сўзи инглиз тилидан “илтимос, чақирув, ўтинч, илтижо ёлвориш” каби таржима қилиниб, бирор нарса ҳақида сўраш, илтимос қилиш маъноларини англатади. Бироқ, шу соҳада тадқиқот олиб борувчи олимлар ва электрон ресурсларда кўпроқ “plea bargain”, яъни айбни тан олиш юзасидан келишув иборасини кўпроқ ишлатилиб келинади. Юқорида кўрсатилган учта ибора ҳам процессуал амалиётда турдош маънони, яъни адолат билан келишув маъносини англатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ судлов тизимида айбланувчининг айбини исботланишининг бош шартининг ўз айбини тан олишидир ва англо-саксон жиноят ишларининг юритувида исботлаш методлари кўп ҳолатда расмиятчиликни, катта молиявий маблағни ва вақт борасида катта харажатларни талаб этилиши билан Европа континенти судларидан кескин фарқ қилади, шу асосда айбланувчини ўз айбини тан олиши кўп ҳолларда узоқ давом этадиган тергов ва суд босқичларини қисқартиришда, овозагарчиликларни олдини олишда айбланувчининг ўзига ҳам кўп ҳолларда самарали процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Келишув институтининг ўзига хос камчиликлардан бири, айрим олимларнинг фикрига кўра жиноят процессини юргизувчи мансабдор шахслар, жумладан, тергов органларининг айбни “ҳар қандай ҳолатда тан олишга интилиши” натижасида айбланувчини ўзини ўзи ёлғон айблаш ҳолати, айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб қолиши ва жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кетиши, шунингдек, содир этилмаган жиноят учун айблов эълон қилиш ҳолатларида намоён бўлади. Бироқ, бу фикрдан йироқда бўлиб, келишув институтининг самарали томонларини ҳам санаб ўтган ва амалиётга тадбиқ этиш лозимлигини қувватлаган олимлар ҳам кам эмас.

Келишув институтининг самарали томонлари сифатида олимларнинг фикрига кўра ўзаро зиддиятда бўлган томонларнинг муносабатларини тез орада юмшаши, айбланувчи ёки судланувчининг айбига иқрорлигини билдиришга тайёрлиги ёки уни ўзи хоҳлаши ва жазони ўтай бошлаши, судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағларининг тежалиши, айблов органлари ўз иш вақтини оғир жиноятларни очишга қаратилиши ва судларда жиноят ишларини кўрилишининг камайишига олиб келишини белгилаб ўтишган.

Жиноят ишлари юритувида келишув институти кенг қўлланиладиган АҚШ судлов тизими ва айблов органларида мазкур процессуал ҳаракатни амалиётган жорий этиши механизмига назар солсак. Маълумки, АҚШ жиноий судловнинг Федерал Қоидалари (Federal Rules of Criminal Procedure) нинг 11-моддасига кўра, айбланувчи, унга нисбатан айб эълон қилинганида айбга нисбатан ўзининг муносабатини билдириши лозим, яъни: айбини тан олиши (guilty plea), уни рад этиши (plea of not guilty), қўйилаётган айбловга эътироз билдирмаслиги (nolo contendere) мумкин. Айнан айбланувчи томонидан айбни тан олиниши (guilty plea) унинг ижтимоий хавфли

қилмиши юзасидан суд муҳокамасидан воз кечганини билдиради ва у айблов органи билан келишув (plea bargaining)ни имзолаши мумкин. Мазкур келишув айбланувчига бир қанча юридик имтиёзларни беради, яъни:

- айблов доирасини қисқартирилиши ёки ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва квалификацияни энгилроқ томонга йўналтирилиши;

- жазони ҳажми, миқдори ва ўташ тартибини қонунда қўрсатилганидан ҳам энгилроғини тайинланиши.

Мазкур жараёнда судларнинг иштироки таъқиқланади, бироқ, келишув суд маслаҳатхонага киргунга қадар ҳар қайси босқичида тузилиши мумкин. Суд, очик суд мажлисида айбланувчига унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, у томонидан имзоланаётган келишув ихтиёрий тузилганлигига ишонч ҳосил қилиши учун саволлар беради, айбланувчига мазкур келишувни рад қилиши мумкинлигини тўла тушунтиради ёки айбланувчи шахсига оид маълумотларни тўла ўрганиб чиқиши учун жиноят ишини кўришни қолдиради, шунингдек, томонлар тақдим этган далилларни тўлиқ текширади, яъни АҚШ судлов тизими келишувни автоматик тарзда қабул қилиб, у юзасидан бир хил хулоса чиқармайди.

АҚШ судлов тизимида айбига иқрорлик юзасидан келишув институтининг айбланувчи позициясидан самарадорлигига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда биринчи навбатда айбланувчи ўзига нисбатан қўйилган айблов юзасидан бўлиб ўтадиган суд муҳокамасини маслаҳатчилар иштирокида кўрилишидан озод бўлишидир, узоқ давом этувчи ва иш ҳолати кўпроқ маслаҳатчилар фикрига боғлиқ ҳолатларда, айбни тан олиб, айблов органи билан жазога келишиши унга самаралироқ кўринади.

Шунингдек, айбланувчи ҳам келишув юзасидан суд қарор қабул қилгунга қадар ва суднинг қарори ижро этилгунга қадар воз кечиши мумкин, бироқ у томонидан келтирилган важлар “адолатли ва асосли” бўлмоғи лозим.¹ Суд, айбланувчига очик суд муҳокамасида унинг ҳуқуқлари билан бир қаторда айбини инқор қилиш ҳуқуқидан ва қисман шикоят қилиш ҳуқуқидан маҳрумлигини тушунтиради.

Жаҳон жиноят ишлари амалиётида келишувнинг яна бир тури – “целерант”² келишув институти ҳам Европанинг бир қатор давлатларида, жумладан, Испанияда “конформидад” ва Италияда “паттаджаменто”-судлов тизимида самарали фойдаланилиб келинмоқда. Бундай келишувнинг ўзига хос томони шундаки, келишувга қираётган айбланувчи айбига иқрор бўлиши шарт эмас, фақат унга чекланган жазо миқдори, (Испанияда озодликдан маҳрум қилиш жазоси 6 йилгача қўлланилиши) ёки муайян имтиёзлар берилади (Италияда, озодликдан маҳрум қилишнинг 1/3 қисми тайинланади).³

¹ Волевозд А.Г., Дубровин В.В. Правовое регулирования возмещения вреда причиненного преступлением, по законодательству США// Юридический мир. 2010. № 4. С. 35-42.

² Celerrantes –(лот) тез, интилувчан, ҳаракатчан.

³ Уголовный процесс – Учебник для вузов. Под общей ред. А.В.Смирнова. СПб.:Питер, 2004.-697 с.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам келишув институти янги институт сифатида киритилган ва амалиётда самарали ишламоқда. Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 40-бобида айбланувчига эълон қилинган айбга нисбатан иқrorлиги ва розилиги юзасидан ўтказиладиган суд мажлисининг алоҳида тартиби мавжуд бўлиб, унга кўра айбланувчининг айбига иқrorлиги юзасидан аризаси ва суд муҳокамасисиз ҳукм чиқариш юзасидан келтирилган илтимосномани мазмунан ҳал қилиш тартиби қайд этилган. Бундай ҳолатда суд тергови ўтказилмайди.¹

Юқорида қайд этилган давлатларнинг суд амалиётида қўлланилиб келадиган келишув институтининг асосий мақсадларидан бири, айбига иқror бўлганда суд терговини яқунлаб, айблов ҳукми чиқарилишига қаратилганидир.

Ҳозирда МДҲ мамлакатлари қатори Ўзбекистон ҳам ҳар бир соҳада турли хил босқичдаги ислоҳотларни амалга оширмоқда. Бундай ислоҳотлар жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Давлат раҳбари Олий Мажлисга 24.01.2020 йилда йўллаган Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга тўхталиб, соҳага доир асосий қонун ва кодекслар ҳозирги кун талабига жавоб бермаслиги сабабли парламент олдига яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиш вазисифасини қўйди.

Албатта, бу вазифа нафақат парламент, балки шу соҳада самарали фаолият юритаётган юристларга катта масъулият юклайди.

Жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликка киритиладиган ўзгаришларга қўйиладиган асосий талаблардан бири инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини самарали ҳамда мукамал ҳимоя қиладиган кодексларни ишлаб чиқиш, процессуал жараёнларни қисқартириш ва соддалаштиришдан иборатдир.

Худди шундай ёндашувни амалиётга жорий этилишини биз Қозоғистон Жиноят-процессуал қонунчилигига киритиладиган ўзгаришларда кузатишимиз мумкин. 2015 йил 1 январдан мазкур давлат жиноят-процессуал қонунчилигига келишув институти жорий этилди.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 612-моддасининг 1-қисмига асосан айбига иқrorлик келишув оғир, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишлари юзасидан қўлланилиши белгиланган. Жиноят-процессуал кодексининг 613-моддасига асосан бундай келишув:

- гумонланувчи, айбланувчининг процессуал келишувга розилигини ихтиёрий баён этганлигида;

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Глава 40.1. Особый порядок принятия судебного решения при заключении досудебного соглашения о сотрудничестве. /Консультант плюс. <http://www.consultant.ru>.

- гумонланувчи, айбланувчи томонидан ишда мавжуд ва унинг айбини тасдиқловчи далилларга, у томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига, етказилган зарар миқдорига эътирози бўлмаса;
- жабрланувчининг бундай процессуал келишув тузилишига рози бўлганлигида тузилиши лозим.¹

Шу ерда юқорида баён этилган давлатлар, жумладан АҚШ судлов қонунчилигидаги айбланувчи ёки судланувчи томонидан айбига иқрорлик келишуви имзоланганида жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг манфаатлари қай даражада ҳимояланганлигига тўхталиб ўтсак. Мазкур давлатлар қонунчилигида келишув тузиш жараёнида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар унинг манфаатлари акс эттирилмаган ва унинг розилиги ёки қаршилиги келишувни амалга оширишда деярли инобатга олинмайди. Жабрланувчига ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни қоплаш чоралари ҳам мазкур келишув юзасидан чиқарилган суд ҳукмида ўз аксини топмайди.

Бироқ, Қозоғистон қонунчилиги шарқ менталитетидан келиб чиқиб, жабрланган томоннинг ёки фуқаровий даъвогарнинг фикрини бундай келишув тузилишида муҳим шартлардан бирига айлантирди. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 15-моддаси 2-қисмига асосан жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар манфаатларини устунлиги қайд этилган. Мазкур принципиал тамойилга асосланиб, Қозоғистон процессуал қонунчилигида жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг розилиги жиноят иши юзасидан келишув тузишнинг муҳим шартларидан бири деб кўрсатилган.

Германия жиноят-процессуал ҳуқуқи фани вакиллари айбига иқрорлик келишув институтининг адолат меёрларига зидлигини таъкидлашсада, бироқ келишувда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг фаол иштироки таъминланган тақдирдагина бундай келишув томонлар манфаатини ҳимоя қилишда устунликка эга эканлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган ҳуқуқшунослар олдида бир қанча вазифалар қўйди, жумладан, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, халқаро амалиётда эътироф этилган ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиб келаётган жиноят-ҳуқуқий институтларни амалиётга жорий этиш шулар жумласидандир.

Жиноят ишларни қисқартирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон амалиётида мавжуд ижобий иш юритишни миллий процессуал қонунчиликка жорий этиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини самарали ҳимоя қилиш замон талабидир. Фикримизча, айнан Германия ва Қозоғистон жиноят-процессуал қонунчилигида самарали ва тарафларнинг ҳар жиҳатдан ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган келишув институтини миллий

¹ Уголовно-процессуальный кодекс РК от 04.07.2014 г. https://kodeksi-kz/com/ka/ugolovno-protsessualnyj_kodeks

қонунчилигимизга жорий этиш ва бу мамалакатларнинг ижобий амалиётини миллий қонунчилигимизга тадбиқ қилиш вақти келгандай назаримда.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХОЛИСЛАР ИШТИРОКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида жиноят ишлари бўйича иш юритувда жамоатчилик иштироки институтини кучайтириш истиқболлари назарда тутилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига уларнинг ишончини янада ошириш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотларни йўлга қўйиш, суд-ҳуқуқ тизимини очиқлигини таъминлаш, уларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишларини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, жамоатчилик иштироки институтини ривожлантириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгилангани бежиз эмас.

Чиндан ҳам жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки институти алоҳида мавқега эга. Президентимиз таъкидлаганидек, “Жамоатчилик назорати—бу биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.”¹

Албатта жиноят ишларини юритишда жамоатчилик вакили бўлган холислар институти ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Баъзида жиноят процессининг бу иштирокчилари, айниқса, ишда бир хил холислар иштирок этса, “статистлар” деб аталади. Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ҳаракати ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.²

Холислар ўз вазифасига кўра жиноят ишларини юритишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади. Улар жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун жалб қилинадиган ва иш ҳолатларининг натижасидан манфаатдор бўлмаган, бирор касбий вазифани бажармайдиган жиноят процессининг иштирокчиларидир.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конституция ва қонун устуворлиги-ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонларидир” мавзусидаги маърузаси, //Халқ сўзи, 254 (7484)-сон, 2019 йил 8 декабрь.//;

² З.Иноғомжонова, Г.Тўлаганова: Жиноят процесси иштирокчилари, (ўқув қўлланма), //ТДЮИ, - Т.: 2006. 116-бет.//.

Холислар иштироки ҳақида ўтмишда ҳам гапирилган. Масалан, шариат ҳукукида ҳам бирон-бир ҳолатни тасдиқлаш учун муайян миқдордаги шахсларнинг ҳозир бўлиши талаб қилинган. Бундай воқеликни тасдиқлашда улар гувоҳ деб аталсада, аслида биз ҳозирда холислар деб атайдиган иштирокчиларнинг ўзгинаси бўлган.

Юридик адабиётлардаги яна бир ёндашувга кўра, холислар сифатида иштирок этаётган шахс терговга қаршиликлар, тўсқинликлар бўлган-бўлмаганлигини, терговчининг қонуний талабларини фуқаролар томонидан қандай бажарилганлигини, агар процессуал мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса, у билан боғлиқ ҳолатларни тасдиқлаш учунгина керак.¹

Холисларнинг ҳозир бўлиши айна бир вақтда тергов ҳаракатини ўтказаятган шахснинг мафаатдор шахсларнинг тазйиқи таъсиридан ҳам сақлайди.

Аслида кўпчилик олимлар холислар институтининг жиноят ишларини юритишдаги иштироки бўйича қуйидаги иккита фикрга қўшилади: Булар тергов ва суриштирув ҳаракатларининг қонунийлиги кафолати сифатида холислар институтини тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва тергов ва суриштирув ҳаракатлари натижаларининг тўғрилиги.

С.Шейферга кўра, тергов ҳаракатларини тайёрлаш учун холисларни жалб қилиш, адолатли жамиятнинг барқарор элементи бўлиб, амалда терговнинг ҳар томонлама ва холислиги кафолати сифатида унинг самарадорлигини тасдиқлайди². Кўплаб юридик соҳа олимлари, жумладан И.Быховский³, О.Хитрова⁴, А.Смирнов⁵, В.Семенов⁶, С.Слинько⁷ ва бошқалар холислар институти тўғрисида ҳудди шундай фикрда бўлишган.

Жиноят процесси иштирокчиларини таснифлашда холислар қайси тоифадаги иштирокчиларга тааллуқлилиги хусусида турли хил муносабатни кузатиш мумкин. Кўплаб юридик адабиётларда холислар жиноят ишлари кўрилиши самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи, ёрдам берувчи иштирокчилар тоифасига киритилади.⁸

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳам холислар жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар тоифасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда холислик тушунчасини очиб берувчи, холис сифатида иштирок этиши мумкин бўлмаган шахслар рўйхати аниқ кўрсатилмаганлиги суд-тергов амалиётида турли хил муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

¹ А. Калугин: Понятой в уголовном процессе, //Следователь, 1999. С-2.//;

² См.: Шейфер С.А: Собираание доказательств в советском уголовном процессе, //Саратов, 1986. С. 137//;

³ См.: Быховский И.: Поняты // Социалистическая законность. 1972. № 4. С. 44-45//;

⁴ См.: Хитрова О.В.: Участие понятых в российском уголовном судопроизводстве, //М., 1998. С. 76,77//;

⁵ См.: Смирнов А.В, Калиновский К.Б: Уголовный процесс, //СПб., 2004. С. 163//;

⁶ См.: Семенов В.А: Следственные действия в досудебном производстве (общие положения теории и практики), //Екатеринбург, 2006. С. 176.//

⁷ См.: Научно-практическая конференция “Правовая и криминологическая оценка нового УПК РФ” //Государство и право. 2002. № 10. С. 103-105//;

⁸ Жиноят процесси, (Умумий қисм): З.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида, //ТДЮИ, - Т.: 2011. 124-бет//;

ЖПКнинг 73-моддасига кўра, холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида холислар тушунчасига бир қатор таърифлар берилган.

Хусусан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 60-моддасига кўра, холислар – жиноят ишининг натижасидан манфаатдор бўлмаган, суриштирувчи, терговчи томонидан тергов ҳаракатлари ўтказилганини, шунингдек тергов ҳаракатининг мазмуни, бориши ва натижаларини тасдиқлаш учун жалб қилинган шахсдир.¹

Бу каби тушунчалар Беларусь², Қозоғистон³ Республикаларининг Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, холисларнинг иштироки суриштирувчи, терговчи, тезкор-қидирув ходимлари томонидан ҳақиқий ҳолатни сохталаштириш хавфи бўлган ҳар қандай жараёнларни қамраб олиши керак. Манфаатдор бўлмаган шахс суриштирув ва тергов ҳаракатларининг ҳаққоний ўтказилишининг кафолатидир. Бунда эса тергов ҳаракатларини ўтказишда биринчи тўқнаш келган инсонлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг фаолиятини холисона кузатади ва амалга оширилган тергов ҳаракатларини имзо қўйиш орқали тасдиқлайдилар.

Холисларга аввало исбот қилиш жараёнида иштирок этувчи шахс сифатида қаралади.

ЖПКнинг 74-моддасида холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, холис тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Холис: узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

¹ Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси: <http://consultant.ru>;

² Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: <http://kodeksy.by>;

³ Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: <https://online.zakon.kz>.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Юқорида таъкидланганидек, холислар институти ҳақиқатни аниқлаш мақсадида реал ҳолатни сохталаштириш хавфи бўлган ҳар қандай жараёнда бевосита иштирок этади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, холис узрсиз сабабларга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун унга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтиришганидан сўнггина келиб чиқади, яъни холис мақомига эга бўлиш талаб этилади.

ЖПКнинг 352-моддасида тергов ҳаракатларини ўтказишда холисларнинг иштироки кўрсатилган бўлиб, унга кўра дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади.

Башарти бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки терговчи ва у раҳбарлик қилаётган суриштирувчилар бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказаетган бўлсалар, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи хузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилик кўрсатаётганлигини ёхуд дастлабки тергов юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам холислар таклиф қилинадилар. Ушбу Кодекснинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ЖПКда холислар фақат суриштирув ва тергов жараёнларида иштирок этиши кўрсатилган. Айрим ҳолларда эса суд тергови ўтказилаётган жараёнларда ҳам холислар иштирок этиши мумкин.

Хусусан, ЖПКнинг 445-қисмига мувофиқ, гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги холислар иштирокида ўтказилади. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлинганидан сўнг процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлиси залига қайтиб кирадилар ва у ерда тарафларнинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва холисларнинг иштирокида шифокор ёки бошқа мутахассис гувоҳлантирилган шахснинг баданида излар ёки белгилар аниқланган бўлса, шу хусусда ахборот беради ҳамда тарафларнинг, судьяларнинг саволларига жавоб беради. Бу маълумотлар, шунингдек гувоҳлантирилган шахснинг ҳамда холисларнинг мулоҳаза ва тушунтиришлари суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва улар шифокорнинг, бошқа мутахассиснинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва холисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Шу сабабли ҳам қонунчиликда холислар тушунчасига тариф беришда холислар нафақат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан, балки судья томонидан ҳам тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганлигини, уни мазмуни, ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун жалб қилинадиган шахслар эканлиги кўрсатиб ўтилиши лозим.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тартиби бузилишларининг энг кўп тарқалган ҳолларидан бири ҳам холислар иштироки керак бўлган тергов ҳаракатларида уларнинг иштирок этмаслиги ёки сохта иштирок этиш ҳолатлари ҳисобланади.

Ўз навбатида жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан холисларнинг иштирокига оид талаблар бузилиб олинган ҳар қандай далил номақбул далил сифатида эътироф этилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 9-банди “б” кичик бандида тергов ҳаракатларида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахс, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахслар иштирок этган бўлса далил ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлиб, мақбул эмас деб топилиши кўрсатилган.

Тергов ҳаракатларини амалга оширишда холисларнинг иштирок этиш зарурлиги масаласи мунозарали. Уларнинг баъзи тергов ҳаракатларида қатнашиш тарафдорлари бор, аммо ривожланган хорижий давлатлар сингари холислар институтини тугатиш тарафдорлари ҳам оз эмас.

АҚШ, Канада, Хитой, Япония сингари давлатларда холислар институти мавжуд эмас. Бу мамлакатларда амалда полиция ходими учун “ишонч презумпцияси” мавжуд. Бироқ, МДҲ давлатларининг аксариятида холислар институти жиноят ишларини юритишда иштирок этиб келмоқда.¹

Европа мамлакатларида холисларнинг иштироки тинтув тергов ҳаракатларини ўтказиш, шунингдек процессуал мажбурлаш (Германия, Франция, Болтиқбўйи давлатлари)дан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа процессуал ҳаракатлар билан чекланади.²

Сўнгги йилларда дунё ҳамжамияти жадал ривожланиб бораётгани, турли хил илмий-техникавий ютуқлар қўлга киритилаётганлиги ҳам холислар институтининг ўрни ва аҳамиятига жиддий тарзда соя сола бошлади.

Россия ва бошқа давлатларнинг қонунчилигини таҳлил қилсак, уларда ҳам холислар институтининг иштирокини тугатиш томон кетмоқда деган хулосага келинади.

¹ М.Манько: К вопросу об участии понятых при производстве следственных действий в Республике Беларусь, <https://cyberleninka.ru>;

² В.Бахин, С.Чернявский, Е.Губина: Об участии понятых на стадии досудебного расследования: проблемы и пути их решения, <http://www.legeasiviata.in.ua>

Масалан, Россия Федерациясида терговчининг қарори билан тергов ҳаракатларида холислар иштирок этмаса, тергов ҳаракатининг йўналиши ва натижаларини тасдиқлаш учун техник воситалардан фойдаланиш мажбурийлиги белгиланган.

Шунингдек, кириш қийин бўлган жойларда, тегишли алоқа воситалари бўлмаган тақдирда, шунингдек тергов ҳаракатларини ўтказиш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолларда тергов ҳаракатлари холисларнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Холисларнинг иштирокисиз тергов ҳаракатлари ўтказилганда, унинг ўтказилганлигини ва натижаларини тасдиқлаш учун техник воситалардан фойдаланилади¹.

Бу ҳолат Беларусь Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган².

Қирғиз Республикасининг 2019 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини юритишда холисларнинг иштирокига тўла барҳам берилиб, уларнинг ўрнига аудио ва видео ёзув техника воситаларидан фойдаланиш назарда тутилган³.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам холислар институти такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ҳозирги кунда жиноят ишларини юритиш ишларига холислар институти иштирокини таъминлаш масаласи суриштирув ва тергов органларининг муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Қўрқув, турли хил оворагарчиликлар туфайли ҳам фуқаролар холис сифатида ишда иштирок этишдан бош тортишга ҳаракат қилишади ёки олис ҳудудларда ёхуд тунги вақтларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида холисларни жалб қилиш ва уларнинг иштирокини таъминлашда муаммо ва қийинчиликларга дуч келишади. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш учун жиноят-процессуал қонунчиликка жиноят ишларини юритишда холислар институти иштирок этиши билан боғлиқ қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жоиз бўлар эди:

- жиноят-процессуал қонунчиликка холис тушунчасини очиб берувчи норма киритиш, холис сифатида иштирок этиши мумкин бўлмаган шахслар рўйхатини белгилаш;

- таниб олиш учун кўрсатиш, давлат сири билан боғлиқ бўлган объектлар ёки ашёларни кўздан кечириш, турар жой ёки бошқа бинони кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш, шахсий тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, гувоҳлантиришдан ташқари бошқа процессуал ҳаракатлар холисларсиз видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиш;

- агар тунги вақтда, яъни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача ёки фуқаролар яшаш жойидан олис бўлган ҳудудда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида холислар иштирокини

¹ Россия Федерация Жиноят-процессуал кодекси: <http://consultant.ru>.

² Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: <http://kodeksy.by>;

³ Қирғиз Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: <http://cbd.minjust.gov.kg/>.

таъминлашнинг имконияти мавжуд бўлмаса, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан мазкур процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиш тизимини жорий қилиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноят ишларини юриштишда холислар институти иштирокини такомиллаштириш фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя этишга, уларнинг тинч ва осуда ҳамда фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асл мақсадини рўёбга чиқаришга, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига ва эътироф этилишига хизмат қилади.

СУД МУҲОКАМАСИДА ИСБОТ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ВА ДОИРАСИ

Ҳозирги кунда исботлаш предмети ва доираси, исботлаш иштирокчилари, уларнинг исботлаш жараёнидаги мажбуриятлари муҳим муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки жиноят-процессуал фаолиятнинг асосини исботлаш жараёни ташкил қилади. Исботлаш жараёни давомида олинган ишончли маълумотлар асосида жиноят иши адолатли ҳал қилинади. Исбот қилиш фаолияти мураккаб бўлиб, у бир неча босқичларга бўлинади. Исбот қилиш жараёни ишни оддий ҳолатдан ишни ҳал қилишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Суд муҳокамасида исбот қилиш-бу жиноят ҳолатларини англашнинг процессуал шакли бўлиб, ушбу жараён айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва бошқа шахслар иштирокида судья томонидан амалга оширилади. Исбот қилиш тушунчаси юзасидан бир қатор процессуал олимлар ўзларини қарашларини илгари суришган. Хусусан, М.С.Строговичнинг ёзишича: “Исбот қилиш - жиноий иш ҳолатларини, фактларини англаш жараёнидир”¹.

М.С.Строговичнинг юқоридаги фикрига қўшилаемиз. Сабаби исбот қилиш субъектлари иш ҳолатини аввал ўзлари англамай туриб, исбот қилишни амалга ошира олишмайди. Исбот қилишни амалга ошираётган суд исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатни тўла, ҳолисона ва синчковлик билан ўрганиши ва билиши зарур. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 85-95-моддаларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу нормалар исбот қилишга оид нормаларга бағишланган. Далиллар асосида жиноят иши қурилади, уларнинг қоидалари жиноят-процессуал қоидалар билан тартибга солинади. Мазкур қоидалардан ҳар қандай чекиниш далилларни мақбул эмаслигини келтириб чиқаради. Шу билан бирга ушбу қоидалар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сезиларли таъсир қилади.

Шу ўринда исбот қилиш - бу иштирокчилари ўртасида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир.

Исбот қилиш субъектлари маълум бир иш ҳолатини исботлаш давомида далиллардан фойдаланади. Бу далиллар орасида гувоҳ кўрсатмалари энг кўп ишлатиладиган далил туридир. Ҳеч бир иш йўқки, уни гувоҳ кўрсатувларисиз исботлашни имкони йўқ. Жиноят процессуал қонунчиликда гувоҳ тушунчаси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гувоҳнинг сўроқ қилиш қоидалари, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш лозим бўлган шахслар доираси ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ўз аксини топган.

Суд муҳокамасида иш бўйича тўпланган ҳар бир далил алоҳида ва барча далиллар бир тизимга келтирилиб умумий баҳоланиши лозим. Ушбу ҳолат далил сифатида эътироф этилган гувоҳ кўрсатувларига ҳам

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Строгович М.С. Курс уголовного процесса. – М.: Наука, 1968. -Б.296.

тегишлидир. Суд гувоҳ кўрсатувларини далил сифатида эътироф этиш учун бир қатор омилларни эътиборга олиши лозим бўлади. Гувоҳнинг кўрсатувлари бошқа далиллар ўртасида ҳеч қандай мантиқий зиддиятлар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда айбдор шахснинг айби тўла исботланмаган деб ҳисобланади ва мазкур гувоҳнинг кўрсатувлари мақбул далил деб баҳоланмайди. Бу эса суд тергови бир ёқлама олиб борилганини, айбланувчининг процессуал манфаатлари тўла текширилмаганлигини, сифатсиз, юзаки олиб борилганини кўрсатувчи ҳолат ҳисобланади. Судья гувоҳ кўрсатувларини баҳолашда ёки жиноят иши бўйича хулоса чиқаришида ўз ички ишончига амал қилиши лозим. Судья айниқса гувоҳни сўроқ қилаётганда гувоҳнинг кўрсатувларини эътибор билан тинглаши керак. Машҳур криминалист Гельвицнинг таъкидлашича: “Олинаётган кўрсатувлар хатосиз бўлиши, шунингдек гувоҳ содир бўлган жиноятни бирма-бир кўз олдига келтириб сўзлаб бериши учун бу жиноят унинг хотирасида аниқ сақланиб қолган бўлиши керак. Аммо айрим ҳолларда, гувоҳларнинг топилмаслиги ёки процессуал ҳаракатлар тезкорлик билан олиб борилмаслиги натижасида жиноятнинг тўла тафсилоти чалкашиб кетади ва жиноятни очишда турли хатоларга олиб келади. Энг салбий томони - гувоҳ томонидан барча маълумотларнинг “эшитиш” асосида олиншидир. Бундай ҳолларда энг биринчи, асосий гувоҳни топишга ҳаракат қилиш лозим”¹.

Шу ўринда криминалист Гельвицнинг фикрларига қўшиламиз. Сабаби судья ишни ҳал қилиш жараёнида, айниқса далилларни баҳолашда, гувоҳларнинг бераётган маълумотларини эшитиш асносида билдираётганига аҳамият бериш керак. Шу билан бирга дастлабки терговда берган кўрсатмаларига солиштириб, дастлабки кўрсатмаларидан келиб чиқиб саволлар бериш орқали аниқлаштириши керак. Сабаби бундай ҳолатда гувоҳнинг бераётган маълумотларини ишончли деб баҳолаб бўлмайди.

Жиноят ишларини суд муҳокамасида исбот қилишда далил сифатида гувоҳнинг кўрсатувлари иш бўйича аниқ фактик ҳолатларнинг бор ёки йўқлигини, бу ҳолатларда жиноят таркиби бор ёки йўқлигини ва бошқа ҳолатлар (фуқаровий даъво қаноатлантирилиши лозимми ёки йўқлиги) юзасидан ҳақиқатни аниқлашда муҳим хизмат қилади.

Суд томонидан исбот қилиш жараёнини амалга оширишда унинг амалий тажрибаси, шунингдек, унинг дунёқараши, ҳуқуқий онги ва тафаккури муҳим ўрин тутди².

Амалий тажриба билим фаолиятининг асоси бўлиб, бу тажриба исботлаш субъектлари томонидан ишлаш жараёни давомида ўзлаштириб борилади, натижада уларнинг амалий тажриба даражаси йиллар давомида ортиб боради. Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ичида ҳар бир жиноят иши бўйича фактик ҳолатларни бор ёки йўқлигини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Бу ҳолатни фикрлаш фаолияти билангина аниқлаш тўлиқ ижобий натижани бермайди. Бу ерда бевосита билиш фаолияти (алоҳида фактларни предметларни қабул қилиш)ни, шу фактлар тўғрисидаги маълумотларни

¹ Анушат Э. Искусство раскрытия преступлений и законы логики. – М.: Лекс-Эст, 2001. –Б.27.

² Арсенев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств. – М.: Юрид. лит.,1964. –Б.6.

олишга қаратилган бевосита амалий фаолият (сўроқ қилиш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш) муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жиноят иши ҳолатларини исбот қилиш фақатгина фикрлаш фаолиятидан эмас, балки бевосита амалий фаолият олиб боришдан иборатдир¹.

Суд муҳокамасида исбот қилишнинг асосий мақсади-ҳақиқатни аниқлашдир, яъни иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ва фактларни аниқлашдан иборат.

Суд муҳокамасида ҳақиқатни аниқлаш адолатли ҳукм чиқаришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талаблари асосида гувоҳнинг кўрсатувлари олиниши муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга гувоҳнинг кўрсатувлари процессуал тартибда расмийлаштирилиши керак. Ушбу ҳолатда суд муҳокамасида текширилган гувоҳнинг кўрсатувларини сўроқ қилиш йўли билан ишга оид маълумотлар олиниб, ушбу маълумотлар суд мажлиси баённомасига қайд қилинишини таъминланиши керак. Суд мажлиси баённомасига қайд қилинган гувоҳ кўрсатувлари хулоса чиқаришга хизмат қилади. Суд хулоса чиқаришда уларга таянишга ҳақли ҳисобланади. Ва бу нарса қонунийдир.

Суд муҳокамасида исбот қилиш жараёнида суд шахсни гувоҳ тариқасидаги кўрсатувларини олишдан аввал у билан психологик жиҳатдан боғланиб, судья билан гувоҳнинг ўртасидаги “девор”ни олиб ташлаган бўлиши керак. Бу айниқса, вояга етмаган гувоҳларнинг кўрсатувларини олишда муҳим аҳамиятга эга. Сабаби гувоҳ суд мажлисида ўзини қанчалик эркин тутса, ўзига маълум бўлган ҳолатларни эркин сўзлаб бериши мумкин. Бу нарса гувоҳларнинг кўрсатувлари қанчалик ҳақиқатга монанд эканлигига хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда гувоҳ кўрсатувларини исбот қилиш доираси қандай бўлишига тўхталадиган бўлсак, бунда гувоҳлар доирасини аниқлаш, уларни кўрсатувларига бориб тақалади. Мисол учун, бир гувоҳ кўрсатувларида бирор бир иш ҳолатларидан кўрсатув берса, ушбу гувоҳнинг кўрсатувларидан келиб чиқиб, бошқа гувоҳларни шахси ва уларнинг доираси белгилаб олиниши лозим. Ва бу орқали далиллар сараланиб олиниши билан бирга гувоҳларнинг кўрсатувлари ўзаро бир-бирига боғланади. Бу йўл билан далил сифатида гувоҳ кўрсатувлари бир-бирини тўлдириши ва тасдиқлаши лозим. Бу эса, исботлаш предметини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Бунда суд томонидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

Суд муҳокамасида исботлаш доирасининг асоссиз тарзда қисқартириб ёки кенгайтирилиб юборилиши муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун исбот қилишга жалб қилинаётган гувоҳлар доираси ва миқдори иш учун етарли бўлиши керак. Бунда суд муҳокамасида далиларни тўплаш, яъни гувоҳ кўрсатувларини олиш билан бирга бир йўла текшириш ва баҳолашни бир вақтда амалга ошириши керак. Бу йўл орқали иш учун

¹ Ўша ерда. - Б.7.

аҳамиятли бўлган гувоҳ кўрсатувлари олинади. Иш учун зарур бўлмаган гувоҳ кўрсатувларини олишга зарурият туғилмайди.

Шу ўринда А.С.Кобликовнинг: “...исботлаш предмети ва доираси бир хил тушунча ҳамда мазмунга эга, аммо исботлаш предмети билан исботлаш доираси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос юридик мазмунни ифодалайди. ... исботлаш предмети – ишни адолатли ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳолатлар йиғиндисидир”,¹ деган фикрлари ҳам ушбу ҳолатларни тасдиқлаши мумкин.

Амалиётда исботлаш предметини аниқлашда асосан икки турдаги хатоликларга йўл қўйилади. Биринчи турдаги хатоликлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ, ҳар томонлама, ҳолисона аниқланмаслиги бўлса, иккинчиси исботлаш предметининг асоссиз тарзда қисқартириб ёки кенгайтирилиб юборилишидир. Исботлаш предмети ҳажмини асоссиз равишда қисқартириш дастлабки ёки суд терговининг тўлиқ бўлмаслиги ёки бир ёқламалилигига сабаб бўлади. Аксинча, исботлаш предметини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилиши ишнинг кераксиз материаллар билан тўлиб кетишига, суд тергов қилиш жараёнининг асоссиз чўзилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида исботлаш предметига қўйидаги исботланиши лозим бўлган ҳолатлар киритилган: 1) жиноят объекти: жиноят туфайли етказилган зиённинг ҳусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; 5) айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Исботлаш жараёнида жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва уларнинг ижтимоий хавфли оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳолатларнинг аниқланиши орқали жиноятнинг қачон, қаерда, қандай усуллар орқали ҳамда қандай шароитларда содир этилгани ва улардан келиб чиққан оқибатлар ўртасида қандай сабабий боғланиш борлиги каби масалалар ҳал қилинади. Бу ҳолатларни аниқлаш суриштирувчи, терговчидан катта маъсулият талаб этади.

Амалиётда айрим жиноятларни содир этиш вақтини аниқлашда дақиқа, сониялар ҳам катта роль ўйнайди, шунингдек, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда ҳар бир элемент ва деталларга эътибор бериш муҳим. Баъзи жиноятлар бўйича вақтни аниқлашда эса кун ёки ҳафтанинг аниқланиши ҳам етарли бўлади. Масалан, жиноят содир этиш усули айрим ҳолларда индивидуал кўринишга эга бўлиб, “серияли қотиллик” содир этувчи жиноятчи ўзининг ғараз, ваҳший ниятларини ҳафтанинг айнан бир

¹ Кобликов А.С. Доказательства в уголовном процессе. Уголовный процесс. Учебник. - М.: 1982. –Б.144.

кунида (душанба, сешанба ва ҳ.к.) ёки йилнинг айнаи бир мавсумида (қиш, ёз ва ҳоказо) амалга ошириши мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда жиноят содир этилган вақт, жой, усул, ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама, холисона аниқланиши шарт, акс ҳолда дастлабки терговнинг тўлиқсиз ёки бир ёқлама ўтказилиши ҳолати юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси 3-бандида жиноятнинг муайян шахс томонидан содир этилганлиги жиноят ҳодисасининг исботланиши лозим бўлган ҳолати сифатида таърифланади. Жиноят айнан муайян шахс томонидан содир этилганлигини исботлаш учун унинг маълум ёшга тўлганлиги, ақли расолиги, жиноят айнан шу шахс томонидан содир этилганлиги, айрим жиноятларда махсус субъект бор ёки йўқлигини ҳам аниқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси 4-бандида эса, кўрсатилган жиноятнинг субъектив томонларини, унинг сабаб ва мақсадларини аниқ белгилаш жиноятни тўғри малакалаш, шахснинг айблилик даражасини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашнинг зарурий шартидир. Жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш суд-тергов амалиётида маълум қийинчиликлар туғдиради, шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавfli томонлари, мақсад ва мотивларини чуқур ўрганиш лозим. “Исботлаш предметига жиноятнинг сабаб ва шароитларини киритишнинг ҳожати йўқ, чунки у қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказишга, ортиқча вақт сарфланишига олиб келади”,¹ деган фикрлар бизнингча нотўғри, чунки айнан жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноят қандай асосда содир этилганлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг мақсади, мотиви ва содир этиш асосларини етарлича тадқиқ этмаслик жиноятни малакалашда хатоликларга йўл қўйилишига, шахснинг содир этмаган қилмиши учун жинойи жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жиноятнинг сабаблари ва мақсадларини аниқланиши кейинчалик шу жиноятнинг қайта содир этилишини олдини олиш имконияти беради.

Айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исбот қилиниши зарурлиги ЖПКнинг 82-моддаси 5-бандида белгиланган. Айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифлашда оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинади. Суд айбланувчи (судланувчи)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва жойи, яшаш ва иш жойи, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволи, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлайди. Шунингдек, шахснинг илгариги фаолияти натижасидаги имтиёзлари, меҳнатга, бурчга бўлган муносабати, жамиятда тутган ўрни, оиласининг моддий ҳолати, иш стажи, соғлиғи, олдинги иш жойларида қандай ишлаганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги эътиборга олиниб, улар бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан узвий

¹ Томин В.Т. Выявление и устранение обстоятельств, способствовавших совершению преступления и цель уголовного процесса. // Проблемы борьбы с преступностью. Вып.1. -1970. -Б. 155-156; Пашкевич П.Ф. Закон и судейское усмотрение. Государство и право. -1982. -№1. -Б. 58.

боғлиқликда кўриб чиқилади. Яъни бу ҳолатлар аниқланаётганда шу жиноятни содир этишга ундаган шароитлар, сабаблар ҳам аниқланади.

Демак, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир ҳолатнинг аниқланиши иккинчисини топишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар барча турдаги жиноятларга тааллуқлидир. Лекин алоҳида тоифадаги ишларни юритишда қўшимча ҳолатлар ҳам аниқланади.

Суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда ЖПКнинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган бир қатор ўзига хос бошқа ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.¹ Бу тоифадаги ишларда вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни), вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати; унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари; катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Шахснинг ақли расолигини белгилаш ҳам исботлаш лозим бўлган муҳим ҳолатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 566-моддасида ақли норасо шахс томонидан содир қилинган ижтимоий хавфли қилмиш юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилган. Унга кўра, ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар; шахс, қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги; мазкур шахснинг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати аниқланиши лозим. Шу билан биргаликда жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг иши бўйича унинг бундан кейинги ҳаракатлари ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинми ёки йўқлиги, даволанишга муҳтожлиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига зарурат бор ёки йўқлигини ҳам исботлаш лозим. Айрим ҳолларда жиноят содир этган шахс жиноят иши кўрилаётган пайтда кучли руҳий ҳаяжон ҳолатига тушиб қолади. Лекин энг асосийси унинг жиноят содир этиш пайтидаги ҳолати ҳисобланади. Бу ҳолатларни суд экспертизаси аниқлаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал исбот қилиш жараёнида ҳар бир жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тўла, ҳар томонлама, холисона аниқлаш учун суд органлари чуқур касбий тайёргарликка эга бўлишлари талаб этилади. Исботлаш жараёнининг энг зарурий шартларидан бири бўлган исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашда қонуний, ишончли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланиш лозим.

¹ Қаранг: Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 88 б.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида суд қарорларини апелляция, кассация ёки назорат тартибида қайта кўриш институти жиддий такомиллаштирилди.

Жумладан, ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериши мумкинлиги, тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги туфайли апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими, қарори назорат инстанцияси суди томонидан бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судида муҳокама судланувчининг умуман айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги масалага дахл қилмаган ҳолда жиноятни таснифлаш ва жазо чораси хусусида бориши, Жиноят-процессуал кодексининг 497², 498 ва 510-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлилиги, бунда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материалларни тақдим этиши мумкинлиги, жазони кучайтириш ва оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш, юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлига доир янгиликлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексиде янада такомиллаштирилди.

Бу ўз навбатида фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатланишига ёрқин мисол бўла олади. Мукаддам қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш фақатгина мансабдор шахсларнинг протести билангина бошланар эди. Эндиликда суд қарорларини юқори назорат тартибида текширишга фуқароларнинг бу ҳақдаги шикоятлари ҳам асос бўла олади.

Таъкидлаш жоизки, апелляция, кассация ва назорат инстанциясининг такомиллаштирилиши, уларнинг ваколатларини кенгайтирилиши, биринчи инстанция судларининг қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича муурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатидан келиб чиқадиган вазифаларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сонли Фармони¹ билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 52-бандида прокурор томонидан суд қарорларига нисбатан протест келтириш асослари ва тартибини қайта кўриб чиқиш ҳамда илғор хорижий тажрибага мослаштириш, бундан ташқари прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни, иш юзасидан тарафлар мурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина, суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш назарда тутилмоқда. Ушбу Фармон билан қонунчиликка киритилиши назарда тутилган ўзгартиришларни ишлаш механизмини шундай ишлаб чиқиш керакки, зеро Фармонни қабул қилишда қўзланган мақсадни тўла-тўқис очиб бера олсин.

Баъзи хорижий давлатларда прокурорлар суд қарорлари хусусида протест билдирса, бошқа давлатларда (худди процесснинг бошқа иштирокчилари каби) шикоят қилади. Шу муносабат билан МДХга аъзо давлатлар ва Болтиқбўйидаги бир қатор мамлакатларда прокурорнинг суд қарорлари қонунийлигини назорат қилиш функциясига оид атамаларнинг ҳам борган сари ўзгариб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, прокурор эндиликда суд қарори устидан назорат тартибида протест эмас, балки шикоят қилади.² Аксарият хорижий давлатлар (РФ, Қирғизистон, Туркменистон) қонунчилигида эса прокурор тақдимномаси деб ҳам юритилмоқда.

Шу ўринда судда жиноят ишларини кўриб чиқишда тарафлар тенглигини ҳақиқий маънода таъминлаш мақсадида, амалдаги қонунчилигимизга кўра прокурор томонидан суд қарорларига протест билдириш амалиётидан воз кечиб, барча тарафлар учун бир хил бўлган шикоят бериш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

Прокурор томонидан ўзи қатнашмаган ишни суддан чақиртириб олиб, ўрганиб кўриб, кейинчалик протест келтириши суд мустақиллигига ҳам дахл қилиши мумкинлигини эътиборга олиш муҳим.

Суд амалиётида жиноят ишларини прокуратура органлари томонидан сўровнома орқали олиб кетилиб, баъзида мазкур ишлар бир неча ойлаб прокуратура органлари томонидан ишни қўрган судга қайтарилмаслиги ҳолатлари кузатилади. Мазкур даврда тарафлар суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори устидан кассация тартибида шикоят келтиришлари, жиноят иши прокуратура органида бўлганлиги сабабли, мазкур шикоятларни расмийлаштириш жараёни сунъий равишда кечикиши ва ушбу ҳолат шикоят

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти. www.lex.uz Мурожаат санаси: 01.05.2020 й.

² Прокурорский надзор // Под ред. О.А.Галустьяна и др. -Москва., 2006. –С. 343-361

қилган тарафларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлиш ҳолатлари учраб туради.

Мазкур сансоларлик ҳолатларига чек қўйиш мақсадида прокуратура органи суддан ишни фақат тарафларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган ҳолатларда талаб қилишга ҳақлилиги ҳамда мазкур ишни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш муддатида, яъни узоғи билан 1 ой муддатда судга қайтариши тўғрисида процессуал нормани қонунчиликка киритиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, тингловчи томонидан жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги процессуал нормаларни жиноят-процессуал қонунчилигига киритиш таклиф этилади, яъни:

- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлар, ажримлар ёки қарорларига нисбатан протест прокуратура органига мурожаат қилган манфаатдор ҳисобланувчи тарафнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда киритилиши, протест мурожаат қилган тарафга таништирилиши, мурожаат қилган тараф протест билан келишиб, уни имзоси билан тасдиқлагандан кейингина протестни кассация судлов ҳайъатида кўриш учун киритиш тартибини жорий қилиш;

- суднинг ҳукми, ажрими ва қарорига нисбатан киритилган апелляция ёки кассация протести, протестни киритган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан, суд ишни кўришни бошлагунига қадар ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олиниши шунингдек, аризаси протест киритилишига асос бўлган манфаатдор тараф протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутиш.

Ўйлаймизки, жиноят-процессуал қонунчилигига киритишни назарда тутувчи юқоридаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан белгиланган ва жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг янада самаралироқ механизмини яратиш учун хизмат қилади.

**2-БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ИШЛАР ЮРИТУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

АДМИНИСТРАТИВНЫЙ АКТ И ОГРАНИЧЕНИЯ ПРИ ОТМЕНЕ АДМИНИСТРАТИВНОГО АКТА АДМИНИСТРАТИВНОМ ОРГАНОМ

I. Кодификация административного права (Закон об административных процедурах и Кодекс административного судопроизводства Узбекистана) открывает путь для интерпретации административного права

Последуют ли в Узбекистане вслед за кодификацией создание и развитие интерпретации с использованием данного закона и кодекса, - это является важным вопросом, определяющим то, будет ли в действительности использоваться принятый закон и кодекс исторической значимости, а именно, два закона – Закон об административных процедурах и Кодекс административного судопроизводства. Также, Министерство юстиции Японии, Министерство юстиции Узбекистана и другие органы занялись совместным созданием «Пособия по Закону об административных процедурах и Кодексу административного судопроизводства», что является попыткой решения данного вопроса.

Однако в настоящее время в Узбекистане пролегает большая «пропасть» между кодификацией и интерпретацией. В этом отношении, как и ранее в Японии, после наследования кодекса (первостепенной платы за кодификацию), чрезвычайно важным вопросом является то, увенчается ли успехом наследование науки о праве (юридической герменевтики), являющейся образом мыслей для применения закона и кодекса на практике (второстепенная плата за кодификацию).

а) Ограничение под названием «идеология ограниченных судебных решений» (ideology of bound judicial decision-making) в практике права (интерпретации)

В странах, находившихся/находящихся под влиянием Советского Союза и советского права, интерпретация судьей считалась/-ется чем-то отрицательным. Никто не думал о том, что текст закона становится понятным посредством процесса дедуктивной логики и фактической оценки ценностей, проведенных судьей. В случае если закон не имеет рационального обоснования, судья не может интерпретировать и применить его. Тогда решение проблемы поручается не судье, а другому органу, то есть законодательной власти. После развала социализма «идеология ограниченных судебных решений», по-прежнему, продолжает контролировать утверждения суда, делая упор на эту особенность формализма (*Zdenek Kuhn, Worlds Apart: Western and Central European Judicial Culture at the Onset of the European Enlargement, 52 Am. J. Comp. L. 531, 543-44 and 550 (2004)*).

* профессор Экономического Университета Нагои (Япония)

б) Применение на практике Закона об административных процедурах, берущее начало с преодоления уже существующей практики (интерпретации) права, и развитие административного права

Давайте рассмотрим тему Закона об административных процедурах Узбекистана (далее ЗАП).

Закон об административных процедурах позитивировал новые принципы, понятия и институты права. Однако, в Узбекистане все еще осуществляется интерпретация закона, основанная на прежней «идеологии ограниченных судебных решений», смогут ли юристы самостоятельно и надлежащим образом справиться с применением Закона об административных процедурах?

1) Интерпретация законов с помощью дедукции в отношении «административных актов»

Начнем с того, что Закон об административных процедурах включает в себя базовое для юристов Японии понятие общеизвестного административного права в виде «административного акта» и приводит его определение (ЗАП ст.4, п.8) .

При формулировании данного определения, в качестве абстрактных (теоретических) требований, составляющих юридическое понятие «административного акта», приводятся две характерные черты: 1) властные меры административных органов 2) меры, направленные на создание, изменение и прекращение правовых отношений, и рождающие определённые правовые последствия для отдельных физических и юридических лиц (содержание этих двух требований аналогично основным составляющим административного акта Японии).

i) при этом «административный акт», состоящий из двух абстрактных требований, которые обозначены данным абстрактным определением, устанавливается как «главная предпосылка».

ii) в качестве «меньшей предпосылки» устанавливается конкретная ситуация в виде определенной административной деятельности.

iii) рассматривается, предполагает ли i) ii) согласно логике, иными словами, удовлетворяет ли ii) данным двум абстрактным требованиям, определение которым приведено в i) или нет. И если i) предполагает ii), определенная административная деятельность ii) интерпретируется, как «административный акт» i).

Из данной интерпретации права при помощи дедукции с использованием силлогизма i)⇒ii)⇒iii) можно вывести заключение. К примеру, если определенная административная деятельность признана административным актом, то к данной определенной административной деятельности применяется правовой эффект, регламентируемый Законом об административных процедурах (административные акты, нарушающие принципы, установленные Законом об административных процедурах, подлежат отмене или пересмотру (ЗАП, ст.19, п.2). То есть, если определенная административная деятельность ii) является административным актом i), то в случае нарушения данной

административной деятельностью принципов, установленных Законом об административных процедурах (к примеру, в случае нарушения пропорциональности), правовой эффект данной административной деятельности, как административного акта, подлежит отмене.

Кстати говоря, этот метод интерпретации права уже долгое время применяется в Японии, и на сегодняшний день он остается базовым методом интерпретации права при принятии решения, попадает ли под административного аста определенная административная деятельность, ставшая предметом иска об отмене административного акта (**Дело о мусоросжигательном заводе Токио, судебное решение Верховного суда от 29 октября 1964 г.**).

Впервые за все время в административном праве Узбекистана Закон об административных процедурах дал определение «административному акту», назвав его общим абстрактным юридическим понятием, используемым в качестве инструмента для интерпретации права с помощью дедукции. В результате, введение определения «административного акта» имеет большое значение, как открывающее путь, ведущий к применению различных интерпретаций праиа в правовой практике судов, не знающих прежде других методов, кроме формальной грамматической интерпретации.

2) Позитивация «принципа ограничений по отмене административного акта по должности», служащего предпосылкой интерпретации закона посредством взвешивания интересов

Статья 59, пункты 6 и 9 ЗАП, касательно отмены по должности административного акта с получением выгоды, с точки зрения защиты доверия заинтересованных лиц, вводит следующие ограничивающие положения, что также было принято впервые в истории административного права Узбекистана:

«Доверие заинтересованного лица подлежит защите, если оно, полагаясь на законную силу административного акта, использовало имущество, полученное на основании административного акта, совершило сделку для распоряжения своим имуществом или иным образом воспользовалось выгодами и преимуществами, предоставленными административным актом» (**ст.59, п.6 ЗАП**).

«Независимо от доверия заинтересованного лица административный акт, признанный не соответствующим законодательству, может быть отменен административным органом в случае, если его сохранение создает угрозу общественным интересам» (**ст.59, п.9 ЗАП**).

Как видно из этих двух статей, даже в случае незаконного административного акта с получением выгоды, по принципу его отмена по должности запрещается (п.6). В случае ущемления общественных интересов, как исключение, отмена незаконного административного акта по должности разрешается. Следовательно, в данном случае, и суд, и административные органы будут проводить интерпретацию права посредством взвешивания интересов, которое заключается в выявлении преимущества путем сравнения получаемого заинтересованным лицом в случае сохранения незаконного

административного акта доверия, и общественных интересов в случае отмены административного акта.

В Японии стоит вопрос о том, что в отношении «принципа ограничений по отмене административного акта по должности», касающегося незаконные административные акты с получением выгоды, Закон об административном деле-иске четко не прописан и полностью подчиняется теории и практике административного права (судебных решений).

За счет сравнения и взвешивания общественных интересов, извлекаемых при отмене незаконных административных актов с получением выгоды, и обеспечения законности, с извлекаемой в случае сохранения незаконных административных актов интерес выгодой лица, которому адресованы административные акты, выносится решение посредством интерпретации, что же в данном случае приоритетнее. В Японии в каждом индивидуальном деле рассматриваются характер и содержание имущества, содержание убытков в результате отмены административных актов в отношении лица, которому адресованы административные акты, причины, по которым был осуществлен незаконный административный акт, стабильность новых правовых отношений, сложившихся на базе данных административных актов и пр., вместе с этим в общей совокупности рассматриваются цели, принципы и структура и пр. правового основания для принятия административных актов, и в применении к данному делу проводятся индивидуальная интерпретация и заключение. Как видно из судебных решений Японии с применением данной практики, несмотря на то, что интерпретация права проводится посредством взвешивания интересов по общим принципам, вынесение судебного решения является крайне сложным процессом, в нем используется «телеологический метод интерпретации», делающий заключение, исходя из цели закона, и «системный метод интерпретации», делающий заключение, исходя из регулирований и системы процедур. При этом делается обзор выгоды адресата, конкретного содержания и пр. общественных интересов, состоящих из множества выгод, включающих выгоды заинтересованных лиц третьей стороны, действительного положения с распределением, расхождением и дополнением всех выгод, проводится анализ и рассмотрение (К примеру, **Дело о решении прекращения выплаты пенсии по инвалидности, Высший суд Токио, 7 сентября 2004 г.**).

Следовательно, для юристов Узбекистана, проводивших преимущественно формальную грамматическую интерпретацию, в подобном методе интерпретации посредством сложного взвешивания интересов, как в Японии, быстрое достижение мастерства - задача не легкая. Вслед за урегулированием правовой системы встает задача замены прежней системы подготовки юристов на систему с возможностью изучения подобного сложного метода интерпретации права и юридической герменевтики, при этом остается надеяться, что юристы станут уделять достаточное время и

систематически прилагать усилия к учебе для овладения интерпретацией права и юридической герменевтикой.

STANDING TO SUE IN JAPAN

1. Standing: The interest to Bring an Action

(1) Article 9 of the Administrative Case Litigation Act

Article 9 (1) An action for the revocation of an original administrative disposition and an action for the revocation of an administrative disposition on appeal (hereinafter referred to as "actions for the revocation of administrative dispositions") may be filed only by **a person who has legal interest** to seek the revocation of the original administrative disposition or of the administrative disposition on appeal (including a person who has legal interest to be recovered by revoking the original administrative disposition or administrative disposition on appeal even after it has lost its effect due to the expiration of a certain period or for other reasons).

(2) When judging whether or not any person, other than the person to whom an original administrative disposition or administrative disposition on appeal is addressed, has the legal interest prescribed in the preceding paragraph, the court shall not rely only on the language of the provisions of the laws and regulations which give a basis for the original administrative disposition or administrative disposition on appeal, but shall consider the purposes and objectives of the laws and regulations as well as the content and nature of the interest that should be taken into consideration in making the original administrative disposition. In this case, when considering the purposes and objectives of said laws and regulations, the court shall take into consideration the purposes and objectives of any related laws and regulations which share the objective in common with said laws and regulations, and when considering the content and nature of said interest, the court shall take into consideration the content and nature of the interest that would be harmed if the original administrative disposition or administrative disposition on appeal were made in violation of the laws and regulations which give a basis therefor, as well as in what manner and to what extent such interest would be harmed.

(2) A concrete and particularized interest

Article 9(1) : “ a person who has **legal interest** to seek the revocation of the original administrative disposition or of the administrative disposition on appeal”

⇒ “a legally protected interest”

→ must be a **concrete** and **particularized interest**

(3) How to judge whether the person has legal interest or not

* Professor, Government Attorney, International Cooperation Department, Research and Training Institute, Ministry of Justice

Article 9(2) : “the court shall not rely only on the language of the provisions of the laws and regulations which give a basis for the original administrative disposition or administrative disposition on appeal, but shall consider **the purposes and objectives of the laws and regulations** as well as **the content and nature of the interest** that should be taken into consideration in making the original administrative disposition. ”

- ⇒ Even though you are not the person to whom an original administrative disposition or administrative disposition on appeal is addressed, you can have standing qualification if you have legal interest.
- ⇒ (again,) must be a **concrete** and **particularized interest**
- How to judge? Go to CASE.

2. CASE: The “Monju Nuclear Reactor Case” (The Third Petty Bench of the Supreme Court, Heisei Year 4(1992) 22 September, Minshu Vol.46 No.6 p571(Commentary p 337))

- ⇒ **Local Residents** are plaintiffs in this case.
- ⇒ Judgment concerning whether or not the residents living near a reactor for which an application for permission for installation has been filed fall within the scope of "person who has legal interest*" as prescribed in Article 36 (Standing to Sue in an Action for Declaration of Nullity, etc.) of the Administrative Case Litigation Act, in the context of filing an action for declaration of the nullity of a disposition to grant permission for installation of the reactor
- * "person who has legal interest" in Article 36 is as the same meaning as it in Article9.
- In this case , plaintiffs resided in an approximate range of 29 kilometers to 58 kilometers from the nuclear reactor, and the court held that they have legal interests.

(1)“ From this standpoint, we examine whether or not residents living near the reactor facilities have legal interest to seek declaration of the nullity of an administrative disposition to grant permission for installation of reactors under Articles 23 and 24 of the Act on the Regulation of Nuclear Source Material, Nuclear Fuel Material and Reactors (hereinafter referred to as the "Regulation Act").”

- **STEP1** : CHECK the laws and regulations which give a basis for the original administrative disposition

(2)“The Regulation Act, in accordance with the spirit of the Atomic Energy Basic Act, has been enacted for the purpose of, inter alia, providing necessary regulations on refining activities, fabricating and enrichment activities, reprocessing activities and waste disposal activities, as well as on the installation and operation, etc. of reactors, in order to ensure that nuclear

source material, nuclear fuel material and reactors are used only for peaceful purposes and in a planned manner, and at the same time, to ensure public safety by preventing hazards due to these materials and reactors and ensuring physical protection of nuclear fuel material (Article 1).”

→ **STEP 2** : CHECK the purposes and objectives of the laws and regulations

(3)“ Furthermore, any errors or omissions in the examination as to the applicant's technical capabilities as prescribed in Article 24, paragraph (1), item (iii) of said Act and the examination as to the safety of the reactor facilities as prescribed in item (iv) of said paragraph could cause a serious reactor accident, and if such an accident actually occurs, residents living closer to the reactor facilities are more likely to suffer damage, and the damage they would suffer would be more direct and serious, and in particular, those who live near the reactor facilities are likely to suffer direct and serious damage to their lives, health, etc. Hence, items (iii) and (iv) of said paragraph can be interpreted as setting out the criteria for technical capabilities and for safety as mentioned above, in consideration of the nature of such damage resulting from a possible disaster that could be caused by such a reactor accident, etc.”

→ **STEP3** : CHECK the content and nature of the interest

(4)“In light of such matters as the reason why item (iii) (limited to the part concerning technical capability) and item (iv) have been established, and the nature of the damage that is taken into consideration under these items, it is appropriate to construe that these items are not only intended to protect the safety of the lives and health of the public and their interest in the environment as a general public interest, but also intended to protect the safety of the lives and health, etc. of the scope of residents who are living near the reactor facilities and are likely to suffer more direct and serious damage resulting from a possible disaster that could be caused by such an accident, etc., as an individual interest of each of these residents.”

→ **STEP4** : (thorough **STEP1~STEP3**) DECIDE whether the laws and regulations intended to protect their lives and health and etc.

(5)“The issue as to whether or not the area where these residents are living is an area where the residents are likely to suffer more direct and serious damage in the event of such a disaster that could be caused by a reactor accident, etc. as mentioned above should be determined rationally in light of socially accepted ideas, while taking into consideration specific conditions regarding the reactors concerned (e.g. the type, structure and scale) and focusing on the distance between the area where those residents are living and the location of the reactors.”

(6)“We examine the case from the standpoint explained above. The following facts are clear from the case records: the appellants are living in areas within a radius of about 29 kilometers to about 58 kilometers from the Reactor; the Reactor is a fast-breeder reactor in the research and development stage (see Article 23, paragraph (1), item (iv) of the Regulation Act, Article 6-2, paragraph (1), item (i) of the Order for Enforcement of said Act, and Article 2, paragraph (1) of the Power Reactor and Nuclear Fuel Development Corporation Act), it produces 280,000 kilowatts of power output, using mixed plutonium-uranium oxide as the core fuel, and a larger amount of plutonium with high toxicity than used is generated in the reactor core. In light of these facts, all of the appellants should be considered to be persons living in an area where the residents are likely to suffer more direct and serious damage in the event of a disaster that could be caused by a reactor accident, etc. if there are any errors or omissions in the examination as to the applicant's technical capabilities as prescribed in Article 24, paragraph (1), item (iii) of the Regulation Act and the examination as to the safety of the reactor facilities as prescribed in item (iv) of said paragraph, both of which are to be conducted in the process of granting permission for installation of the Reactor.”

→ **STEP 5** : JUDGE whether plaintiffs have legal interests or not.

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

2017 йил декабрь ойида қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг¹ мавжудлигидан мамлакатимиз аҳолисининг қанча қисми хабардор? Бизнингча, бу кўрсаткич 2-3 фоиздан ошмаса керак. Ҳатто, ҳалигача давлат хизматчиларининг кўпи бу қонуннинг мазмун-моҳиятини англаб етмаганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Ахир бу қонуннинг асосий вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат эмасми?

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: «Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир»².

Хўш, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги”ги Қонун амалиётда нега тўлиқ “*ишлаб*” кетмаяпти? Мазкур қонунни такомиллаштирмасдан, унинг ҳаётийлигини таъминламасдан туриб, жамият ривожига эришиб бўлмайди. Маъмурий идоралар халққа хизмат қилмас экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиниши амалда таъминланмас экан фуқаролик жамияти қуриб бўлмайди.

Ваҳоланки, мазкур ҳужжат айнан аҳолини бирон бир масала юзасидан давлат органларига мурожаат қилган вақтида турли расмийчиликларга ва бюрократик тўсиқларга дуч келмай, иши осон ва қисқа вақт ичида битишига хизмат қилади. Тўғри, бу янги Қонун. Шундай бўлсада, унинг тўлиқ ишлашини кутиб ўтириш эмас, балки уни амалиётга жорий этишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш талаб этилади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни амалиётга тўғри тадбиқ этиш орқали маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини ягона тизимга солиниши ва енгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган

* юридик фанлар доктори

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

² Мирзиёев Ш.М. «Қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос». Ўзбекистоннинг Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрь куни мамлакат Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали йиғилишдаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 7 декабрь. <https://www.gazeta.uz>

муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Юридик фанлар доктори Жўрабек Нематовнинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала – маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган. Шу маънода, «маъмурий тартиб-таомиллар» тушунчаси, унинг асосий қойдалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади¹.

Шунингдек, мазкур қонунларда учрайдиган баъзи тушунчаларга ойдинлик киритиш керак, жумладан, “маъмурий органлар”, “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)”, “маъмурий ҳужжат” каби тушунчаларни нотўғри талқин қилинишини олдини олган ҳолда, уларни соддароқ ва кенгроқ ёритиш, бу тушунчаларнинг аниқ белгиси ва меъзонларини кўрсатиб ўтиш талаб этилади.

Маъмурий органларга “маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) нима эканлигини ва нималарда хато қилинаётганини тушунтириб ўтиш лозим. Масалан, маъмурий орган ўзида шундай ваколат борлигини тушунмайди ва ундан фойдаланмайди; ваколат доирасини ўзича кенгайтириб олади; мазкур ваколатини нотўғри ёки хато қўллайди. Мазкур хатоларни бартараф этиладиган бўлса, судларда маъмурий органлар чиқарган маъмурий актлар устидан шикоят қилиш ва уларни бекор қилиш ҳолатлари камаяди.

Бундан ташқари, маъмурий судларга бўлаётган муносабат ва ёндашувни ўзгартириш талаб этилади, сабаби аҳоли ўртасида маъмурий судлар ҳозирда асосан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади деган тушунча шаклланган. Аслида маъмурий судлар фуқароларни манфаатларини ҳимоя қилиши, уларни бузилаган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мўлжалланган.

Хулоса ўрнида Ўзбекистонда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг амалиётда қўлланиш самардорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш жоиз бўлади:

Биринчидан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни асосий тушунча ва принципларини такомиллаштириш, аҳоли учун содда ва равон, тушунарли бўлишига эришиш талаб этилиди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий принципи сифатида “Инсон қадр қиммати ҳимоя этилиши ва ҳурмат қилиниши” принципини киритиш лозим. (Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига 2016 йил 25 июнда шу мазмундаги ўзгартириш киритилган. Бошқа давлатлар Конституциясида ҳам бу принцип асосий принцип сифатида мустаҳкамланган);

¹ Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институти сифатидаги илмий-назарий таҳлили. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2018. - №9. Б. 41-47.

Иккинчидан, бу борадаги қонунчиликни тизимлаштириш ва хатловдан ўтказиш. Шу йўл билан соҳага оид қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлар (қарор, низом, йўриқнома кабилар)ни Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунга мослаштириб, қонунга зид келадиган нормаларни ўзгартириб, устуворлик принципини амалиётда қўллаш керак. Шунингдек, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун нормаларини қайд этилган қонунга мувофиқлаштириш зарур;

Учинчидан, давлат хизматчилари ва маъмурий ишлар бўйича судьяларни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунни қўллаш кўникмасини ошириш бўйича махсус курсларда ўқитишни ташкил этиш. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида, шунингдек Судьялар олий мактабида барча давлат хизматчилари ва судьяларни қайд этилган қонунни қўллаш юзасидан қисқа муддатли махсус курсларда малакасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, аҳолининг маъмурий тартиб таомилликлар тўғрисидаги қонунни қўллаш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, бу борада оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг бу борадаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш;

Бешинчидан, давлат хизматчилари ва судьяларни Германия, Болтик бўйи республикалари, Озарбайжон Республикаларига бориб, хорижий тажриба ва қонунни қўллаш амалиётларини ўрганишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилган таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохатларни жадаллаштиришда муҳим қадар бўлади.

МАЪМУРИЙ ОРГАН АКТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ВА УЛАР ЮЗАСИДАН СУДДА НИЗОЛАШИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши билан маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар ва ушбу муносабатлар доирасида чиқариладиган актлар, уларнинг тавсифи, бошқа актлардан фарқловчи белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, маъмурий актларнинг бошқа ҳужжатлардан фарқловчи жиҳатларини аниқлаш орқали улар юзасидан низолашиш айнан қайси суд судловига тааллуқли эканлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

МДХ давлатларининг кўпчилигида ҳозирга қадар маъмурий актни “давлат маъмуриятининг актлари”¹ “бошқарувнинг ҳуқуқий актлари”, “маъмурий ҳужжат” деб номлаш ҳам мавжуд.

Ж.Нематовнинг таъкидлашича, маъмурий актни “ҳуқуқни қўллаш ҳужжати” билан ҳам бир хил деб бўлмайди. Бу борада Х.Т.Одилқориев “ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари”², З.М.Исломов “ҳуқуқни қўллаш (акти) ҳужжати”³ ҳамда С.С.Алексеев “маъмурий акт”⁴ каби тушунчалар таҳлилни келтириб ўтишган. Маъмурий акт айнан маъмурий процедуралар доирасида қабул қилинади ва маъмурий-ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатидан фарқ қилади.⁵

Шунингдек, И.А.Хамедов маъмурий органлар тушунчаси “маъмурчилик” (администрирование) тушунчасидан келиб чиқишини келтириб ўтган. Маъмурий органнинг қуйидаги уч ўзига хос хусусиятини, жумладан, маъмурий компетенциянинг мавжудлиги, маъмурчиликни амалга оширишга ваколатли эканлиги (оммавий бошқарув соҳасида индивидуал-фармойиш характеридаги давлат ҳокимият ваколатининг берилганлиги) ҳамда фаолиятнинг қонуности характерга эга⁶ эканлиги келтириб ўтади⁷.

Шунингдек, Ж.Нематов маъмурий актнинг бешта асосий белгисини келтириб ўтади, яъни 1) маъмурий орган томонидан қабул қилиниши, 2) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги, 3) ҳокимият ваколоти асосида қабул қилиниши, 4) ҳуқуқий оқибат юзага келтириб чиқариши, 5) аниқлиги (индивидуаллиги). Шунга кўра маъмурий акт деганда маъмурий орган

* Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси.

¹ Бахрах Д.Н., Хазанов С.Д. Формы и методы деятельности государственной администрации. Учебное пособие. – Екатеринбург, 1999. – С. 7.

² Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – T.: Adolat, 2018. - B. 377.

³ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: Адолат, 2007. Б. 830.

⁴ Алексеев С.С. Общая теория права: учеб. – 2-е изд., - М.: Проспект, 2009.- С. 406.

⁵ Нематов.Ж.Н. Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилиги асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амаллиётида қўллаш мисолида). // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали 2019. – Б. 65.

⁶ Хамедов И.А. Вопросы о понятия “административные органы”. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2014 № 1(17). С. 42-46.

⁷ Таъкидлаш жоизки, И.М.Цай ҳам маъмури орган тушунчаси юзасидан ўхшаш фикрларни келтириб ўтган (Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Учебник. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – С. 131-143)

томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, ҳуқуқий оқибат юзага келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) характердаги ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниш мумкинлиги ҳақида фикр билдиради.¹

Демак, маъмурий акт оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида қабул қилинади ва унда маъмурий актнинг юқорида санаб ўтилган бешта асосий белгиси мавжуд бўлади.

Ўз навбатида эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26, 27-моддаларига асосан² маъмурий актлар (ҳужжатлар) юзасидан низолашиш маъмурий суд судловига тааллуқли бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилиниши билан “маъмурий орган актини “бекор қилиш” ҳақидаги талаб судда кўриб чиқиладиган ишлар тоифасига кирадими?” – деган савол муҳим аҳамият касб этмоқда. Айрим қарашларга кўра маъмурий орган актини “бекор қилиш” маъмурий орган ёки унинг юқори органи ваколатига берилган ва ушбу талаб судда кўриб ҳал этиладиган ишлар тоифасига кирмайди. Жумладан, суд амаллиётида ҳам маъмурий орган актини “бекор қилиш” ҳақидаги талаб кўриб чиқилмайди ва аризачи маъмурий орган актини “бекор қилиш” ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этганда аризани иш юритишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади ёки ушбу Кодекс 108-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.³

Маъмурий органларнинг актини (ҳужжатини) “бекор қилиш” судлар томонидан ҳал этилмайдиган талаб сифатида баҳоланиб, иш юритиш тугатилишига Фуқаролик кодексининг 12-моддасида қарорни (ҳужжатни) “бекор қилиш” назарда тутилмаганлиги, балки “ҳақиқий эмас деб топиш”⁴ сўзи ишлатилганлиги асос қилинади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26, 27-моддалари маъмурий органлар актини бекор қилиш судда ҳал этиладиган низо тоифасига киришини инкор этмайди. Чунки, ушбу моддаларда “ҳақиқий эмас деб топиш” сўзи эмас, балки “низолашиш” сўзи ишлатилган.

“Низо” сўзи ариб тилидан олинган бўлиб, баҳс, тортишув; жанжал, тўқнашув; кураш⁵ маносини, “низолашмоқ” сўзи эса адоват, ихтилоф, нифоқ туфайли ўзаро жанжаллашмоқ маноларини англатади.

¹ Нематов.Ж.Н. Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилиги асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амаллиётида қўллаш мисолида). // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали 2019. – Б. 65.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Т.: Адолат. – 2018.

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Т.: Адолат. – 2018.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи бўлим). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова;

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Давлат илмий наштиёти 2007. Б. 37

Демак, “низолашиш” деганда нафақат бирор бир маъмурий органнинг актини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабни, балки “бекор қилиш” талабини ҳам тушунишимиз керак.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 19-моддасининг иккинчи, 59-моддасининг учинчи, бешинчи қисмларига кўра маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келиши, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатлар фақат суд тартибида бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган ҳоллар назарда тутилиши мумкинлиги, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилиши белгиланган.¹

Маъмурий суд ишларини юритиш бўйича хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина мамлакатларда маъмурий органларнинг актини “бекор қилиш” ҳақидаги низонинг маъмурий суд судловга тааллуқли эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, Эстония маъмурий суд процессуал кодексининг 37-моддасида маъмурий актни “ҳақиқий эмас”лиги билан бирга “бекор қилиш” ҳақидаги низонинг ҳам судловга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Демак, юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, маъмурий актни “бекор қилиш” ҳақидаги низонинг судда кўрилиши миллий қонунчилигимизга ҳамда хориж тажрибасига зид эмас. Қолаверса, маъмурий актни “бекор қилиш” ҳақидаги низонинг судда кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ бўлар эди.

Чунки, маъмурий актнинг чиқарилиши натижасида шахс ҳуқуқлари нафақат моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилишида, балки маъмурий акт чиқарилгунга қадар амалга ошириладиган процессуал тартибларга амал қилинмасдан чиқарилишида ҳам ифодаланиши, бузилиши мумкин.

Бироқ, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришда қонунда белгиланган процессуал тартибга амал қилмаганлиги уни “ҳақиқий эмас” деб топишга асос бўлмаслиги лозим. Чунки, маъмурий актни “ҳақиқий эмас” деб топиш ҳақидаги масала судда кўрилганда чиқарилган маъмурий актнинг мазмунан тўғрилиги, унинг моддий ҳуқуқ нормаларига қанчалик мувофиқлиги, ҳақиқий ҳолатнинг чиқарилган маъмурий актга мослиги текшириш объекти бўлиб ҳисобланади. Маъмурий акт суд томонидан “ҳақиқий эмас” деб топилганда шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, маъмурий орган ушбу масала юзасидан ишни қайта кўриш (масалан, ДСИ томонидан солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш) ва янги қарор чиқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

¹ “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 9 январь; “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 15 январь, 2-сон, 22-модда; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2018 йил, 1-сон, 2-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг III-боби рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан кўриб чиқилиш тартибини белгилайди. Унда қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида ариза келиб тушган пайтдан то қарор қабул қилингунга қадар ишни кўрувчи орган томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатлар қатъий белгиланган. Жумладан, мазкур Низомнинг 15, 26-бандларида ишнинг кўриб чиқилиши вақти ва жойи тўғрисида уларга нисбатан иш қўзғатилган жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишда қатнашиш учун жалб этиладиган бошқа шахслар хабардор қилиниши, комиссия мажлисида протокол юритилиши каби процессуал ҳаракатлар белгиланган. Худди шунингдек, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришнинг процессуал тартиби “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда, Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланган.

Шунга кўра, маъмурий орган томонидан маъмурий актни чиқаришда қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартибга амал қилмаслик ёки ушбу тартибни бузган ҳолда чиқариш суд томонидан низодаги актни “ҳақиқий эмас” деб топиш учун эмас, балки “бекор қилиш”га асос бўлиши ҳамда суд томонидан ўша органга маъмурий актни чиқаришнинг процессуал тартибга амал қилган ҳолда бирор бир ариза ёки шикоятни қайта кўриб чиқиш мажбуриятини юклаши лозим.

Бу эса ўз навбатида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 23-бобини “Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиш” деб ўзгартиришни ҳамда ушбу Кодексга “Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш” – деб номланувчи 23¹-боби билан тўлдиришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига маъмурий актларни “бекор қилиш” ҳақидаги ишларни судда кўриш тартибининг киритилиши судлар томонидан маъмурий органлар томонидан маъмурий актларни чиқаришда қонунда белгиланган процессуал тартибга амал қилганлигини текшириш, шунингдек шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишига замин яратади.

СУДЬЯЛАРНИ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунга келиб, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимияти субъектининг юридик жавобгарлигини ҳал этиш жараёнида унинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига аралашувнинг олди олинишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилигининг ижобий ютуқлари ва илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш йўналишлари долзарб ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари¹, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт², ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида³, судга келтирилган шахсни иши одалатли ва ошқора кўриб чиқилиши учун қонунга кўра тузилган мустақил ва холис суд мавжудлиги талаб этилади.

Мазкур тамойилларга мос равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси билан Судьялар мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунуши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Ўтган йиллар судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш учун қатор ишлар амалга оширилди. Булар жумласига уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, дахлсизлиги, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошқор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ва ҳақозолар.

* Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси мустақил тадқиқотчиси

¹ БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 25 ноябридаги 40/32 ва 1985 йил 13 декабридаги 40/146 резолюциялари билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 майдаги Қарори билан маъқулланган. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml.

² Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 6 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 31 августдаги Қарори қўшилган.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси. Рим ш. 1950 йил 4 ноябрь. https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_RUS.pdf

Судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатиш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам фуқароларни одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Судьянинг мустақиллиги ва ўзининг ҳаракати учун жавобгарлигини белгилаш ўртасидаги мувозанатни аниқлаш ва унинг таъминлаш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.¹

Давлат ва жамият судьянинг қарори қонун нормаларига тўлиқ жавоб бермаслиги ёки оддий маиший хатолари учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилишини олдини олувчи қоидаларни яратиш билан бирга, унинг ўз ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини унутмайдиган шароитни таъминлаши лозим.²

Содир этилган қилмиш учун фақат асосли ва адолатли таъсир чора қўлланилишини таъминлаш учун жавобгарликнинг, шу жумладан интизомий жавобгарликнинг аниқ регламентациясини яратиш керак.³

Ҳуқуқшунослик фанида судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи ҳуқуқнинг турли соҳалари билан тартибга солинадиган соҳалараро комплекс ҳуқуқий институт ҳисобланади.⁴

Мазкур масала бўйича Д.Н.Бахрахнинг фикрича судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи меҳнат, маъмурий, жиноят-ижроия ва суд тузилиши ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади.⁵

Судьяларни интизомий жавобгарлиги Меҳнат кодекси, “Судлар тўғрисида”ги Қонун ва “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, судья:

Одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун; суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек судьялик шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этганлиги учун;

судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ иш берувчи ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, умумий қабул қилинган тушунчадан келиб чиқиладиган бўлса, интизомий ҳуқуқбузарлик деганда

¹ Фурсов Д. А., Харламова И. В. Теория правосудия в кратком трехтомном изложении по гражданским делам. Т. 1 : Теория и практика организации правосудия. М., 2009. С. 117.

² Петухов Н.А., Ермошин Г. Т. Независимость судьи Российской Федерации : современные проблемы обеспечения // Рос. юстиция. 2013. № 3. С. 11–15.

³ Кудашев Ш.А. Ответственность судей : необходимость нормативной регламентации // Мировой судья. 2009. № 12. С. 4–8.

⁴ Клеандров М. И. Статус судьи : правовой и смежные компоненты. М., 2010.

⁵ Бахрах Д. Н. Юридическая ответственность по административному праву // Административное право и процесс. 2010. № 1. С. 2

ходим (хизматкор)нинг меҳнат ёки хизмат интизомини бузувчи айбли ҳуқуққа хилоф ҳаракати тушунилади. Шу сабабли, судьяларни фақат меҳнат интизомини ёки хизмат вазифасини бузганлиги учунгина интизомий жавобгарликка тортиш мумкин бўлиб, хизматдан ташқари вақтда “Россия Федерацияси судьялар мақоми тўғрисида”ги қонун билан қамраб олинмаган одоб ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортиш мақсадга мувофи эмас.¹

Шунингдек, Европа судьялари ассоциацияси судья томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишининг ўзи уни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос этиб белгиланмаслигини тавсия этган.²

Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартичсида судьяларни интизомий жавобгарлиги суд фаолияти мақсадларига эришишнинг энг мақбул қоидаларини ўз ичига қамраб олиши даркор. Мазкур хартиядо судья қонунийлик тамойилига кўра фақатгина ўз мавқеидан келиб чиқадиган хизмат вазифасини бажармаган ҳоллардагина интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Албатта, судья оммавий мансабдор шахс бўлиб, унинг номакул хулқ-атвори фуқароларнинг одил судлов тизимига бўлган ишончини сўндиради.

Ҳар бир судьянинг конституциявий нормаларга ва қонунларга, «Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси» қоидаларига риоя қилиши фуқароларда судья ўз фаолиятини адолат ва холислик принципларига асосланиб амалга оширишига ишонч уйғотади. Фуқароларни одил судлов тизимига ишончи орқали суд қарорлари ижроси, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминланади.

Бироқ, “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” қоидалари жуда кенг қамровли ижтимоий муносабатларни ўз ичига олиб, ушбу қоидаларнинг судья томонидан бузилишининг ўзи судьяни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги лозим.

Чунки, бу қоидалар билан тартибга солинган юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган жиддий ҳуқуқбузарликларнинг барчаси учун амалдаги қонунчилик билан интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган.

Масалан, судья адолатли, холис ва беғараз бўлса адолатсиз қарор чиқаргани сабабли жиноий жавобгарликка; оила аъзоларига нисбатан ғамхўрлик қилмаса фуқаролик жавобгарликка; ўз мажбуриятларини виждонан, юқори профессионал даражада бажармаса, ишни ўз вақтида ва

¹ Сыщикова Т. М., Шатских М. В. Дисциплинарная ответственность судей / Судебная власть и уголовный процесс. 2016. №1. В. 186-194

² см. Рекомендацию CM/Rec(2010)12 Комитета министров государствам-членам относительно судей: независимость, эффективность и обязанности (принята Комитетом министров 17 ноября 2010 года на 1098-м заседании заместителей министров), п. 69. Также см. Европейскую хартию о статусе судей (Страсбург, 8–10 июля 1998 г.), принятую Европейской ассоциацией судей и опубликованную Советом Европы, [DAJ/DOC (98)23], п. 5.1.

малакали кўриб чиқилиши учун барча чораларни кўрмаса ишни тўғри ташкиллаштирамагани учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Аmmo, дўст танлашда инсонларга хос янглишганлик учун маиший хатолар сабабли судьяни интизомий жавобгарликка тортиш, назаримизда адолатсизлик ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиддий оқибатларга, хусусан судья томонидан суд ҳокимияти обрўсига дахл қилмаган, фуқароларда одил судловга ишончсизлик уйғонишига сабаб бўлмаган “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” қоидаларининг бузилишининг ўзи судьяни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги лозим.

Б.Б.Самарходжаев *

М.М.Мухитдинов *

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Тарафлар айна бир фуқароликка эга бўлган ва ҳуқуқий низо тақдим этилган ҳуқуқий тизим ва суд тизими билан таниш бўлган тақдирда, низоларни миллий суд тартибида кўриб чиқиш энг тўғри қарор ҳисобланади.

Агар низо халқаро контекстга ўтказиладиган бўлса, унинг халқаро тижорат арбитражида (ҳакамлик судида) муҳокама қилинишини танлаш мақсадга мувофиқдир, негаки унинг афзалликлари мавжуд: ишни кўришнинг нисбий тезлиги, низоли арбитражга ихтиёрий равишда топшириш, тарафларнинг ҳакамлик судьяларини ва низоли кўриб чиқиш жойини эркин танлаши, ҳакамлик судьяларининг юқори малакаси, низоларни кўриб чиқишнинг махфийлиги, низоли кўриб чиқиш тилини танлаш, суд муҳокамасига нисбатан арзонлиги, ҳал қилув қарори ижросининг қулайлиги.

Халқаро тижорат арбитражи халқаро тижорат битимларидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг барча усуллари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Гап шундаки, турли давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, қоида тариқасида, низо вужудга келган тақдирда мустақил юрисдикциявий орган бўлмиш арбитражни маъқул кўради.

МДҲ га аъзо давлатлар ўртасида савдо алоқалари ҳажми ўсиб бориши билан хорижий ҳамкорлар билан низоларни ҳал этиш механизми сифатида халқаро арбитражнинг роли ҳам ошиб бормоқда¹. Баъзи хорижий ҳамкорлар субъективлик ва коррупция аломатлари сабабли маҳаллий арбитраждан фойдаланишга шубҳа билан қарайди².

Халқаро тижорат арбитражи – томонлар томонидан сайланадиган ёки улар томонидан келишилган ёки қонунда белгиланган тартибда тайинланадиган шахслар доирасидан шаклландиган нодавлат органдир. Халқаро тижорат арбитражи иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этади. Бундай низолар, хусусан, амалга оширилган

* Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқук” кафедраси мудири ю.ф.д., профессор.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Eurostat Statistics Explained, EU-Commonwealth of Independent States (CIS) – statistics on international trade by EU Member States and CIS countries, [http://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/EU-Commonwealth_of_Independent_States_\(CIS\)_-_statistical_overview](http://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/EU-Commonwealth_of_Independent_States_(CIS)_-_statistical_overview) (accessed 23 February 2017).

² Steven Finizio and Kenneth Beale. Expert View: CIS Arbitration Overview // 5(5) Commercial Dispute Resolution (September-October 2014), <http://cdr-news.com> (accessed 23 February 2017).

миллийлаштириш, реквизиция ва бошқалар билан боғлиқ бўлган компенсация миқдорига тааллуқли бўлиши мумкин.

Халқаро тижорат арбитражини иқтисодий судлардан фарқлаш лозим. Гарчи бундай органлар иқтисодий низоларни кўриб чиқсада, асосий фарқ шундаки, улар давлат судлари бўлиб, баъзи хусусиятларга эга, шу сабабли тарафлар ўз низоларини иқтисодий судларда ҳал қилишлари шарт. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас. Тарафлар судьяларни шакллантиришда иштирок этмайдилар. Ишлар муҳокамаси ошқора ўтказилади.

Тижорат арбитражларида ривожланган ҳуқуқий давлат институтларидан бири сифатида нафақат шартномавий ёки инвестициявий ҳуқуқий муносабатлардан, балки корпоратив, биржа, муаллифлик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳам ҳал қилинади. Бу факт, айниқса, мустақил Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодий воқеликларида эътиборга лойиқдир. Давлатимиз хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйган, бу эса иқтисодий алоқаларни кенгайтиради, бироқ шу билан бирга ҳамкорлар ўртасида низолар келиб чиқиши мумкин ва уларни ҳал этиш учун тарафлар қаерга ва қачон мурожаат қилиш лозимлигини билиши лозим.

Халқаро тижорат арбитражининг фаолияти мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашади, зеро, чет эл инвесторлари учун одатий бўлган инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Турли давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида шартномалар тузишда низолар вужудга келган ҳолларда қаерга мурожаат қилиш лозимлигини кўрсатиш одатий ҳолдир. Таъкидлаш жоизки, кўпинча давлат судлари эмас, балки халқаро тижорат арбитражлари кўрсатилади.

Дунёда 400 дан ортиқ институционал тижорат арбитражлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ҳакамлик суд ишларини юритишнинг тутган ўрни нодавлат асосларда вужудга келган низоларни ҳал этишнинг алоҳида институти сифатидаги моҳияти билан аниқланади.

Биз халқаро тижорат арбитражининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган махсус қонун асосида ташкил этишни зарур деб ҳисоблайдиган мутахассислар фикрига қўшиламыз.

Тадқиқотчиларнинг халқаро тижорат арбитражи ҳақидаги қарашлари турлича бўлиб, мазкур арбитражларнинг фаолияти қарор қабул қилиш жараёни устидан давлат назоратининг йўқлиги, шунингдек, кучлироқ тарафнинг кучсизроқ тарафга ўз иродасини юклаши мумкинлиги сабабли баъзи мутахассисларда шубҳа туғдиради. Давлат судлари ижтимоий заиф тараф ҳимоясининг кафолати бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатлар муҳим бўлиб, улар ҳисобга олиниши лозим.

Ижро фаолияти давлат ҳокимияти монополиясидан келиб чиқар экан, мазкур жараёнга муайян давлат тузилмаларини жалб этиш лозим.

Хусусий арбитраж судьялари ва хусусий арбитраж судлари давлат судларининг иштирокисиз ижро фаолиятини амалга ошира олмайди.

Хусусий арбитраж давлат нуфузисиз ўз фаолиятини амалга ошира олмайди, шу ўринда, 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясининг энг муваффақиятли халқаро ҳуқуқий битимлардан бири сифатидаги аҳамиятига эътибор қаратиш лозим: мазкур ҳужжат хусусий арбитраж қарорлари ва уларнинг давлатлар томонидан тан олиниши ва ижро этилиши ўртасидаги боғловчи механизм бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиби 1958 йилда қабул қилинган Нью-Йорк Конвенцияси билан тартибга солинади¹. Чет давлат судининг қарорини мажбурий ижро этиш масаласи даъвогарнинг аризасига асосан қарздорнинг яшаш жойи, агар Ўзбекистонда яшамаса ёки унинг яшаш жойи номаълум бўлса, унинг мулки жойлашган жойдаги судда кўриб чиқилади.

Давлат судлари юқорида қайд этилган қарорларни тан олишни амалга ошириши ва уларни ижро этишга яроқли деб эълон қилиши шарт, муайян ҳолатлар мавжуд бўлганда, уларни тан олиш ва ижро этишни рад этиш имконияти берилиши лозим.

Бу борада амалиётда қуйидаги беш ҳолат шакллантирилган:

а) арбитраж битимининг тарафлари ўзларига нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлиги ёки арбитраж битимини унинг тарафлари қайси қонунга бўйсундирган бўлсалар, ўша қонун бўйича, бундай кўрсатма мавжуд бўлмаганда эса — ҳал қилув қарори чиқарилган мамлакатнинг қонуни бўйича ҳақиқий эмаслиги;

б) ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тараф арбитр тайинланганлиги тўғрисида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлиги;

в) арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартида назарда тутилмаган ёки уларнинг шартига тегишли бўлмаган низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганлиги ёхуд арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартидан ташқари чиқадиган масалалар бўйича қарор мавжудлиги, бундан арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шarti доирасидаги масалалар бўйича қарорлар қамраб олинмаган масалалар бўйича қарорлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

г) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж процесси тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаганлиги ёки бундай шарт бўлмаса, арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаганлиги;

д) ҳал қилув қарори тарафлар учун яқуний бўлмаганлиги ёки у қабул қилинган ва қонуни қўлланилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлиги ёхуд ижроси тўхтатилганлиги (1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясининг 5-моддаси).

Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси мавжуд эмас, бу эса уни шакллантириш

¹ http://www.uncitral.org/uncitral/uncitral_texts/arbitration/NYConvention.html

заруратини келтириб чиқаради. Миллий ва хорижий ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги низоларни ҳакамлик йўли билан ҳал этиш Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-64-сонли “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади¹.

• Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг² 63-моддасида (низоларни ҳал этиш) кейинги нормалар келтирилган:

➤ Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади. Агар инвестициявий низонинг тарафлари музокаралар ўтказиш йўли билан низо келишилган ҳолда ҳал этишга эришишга қодир бўлмаса, бундай низо медиация йўли билан тартибга солиниши керак.

➤ Музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солилмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилиниши керак.

➤ Инвестициявий низоларни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий арбитраж шарти назарда тутилган бўлса, бундай низо халқаро арбитраж воситасида ҳал этилиши мумкин.

➤ Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низони арбитраж йўли билан ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, яқин келажакда уларнинг таъсисчилари ўртасидаги низоларни учинчи мамлакат ҳудудида арбитражда ҳал қилиш амалиёти одат тусига киради деб тахмин қилиш мумкин, бунда уларнинг ҳал қилув қарорларининг ижроси Ўзбекистонда 1958 йилги “Халқаро тижорат арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” ги Нью-Йорк Конвенциясига мувофиқ амалга ошириш керак бўлади.

У ёки бу давлатнинг ички қонунчилигига киритилган Нью-Йорк Конвенциясининг нормалари фуқаролик процессуал қонунчиликнинг ажралмас қисми бўлиб, шу давлат учун мажбурий кучга эга бўлади, бу мажбурият турли давлатларнинг хусусий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш заруриятидан келиб чиқади.

¹Миллий қонунчилик базаси, 30.01.2018 й., № 03/18/463/0634; 21.03.2019 й., № 03/19/531/2799. Қаранг: *Otakhonov F. and Umirdinov A. Uzbekistan // Law and Practice of International Arbitration in the CIS Region*, edited by Hober K. and Kryvoi Y. – Wolters Kluwer, 2017. P.444.

²Миллий қонунчилик базаси, 26.12.2019 й., № 03/19/598/4221

Чет эл арбитражининг (судининг) ҳал қилув қарорини ижро этиш деганда, суверен давлатнинг чет эл судининг ҳал қилув қарорини ўз ҳудудида амалга киритиб, унда белгиланган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг муқаррарлигини тан олади, ўрнатилган кўрсатмаларни мажбурий амалга оширишни санкциялайди¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида чет эл судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалалари ўз ечимини тўлалигича топмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабр Қарорига мувофиқ, давлатимиз 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясига қўшилган, бу эса легитим халқаро ҳуқуқий институт сифатида халқаро тижорат арбитражини расман тан олганлигини англатади, бунда мазкур арбитражларнинг қарорлари тарафлар учун мажбурий характерга эга бўлиб, давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши мумкин². Мамлакатимизда халқаро тижорат арбитражининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги сабабли, Конвенция нормаларининг қўлланилиши бир томонлама амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, турли халқаро тижорат арбитражлари қарорлари Республикада тан олиниши ва ижро этилиши керак бўлган вазият сақланиб қолмоқда. Бироқ иқтисодий судларнинг қарорлари давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва шу каби қарорларнинг ўзаро тан олиниши тўғрисидаги битимларнинг йўқлиги ва иқтисодий (давлат) судлари қарорларига 1958 йилги Нью-Йорк Конвенцияси нормаларининг қўлланилмаслиги оқибатида тан олинмаслиги мумкин.

Бизнинг фикримизча, вужудга келаётган шарт-шароитлар давомида халқаро тижорат арбитражининг айнан республикаимизда фаолият юритиши миллий субъектлар манфаатларига мос келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

Биринчидан, халқаро тижорат арбитражининг қарори 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясининг 163 дан ортиқ иштирокчи-давлатларида тан олиниши учун мажбурийдир;

Иккинчидан, Ўзбекистонда жойлашган халқаро тижорат арбитражида низо кўриб чиқилса, айнан миллий ҳамкорнинг маблағлари тежаб қолинган бўлар эди (амалда бу ҳолат муҳим аҳамиятга эга);

Учинчидан, республикада иқтисодий судларда кўриб чиқиладиган ишлар сони йилдан йилга ошиб бориши тадбиркорлик фаолиятининг фаоллашиши ва иштирокчилари доирасининг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, судьялар юктамаларининг оширилиши ҳар бир иш учун ажратилган муддатнинг қисқартирилишига олиб келиб, натижада уларни кўриб чиқишнинг зарур сифатини таъминлаш тобора қийинлашиб боради.

¹Акимбекова С.А. Признание и приведение в исполнение решений иностранных судов и арбитража в Республике Казахстан: Автореф. дисс. ...доктора юрид. наук. – Бишкек. 2012. – С.9.

²Батафсил қаранг: Асьянов Ш., Кшипер Р., Убайдуллаев З. Международный арбитражный суд. – Ташкент, 1999. – С. 89.

Арбитраж жараёнида ҳамкорнинг ватани ёки унинг ўзига нисбатан жиддий муносабатни таъминлаш учун мамлакатда арбитраж судлари тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 1958 йилги арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиш каби шароитлар яратилган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, халқаро тижорат арбитражи фаолиятининг тадқиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг ҳуқуқий асосини шакллантириш заруриятини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, хорижий инвестицияларнинг жалб этилишига кўмаклашади, зеро инвесторлар учун одат тусига кирган сармояларнинг ҳуқуқий ҳимоясининг кафолати бўлиб хизмат қилади¹.

Шунингдек, биз, “бугунги кунда илғор халқаро арбитраж марказлари ўртасидаги кучли рақобат шароитида халқаро тижорат арбитражи фаолиятини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича мақсадли ишлар муҳим аҳамиятга эга”² эканлиги тўғрисидаги фикрга қўшилаемиз.

Бу борада республикада амалга оширилган қуйидаги муҳим қадамларни таъкидлаш лозим: Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатасининг Ижроия қўмитаси томонидан 2011 йил 1 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик) суди тўғрисида” ги Низом, Регламент ва арбитражлар Рўйхати тасдиқланди.³ Шу пайтдан бошлаб, республикада халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик) суди фаолият юритишни бошлади.

Халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июньдаги ПФ-5087-сонли “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент Фармони⁴ билан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида” ги Қонуни билан тасдиқланган⁵.

Нихоят, 2018 йил 5 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори⁶ қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ЮНСИТРАЛ нинг “Халқаро савдо арбитражи

¹Азимов М. Споры неизбежны, но разрешаться они должны быстро и правильно // Вопросы санации и банкротства предприятий, 1999, №4. – С. 59.

²Девяткин К. Опыт создания и деятельности международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате Российской Федерации // Материалы международной научно-практической конференции «Международный коммерческий арбитраж в контексте судебно-правовой реформы» 28 октября 2009 г. – Ташкент: Chasma Print, 2010. – С. 252.

³Батафсил қаранг: Отаханов Ф. Халқаро тижорат арбитраж суди - низоларни муқобил хал қилувчи нодавлат органи // Суд- ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – С. 31-37.

⁴Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 25, 522-м.

⁵Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2018 й., № 27, 537-м.

⁶Миллий қонунчилик базаси, 06.11.2018 й., №07/18/4001/2157.

тўғрисида”ги Намунавий қонуни асосида “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида” ги қонун лойиҳасини (илғор халқаро экспертларни жалб этиш орқали) ишлаб чиқишни яқунлаш топширилди.

Арбитраж муҳокамаси институтининг ривожланиши низоларни ҳал этишнинг ривожланган бозор ҳамда жаҳон амалиёти талабларига мос келади. У яраштирув процедураларининг кенг қўлланилишига олиб келади, бу эса низолар сонини камайтиришга хизмат қилади. Суд қарорини ижро этишнинг ихтиёрийлиги тамойилига тарафлар томонидан амал қилиниши низо иштирокчиларига ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолиш ва ўрнатилган алоқалардан фойдаланишни давом эттиришга имкон беради.

Республикада арбитраж судьялари институти – холис, давлат тузилмалари иродасига боғлиқ бўлмаган профессионал кадрлар шакллана бошлайди.

Арбитраж судлари тизимини ривожлантириш ишларни халқаро стандартлар даражасига кўтариш, тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий муаммоларини тез ва самарали ҳал этиш имкониятини беради. Арбитраж судлари билан рақобат хўжалик судларини ўз иш даражасини оширишига мажбур қилади, бу эса суд қарорларининг сифатига сезиларли таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида” ги Қонунининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграцияси талабларига тўлиқ жавоб беради, иқтисодий айланманинг маҳаллий ва хорижий иштирокчиларининг ўзаро ишончини мустаҳкамлайди.

МАЪМУРИЙ АКТ – СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ СИФАТИДА

2017 йил 1 июндан Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлардан алоҳида бўлган маъмурий судларнинг жорий этилиши, 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунининг (кейинги ўринларда МТТҚонун деб юритилади¹), шунингдек, 2018 йил 25 январда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасида янги давр бошланди, десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Чунки ушбу янгиликлар ривожланган хорижий давлатлар стандартлари даражасида ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг замонавий қоидаларини мамлакатимизда жорий этди.

Янги жорий этилган маъмурий судлар ўз навбатида назарий ва амалий жиҳатдан янги муаммо ва ўзгаришларни ҳам юзага келтирди². Жумладан, судловга тааллуқлилик масаласи юзасидан фуқаролик ва иқтисодий судлар

* ТДЮУ кафедра доценти, юридик фанлар доктори.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ-457-сон қонуни (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. – 03/18/457/0525-сон).

² Мавзуга оид бошқа мақолаларни ҳам қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил: Монография. – Т.: Lesson Press, 2018. – 333 б.; Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 1-30; Нематов Ж. Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси. – 2018. – № 2 (34). – Б. 63–67.; Нематов Ж. Германия маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунида маъмурий ҳужжатнинг умумий тавсифи // Юридик фанлар ахборотномаси. 2018. – № 3. – Б. 75–79.; Nematov J. Some issues of perception, interpretation of administrative law and legal education in modern Uzbekistan // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2019. – № 1. – Б. 96–102.; Нематов Ж. Маъмурий суд амалиёти: унда мутаносиблик принципини татбиқ этиш масалалари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2019. – № 6. – Б. 60–63.; Нематов Ж. Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилиги асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амалиётида қўллаш мисолида) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2019. – № 9. – Б. 60–69.; Nematov J. New administrative law reforms in Uzbekistan: problems and their solutions // International Cooperation Department Research and Training Institute Ministry of Justice (Japan). – ICD News 2018. – № 75 (2018/6) – P. 29–38.; Нематов Ж. Проблемы применения принципов административных процедур в условиях нового этапа развития административного права в Республике Узбекистан // (Мат-лы межд. научно-практич. конф.) Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – С. 290–299.; Нематов Ж. Германия маъмурий процедуралар қонунчилигида текшириш (инквизицион) принципи: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил // Илм-фан ва инновацион ривожланиш. – 2018. – № 2. – Б. 62–68.; Нематов Ж. Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий принципларини суд амалиётида татбиқ этишнинг долзарб масалалари // Одил судлов. – 2019. – № 8. – Б. 42–48; Нематов Ж. Сайлов қонунчилигига оид суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари // Одил судлов журнали. – 2019. – № 11. – Б. 12–16; Нематов Ж. Фуқаронинг маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланиши мумкинми (судловга тааллуқлиликнинг айрим жиҳатлари таҳлили) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – № S4. – Б. 212–224; Нематов Ж. Некоторые вопросы применения принципов соразмерности и возможности быть выслушанным в административных процедурах Республики Узбекистан // Правосудие. – 2020. – № 5. – Б. 61–66.

билан маъмурий судларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш ва бунда ягона мезонларни ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, суд тизимидаги ислоҳотлар бундан кейин ҳам давом эттирилиши ва келгусида ихтисослаштирилган суд ҳайъатлари ташкил этиш орқали ягона судлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Шундай бўлса-да, маъмурий суд иш юритувини фуқаролик ва бошқа суд иш юритувидан судловга тааллуқлилиқ масалаларида фарқлаш долзарб масала бўлиб қолади. Шундай экан, мазкур мақолада келтириладиган маъмурий суд иш юритувидаги судловга тааллуқлилиқни белгилашнинг асосий мезони сифатида маъмурий актни таҳлил қилиш масаласи долзарб масала бўлиб қолади.

Исталган суд иш юритувида хох у маъмурий, хох фуқаролик суд иш юритуви бўлсин, жисмоний ёки юридик шахснинг асосий талаби маълум бир давлат органи ёки унинг мансабдор шахси қарори, ҳаракат (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш бўладиган бўлса, бундай иш маъмурий судловга тааллуқли бўлади. Демак, бу ўринда давлат органи ёки унинг мансабдор шахси қарори, ҳаракат (ҳаракатсизлиги) судловга тааллуқлилиқни белгилашнинг асосий мезони бўлмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқда давлат органи ёки унинг мансабдор шахси қарори, ҳаракат (ҳаракатсизлиги) – маъмурий акт ва маъмурий ҳатти-ҳаракат тушунчаси орқали ифодаланади. Маъмурий акт совет ҳуқуқида ва совет ҳуқуқи таъсиридаги илмий қарашларда “давлат маъмуриятининг актлари” (Д. Н. Бахрах, С. Д. Хазанов)¹, “бошқарувнинг индивидуал актлари” (И. М. Лазарев)², шунингдек, миллий олимларимиз томонидан “ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари” (Ҳ. Т. Одилқориев)³, “ҳуқуқни қўллаш (акти) ҳужжати” (З. М. Исломов)⁴ каби тушунчалар таҳлилини келтириб ўтишган. Бироқ аслида С. С. Алексеев ҳам келтириб ўтган “маъмурий акт”⁵ маъмурий-ҳуқуқий фаолият ҳосиласи бўлади. Шунга кўра, бу каби номланишларни илмий муомаладан чиқариб, уни маъмурий акт билан алмаштириш лозимлигини таъкидлайдиган қарашлар ҳам мавжуд⁶.

Бу борада Л. Б. Хван ўз илмий ишларида хорижий (ғарб) давлатларида шаклланган “маъмурий акт” тушунчаси тўғрисида фикр юритганда уни совет маъмурий ҳуқуқи ва ундан кейинги даврда мавжуд бўлиб келаётган “индивидуал ҳуқуқий ҳужжат”дан фарқлаш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, бу икки тушунчанинг энг асосий фарқи фуқаро ва давлат аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатнинг фарқидан келиб чиқади. Бунда фуқаро сўровчи, маъмурият қарорини кутувчи мақоми (индивидуал ҳуқуқий

¹ Бахрах Д. Н., Хазанов С. Д. *Формы и методы деятельности государственной администрации.* – Екатеринбург, 1999. – С. 7.

² Лазарев И. М. *Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук.* – М., 2002. – С. 8, 98–99.

³ Одилқориев Х. Т. *Davlat va huquq nazariyasi.* – Т.: Adolat, 2018. – В. 377.

⁴ Исломов З. М. *Давлат ва ҳуқуқ назарияси.* – Т.: Адолат, 2007. – Б. 830.

⁵ Алексеев С. С. *Общая теория права.* – М.: Проспект, 2009. – С. 406.

⁶ Габбасов А. Б. *Досудебное обжалование административных актов // Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы».* – М.: Инфотропик Медиа, 2014. – С. 400.

ҳужжат)дан, демократик асосдаги “good governance & best regulation & better decision”дан келиб чиқадиган адолатли муносабатларга асосланган мақом (маъмурий акт)га ўтади¹.

Маъмурий акни судловга тааллуқлилиқнинг асосий мезони сифатида таҳлил қилишимизда унинг асосий (бешта) белгиларига аниқлик киритиш талаб этилади. Маъмурий акт маъмурий орган томонидан қабул қилинади(1). Бу эса ўз ўрнида МТТТҚонун 4-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарори 2-бандига асосланишни тақозо этади². Маъмурий акт ҳокимият ваколати асосида қабул қилинади(2). Бу эса шартномавий ёки хусусий шахс (давлат ташкилоти ҳисобланмайдиган юридик ва жисмоний шахс) эркин иродаси ифодаланиши, келишувнинг намоён бўлишини истисно этади. Маъмурий акт бир томонламалиги, мажбурийлиги, буйруқ оҳангида эканлиги ва давлат ҳокимиятига асослангани, бошқалардан рухсат сўрамай ўз ваколати доирасида қонуний ҳаракатлана олишни англатади. Маъмурий акт оммавий-ҳуқуқий муносабат, янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳосиласи сифатида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради(3)³.

Маъмурий актнинг ҳуқуқий оқибат юзага келтиришига оид М.Эшимбетовнинг қуйидаги қарашларини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, “агар маъмурий органнинг хатти-ҳаракатлари билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқини бузувчи ҳамда ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлар (ҳужжатлар) чиқарилса, манфаатдор шахс маъмурий органнинг хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида шикоят билан эмас, балки шундай хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида чиқарилган қарорни (ҳужжатни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоят билан маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин”лигини таъкидайдди. М.Эшимбетов судга шикоят қилишда «маъмурий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилиши лозим»лигини ҳам эътиборга олиш талаб этилишини келтириб ўтади. М.Эшимбетовнинг фикрича, «маъмурий органлар томонидан чиқарилган қарор, буйруқ, кўрсатма ёки берилган ордер, гувоҳнома ва шу каби ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа

¹ Хван Л.Б. Фиктивный административный акт: перспективы регуляции в странах Центральной Азии // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. – М.: Инфотропик Медиа, 2015. – С. 116.

² Маъмурий орган тушунчаси ҳақида қаранг.: Хамедов И.А. Вопросы о понятии «административные органы» // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2014. – № 1(17). С.42–46.

Изоҳ 1: таъкидлаш жоизки, И.М.Цай ҳам маъмурий орган тушунчаси юзасидан ўхшаш фикрларни келтириб ўтган. Қаранг.: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. –Ташкент: Консаудитинформ-Нашр, 2012. – С. 131–143.

³ Оммавий-ҳуқуқий муносабат ва маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳақида қаранг.: Астанов М.К. Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари // Одил судлов. – 2018. – № 8. – Б. 42–44.

ҳужжатлар, агарда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки ташиқлотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин (шундай ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам)». Бундан ташқари, у «давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан тегишли натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни мансабдор шахсларнинг берган топшириқларини, шунингдек бирон-бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайдиган бошқа ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топши, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини бекор қилиш, ноқонуний (қонунга хилоф), қонуний деб топши, бекор қилинган ҳужжатни ўз кучида қолдириш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ҳақиқий эмас деб топши, бекор қилиш каби талаблар судда кўриб чиқилмаслигини» келтириб ўтади¹.

Демак, маъмурий ҳужжатнинг шакли турли кўринишларда бўлиши мумкин. Энг асосийси, “ҳуқуқий оқибат юзага келиши” талаб қилинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 5-бандига кўра, “Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегия тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат тугдирувчи ҳужжат тушунилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин”.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий акт фақат қоғоз (ҳужжат) кўринишида бўлмайди, чунки ёзмадан ташқари унинг оғзаки, электрон, белгили каби шакллари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, маъмурий акт маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан чиқарилиши, жазолаш ва норматив хусусиятга эга бўлмаслиги, тартибга солиш (регулятив) хусусиятига эга бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунга кўра, МТТҚонуннинг бир қатор меъёрларида рус тилидаги таҳрирда келган “документ” ва “акт” сўзлари ўзбек тилида бир хилда “ҳужжат” тарзда келтирилганини кўриш мумкин². Бу эса маъмурий актнинг маъноси нотўғри тушунилишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, Ўзбекистон МТТҚонуннинг ўзбек тилидаги таҳририда “маъмурий ҳужжат” атамасини “маъмурий акт” деб ўзгартириш таклиф этилади.

Маъмурий акт ташқи субъектларга йўналтирилган бўлиши (4), яъни маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан қабул қилиниши

¹ Эшимбетов М. Маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) // Одил судлов. – 2018. – № 6. – Б. 40–42.

² Изоҳ 2: мисол учун МТТҚонуннинг 8, 13, 14, 23, 34, 37, 42, 43, 44, 45, 52, 55, 57, 58, 61 моддалари ўзбек ва рус тилидаги матнига қаранг.

назарда тугилади. Маъмурий акт *индивидуал (аниқ) хусусиятга эга бўлиб(5), айрим жисмоний ёки юридик шахслар ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи(МТТмҚонун 4-моддаси)*га қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб, маъмурий актнинг қуйидаги бешта асосий белгиси мавжудлиги келиб чиқди: 1) маъмурий актнинг маъмурий орган томонидан қабул қилиниши, 2) ҳокимият ваколати асосида қабул қилиниши, 3) оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат юзага келтириши, 4) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги, 5) индивидуаллиги (аниқлиги)¹. Шунга кўра, *маъмурий акт деганда маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниши мумкин.*

Маъмурий акт нафақат маъмурий тартиб-таомил (процедура)ларни, балки кейинчалик маъмурий суд ишларини юритишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Суд амалиётида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари асосида маъмурий органларнинг турли қарор ва хатти-ҳаракати низолашилишини, бу эса турли асоссиз қарорлар чиқарилиши ва чалкашликларга сабаб бўлишини кўриш мумкин. Назаримизда, бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун қуйидаги қоидага риоя этиш лозим.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий органларга нисбатан судга ариза ва шикоят қилинганида, аввало низолашилаётган масала юзасидан маъмурий органнинг ички бўйсунувида бўлмаган манфаатдор шахсга (ташқи субъектларга) йўналтирилган, ҳокимият ваколати асосида қабул қилинган, қарор йўналтирилган шахс (адресат) учун маълум бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи индивидуал актнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратилиши лозим. Агар ишда маъмурий акт мавжуд бўлса, аввало ушбу актнинг қонуний кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, шу акт юзасидан низолашиш лозим. Бундай ҳолда маъмурий актни қабул қилиш учун асос бўлган турли маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни эмас, балки маъмурий органнинг ташқи субъект, яъни манфаатдор шахсга йўналтирилган акти (қарори) юзасидан низолашиш мумкин. Ушбу қоидага амал қилмаслик низонинг нотўғри расмийлаштирилиши ва иш юритишнинг тугатилишига асос бўлади.

Масалага ойдинлик киритиш учун маъмурий амалиётдан бир мисол асосида ўз таҳлилимизни келтириб ўтамиз.

“1959 йил 22 июлда тугилган фуқаро А.Шаропов нафақа ёшига етганлиги учун ёшига доир пенсия тайинлашни сўраб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мурожаат қилган. Аммо бюджетдан ташқари

¹ 市橋克哉編『アクチュアル行政法』法律文化社2010年89–90頁。Рихтер И., Шупперт Г.Ф. Судебная практика по административному праву / Пер. с нем. – М.: Юристъ, 2000. – С. 194–232.

Пенсия жамғармаси шаҳар бўлими бошлигининг имзоси билан А.Шароповга 2017 йил 2 июндаги БТ130-1001-1529-сонли хат билан жавоб берилиб, унда унинг «Вилоят маиший бошқарма» ташиклотида 1979 йилдан 1988 йилгача ҳамда «Вилоят кинофильмларни ижарага бериш» ташиклотида 1988 йилдан 1997 йилгача ишлаган даври меҳнат дафтарчасига ёзилган бўлса-да, бироқ ушбу даврлардаги иш стажларини тасдиқловчи ҳужжатлар архивда ва ташиклотларнинг ўзида сақланмаганлиги ҳамда ушбу даврлар учун иш ҳақи маълумотлари тақдим этилмаганлиги сабабли А.Шароповнинг кўрсатиб ўтилган меҳнат фаолияти иш стажига қўшилмаслиги маълум қилинган». «Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шаҳар бўлими бошлигининг 2017 йил 2 июндаги БТ130-1001-1529-сонли жавоб хати гайриқонуний деб топилган». «Маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти» номли қўлланмада эса ушбу ҳолатда «суд бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шаҳар бўлими бошлигининг 2017 йил 2 июндаги БТ130-1001-1529-сонли жавоб хатини гайриқонуний деб топиб хатоликка йўл қўйган. Чунки ушбу хат ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжат ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай хатлар суд томонидан ҳақиқий эмас ёки гайриқонуний деб топилмайди» деб айтилган¹.

Ваҳолангки, юқорида таҳлил қилганимиздай, маъмурий акт турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 5-бандига кўра, “... қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин”. Демак, юқоридаги амалий мисолда фуқаронинг маъмурий орган(пенсия жамғармаси)га қилган мурожаатини қаноатлантириш рад этиляпти. Фуқаронинг қонуний манфаатларига таъсири нуқтаи назаридан ҳуқуқий оқибат мавжудлиги ва ушбу ҳолатда ҳокимият ваколати (яъни бир томонламалик) ҳам мавжудлигини келтириб ўтиш мумкин. Шунга кўра, фикримизча, мазкур ҳолатда, пенсия жамғармасининг 2017 йил 2 июндаги БТ130-1001-1529-сонли хатида ифодаланган фуқаро А.Шароповнинг мурожаатини рад этишда ифодаланган қарори (яъни маъмурий акт) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бунда маъмурий актнинг мавжудлиги фуқаро А.Шароповнинг мурожаатини кўриб чиқиш юзасидан маъмурий орган (пенсия жамғармаси)нинг якуний тўхтами, хулосаси 2017 йил 2 июндаги БТ130-1001-1529-сонли хат мазмунида ифодаланганлигидан ҳам келиб чиқиш мумкин.

Маъмурий актнинг мавжудлиги уни қабул қилиш жараёнига оид нормаларга, жумладан, МТТтҚонунга риоя қилинишини ҳам тақозо этади. МТТтҚонуннинг қабул қилиниши билан эндиликда юқори турувчи органлар ва маъмурий судлар томонидан маъмурий органларнинг маъмурий актларига нафақат моддий, балки процессуал қоидалар асосида ҳам тегишли ҳуқуқий

¹ Маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти / И.Алимов таҳрири остида. – Т.: Complex Print, 2018. – Б. 19–21.

баҳо бериш имкони кенгайди. Процессуал қоидаларга риоя этмаганлик маъмурий актнинг мазмунига таъсир этадиган бўлса, юқори турувчи орган томонидан бекор қилиниши, ўзгартирилиши, қонунга хилоф деб топилиши ёки маъмурий суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандига кўра, “... қарор қабул қилиши, ҳаракатни амалга ошириши тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириши учун асос бўлиши мумкин”. Демак, процессуал қоидаларга риоя этмаганлик маъмурий актнинг мазмунига таъсир этадиган бўлсагина маъмурий актнинг ноқонунийлигини келтириб чиқариши мумкин.

Маъмурий акт қонунийлиги шартлари¹. Маъмурий акт юзасидан низолашиш унинг қонунийлиги шартларини тушунишни талаб қилади. Маъмурий акт қонунийлиги шартлари а) шаклий қонунийлик, б) ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик ва в) маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлигидан иборат бўлади. Мазкур шартларга риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинган маъмурий акт ноқонуний бўлади.

Шаклий қонунийлик. Шаклий қонунийлик ўз навбатида а) ваколат қонунийлиги, б) шакл қонунийлиги, в) процедура қонунийлигидан иборат бўлади.

Ваколат қонунийлиги деганда маъмурий актни қабул қилишга маълум бир орган ёки унинг мансабдор шахсининг ваколоти мавжудлигини тегишли қонун ҳужжатлари асосида текширилишига айтилади. Тегишли қонун ҳужжатларида маълум бир орган ёки унинг мансабдор шахсига маъмурий актни қабул қилиш ваколоти берилмаганлиги ваколат қонунийлиги шартининг бузилишига олиб келади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандида ҳам “Ишни мазмунан кўриб чиқишда, суд маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиши ёки ҳаракатни амалга ошириши ваколатига эга ёки эга эмаслигини синчковлик билан текшириши лозим”лиги келтириб ўтилади.

Шакл қонунийлиги деганда маъмурий актнинг шакли ва мазмунига оид қоидалар (МТТтҚонун 52-53-моддалари)га риоя қилинганлик назарда тутилади. Мисол учун, МТТтҚонун 53-моддасида маъмурий актнинг асоси (асослантурувчи қисми), қабул қилинган қарор баёни (хулоса қисми), маъмурий акт устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби кабилар келтирилиши лозимлиги айtilган.

Процедура қонунийлиги деганда маъмурий актни қабул қилиш юзасидан амалдаги процессуал қоидалар ва тўғри процедура (due process) мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган қоидаларга риоя қилиш назарда тутилади. Процедура қонунийлиги МТТтҚонунда келтирилган асосий қоидалар, жумладан асосий принциплар (5-19-моддалар), ҳолисликни таъминлаш (31-32-моддалар), тинглаш имкониятининг тақдим этилиши (9, 47-51-моддалар),

¹ 市橋克哉編『アクチュアル行政法』法律文化社2010年103-109頁。

маъмурий актни асослантириш (54-модда) каби қоидаларга риоя этилишини ҳам назарда тутади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандида ҳам “*маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-тамойил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин*” лиги келтириб ўтилган.

Ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик. Ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик эса а) асосланадиган қонун ҳужжатларининг қонунийлиги, б) шартлар аниқлашдаги қонунийлик, в) акт мазмунини белгилашдаги қонунийлик, г) мақсад мувофиқлиги принципини ўз ичига олади.

Асосланадиган қонун ҳужжатларининг қонунийлиги деганда маъмурий акт асосланадиган қонун ҳужжатлари, жумладан қонун ва қонун ости ҳужжатнинг Конституцияга мослиги ва бошқа қонунларга мувофиқлиги, шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳам қонуний бўлиши зарурлигини аниқлатади. Зеро, Конституция ва қонунларга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида чиқарилган маъмурий акт ҳам ноқонуний бўлади.

Шартлар аниқлашдаги қонунийлик деганда қонун ҳужжатларида маъмурий актни қабул қилиш шартлари(талаблари)ни тўғри тушуниш (талқин этиш), шунга мос фактларни тўғри аниқлаш ва аниқланган фактлар ва шартлар(талаблар)ни тўғри таққослаш тушунилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 7-бандига кўра, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида таълим турлари бўйича лицензия олиш учун лицензия талабгори мисол учун педагог кадрлар ҳақида маълумот, ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари каби ҳужжатларни давлат хизматлари марказларига тақдим этади ёки электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари порталига юборади. Мазкур ҳолатда педагог кадрлар ҳақида маълумот ёки ўқув режа (дастур) деганда нимани назарда тутиш лозим, тақдим этилган дипломлар ва дастурлар нусхалари ҳамда мазкур дипломлар, дастурлар Низомда талаб этилган ҳужжатларга мос келишини тўғри аниқлашни талаб этади. Мана шуни шартлар аниқлашдаги қонунийликка мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандида ҳам судлар “*низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий*

ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини” текшириши зарурлиги келтирилган.

Акт мазмунини белгилашдаги қонунийлик деганда қонун ҳужжатида маъмурий орган маъмурий акт қабул қилишдаги шартларни аниқлаб бўлгач, фақат қонун ҳужжатида назарда тутилган мазмундаги маъмурий актнинг бирини қабул қилиши, қонун ҳужжатида назарда тутилмаган маъмурий актни қабул қилиш мумкин эмаслиги тушунилади. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 10-бандига кўра, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия даъвогарининг аризаси олинган кундан бошлаб 15 иш кунидан, олий таълим тури бўйича 30 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади. Агар маъмурий орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошқа мазмундаги қарор – дейлик аризани кўрмасдан қолдириш, маъмурий акт адресатининг кўрсатилмаслиги, маъмурий акт мазмунининг тушунарсизлиги ёки ғайриқонуний ҳаракатга буюриш мазмунида бўлиши кабилар акт мазмунини белгилашдаги қонунийликнинг бузилишини англатади.

Мақсад мувофиқлиги принципи деганда маъмурий актнинг қонунда ўрнатилган мақсаддагина амалга оширилиши, турли номақбул, ғаразли мақсадлар, қонунда кўрсатилмаган бошқа мақсадларда қабул қилинган маъмурий актнинг ноқонуний бўлиши тушунилади. Мисол учун, тадбиркор ер сўраб ёки лицензия(рухсатнома), имтиёз сўраб давлат органига мурожаат қилганда уни турли ҳомийлик ишлари ёки шахсий манфаатларни қондиришга жалб қилиниши қонунда ўрнатилган тартибдаги жавобгарлик билан бирга мақсад мувофиқлиги принципининг бузилишини ҳам келтириб чиқаради.

Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлиги. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) қонунда ўрнатилган тарзда қўлланилиши лозим. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қонунда ўрнатилгандан бошқача тарзда қўллаш унинг ноқонунийлигини келтириб чиқаради (*маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллашдаги хатолик*). Шунга кўра, маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) ни қуйидаги кўринишларда қўллаш ноқонуний, яъни *маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни суиистеъмол қилиш* деб тан олинади: а) мавжуд бўлмаган фактлар асосида маъмурий акт қабул қилиш ёки маъмурий актни қабул қилишдаги муҳим фактларни аниқлашда хатоликнинг мавжудлиги кабилар; б) жамият манфаатларига зид мазмундаги маъмурий актнинг қабул қилиниши; в) маъмурий акт қабул қилиш тартибдаги хатолик, жумладан, маъмурий орган томонидан маъмурий актни қабул қилиш учун инобатга олиш талаб этиладиган ҳолатларни етарлича инобатга олмаганлиги ёки инобатга олинishi лозим бўлган ҳолатлардан ташқари ҳолатларга кўпроқ таянган ҳолда маъмурий актни қабул қилиш ёхуд

маълум бир ишнинг ўзига хос, алоҳида хусусиятларидан келиб чиқмасдан ҳаммага бир хил тарзда ёндашиб маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш кабилар; г) тўғри процедуранинг бузилиши; д) маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) қўлланилиши қонун ҳужжатида назарда тутилгани ҳолда ҳамда мазкур ваколатни қўллаш лозим бўлишига қарамасдан маъмурий орган томонидан ўз маъмурий ихтиёрийлиги(дискрецион ваколоти)ни қўлламаслиги (*маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)нинг пассив сушистеъмоли*)дан иборат бўлади.

МТТТҚонун 17-моддасида “Маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак”лиги ўрнатилган.

Бундан ташқари, маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандида қуйидагилар келтирилган. “*Қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиши ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган ҳолда, суд бундай қарор қабул қилиши ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмас (масалан, муайян шахсни мукофотлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилмаганликда ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда)*”. Демак, маъмурий акт қонунийлиги шартларини таҳлил қилишда маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги юқорида таҳлили келтирилган янги қонунлар ўз навбатида маъмурий ҳуқуқнинг илмий-назарий асослари ҳамда уни суд амалиётида қўллашнинг янги имкониятларини ҳам очиб беради. Жумладан, маъмурий акт белгиларини тўғри аниқлаш асосида судловга тааллуқлилиқни белгилаш осонлашади, шунингдек, маъмурий акт қонунийлиги шартларини бирма-бир текшириб чиқиш қонун устуворлиги, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда давлат секторининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги роли катта аҳамиятга эга. Унинг узлуксиз ва самарали фаолияти учун эса тегишли товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вақтида таъминлаб туриш зарур бўлади. Давлат харидлари эса айти шу мақсадда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, давлат бюджети харажатларининг каттагина қисми давлат харидлари орқали амалга оширилиб, бундай харидлар бюджет мувозанатини сақлашга бевосита таъсир қилади. Шу боисдан давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун унинг юқори самарадорлигини таъминлаш ўта муҳим масаладир. Бундан ташқари, унинг ёрдамида кичик бизнесни, саноатнинг инновацион соҳаларини ривожланишини рағбатлантириш мумкин.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ва нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир.¹

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилнинг 9 апрелда «Давлат харидлари тўғрисида» ги Қонунининг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни² давлат харидлари очиқлигини ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг рақобат курашувини таъминлайди, давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат харидларида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга, давлат харидларида тадбиркорлик субъектларига тенг имконият яратиб беришга, самарали ва оқилоналик асосида давлат секторини мақбул вақтда товар (иш, хизмат) билан таъминлашга, ҳамда давлатнинг қулай сармоявий муҳитини шакллантириш

* Судьялар олий мактаби «Иқтисодий ҳуқуқ» кафедраси мудири, ю.ф.н.

¹ У.Ўроқов, Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун: «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.

жараёнини давом этитиришга ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради.

Қонун давлат харидларини амалга оширишнинг амалдаги тажрибасини ҳамда халқаро тажрибани, жумладан, БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг (ЮНСИТРАЛ) модель қонунчилигининг асосий қоидаларини, Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия, Беларус, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигини ҳисобга олган.

Ҳозирда дунёнинг турли мамлакатларида давлат харидини амалга оширишга ҳуқуқий асос сифатида қўлланиладиган бир нечта ҳужжатлар мавжуд.

Юнситрал —Товарлар ва хизматларни сотиб олиш тўғрисидаги қонун 1994 йил БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссиясининг 27-сессиясида қабул қилинган бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида давлат харидини амалга ошириш бўйича халқаро тажрибани ўзида мужассамлаштиради. Ушбу Шарқий Европа мамлакатларида давлат буюртмасини жойлаштириш бўйича модел сифатида ишлаб чиқилган.¹

Юнситрал модель қонундан кўзланган мақсад рақобатни максимал даражада ривожлантириш, давлат харидини амалга оширишда мол етказиб берувчиларга нисбатан адолатли муносабатни таъминлаш, харид жарёнининг очиқлиги ҳамда объективлигини оширишдан иборат. Мазкур қонун, миллий хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидан ташқари, барча соҳаларда харидни амалга ошириш учун қўллашни назарда тутди.

Мазкур ҳужжатнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киради:

1. Очиқлик ва ойдинлик қисмида – харид тўғрисида ёзма шаклдаги ҳисобот юритилиши (ҳисоботда танловни ёки бошқа турдаги харидни амалга оширувчи давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилган барча чора тадбирлар ўз аксини топиши шарт), шунингдек, давлат буюртмачисининг шартномани тузиши ҳақида оммавий эълон қилиши.

2. Малакавий қисми бўйича – мол етказиб берувчилар малакасига бўлган талабларни тартибга солиш, улар малакасини ўрганиш жараёни ва тартиби, шунингдек, бирламчи малакавий танловларни амалга ошириш тартиби.

3. Жарённи амалга ошириш сифатида – очиқ танлов харидни амалга оширишнинг асосий усули эканлиги; оддий маҳсулотлар учун, нафақат очиқ, балки ёпиқ танлов йўли билан, яъни котировка сўровномаси ва ягона мол етказиб берувчидан харид қилиш; икки босқичли танлов ўтказиш, рақобатли музокара олиб бориш, мураккаб маҳсулотни ёки маслаҳат хизматларни сотиб олиш учун таклиф сўровномаси.

4. Очиқ танлов жараёни: савдо тўғрисида эълон нашр этиш; потенциал мол етказиб берувчиларга танлов шартларини етказиш; танлов аризаларини тайёрлаш, зарурий ўзгартиришлар ва тушунтиришлар киритиш; танлов аризаларини бериш; танлов аризаларини иштирокчилар олдида очиш; аризани баҳолаш; аризани қабул қилиш ва мол етказиб бериш тўғрисидаги

¹ Типовой закон ЮНСИТРАЛ о закупках товаров (работ) и услуг с Руководством по его применению // Комиссия организации объединенных наций по праву международной торговли ООН. Нью-Йорк. 1995 год.

шартномани қонуний кучга кириши; Қонун хариднинг бошқа турларини амалга оширишни деталлаштирган ҳолда келтириб ўтади (икки босқичли танловлар, таклиф сўровномаси ва рақобат музокаралари).

5. Юзага келадиган мунозараларни ҳал этиш бўлимида, мол етказиб берувчини давлат буюртмасини жойлаштириши бўйича юзага келадиган 92 низоларни маъмурий, суд органлари орқали ҳал этиш мумкинлиги акс эттирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Юнситрал намунавий қонунчилиги бўлиб, у модел қонун сифатида жуда катта роль ўйнади. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Шарқий Европа давлатларининг давлат харидини тартибга солиш бўйича амалдаги қонунчилиги асосида мазкур ҳужжат тамойиллари ётади.

Халқаро савдо ташкилотида давлат хариди бўйича шартнома ҳам 1994 йилда кўп томонлама савдо музокараларининг Уругвай раундида қабул қилинган Давлат хариди бўйича Келишув (Agreement on Government Procurement),¹ ўз аҳамиятига кўра, иккинчи муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. У Савдо ва тарифлар бўйича умумий шартноманинг (ГАТТ) муҳим элементи ҳисобланади ва жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) иштирок этиш доирасида мамлакатлар томонидан имзо чекилади. Давлат хариди бўйича Шартномани имзолаш ЖСТга киришнинг шарти ҳисобланмаса-да, аммо кейинги йилларда ЖСТнинг йирик иштирокчилари бўлган АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Канада, Исроил, Япония, Швейцария каби мамлакатлар номзод мамлакатлар учун ушбу ҳужжатни имзоланишини икки ёқлама музокораларнинг шарти сифатида қўймоқдалар.

Шартнома миллий давлат хариди бозорини уни имзолган мамлакатлардаги товар етказиб берувчилар учун очиб бериши ҳамда хорижий мол етказиб берувчиларни миллий мол етказиб берувчилар билан бир хил шартлар асосида фаолият юритишига имкон беришини назарда тутди. Мазкур ҳужжатдан кўзда тутилган асосий мақсад, халқаро савдони ривожлантириш, хорижий мол етказиб берувчиларни дискриминация қилишнинг олдини олиш, харид жараёнини тартибга солувчи қонунчиликнинг очиқлигини таъминлашдан иборат. Ушбу келишувга мувофиқ, давлат буюртмачиси алоҳида олинган мол етказиб берувчига (миллий белгисига кўра) давлат буюртмасини олишда имтиёзли шароит яратиб бермаслиги лозим.

Шунингдек, сотиб олинadиган товарларга халқаро савдони чегараловчи техник талаблар қўйилмаслиги ёки товарлар ва хизматларга қўйиладиган барча техник талаблар халқаро меъёрлар асосида бўлиши шарт. Давлат хариди шартномасига кўра давлат харидини жойлаштиришнинг учта шакли келтирилган: очиқ, танланма, чегараланган. Агар савдода барча қизиқиш билдирган товар ва хизматларни етказиб берувчилар иштирок этиши мумкин бўлса, бундай жараён очиқ ҳисобланади. Агар савдода фақатгина сотиб

¹WTO Agreement on Government Procurement, 1979 // http://wto.org/english/docs_e/legal_e/tokyo_gpr_e.pdf.

олувчи ташкилот томонидан таклиф олган мол етказиб берувчилар иштирок этадиган бўлса, бундай жараён танланма дейилади. Чегараланган жараёнда сотиб олувчи ташкилот товар ва хизматлар етказиб берувчи ташкилот билан шартномада келишилган шартлар асосида алоҳида алоқа ўрнатади.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидини ташкил этишнинг асосий истиқболли йўналиши бу – интернет ва замонавий технологияларга асосланган электрон харид ҳисобланади. Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилот мутахассислари давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш лойиҳалари бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибалари ҳақида маълумотларни тўплаб, уни тизимлаштирмоқдалар. Давлат харидини электрон тарзда ташкил этиш ва уни ривожлантириш, дунё миқёсида савдони электрон тарзда ташкил этиш анъанасининг табиий давоми ҳисобланади. Жаҳон банки дунёдаги йирик халқаро молия институти сифатида, бугунги кунда кўплаб ривожланаётган мамлакатларга давлат харидини ташкил этишда электрон савдолар тизимини жорий этиш бўйича кўмаклашмоқда. Барча материаллар Жаҳон банкининг сайтида (www.worldbank.org/eprocurementforum) нашр этилади ва барча хоҳловчилар ундаги мунозараларда иштирок этиши мумкин. Одатда, ушбу материалларни тайёрлаш ва ундаги муаммолар бўйича баҳсларда, дунёнинг турли мамлакатларидан электрон давлат хариди тизими билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этадилар.

Баъзи Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат харидлари соҳасида талабларга риоя этиш ва ҳимоя воситаларини таъминлаш бўйича назорат функциялари марказлашган давлат тузилмаларида тўпланган. Гарчи Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда давлат тузилмалари хусусиятлари турлича бўлса-да, давлат харидларини амалга ошириш тартиби бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш. Бирламчи сиёсий ва қонунчилик функциялари. Барча Европа Иттифоқи давлатларида ҳукумат даражасидаги органларга фундаментал харид тадбирларини ташкил этишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқиш тўғрисида вазифа юклатилган. Булар давлат харидлари соҳасидаги фаолиятни тартибга солишнинг умумий ҳуқуқий асосларини яратиш; давлат харидлари соҳасидаги асосий қонун ости ҳужжатлари, шу жумладан Европа Комиссияси директив қоидаларини ўз ичига олган миллий қонун ҳужжатларини тайёрлаш; давлат харидларини тартибга солиш қоидалари.

Давлат харидлари бўйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштириш ҳар қандай Европа Иттифоқи давлати учун муҳим вазифа бўлиб, унга одатда қуйидагилар киради:

- мамлакатнинг халқаро нормаларни ишлаб чиқишдаги иштироки бўйича мажбуриятлар;
- Жаҳон Савдо Ташкилотининг давлат харидлари бўйича битимлари ва БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича модели қонунчилигида иштирок этиш;
- мамлакатнинг Европа Иттифоқи Маслаҳат кенгаши ишида ва унинг таркибидаги иштироки учун жавобгарлик;

- давлат харидлари бўйича Европа тармоғи ишчи гуруҳларида иштирок этиш мажбурияти.

Дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам харид жараёнларини халқаро талаблар даражасида мувофиқлаштириш ва унинг шаффоғлигини таъминлашга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинмоқда, амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад нафақат давлат маблағларидан фойдаланишнинг самарали ҳисоб ва назоратини ташкил этиш, балки давлат харидлари иштирокчиларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга риоя этилиш даражасини оширишни ҳам назарда тутди.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Трансчегаравий дарёлар айна бир вақтнинг ўзида бир нечта давлатлар ҳудудини кесиб ўтар экан, уларнинг барчаси давлат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти учун бирдек аҳамият касб этади. Шу боис, қирғоқбўйи давлатлари мазкур дарёларнинг захираларидан биргаликда фойдаланишга мажбурдирлар, чунки дарёлар фақат бир давлатгагина эмас, балки уларнинг барчасига тегишлидир.

Мазкур ҳамкорликнинг узок минг йилликлар давомида шаклланган асосий тамойиллари ҳозирги кунга қадар амалда бўлиб, улар дарёлар захираларидан оқилона, эҳтиёткорона, тенг, баҳамжихат, адолатли, қўшниларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда фойдаланиш каби қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу тамойилларнинг бузилиши ёки риоя этилмаслиги, баъзан, давлатлар ўртасида зиддиятлар ва келишмовчиликлар, кичик қуролли тўқнашувлар ва йирик урушларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Инсоният тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Эрамиздан аввалги 2500 йилларда қадимги Шумер давлатлари Лагаш ва Умма ўртасида имзоланган шартнома Тигр дарёси сувларига эгалик қилиш юзасидан келиб чиққан зиддиятга барҳам бериш мақсадида тузилган эди. Шунинг ўзиёқ трансчегаравий дарё сувларини тасарруф этиш муаммоси азалдан инсоният тарихининг ажралмас қисми эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда, аксарият ҳолатларда, зиддиятлар тинч музокаралар ёрдамида халқаро келишувлар ва шартномаларга эришиш билан яқун топмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотларига кўра, охириги 50 йил давомида куч ишлатилишига олиб келган зиддиятлар сони 37 тани ташкил этган ҳолда, сув захираларидан биргаликда фойдаланишга қаратилган 150 та халқаро шартнома имзоланган. Умуман, эрамиздан аввалги 805 йилдан то 1990 йилларга қадар 3,600 та халқаро шартнома имзоланганлиги маълум. 1820-2007 йиллар мобайнида трансчегаравий сув ҳавзалари бўйича 450 та халқаро шартнома имзоланди, биргина Африка қитъасининг ўзида уларнинг сони 90 дан зиёддир¹.

Охириги юз йилликда, трансчегаравий дарёлар сувларини биргаликда бошқариш ва уларнинг захираларидан ҳамкорликда фойдаланиш борасида бир қанча ютуқларга эришилган. Бундай муваффақиятлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг оқилона қарори, вазмин ҳатти-ҳаракати, нафақат ўз миллатининг келажаги, балки бутун минтақа мамлакатларининг истиқболи хусусида қайғура оладиган олижаноб раҳнамолик хусусияти ҳамда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг саъй-

* Судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқук” кафедраси доценти.

¹ БМТ расмий маълумоти: http://www.unwater.org/statistics_trans.html

ҳаракатлари ва етакчи қудратли давлатларнинг холис воситачилиги туфайли қўлга киритилган ҳолатлар кўп бўлган.

Шунга қарамай, сув танқислиги тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда халқаро муносабатлардаги сув захираларига эгалик қилиш борасида танглик сақланиб қолмоқда. Ўзининг стратегик аҳамиятига кўра “XXI аср қора олтини” номини олиб, нефть ўрнини босувчи сув халқаро зиддиятлар манбасига айланиб бормоқда. БМТ маълумотларига кўра, 276 та трансчегаравий сув ҳавзаларининг 60 фоизи қирғоқбўйи давлатларнинг ўзаро ҳамкорликдаги бошқарувига муҳтож¹. Зотан, трансчегаравий дарёлар сувини оқилона бошқаришда халқаро ҳамкорлик зиддиятларнинг олдини олишда қўл келади.

Мисол ўрнида, БМТ ташкилоти ҳомийлигида 1957 йилда Меконг дарёси² юзасидан зиддиятни бартараф этиш ва дарё сувидан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш мақсадида Вьетнам, Камбоджа, Лаос ва Таиланд орасида тинч музокаралар ўтказилган ва уларнинг натижаси ўлароқ мазкур давлатлар вакилларида иборат “Меконг комиссияси” ташкил этилган эди. Давомий музокаралар 1995 йилда Меконг дарёси ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича шартномани имзолаш билан яқунланди. “Меконг комиссияси” ишида дарёнинг юқори оқими давлатлари – Хитой ва Мьянма ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда.

30 йиллик музокаралардан сўнг 1960 йилда Жаҳон банки воситачилигида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида Ҳинд дарёсининг суви ва дарё ҳавзасини ривожлантириш бўйича шартнома имзоланди. Нил, Амазонка, Рейн, Дунай дарёлари бўйича тузилган шартномалар ва халқаро комиссиялар ҳам трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш йўлида самарали ҳамкорликка йўл очди.

Трансчегаравий дарёлар сувларидан биргаликда фойдаланиш бўйича келиб чиқадиган зиддиятларнинг сабаблари турли-тумандир. Бироқ, уларнинг энг асосийларидан бири бу – трансчегаравий дарёлар захираларидан фойдаланишда фақат ўз манфаатини кўзлаб, бир томонлама қарорлар қабул қилиш ва қўшни давлатлар манфаатларини инкор этишдир. Бундай қарорлар баъзан худбинона миллий манфаатларга бўйсундирилган иқтисодий мақсадлар йўлида, баъзан эса, тор сиёсий мақсадлар йўлида қабул қилиниши мумкин. Яъни, дарёнинг юқори оқимида жойлашган давлат дарёларни ўз измига бўйсундирган ҳолда қуйи оқимдаги давлатларга сиёсий таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган ички сув йўларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида бугунги кунга келиб турли хил иқтисодий-ижтимоий, экологик ва ҳаттоки сиёсий муаммолар вужудга келмоқда. Шунингдек,

¹http://www.unwater.org/statistics_trans.html

²Меконг дарёси Жанубий-Шарқий Осиё экологик тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. У Хитойдан бошланиб 4900 километр масофани Бирма, Лаос, Таиланд, Камбоджа ва Вьетнам худуди орқали босиб ўтади. Меконг балиқчилик манбаи, ўзининг биохилма-хиллик даражаси бўйича дунёда иккинчи ўринда туради, 60 миллиондан ортиқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ва сув транспорти билан таъминлайди. Меконг ўзани бўйлаб қурилган Хитой дамбалари экотизимга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундай дамбаларнинг қурилишига қарши ва дарёнинг экологик тизимини сақлаб қолиш учун “Меконгни сақлаб қолиш” каби ташкилотлар ҳаракат қилмоқда.

трансчегаравий аҳамиятга эга сув оқимларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида ҳам турли хил можаро ва низолар юзага келмоқда. Охирги 60 йил ичида трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш бўйича 130 га яқин ўзаро ташаббуслар қилинган ва сўнгги пайтларда 150 га яқин битимлар тузилган¹. Сўнгги ярим аср мобайнида трансчегаравий сув оқимларидан рационал фойдаланмаслик, сув оқиб ўтадиган бошқа давлат манфааларини эътиборга олмаслик натижасида 500 га яқин низо ва можаролар вужудга келган бўлиб, шулардан 40 га яқин муаммони куч ишлатиш йўли билан ҳал этишгача олиб келган².

Ҳозирда бундай муаммолар Ҳинд (Ҳиндистон, Непал, Покистон), Ганг ва Брахмапутра (Бангладеш, Ҳиндистон), Тигр ва Евфрат (Ироқ, Иордания, Сурия, Туркия), Иордан (Исроил, Иордания, Фаластин, Сурия), Нил (Миср, Судан, Эфиопия) каби дарёлардан фойдаланишда кўзга ташланмоқда.

Лондон халқаро стратегик тадқиқотлар институти мутахассисларининг ҳисобларига қараганда, XXI асрда уруш ва низолар келиб чиқишига сув манбаларига бўлган кураш бош омил бўлади. Экспертлар XX асрда нефть халқаро товар ҳисобланган бўлса, XXI асрга келиб сув нефть ўрнини эгаллаб, 1 литр сувнинг баҳоси 1 литр бензин баҳосига тенг бўлишини тахмин қилишмоқда. 1948 йилдан бери сув муносабатларини тартибга солилмаганлиги сабабли 37 та йирик низолар ва тўқнашувлар кузатилди ва бу муносабатларни тартибга солишга қаратилган 295 та халқаро шартномалар имзоланди³. Шу билан бир қаторда азал-азалдан ичимлик суви халқ хўжалиги (саноат, маиший хизмат) эҳтиёжлари йўлида ишлатилиб келинган бўлса, эндиликда трансчегаравий сув оқимларидан гидроэнергетик мақсадларда фойдаланишга имкон берувчи йирик гидроэнергетик иншоотларнинг қурилиши бир қатор долзарб халқаро-ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқариб, давлатлараро муносабатларнинг ўзаро ёмонлашувиغا олиб келмоқда.

Инсонларнинг ичимлик сувига бўлган ҳуқуқи уларнинг табиий ва бирламчи ҳуқуқларидан бўлиб, бу ҳуқуқ халқаро одат ҳуқуқи ва нуфузли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эътироф этилган ҳамда ҳимоя остига олинган.

Халқаро суд амалиётида атроф-муҳитга етказилган трансчегаравий таъсир ва унинг оқибатларини бартараф этиш чораларини учратиш мумкин. Бунга Канада комбинати “Трейл Смелтер”нинг зарарли чиқиндилари юзасидан “АҚШ Канадага қарши” суд иши (1938–1941 йй.) бўйича халқаро арбитраж қарори ёрқин мисол бўлиши мумкин. Қарорда “халқаро ҳуқуқ тамойиллари, шунингдек, Қўшма Штатлар ҳуқуқи бўйича ҳеч қайси давлат ўз ҳудудидан унинг ўзи ёки бошқа бировнинг зарар етказувчи тарзда ёки

¹Исмаилов Б.И., Адилходжаева С.М. Международно-правовое сотрудничество в сфере трансграничного водопользования: Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, РЦПКЮ МЮ РУз. – С. 15

²www.inbo-news.org

³Избранные Резолюции ГА ООН в области международного водного права. Издание 2-е, дополненное. – Ташкент, 2010. – С. 15.

бошқа давлатнинг ҳудудидаги мулкка ва шахсларга зарар етказиш мақсадида фойдаланишига рухсат беришга ҳақли эмас”¹ деган қоида илгари сурилади.

Трансчегаравий таъсирдан келиб чиқадиган зарарни ҳисоблаш ва унга дифференциал ёндашиш тамойили Франция ва Испания ўртасидаги низога оид Лану кўли бўйича арбитраж қарорида ўз аксини топган².

Энди, Венгриянинг Словакияга қарши Габчиково-Надьмарош лойиҳаси бўйича халқаро суд ишини кўриб чиқсак:

Мазкур низоли вазият Дунай чегара дарёсининг сувларидан фойдаланишга тааллуқли бўлиб, унда турли кўплаб низоли ва зидиятли вазиятлар юзага келган. 1977 йил 16 сентябрда Чехословакия Совет Социалистик Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси ўртасида ўзаро иқтисодий ёрдам бўйича Кенгаш доирасида 1978 йил 30 июнда кучга кирган Габчиково-Надьмарош тўғон тизимини қуриш ва ундан фойдаланиш тўғрисида шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ у Чехословакия (Габчиково) ва Венгрия (Надьмарош) ҳудудида бир-бирига уланган иккита гидроэлектростанциялар мажмуасини биргаликда қуриш ва фойдаланишни таъминлади. Ушбу иншоотни молиялаштириш иккала томон учун ҳам тенг миқдорда тақсимланди.

Битимда Аҳдлашувчи томонлар ўртасида Дунай трансчегаравий дарёсининг сув ресурсларидан фойдаланиш, сув, энергетика, суғориш, транспорт ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек, томонлар лойиҳага биноан дарё суви сифатини ёмонлаштирмаслик ҳамда ифлослантирмаслик мажбуриятларини ҳам олдилар.

Венгриянинг таклифига биноан ҳар икки томон 1983 йил 10 октябрда протокол имзолаб, иш суръатини пасайтиришга ва 1989 йил 6 февралдаги тегишли протоколни имзолаганларидан кейин иш суръатини тезлаштиришга келишдилар. 1989 йил 13 майда “Яшиллар”нинг қаттиқ танқиди остида Венгрия ҳукумати илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни тўхтатишга қарор қилди. Бироқ, 1989 йил 21 июлда Венгрия тадқиқот олиб боришни муддатини 1989 йил 31 октябргача узайтиришга қарор қилди. Натижада, 1989 йил 27 октябрда Венгрия Надьмарошда ўз фаолиятини тўхтатди, яъни лойиҳани ўз ҳудудида амалга оширишдан бош тортди. Аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги музокаралар натижа бермади ва Чехословакия масалага бошқа ечим излашга киришди. Чехословакия Дунакилитидан 10 км юқоридаги оқимда Дунайни бир томонлама дренажлашни ўз ичига олган муқобил ечим сифатида “С” варинатини танлади³. Шунингдек, “С” вариант Чунова сув омбори ва тўғони сувлари туташтиришни ҳам назарда тутар эди. Венгрия лойиҳани амалга оширишдан

¹Суд амалиёти тафсилотлари учун қаранг: Reports of International Arbitral Awards/Recueil des Sentences Arbitrales. Trail Smelter Case (United States, Canada) 16 April 1938 and 11 March 1941. Volume iii pp. 1905–1982: http://legal.un.org/riaa/cases/vol_III/1905-1982.pdf

²Lake Lanoux arbitration (France v. Spain) (1957) 12 R.I.A.A. 281; 24 I.L.R. 101 Arbitral Tribunal. November 16, 1957. Full text: <http://www.ecolex.org/server2.php/libcat/docs/cou/full/en/cou-143747e.pdf>

³Қаранг.: Дело, касающееся проекта Габчиково-Надьмарош (Венгрия против Словакии) (существо дела) // Краткое изложение решений консультативных заключений и постановлений Международного Суда. - С. 3.

бош тортганлиги сабабли, Чехословакия ҳукумати 1991 йил 23 июлда Габчикова лойиҳасини вақтинча ечим сифатида фойдаланишга топшириш мақсадида 1991 йил сентябрь ойида қурилиш ишларини бошлашга қарор қилди. Чехословакия 1991 йил ноябрда “С” вариант устида иш бошлади ва 1992 йил 19 майда Венгрия 1992 йил 25 майдан шартноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида Чехословакияга вербаль нота юборди.

Бироқ, 1992 йил 15 октябрда Чехословакия Дунайни тўсиш ишларини бошлади ва 1992 йил 23 октябрдан тўғонни қуриш ишларини бошлаб юборди. 1993 йил 1 сентябрда Словакия Чехиядан ажралиб чиққандан сўнг, Габчиково-Надьмарош лойиҳасининг ҳуқуқий вориси бўлди. Кейинчалик, Словакия ва Венгрия ўртасида 1993 йил 7 апрелда Махсус битим имзоланди, унга кўра томонлар трансчегаравий Дунай дарёси сувидан вақтинча фойдаланиш режимини ўрнатишга келишиб олдилар. 1995 йил 19 апрелда ушбу давлатлар Дунай дарёси сувидан фойдаланиш режими тўғрисида шартнома туздилар, ушбу шартнома Халқаро суднинг тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг

14 кунгача амал қилиши керак эди. Махсус битим бўйича Венгрия ва Словакиянинг қўшма баёнотидан сўнг, Халқаро суд Габчиково-Надьмарош лойиҳаси бўйича иш қўзғади. Бу иш Халқаро суд томонидан қўриб чиқилган сув соҳасидаги илк халқаро низо эди. Суд олдида учта масалани ҳал қилиш вазифаси турар эди. Булар:

1. Венгриянинг Габчиково-Надьмарош лойиҳаси бўйича ишларни аввал вақтинча, сўнгра бутунлай тўхтатиш ҳуқуқи мавжуд эдими? (Махсус келишувнинг 2-моддаси 1-бандига асосан)

2. Словакия ва Чехия Федератив Республикаси 1991 йил ноябрдаги “вақтинчалик ечим”ни амалга оширишни давом эттиришга ва ушбу тизимни 1992 йил октябрда кучга киритишга ҳақли эдими? (Махсус келишувнинг 2-моддаси 1-бандига асосан)

3. 1992 йил 19 майда Венгрия томонидан 1977 йилдаги шартномани бекор қилиш ҳақидаги Чехословакияга юборилган хабарноманинг юридик кучини аниқлаш. (Махсус келишувнинг 2-моддаси 1-бандига мувофиқ)

Биринчи масала бўйича Халқаро суд Венгрия 1977 йилдаги шартнома ва ҳужжатларга асосан бир томонлама лойиҳани вақтинчалик тўхтатиб қўйиш ва тугатишга ҳақли эмас деган хулосага келди. Венгриянинг ҳатти-ҳаракатлари суд томонидан шартноманинг айрим қоидаларига риоя қилмаслик сифатида баҳоланди. Суд Венгриянинг ҳатти-ҳаракатлари сабабли лойиҳа ўз ниҳоясига етмай қолганлиги сифатида хулосага келди.

Иккинчи масала бўйича суд Чехословакия 1991 йил ноябрь ойида муқобил “С” вариант деб номланган вақтинчалик ечимни тайёрлаш ва давом эттириш ҳуқуқига эга экани, лекин 1992 йил сентябрь ойида ушбу вариантни бир томонлама равишда амалга ошириш ҳуқуқига эмас деб қарор қабул қилди.

Учинчи масала бўйича Халқаро суд 1977 йил шартнома ва унга алоқадор ҳужжатларни 1992 йил 19 майда Венгрия томонидан бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарни юридик кучга эга эмаслигини

таъкидлади. Шунингдек этиш керакки, 1993 йил 1 январдан бошлаб Словакия Чехия Республикасидан ажралиб чиқди ва давлат мустақиллигини қўлга киритди ҳамда Халқаро суд уни 1977 йилдаги шартноманинг ҳуқуқий вориси деб эълон қилди. Халқаро суд ўз қарорида Венгрия ва Словакия ушбу масалани виждонан бажариши ва 1977 йилдаги шартнома мақсадлари бажарилишини таъминлашга қаратилган зарур чораларни кўриш кераклигини таъкидлади.

Агар томонлар бошқача шартлашмаган бўлса:

- 1977 йилдаги шартномада назарда тутилган Словакия ҳудудида жойлашган тўғоннинг биргаликдаги фойдаланиш тартиби ўрнатилиши керак,
- ҳар бир томон бошқа томонга унинг ҳатти-ҳаракати натижасида етказилган зарарни қоплаши керак; объектлардан фойдаланиш ва қурилиш бўйича ҳисоб-китобларни 1977 йилдаги Шартнома ҳамда унга биноан қабул қилинган ҳужжатлар асосида тартибга солиниши лозимлигини белгилади.

Томонлар, шунингдек Габчиковода ГЭСдан фойдаланишда унинг атроф-муҳитга таъсирини янгича усулда таҳлил қилишлари ва қайта кўриб чиқишлари, хусусан, Дунайнинг эски ирмоғи ва икки қирғоғидаги айланма каналлар бўйлаб оқадиган сув хажми учун мос ечимни топишлари лозимдирлар¹.

Халқаро одил суд Венгрия ва Словакия ўртасидаги Дунай дарёси оқимида ГЭС қурилиши билан боғлиқ низони кўриб чиқар экан, “Габчикова-Надьмарош” суд ишида қуйидагича қарор қабул қилган эди: “...зарар кўрган давлат халқаро ҳуқуқбузарлик содир этган давлатдан келтирилган зарар учун компенсация талаб қилишга ҳақлидир”² деган зарарни қоплаш тамойилини яна бир бор низони кўриш орқали исботлади.

Мазкур ҳолат Тожикистон ва қўшни давлатлар ўртасидаги сув оқимлари муаммосини ҳал қилишда бевосита аҳамиятга эга. Венгрия ва Словакия ўртасидаги низолар Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги келишмовчилик билан бир қатор ўхшашликларга эга. Биринчидан, келишмовчиликнинг предмети бир, яъни трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишдаги тушунмовчиликлар. Иккинчидан, тўғонлар ва гидротехник иншоотларни қуриш борасида бир томонлама танқидий муносабатлардир. Венгрия ва Ўзбекистоннинг фикрлари лойиҳани амалга ошириш трансчегаравий сув оқимлари режимини сезиларли даражада ўзгартириши ва атроф-муҳитга катта зарар етказишига асосланади.

Учинчидан, иккала низо ҳам бугунги кунда давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилинди ва халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилига мувофиқ ҳал этилмоқда. Ҳар икки низо бўйича икки ва кўптомонлама музокаралар ўтказилиб, низони ҳал этишнинг турли, яъни БМТ Уставининг 33-моддасида белгиланганидек бошқа усуллари билан фойдаланилмоқда.

¹Қаранг.: Дело, касающееся проекта Габчиково-Надьмарош (Венгрия против Словакии) (существо дела) // Краткое изложение решений консультативных заключений и постановлений Международного Суда. - С. 8.

²Суд амалиёти тафсилотлари учун қаранг: <http://www.fao.org/DOCREP/005/W9549E/w9549e00.htm> ёки http://www.cawater-info.net/library/int_dec.htm

Тоҷикистонда Рогун лойиҳасини амалга ошириш бўйича тортишув ва Габчиқово-Надъмарош лойиҳаси бўйича тортишув ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчидан, Тоҷикистон ва Ўзбекистон ҳамда бошқа манфаатдор давлатлар ўртасида лойиҳани биргаликда амалга ошириш тўғрисида махсус келишув мавжуд эмас, бу эса шартнома бўйича мажбурият йўқлигини англатади.

Иккинчидан, Тоҷикистон бир томонлама XX асрнинг 70 йилларида лойиҳалаштирилган ва бошланган Рогун ГЭСи қурилишини тугатмоқчи.

Давлатларнинг ўзаро икки ва кўптомонлама ҳамкорлиги ривожланаётган айти паллаларда бу каби муаммоларни Халқаро суд даражасида ечиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Бу каби муаммолар, аввало, бир заминда бир неча минг йилдан бери яшаб келаётган қардош халқларнинг ҳамда яхши қўшничилик алоқаларининг самараси ўлароқ тинч ва ўзаро тушуниш, келишиш орқали ҳал этилиши бу турли ихтилофларни келиб чиқишини олдини олган бўлар эди.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАРНИ КЎРИШДА БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказининг бугунги кунда судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 52, 183-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 277 моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни кўриш ва тўғри малакалаш бўйича қонунчилик нормаларини қўлланилишида муаммоли вазиятлар келиб чиқмоқда.

“Маъмурий ҳуқуқбузарлик” деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби-маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган ғайриҳуқуқий, айбли қилмишни ҳуқуқбузарлик сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив элементлар ҳамда улардаги хусусиятларнинг минимал ва етарли мажмуидир.

Энди содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласига тўхталсак.

Маъмурий жавобгарлик - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- давлат мажбурлови бўлиб, фаолиятнинг турли соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади;

- айбдор шахслар қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан жавобгарликка тортилади;

- маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;

- енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;

- моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланилади, маъмурий жавобгарликка эса моддий зарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин.

* Судьялар олий мактабининг суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказининг бош мутахассиси.

Майда безорилик (МЖТКнинг 183-моддаси). Мазкур моддага мувофиқ жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланганда ёки фуқароларнинг ички ишлар идораларига қилган мурожаатлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириб, ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чорасини қўллаш учун маъмурий судга тақдим этади.

Судлар томонидан МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларини қўлланилиши ва бу борадаги муаммоли масалалар муҳокама қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 2-бандида майда безорилик мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларида ифодаланиши;

13-бандида эса, оилада, уйда қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд амалиётида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси (майда безорилик)да назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларини қўлланилиши жараёнида айнан бир хил хато ва камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлиги, шу жумладан МЖТК талаблари ва Олий суд Пленуми қарорларининг тушунтиришларига риоя қилинмаётганлиги, МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга оид жазо тайинлаш амалиётида ҳам хатоликларга йўл қўйилаётганлиги, хато ва камчиликларга йўл қўйган идораларга аниқланган процессуал камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш юзасидан тегишли тақдимномалар киритилмаганлиги, Тадқиқот маркази томонидан тайёрланган “Маъмурий судларнинг

процессуал ҳужжатлари намуналари” электрон ҳамда китоб шаклида ҳудудларга юборилган бўлишига қарамасдан, намуналардан амалиётда фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Келажақда мазкур тоифадаги ишларни кўришда юқорида таъкидлаб ўтилган хатоларга йўл қўймаслик ва ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, МЖТКнинг 183-моддасида кўсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этаётган шахсларнинг аксарияти муқаддам ҳам бир неча маротаба худди шу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиб, уларга тегишли жазо чоралари қўлланилган бўлсада, бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармай бир йил давомида такроран шу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиб келаётганликлари аниқланганлиги боис, МЖТКнинг 183-моддасини иккинчи қисм билан тўлдириб, худди шундай ҳуқуқбузарликларни бир йил ичида такроран содир этган шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишни назарда тутувчи санкцияни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 2-банди талабларидан келиб чиқиб, майда безорилик мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўқиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриштириш қоидаларини очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларида ифодаланганлиги боис, эр-хотин ва яқин қариндошлар ўртасида ўз хонадонларида юзага келадиган келишмовчиликлар ва ҳақорат қилиш ҳолатларини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан эмас, балки МЖТКнинг 41-моддаси ва бошқа моддалари билан малакалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан МЖТКнинг 305-моддасида МЖТКнинг 183-моддаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу муддат шу тоифадаги маъмурий ишларни қонун нормалари асосида кўриб чиқиш учун етарли эмас, чунки текширув жараёнида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқилса, мазкур турдаги ишларни кўришда жабрланувчиларга етказилган зарарни аниқлаш, томонлар адвокат хизматидан фойдаланиш учун муддат беришни сўраган вақтларида уларга бундай муддатларни бериш ҳамда ҳуқуқбузарлар судга келишдан бош тортган тақдирда уларни мажбурий тартибда олиш келиш учун бу муддат камлик қилади. Шу сабабли, МЖТКнинг 183-моддаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриш муддатини 10 кунга узайтириш лозим бўлади.

Учинчидан, жиноят қонунчилигида ярашув институти мавжуд бўлсада, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда ярашув институти мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва айрим моддаларига

ярашув институтини жорий этиш ва унинг механизмини қонунчиликда мустақамлаб қўйиш ҳамда ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қопланиши мажбурийлиги белгиланмасдан, жабрланувчининг даъводан воз кечганлиги, ҳуқуқбузарни кечирганлиги ва ўзаро ярашганлиги асос қилиб олиниши, ярашиш билан боғлиқ ишларни дастлабки суриштирув органига, агар тарафлар ярашувни суд тасдиқлаши ҳақида ариза тақдим этсалар, судларда ишларнинг кўриб чиқилишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Енгил тан жароҳати етказиш (МЖТКнинг 52-моддаси). Мазкур модданинг биринчи қисмига мувофиқ эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш - энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Иккинчи қисмига мувофиқ қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса - энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима белгиланган.

Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш қўйидаги ҳолларда содир бўлади:

-ҳаракат эҳтиётсизлик билан содир этилганлиги ва жабрланувчининг соғлиғига зарар етказганлиги, бунга ҳуқуқбузарнинг олдиндан кўзи етмаган, ҳолбуки, у зарар етказилиши мумкинлигига олдиндан кўзи етиши лозим ва мумкин эди, лекин у зарар етказилишига олдиндан кўзи етган бўлса ҳам енгилтақлик билан уни бартараф этиш мумкинлигига ишонган бўлса;

-ҳуқуқбузар ўз хатти-ҳаракати билан етказилган зарар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса.

Баданга етказилган тан жароҳатини енгил жароҳат деб топиш учун унинг етказилган вақтида ҳаёт учун хавфли бўлмагани ва соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча кўп давом этмайдиган тарзда йўқотишга олиб келмаганини аниқлаш лозим.

Соғлиқнинг ёмонлашуви муддати ва меҳнат қобилиятининг қай даражада йўқотилганлиги масаласини тиббий экспертизанинг гувоҳлик бериш хулосасини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ишлар бўйича судья ҳал қилади.

Соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган қасддан енгил тан жароҳати етказишга бирмунча тез ўтиб кетадиган шикастланишлар киради.

Енгил тан жароҳати етказган шахснинг ҳаракатлари зарурий мудофаа чегараларидан четга чиқмаган тақдирда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлмайди, чунки улар ҳимояланувчининг зарурий мудофаа чорасини қўлланиши оқибати сифатида қонунда маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳолат тарзида назарда тутилмаган.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркибий тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак.

Объекти – бошқа шахснинг соғлиғи. Объектив томонидан эса бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказишда ифодаланади.

Субъекти - 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. Субъектив томондан - мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилса, иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик эса қасддан содир этилади.

МЖТКнинг 52-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиб маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарлик айнан шу шахс томонидан такрор содир этилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланганда ёки фуқароларнинг ички ишлар идораларига қилган муурожаатлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириб, ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чорасини қўллаш учун маъмурий судга тақдим этади.

Судлар томонидан МЖТКнинг 52-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларини қўлланилиши ва бу борадаги муаммоли масалалар муҳокама қилинганда қўйидагилар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 2-моддаси 3-хатбошисида “Агарда майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилади”,-деб кўрсатилган. Шунингдек, мазкур қарорнинг 3-моддасида қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун безорилик замирида шахснинг баданига енгил даражада шикаст етказилганлиги кифоя. Бунда шахснинг баданига етказилган тан жароҳати унинг соғлиғининг бузилишига олиб келган-келмаганлигининг аҳамияти йўқлиги кўрсатилган.

Муҳокама натижалари ҳамда суд амалиётида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш) назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларини қўлланилиши жараёнида айнан бир хил хато ва камчиликларга, шу жумладан МЖТК талаблари ва Олий суд Пленуми қарорларининг тушунтиришларига риоя қилинмаслиги каби хатоларга йўл қўйиб келинаётганлиги, судлар томонидан МЖТКнинг 52-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга оид кўриб чиқилган аксарият маъмурий ишларни юзаки, содир этилган ҳаракатларда жиноят аломатлари бор-йўқлигига эътибор бермаслик, жазо тайинлаш амалиётида ҳам хатоликларга йўл қўйилганлиги, судлар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйган идораларга аниқланган процессуал камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини

кўриш юзасидан тегишли тақдимномалар киритилмаганлиги, келажакда мазкур тоифадаги ишларни кўришда юқорида таъкидлаб ўтилган хатоларга йўл қўймаслик ва ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга тайинланаётган жазо содир этилаётган ҳуқуқбузарликка номутаносиб бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, МЖТКнинг 52-моддаси 1-қисми, яъни эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш, энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда жарима солишга, шу билан мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлигини инобатга олиб санкцияни енгиллаштиришни ва мазкур модданинг 2-қисми, яъни қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади деб санкция доирасини оғирлаштириш учун ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бир қаторда, МЖТКнинг 52-модда 2-қисмининг диспозициясига, "...соғлиқнинг қисқа муддат, яъни 6 кундан кўп бўлмаган..." деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, аксарият маъмурий ишлар бўйича жабрланувчиларни суд тиббий экспертизасидан ўтказилганда, экспертиза хулосаси бўйича турлича тўхтамга келиниб, етказилган тан жароҳати оғирлигига етарлича баҳо бермасдан, экспертиза кеч ўтказилиши ҳамда эксперт хулосасида неча кундан неча кунга қадар соғлиғи бузилишига олиб келганлиги тўлиқ кўрсатилмаган. Шу сабабли, Х.Сулаймонова номидаги суд тиббий экспертиза ҳамда вилоятлардаги ҳудудий бюролар томонидан тақдим этилаётган хулосани тўлиқ ва тушунарли бериш юзасидан низом ва қўлланмаларга ўзгартириш киритиш лозим бўлади.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят қонунчилигида ярашув институти мавжуд бўлсада, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда ярашув институти мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси ва айрим моддаларига ярашув институтини жорий этиш ва унинг механизмини қонунчиликда мустақамлаб қўйиш ҳамда ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қопланиши мажбурийлиги белгиланмасдан, жабрланувчининг даъводан воз кечганлиги, ҳуқуқбузарни кечирганлиги ва ўзаро ярашганлиги асос қилиб олинishi, ярашиш билан боғлиқ ишларни дастлабки суриштирув органига, агар тарафлар ярашувни суд тасдиқлаши ҳақида ариза тақдим этсалар, судларда ишларнинг кўриб чиқилишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан фуқароларнинг ортиқча оворагарчилиқдан ҳамда судларда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юкламасининг кескин камайishi сабабли суд иш сифати яхшиланиб боради.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАРНИ КЎРИШДА БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Жисмоний ва юридик шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишда бевосита маъмурий органлар билан ҳуқуқий муносабатга киришадилар. Ушбу муносабатлар маъмурий органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасига кўра, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга оид ишларни кўришга алоҳида эътибор қаратилиб, суд тизими таркибида маъмурий судлар ташкил этилди. Ушбу судлар 2017 йил 1 июндан бошлаб ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс амалга киритилиб, ҳозирда мазкур тоифадаги ишларни судда кўришда суд амалиёти шаклланиб улгурди десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, прокурор, шунингдек, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли айрим фуқаролар ва давлат органлари маъмурий орган қарорини ҳақиқий эмас ва унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан, башарти бу қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли унинг:

ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган;

ҳуқуқлари, эркинликларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тўсқинлик яратилган;

зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклатилган;

у ёки бу соҳадаги фаолиятини амалга ошириш учун бошқа тўсқинлик яратилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шунга кўра, жисмоний ва юридик шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида, маъмурий органлар томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатни (қарор,

* Тошкент шаҳар маъмурий суди судьяси.

хулоса) ҳақиқий эмас, хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилишга ҳақли¹.

Маъмурий судлар томонидан ишни кўриш натижасига кўра, аризачининг талабларини қаноатлантирилиб, маъмурий орган ҳужжати амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинган, хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид деган хулосага келганда, аризачининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасида, қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни, яъни қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш; йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилишни юклаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддасига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ Фуқаролик кодексининг [11-моддасида](#) назарда тутилган усулларда, яъни ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги ёхуд қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

Бунда, судлар томонидан аризачининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда, аризачининг ҳуқуқлари белгиланган қонун ҳамда маъмурий орган томонидан тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни амалга оширишни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган қоидалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Масалан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Махсус комиссия, бу коллегиял орган бўлиб, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги ҳолати бўйича мурожаатларни Ўзбекистон

¹ Мисол учун қаранг.: *Нематов Ж.* Ўзбекистон маъмурий процедуралар қонунчилиги асосларининг таҳлили (маъмурий актни суд амалиётида қўллаш мисолида)// *Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали.* – 2019. – № 9. – Б. 60–69.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон “Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш кўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқади. Мазкур Низомда Махсус комиссиянинг ишларни кўриш доираси, иш юритиш тартиби, муддати, ишда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда Махсус комиссия томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қабул қилинадиган маъмурий ҳужжат, мазкур ҳужжатга нисбатан шикоят келтириш тартиби ва муддати белгиланган.

Шунга кўра, фикримизча, судлар томонидан аризачининг бузилган ҳуқуқларини тиклаши мумкин бўлган усулларидадан бир нечтасини келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз, яъни:

А) Маъмурий орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш билан манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини тиклаш (масалан, туман ҳокимини учинчи шахсга нисбатан чиқарган ер ажратиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан манфаатдор шахсни шу ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқини тиклаш);

Б) Маъмурий орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиб, манфаатдор шахснинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини тўғридан-тўғри тиклаш (масалан, манфаатдор шахснинг шикояти юзасидан чиқарилган Интеллектуал мулк Агентлиги ҳузуридаги апелляция кенгашининг қарори ҳамда Агентликнинг товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги хулосасини ҳақиқий эмас деб топиб, Агентлик зиммасига товар белгисини рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклаш);

В) Манфаатдор шахснинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириш борасидаги мурожаати юзасидан маъмурий орган ёхуд унинг мансабдор шахсини мурожаатни кўриб чиқишдаги ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топиб, унинг бузилган ҳуқуқларини маъмурий орган зиммасига амалдаги мурожаатни норматив ҳужжатларда белгиланган муддатда ва тартибда кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш (масалан, манфаатдор шахснинг туман ҳокимиятига ўзига тегишли уй-жойни авария ҳолатида деб топиш ва яшаш учун уй-жой ажратиш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқмасликда ифодаланган ҳаракатсизлигини ғайриқонуний деб топиб, туман ҳокимияти зиммасига мурожаатни Низомда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиш);

Г) Манфаатдор шахснинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича келтирган мурожаати юзасидан маъмурий орган ёхуд унинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, манфаатдор шахснинг бузилган ҳуқуқларини маъмурий орган зиммасига норматив ҳужжатларда белгиланган ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини юклаш усулида тиклаш (масалан, манфаатдор шахснинг юридик шахсни таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаати бўйича Давлат хизматлари марказининг таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказишни рад этишда ифодаланган

ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, Давлат хизматлари маркази зиммасига таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш);

Шунингдек, манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан шикоят мазмунига қараб бошқа усулларда ҳам тикланиши мумкин.

Айрим ҳолларда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахсининг ғайриқонуний хатти-ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги, ноқонуний қарори натижасида манфаатдор шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласи, ушбу ҳуқуқлар пул маблағларини ундириш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, ноқонуний бузилган иморатни тиклаш, ер майдонини қайтариш ва бошқа моддий талаблар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, маъмурий суд томонидан эмас, балки фуқаролик ҳамда иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади¹.

Суднинг ҳал қилув қарорида, аризачининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш усули аниқ кўрсатилиши ва маъмурий орган томонидан тўлиқ ижро қилиниши, бу ҳақда 30 кунлик муддат ичида аризачига ва судга маъмурий орган томонидан маълумот тақдим этилиши амалдаги МСИЮтКда мустаҳкамлаб қуйилган.

Бундан ташқари, суднинг ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда ва тегишли тартибда ижро қилмаслик ёхуд ижро қилишдан бош тортиш, маъмурий орган мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда жорий этилган маъмурий судлар томонидан ишларни кўришда жисмоний ва юридик шахсларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлар, хусусан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бузилган ҳуқуқларни тиклаш усулларининг юқорида келтирилган қисқача таҳлили суд амалиётида ўзининг амалий ифодасини топади. Бу эса пировардида, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

¹ Мисол учун қаранг.: Нематов Ж. Фуқаронинг маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланиши мумкинми (судловга тааллуқлилиқнинг айрим жиҳатлари таҳлили) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналы. – 2020. – № 54. – Б. 212–224.

ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ОҚИБАТЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юридик адабиётларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг хусусияти бўйича турли мунозаралар мавжуд. Баъзи муаллифларнинг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш натижасида қабул қилинган суд қарорлари қонунчиликнинг ўзига хос манбалари ҳисобланади¹.

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай суд ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга эмас. Бу қонунни шарҳлаш ва қўллашнинг кенг тарқалган ҳаракати бўлиб, суд томонидан мунозарали норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини баҳолаб, ушбу қонуннинг юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ёки мос келмаслиги фактини аниқлайди². Ушбу ҳолатда суд ҳал қилув қарори Б.К. Нерсесянцанинг фикрига кўра, фақат амалдаги ҳужжатнинг кучини йўқотувчи ва қўлланмаслигига эришувчи асосдир. Бу ҳужжатлар қонун чиқарувчи томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалардир, у суднинг ўзи яратган ҳуқуқий нормалар эмас³.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни ҳисобга олган ҳолда, суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг мазмуни, қабул қилиш тартиби, шакли ва бошқалар бўйича мувофиқлиги нуқтаи назаридан шарҳлайди. Шубҳасиз, суд қарори ҳам ҳуқуқни қўллаш ҳаракатидир. Судларнинг нормоконтрол соҳасидаги ваколатларини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни амалга оширади.. Аслини олганда суд ҳал қилув қарорининг таъсири остида даъво қилинган норматив ҳужжатнинг ҳуқуқий хусусиятлари ўзгаради.

Агар баҳсли ҳужжат юқори юридик кучга эга бўлган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги аниқланса, суд унинг қонунийлигини тасдиқлайди ва шу билан қарама-қаршилик ёки ноаниқликнинг "қобиғини" олиб ташлайди. Ушбу ҳужжатга эътироз билдириш ҳолатлари қайта бўлиши олди олинади. Шубҳасиз, ушбу

* ТДЮУ катта ўқитувчиси.

¹ Антчична В.И. Правовая природа актов судебного правотворчества // Журнал российского права. 2006, №10. С. 133; Бурков А.Л. Акты судебного нормоконтроля как источник административного права. Автореф. канд. дисс. — Тюмень, 2005. С. 16-17; Лившиц З.Р. Судебная практика как источник права // Судебная практика как источник права. — М.: 1997. С. 13-14.

² Нерсесянц В.С. Суд не законодательствует и не управляет, а применяет право (О правоприменительной природе судебных актов). // Судебная практика как источник права. — М.: 1997. С. 34-41; Еришов В.В. Суд в системе органов государственной власти // Российское правосудие. 2006. №1. С. 50.

³ Нерсесянц В.С. Указ. соч. С.40.; См.: Муратова Д.А. Правовые последствия признания норм гражданского права не соответствующими нормативным правовым актам, имеющим большую юридическую силу // Российское правосудие. 2009. № 6. С. 38); Витрук Н.В. Конституционное правосудие в России 1991-2001 гг.: Очерки теории и практики. — М.. 2001. С. 107-108.

норматив-ҳуқуқий ҳужжат суд ҳал қилув қарорининг ҳаракати натижасида янги ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ноқонуний деб топилганганда, суд ўз қарори билан уни ҳуқуқий кучдан маҳрум қилади ёки ушбу ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатади. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатнинг ҳуқуқий табиати суд актининг бевосита таъсири натижасида ўзгаради.

Суд нормаконтроли натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарори - бу қонунни қўллаш тўғрисидаги акт, лекин унинг ҳаракат предмети норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги сабабли, ҳал қилув қарори алоҳида хусусиятларга эга бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича низолашиш доирасида қабул қилинган суд ҳал қилув қарори ўзи ушбу ҳужжат билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларни малакалашда қўлланиладиган объектга айланади. Масалан, фуқаролик ишини кўриб чиқишда томонлар илгари суд ҳал қилув қарори билан қонунга хилоф деб эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўз талаблари ва эътирозларининг асосланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда суд ҳал қилув қарори суд учун қонун манбаи вазифасини бажаради. Албатта, қонуннинг манбаи сифатида суд ҳал қилув қарорининг табиати ўзига хосдир. Ҳал қилув қарори қонуннинг янги қоидасини яратмайди ва унинг мазмунини ўзгартирмайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки суд прецеденти эмас. Унинг қонун чиқарувчи ҳужжат сифатида роли шундан иборатки, у суд томонидан ноқонуний деб эътироф этилган низоли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашни тақиқлайди ёки қонунийлиги суд қарори билан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан баҳслашиш имкониятини чеклайди. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам, суд қарори қонун нормасини танлашга таъсир қилади, муносабатларни ҳуқуқий квалификация қилиш воситаси сифатида ишлатилади. Шу маънода, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўрисидаги суд ҳал қилув қарорлари мустақил, ўзига хос ҳуқуқ манбалари сифатида айтилиши мумкин. Бундай хулосага келишда суд ҳал қилув қарорининг хусусиятлари сабаб бўлди. Қуйида ушбу хусусиятларга тўхталсак.

Баҳсли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини тасдиқловчи суд ҳал қилув қарори кучга киргандан кейин юзага келадиган муҳим ва процессуал оқибатларга тўхталсак.

Суд ҳал қилув қарорининг асосий муҳим натижа шундан иборатки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ноаниқлигини (қарама-қаршилик) йўқ қилади¹. Суд ушбу актнинг қоидалари юқори юридик кучга эга бўлган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Процессуал оқибатлар шундан иборатки, кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қоида тариқасида, такрорий суд назорати остига олинмайди. Агар суд ҳал қилув қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини тасдиқласа, уни умумий юрисдикция судларида тўғридан-тўғри норматив назорат тарзида кўриб чиқишга чекловлар қўйилади.

¹ *Витрук Н.В.* Конституционное правосудие в России (1991-2001 гг.): Очерки теории и практики. — М., 2001. С. 108.

Суд ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга зид бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шубҳа қилинган қоидалари суд томонидан қайта текширилиши мумкин.

Шундай қилиб, И.А. Приходкониң фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш суд томонидан кўриб чиқилган аризада кўрсатилмаган бошқа сабабларга кўра, шу жумладан, даъво қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат суд томонидан текширилгунга қадар юзага келган асослар бўйича ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун, бир марта қонунийлиги текширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини тўлиқ тасдиқлаш сифатида қаралиши мумкин эмас. Шу муносабат билан амалдаги процессуал қонунчиликда такрорий суд нормаконролини амалга оширишга тўсиқ қўйиш мумкин эмас¹.

Бу ерда гап суднинг қонуний мажбуриятлари ҳақида кетяпти. Шу сабабли, биринчи инстанция судининг тортишувга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тўлиқ қонунийлигини текшира олмаслиги юқори суд томонидан суд қарорининг бекор қилиниши ва баҳсли актнинг ноқонунийлигини кўрсатадиган аниқланган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда янги қарор қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилади.

В.М. Жуйкова фикрича, агар норматив ҳуқуқий ҳужжатга ёки унинг бир қисмини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори бўлса, у ҳолда худди шу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки шу қисмга қарши эътироз билдиришга йўл қўйилмаслик керак².

П.П.Серков таъкидлашича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқишда, суд текширувининг предмети бир хил бўлишини, даъвогарларнинг тақдим этган далиллар муҳим ҳолат эмаслигини таъкидлайди³.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқишга, агар ариза қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарорини қабул қилган суд томонидан объектив равишда текшириб бўлмайдиган сабабларни кўрсатса, йўл қўйилади(масалан, ишни кўриб чиққандан сўнг, қонун ҳужжатларда ўзгаришлар бўлса).

И.А. Приходкониң фикрига кўра, суд фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аризачи талаби бўйича тегишли қисмини текшириши лозим. Процессуал қонун ҳужжатларидан суднинг баҳсли ҳужжатнинг қонунийлигини аризада кўзда тутилмаган бошқа асослар бўйича текшириш мажбуриятини назарда тутувчи қоидаларни чиқариб ташлашни тақлиф қилади⁴.

¹ Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы. СПб, 2005, с. 524.

² Научно-практический комментарий к ГПК РФ / Под ред. В.М. Жуйкова, В.К. Пучинского, М.К. Треушников. М., 2003. С. 514.

³ Серков П.П. О не типичности формы некоторых нормативных правовых актов // Российское правосудие. 2008. № 2. С. 19.

⁴ Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы. СПб, 2005, с. 527.

Юқоридаги муаллиф томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текширишни анча мураккаблаштирамоқда. Аслини олганда аризада барча ҳолатлар кўрсатилади.

Ишда иштирок этмаган шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни суд муҳокамаси предмети бўлмаган асослар бўйича қайта даъво қилиш ҳуқуқларининг чекланиши шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини чеклабгина қолмай, балки протсессуал ҳаракатсизликларнинг сақланишига олиб келади. Лекин, амалдаги қонунчиликда ушбу тартибот белгиланмаган.

Шунинг учун, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қарши баҳсли ишларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган протсессуал қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур. Хусусан, ишда иштирок этмаган шахсларнинг аризалари бўйича ишларни ҳал қилиш, суд қарори билан қонунийлиги тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта текшириш учун махсус тартиб берилиши керак. Унга кўра юқорида кўрсатилган суд ҳужжатлари биринчи навбатда юқори суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳақиқий эмас деб топишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш лозим. Қайта кўришда суд таркибини кенгайтириш ва таркибини янгилаш лозим.

Бундан ташқари, агар юқори суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг баҳсли қоидаларини ноқонуний деб билса, унга бир вақтнинг ўзида ушбу қоидаларни қонуний деб тан олган илгари чиқарилган суд қарорини бекор қилиш ҳуқуқини бериш керак. Бу икки суд ҳужжатлари ўртасидаги рақобатни ва ушбу норматив ҳужжатни келгусида бажаришда чалкашликларни истисно қилишга имкон беради.

Суд ҳужжатлари норматив назорат соҳасидаги ҳуқуқий моҳиятини тушунишда муҳим ролни суд қарори қонуний кучга кириши ҳуқуқий оқибатларини аниқ белгилаш, баҳсли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қонунга номувофиқ деб эълон қилиш эгаллайди.

Аввало, суд қарорининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга таъсири билан боғлиқ ва унинг ҳуқуқий ҳолатида тегишли ўзгаришларни келтириб чиқарадиган оқибатларни аниқлаш керак. Суд ҳал қилув қарори бундай норматив ҳужжатнинг бажарилишини тўхтатади, у ушбу ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан ижро этилиши ва бажарилмаслиги лозим.

Агар суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топса, у автоматик равишда тартибга солиш тизимидан чиқарилмайди. Бу тегишли орган ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилинишини талаб қилади. Бундан ташқари, ушбу қонуний кучга эга деб топилган суд қарори қайта кўриб чиқилган тақдирда ушбу норматив актнинг қонунийлигини тасдиқлаш натижасида, агар бундай тасдиқлашга руҳсат берилган бўлса, ушбу актнинг таъсири тикланиши мумкин¹.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив-ҳуқуқий тизимда етарлича узоқ вақт давомида ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши натижасида

¹ См.: п. 4 постановления Конституционного Суда РФ от 27 января 2004 г. № 1-П.

ўзига хос “бўшлиқ” пайдо бўлиши мумкин, яъни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги бўшлиқ фақат тегишли қонун чиқарувчи орган томонидан тўлдирилиши мумкин. Бундан ташқари, кўпинча ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг яроқсиз ҳуқуқий нормасини “алмаштириш” билан бир қаторда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир қатор тузатишлар киритиш ҳам талаб этилади, буни эса суд ҳал этмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ва уни юридик кучдан маҳрум қилиш жамиятда жуда жиддий ва баъзан жуда оғриқли ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг жиддий бузилишларига олиб келиши, шунингдек, жамиятга асоссиз иқтисодий зарар этказиши мумкин.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ноқонунийлигини аниқлаган суд қарорининг ҳуқуқий оқибатлари, одатда, низоли актнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ва қўлланилиши мумкин эмас, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш ва кейинчалик уни қўллашни тақиқлаш ҳисобланади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд ҳужжатларини ижро этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 182 ва 183-моддаларида белгилаб ўтилган. Жумладан, Кодексининг 182-моддасига кўра, суднинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори у қабул қилинган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг айрим қисмлари суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан қўлланилмайди ва улар ҳужжатни қабул қилган орган томонидан нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатига мувофиқлаштирилиши керак. Шунингдек, ушбу кодекснинг 183-моддасига кўра, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори суд томонидан давлат органларининг низолашилаётган ҳужжат эълон қилинган расмий нашрларига юборилади ҳамда кўрсатилган нашрларда дарҳол эълон қилиниши лозим.

Шундай қилиб, қонунчиликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатлари бўйича суд қарорларини ижро этиш учун алоҳида қоидалар мавжуд. Афсуски, бундай қоидалар суд ҳужжатларини ижро этиш тартибини тартибга солувчи қонунчиликда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида акс этмаган. Ушбу қонунда маъмурий суд қарорлари ижро этиладиган ҳужжатлар таркибига киритилмаган. Жумладан, қонуннинг 5-моддасига кўра, ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми, шунингдек жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) ҳакамлик судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) давлат ижрочиларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Мазкур қонунда маъмурий суд қарорларини ижро этиш қонидаси киритиш билан бир қаторда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатлари бўйича суд қарорларини ижро этиш учун алоҳида қоидалар киритилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳолат суд қарорлари ижросини назорат қилиш даражасини сезиларли даражада камайтирадиган, шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этиш амалиётининг бир хиллигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади.

Бундай муаммо Россияда ҳам кузатилиётганлигини кўриш мумкин. Норматив актларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш "Ижро иши юритиш тўғрисидаги"ги Қонун¹да белгилаб берилмаган.

Бу борада Ю. А. Попова "Ижро иши юритиш тўғрисидаги " Россия федерал қонунида норматив акт бўйича низолашиш тўғрисидаги қарорларни мажбурий ижро этиш механизмининг йўқлиги бу масалалар бўйича қарорларни бажариш масаласи ҳар қандай таъсир ва назоратдан ташқарида қолмоқда деб таъкидлаб ўтади².

Ю. А. Попов норматив актларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳолларида ижро этувчи ҳаракатларга ноқонуний норматив актни ҳокимият органи

¹ Федеральный закон РФ "Об исполнительном производстве" от 02.10.2007 n 229-фз (последняя редакция) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_71450/

² Попова Ю.А. Защита публично-правовых интересов граждан в судах общей юрисдикции. — Краснодар, 2001. С. 85.

томонидан бекор қилинишини назарда тутати¹.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда процессуал фанда ижро этилиш тушунчасини қонуний кучга кирган ҳар қандай суд қарорининг хусусиятлари сифатида тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. А.Сергуннинг таъкидлашича, ҳар қандай турдаги ва ҳар қандай тоифадаги суд қарорлари, агар у муайян хатти-ҳаракатни ҳимоя қилиш жараёнини тугатишни талаб қилса, улар ихтиёрий равишда бажарилмаса, мажбурий тарзда ижро этилади. Шунингдек, В. В. Ярков ҳам ҳар қандай суднинг қонуний кучга кирган қарори ижро этилиши керак деб ҳисоблайди².

И. А. Невскийнинг фикрига кўра, суд қарорларини ижро этиш фақат мулкӣ талаблар учун эмас, балки маълум ҳужжатни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларга ҳам таалуклидир³.

Бу борада суд ҳужжатларини ижро этилишининг хусусиятларини кенг тушунишда И. В. Шумковнинг фикрига кўшилиш мумкин. Унинг фикрича, ҳар бир қарорнинг бажарилиши мажбурий фаолият билан шуғулланадиган махсус субъект томонидан ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун нормаларида мавжуд бўлган процедурани батафсил ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши керак⁴.

Бизнинг фикримизча, ижро қонунчилигини ягона тартиботда белгилаш Ўзбекистон қонунчилиги олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижро иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш механизми мустаҳкамланиши керак. Ушбу механизм нафақат барча суд қарорларини ижро этишда, балки идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этишга ҳам таалуклидир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, ижро иши юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига суд томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормалар билан эмас, балки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартиришни таъминлашга қаратилган қоидалар ҳам киритилиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ғайриқонуний идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилишининг олдини олиш суд томонидан уни ҳақиқий эмас деб топиш билан ниҳоясига етмайди. Суд қарорини самарали ижро этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга,

¹Попова Ю.А. Теоретические проблемы судопроизводства по делам, возникающим из публично-правовых отношений: Автореф. дисс...докт юрид.наук.- М., 2001. С. 85.

²Ярков В.В. Гражданское исполнительное право в системе российского права: отдельные вопросы становления и развития // Российский ежегодник гражданского и арбитражного процесса. 2005. № 4. — СПб, 2006. С. 276.

³Невский Н.А. Исполнимость судебных постановлений как внутреннее проявление результата судебной деятельности // Исполнительное право. 2006. №3.

⁴Шумкова И.В. Реализация как вид исполнения судебных актов. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук — Екатеринбург, 2007. С. 7.

ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир вақтнинг ўзида жамоатчилик манфаатларини бузганлигини ёдда тутиш керак, бунинг учун суд томонидан ушбу ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш этарли эмас. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш манфаатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидан ноқонуний идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан "тозалаш" ва уларни келгусида қўллаш имкониятини бутунлай бартараф этиш учун ушбу ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартиришни талаб қилади. Шундай қилиб, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича низолашиш тўғрисидаги иш бўйича суд қарорини чиқариш билан чекланиб қолмаслиги муҳим, шу жумладан ижро иши доирасида амалга ошириладиган ва ноқонуний норматив тартибни бекор қилиш (ўзгартириш) ни таъминлашга қаратилган тегишли чоралар кўришни талаб қилади.

НУЖДАЕТСЯ ЛИ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ В РЕФОРМИРОВАНИИ?

Одним из важнейших шагов дальнейшего реформирования судебной правовой системы стало формирование новой системы судов в Узбекистане – административных судов. Создание административных судов было обусловлено необходимостью обеспечения надежной судебной защиты прав, свобод, законных интересов граждан и субъектов предпринимательства, реализации конституционной нормы по осуществлению административного судопроизводства, а также повышения правовой культуры населения. По инициативе Президента Республики Узбекистан с 1 июня 2017 года в судебной системе Республики Узбекистан начали свою деятельность административные суды.

После образования административных судов назрела необходимость принятия соответствующих законов, для регулирования порядка ведения дел административными судами.

Следует отметить, что Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве разработан во исполнение указов Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему реформированию судебной правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», а также от 21 февраля 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан», которые ознаменовали собой начало нового этапа последовательной работы по укреплению независимости и беспристрастности судебной ветви власти. Отличие данного кодекса от других кодексов заключается в том, что бремя доказывания лежит на государственных органах. Кодекс состоит из 4 разделов, 29 глав, 288 статей.

Также, с 8 января 2019 года вступил в силу Закон Республики Узбекистан «Об административных процедурах», который регулирует отношения в области административных процедур, основными задачами которого является обеспечение верховенства закона, прав и законных интересов физических и юридических лиц в отношениях с административными органами.

Принятие новых законов позволило судьям по административным делам более качественно и своевременно рассматривать дела и защищать права и интересы граждан и юридических лиц.

* Кандидат юридических наук.

Но в тоже время на сегодняшний день существует ряд проблем при отправлении правосудия, на некоторых из которых хотелось бы остановиться детально.

Так, Кодексом Республики Узбекистан об административном судопроизводстве предусмотрены основания оставления заявления (жалобы) без рассмотрения (ст.105 КоАС), основания прекращения производства по делу (ст.108 КоАС), основания для отказа в принятии заявления (жалобы) к производству (ст.133 КоАС), основания для возвращения жалобы (134 КоАС).

По результатам рассмотрения вышеуказанных оснований суд выносит определение.

Статья 173 КоАС Республики Узбекистан предусматривает, что определение суда может быть обжаловано (опротестовано) отдельно от решения суда в случаях, предусмотренных настоящим Кодексом, а также, если определение препятствует дальнейшему движению дела.

На остальные определения апелляция жалоба (протест) не подается, но возражения против этих определений могут быть включены в апелляционную жалобу (протест) на решение суда.

Жалоба (протест) на определение может быть подана в срок, не превышающий двадцати дней со дня вынесения определения, если настоящим Кодексом не установлен иной срок.

Исходя из данной нормы усматривается, что жалоба (протест) подается в течении 20 дней в апелляционном порядке, при это указано, если не установлен иной срок.

Статья 400 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (право обжалования (опротестования) определений суда первой инстанции в апелляционном порядке) предусматривает, что определения суда первой инстанции могут быть обжалованы отдельно от решения суда сторонами и другими лицами, участвующими в деле, а также лицами, не привлеченными к участию в деле, о правах и обязанностях которых суд разрешил вопрос, и опротестованы прокурором в суд апелляционной инстанции в десятидневный срок со дня вручения или направления судом определения.

Статья 401 данного Кодекса закрепляет и порядок подачи и рассмотрения частных жалоб (протестов). Так, частные жалобы (протесты) подаются и рассматриваются в порядке, установленном ГПК. При этом, Кодекс (Статья 402 Полномочия суда апелляционной инстанции, рассматривающего дело в связи с обжалованием (опротестованием) определения суда первой инстанции) предусматривает, что суд апелляционной инстанции, рассмотрев частную жалобу (протест), имеет право: 1) оставить определение без изменения, а жалобу (протест) без удовлетворения; 2) отменить определение и передать дело для рассмотрения по существу в суд первой инстанции; 3) изменить или отменить определение полностью либо в части и разрешить вопрос по существу.

Такой же порядок определен и в кассационном порядке.

Отсюда усматривается что Гражданским процессуальном кодексом Республики Узбекистан предусмотрен порядок обжалования определений в отдельном частном порядке как в апелляционном и кассационном порядке, где установлены отдельные сроки и порядок обжалования.

Эти же нормы закреплены в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан и Экономическом процессуальном кодексе Республики Узбекистан.

В связи с этим на практике существуют проблемы по рассмотрению данных определений, поскольку судьям вышестоящей инстанции приходится руководствоваться общими основаниями обжалования этих определений, предусмотренные в апелляционном и кассационном порядке.

Исходя из этого, предлагается внести отдельный частный порядок обжалования определений и соответственно установить сроки их рассмотрения.

Кроме этого, **часть 1 статьи 20 Кодекса Республики Узбекистан** об административном судопроизводстве (недопустимость повторного участия судьи в рассмотрении дела) предусматривает, что судья, принимавший участие в рассмотрении дела в суде первой инстанции, не может участвовать при новом рассмотрении этого дела в суде первой инстанции, если решение суда отменено судом апелляционной или кассационной инстанции либо в порядке надзора, кроме случаев рассмотрения дел по вновь открывшимся обстоятельствам.

Так на практике, в случае подачи жалобы (протеста) на определение суда первой инстанции, она через суд вынесший определение направляется в суд высшей инстанции, где рассматривается вопрос о принятии его к производству.

По результатам рассмотрения жалобы (протеста), оно направляется для исполнения в суд первой инстанции. На практике нередки случаи, когда данные определения отменяются ввиду неправильного применения норм материального или процессуального права.

При этом, в случае отмены определения суда первой инстанции, заявление (жалоба) направляется для рассмотрения вопроса о принятии к производству этим же судом, а в случае отсутствия кворума другим административным судом.

После поступления административного дела, оно передается уже новому судье, что на наш взгляд является неправильным, поскольку судья при решения вопроса, предусмотренного ст.ст.105, 108, 133, 134 КоАС не рассматривает дело по существу и соответственно не препятствует его дальнейшему рассмотрению.

Исходя из этого, предлагается закрепить в законодательстве норму о том, что в случае отмены определения суда первой инстанции, судья вновь сам обязан рассмотреть это заявление (жалобу) по существу. Необходимость закрепления данной нормы способствовало бы повышению профессионализма судей. При этом, он не должен будет подпадать под действие статьи 20 КоАС Республики Узбекистан.

Статья 142 КоАС Республики Узбекистан предусматривает, что жалоба на действия (решения) избирательной комиссии должна быть рассмотрена судом не позднее трехдневного срока с момента ее подачи, а если до дня выборов осталось менее шести дней — незамедлительно.

Жалоба рассматривается судом с вызовом заявителя и представителя соответствующей избирательной комиссии, а также прокурора, а в случае когда жалоба касается не заявителя, а другого гражданина, то и этого лица. Неявка указанных лиц не является препятствием для рассмотрения дела.

Решение суда вручается соответствующей избирательной комиссии и заявителю немедленно после его вынесения.

При этом, данным кодексом не предусмотрены особенности (конкретный порядок и сроки) обжалования и рассмотрения решения суда первой инстанции.

На сегодняшний день, учитывая, что решение суда первой инстанции незамедлительно направляется для исполнения в избирательные комиссии, то соответственно жалоба, поданная на решение суда будет рассматриваться в кассационном порядке на общих основаниях. Такая же ситуация обстоит и при обжаловании судебных решений в надзорном порядке, что на сегодняшний день приводит к определенным сложностям (к примеру, в случае отмены судебных актов в порядке надзора по истечении 3 месяцев после проведения выборов, отпадает актуальность избирательного спора).

Исходя из этого, целесообразно внести в кодекс изменения и определить порядок и сокращенный срок обжалования, рассмотрения жалоб судом вышестоящей инстанции дел данной категории.

Согласно установленным нормам законодательства, обжалование решений, действий (бездействие) участковых, окружных комиссий рассматривается по месту их расположения в административном суде.

Данная категория дел рассматривается судьей единолично, кроме дел, отнесенных к компетенции Верховному суду Республики Узбекистан (оспаривание решений, действий (бездействие) Центральной избирательной комиссии), где они рассматриваются в коллегиальном порядке.

К примеру, в Германии, данная категория дел в суде первой инстанции рассматривается коллегиально в составе трех судей. Это обусловлено тем, что данный спор затрагивает политические интересы.

Статьей 219 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве предусмотрены полномочия суда апелляционной инстанции, в соответствии с которыми по результатам рассмотрения апелляционной жалобы (протеста) суд апелляционной инстанции вправе:

- 1) оставить решение без изменения;
- 2) отменить решение полностью или в части и принять новое решение;
- 3) изменить решение;
- 4) отменить решение полностью или в части и прекратить производство по делу или оставить заявление (жалобу) без рассмотрения полностью или в части;

5) отменить решение и направить дело на новое рассмотрение при наличии основания, предусмотренного пунктом 4 части четвертой статьи 220 настоящего Кодекса.

Статьей 220 КоАС Республики Узбекистан предусмотрены основания для изменения и отмены решения суда первой инстанции, одним из которых является принятие судом решения о правах и обязанностях лиц, не привлеченных к участию в деле (апелляционное производство). Идентичные основания предусмотрены и в ст.244 КоАС Республики Узбекистан (кассационное производство). Эти же нормы закреплены в действующих ГПК и ЭПК Республики Узбекистан.

На практике нередки случаи, когда суд высшей инстанции при рассмотрении апелляционной или кассационной жалобы (протеста) установив, что суд первой инстанции не привлек в качестве третьего лица, лицо, чьи права или обязанности были затронуты, согласно требованиям п.5 ст.220 КоАС Республики Узбекистан, отменяет решение этого суда и заново направляет дело в суд первой инстанции для рассмотрения по существу с привлечением этого лица.

Статья 399 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (полномочия суда апелляционной инстанции) предусматривает, что суд, рассмотрев дело в апелляционном порядке, вправе своим определением:

1) оставить решение, постановление без изменения, а жалобу (протест) без удовлетворения;

2) изменить решение, постановление либо отменить его полностью или в части и вынести новое решение, постановление не передавая дело на новое рассмотрение;

3) отменить решение, постановление полностью или в части и оставить заявление без рассмотрения либо прекратить производство по делу по основаниям, указанным в статьях 122 и 124 настоящего Кодекса.

Проводя аналогию действующих процессуальных кодексов усматривается, что в полномочиях суда вышестоящей инстанции закреплено право отменить решение полностью или в части и вынести новое решение, постановление не передавая дело на новое рассмотрение. Данное полномочие не закреплено КоАС Республики Узбекистан, что на сегодняшний день создает проблемы, выраженные в необоснованной волоките и соответственно способствует появлению недовольства у сторон, участников процесса.

Исходя из этого, предлагается добавить в ст.ст.219 и 243 КоАС Республики Узбекистан полномочие, выраженное в отмене решения суда первой инстанции полностью или в части и вынесении нового решения, постановления не передавая дело на новое рассмотрение, поскольку суд вышестоящей инстанции вправе сам устранить данное нарушение, привлечь соответствующее лицо, чьи права или обязанности были нарушены и принять по делу соответствующее решение, что также исключит волокиту.

Статья 189 КоАС Республики Узбекистан предусматривает, что суд, установив, что обжалуемое решение или отдельные его части либо

действия (бездействие) противоречат законодательству и нарушают права и охраняемые законом интересы заявителя, принимает решение о признании решения или его отдельных частей недействительными либо действий (бездействия) незаконными.

в случае признания решения недействительным, действий (бездействия) незаконными, суд обязывает соответствующий орган или должностное лицо:

принять решение или совершить определенные действия в соответствии с законом либо устранить иным способом допущенные нарушения прав, свобод и законных интересов заявителя;

устранить допущенные нарушения и сообщить об исполнении решения в суд и заявителю в течение одного месяца со дня вступления решения суда в законную силу, если иной срок не установлен судом.

Решение суда, принятое по результатам рассмотрения дела, вступает в законную силу по истечении двадцати дней с момента его принятия, если оно не обжаловано (опротестовано) в апелляционном порядке.

Отсюда следует что, суд, признав, что решение государственного органа нарушает права и законные интересы гражданина либо юридического лица вправе признать его недействительным, совершить определенные действия по восстановлению нарушенных прав.

Статья 59 Закона Республики Узбекистан «Об административных процедурах» предусматривает, что законодательством могут быть предусмотрены случаи, когда административные акты отменяются или изменяются только в судебном порядке.

Административный акт может быть признан недействительным судом в установленном законом порядке.

Исходя из вышеупомянутых норм закона имеется разночтение и несоответствие двух законов друг к другу, выраженное в полномочиях суда.

Так, один из законов предусматривает лишь признание недействительным решение административного органа, а второй закрепляет также изменение и отмену административного акта, что на практике может создать реальную проблему при рассмотрении данной категории дел.

Решение данных проблем позволит вывести отечественное административное законодательство на новый уровень.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ФУҚАРОЛИК ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Жамиятда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда хусусан, тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, Фуқаролик кодекси яхлит қонун сифатида унинг нормалари воситасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланувчи ёки унда қатнашувчи шахслар ўртасидаги муносабатлар бевосита тартибга солинади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиш жараёни ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий аҳамият касб этади¹. Зеро, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини такомиллаштириш бозор муносабатларини чуқурлаштиришда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини янада ривожлантиришда фуқаролик ҳуқуқий нормалар самарадорлигини оширишни тақазо этмоқда.

Бугунги кунга келиб жамиятда кенг ривож топиб бораётган тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, уларни турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоялаш, қонуний манфаатларини амалга оширишга кўмаклашиш муҳим вазифалардан саналади. Шу маънода, тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг, хусусан, солиқ органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига доир масалалар бўйича қатор тадқиқотлар асосида фикр-мулоҳазалар билдирилса-да, солиқ органлари билан ўзаро муносабатларда ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида юзага келадиган фуқаролик ҳуқуқий масалалар алоҳида тадқиқ этилмаган ва бу тадқиқот жараёни анчайин мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки, солиқ муносабатлари бу маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан саналиб, императив нормалар асосида тартибга солинади.

Солиқ ҳуқуқий муносабатлари юридик табиати жиҳатдан соф маъмурий ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинувчи муносабатлар саналиб, солиқларнинг жорий этиш, белгилаш, ундириш жараёнида юзага келади. Фуқаролик кодексининг 2-моддаси қоидаларида белгиланишича, бу каби бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсинувига асосланган

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Окюлов О., Отахонов Ф.Ҳ. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография//Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, юридик фанлар доктори, профессор Ҳ.Раҳмонқулов таҳрири остида//.-Т.: ТДЮИ, 2010.-57б.

мулкӣ муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди. Бироқ, мазкур ҳуқуқий норманинг давоми сифатида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги белгиланган бўлиб, ушбу норманинг мазмун-моҳияти ва фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллариининг қўлланилиши тавсифига кўра, давлат органлар жумладан, солиқ органлари ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан етказилган зарарлар, уларнинг айрим ҳужжатларини ғайриқонуний деб топиш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ масалалари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини назарда тутди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишига, бошқа шаклларда ҳуқуқини суистеъмол қилишга, шунинг ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди (ФК 9-моддасининг бешинчи қисми).

Ноқонуний ҳаракатлар фуқаролик ҳуқуқини ва бурчларини вужудга келишига асос бўлиб, қонун бузилиши уни содир этувчида зарарни жабрланганга қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради. Шу билан бирга субъектнинг пассив ҳулқ-атвори, ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан ўзини ноқонуний равишда тийиб туриши ёки сукут сақлаши ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши учун асос бўлади.

Айнан шундай ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) натижасида давлат органлари ходимлари (мансабдор шахслари) томонидан содир этиладиган қонунбузилишлар субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатдаги иштироки учун замин яратади.

Маъмурий органлар жумладан, солиқ органлари ғайриқонуний, ҳуқуққа хилоф фаолияти, хатти-ҳаракатлари юзасидан етказилган зарарлар, уларнинг айрим ҳужжатларини ғайриқонуний деб топиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш масалалари фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Зеро, академик Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлаганларидек, солиқ муносабатлари бу маъмурий ҳуқуқий муносабатлар саналиб, императив нормалар асосида тартибга солинади. Лекин солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий ҳуқуқий ҳужжатларни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш натижасида етказилган зарарни қоплашга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли оқибатларни қўллаш назарда тутилади¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий муносабатла ривожланишининг давом этиши жараёнида солиқ, божхона, маъмурий ҳуқуқлар каби муносабатлардан келиб чиқадиган масалаларнинг бир қисми фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида тартибга солиниш тенденцияси ривожланиб бораверади.

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. //Масъул муҳаррирлар: М.Раҳмонқулов, И.Анортоев// 1жилд.-Т.:“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи.1997.-20б.

Шу жиҳатдан, тадбиркорлик субъектларини давлат органлари, хусусан солиқ органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларини алоҳида тадқиқот сифатида таҳлил этиш, қонунчиликнинг ривожланиши босқичларини ўрганиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тан олиб айтиш керак, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркин фаолият юритиши ва қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда мавжуд энг долзарб муаммолардан бири давлат органларини ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида юзага келмоқда. Айниқса, сўнгги 2018-2019 йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига давлат органлари томонидан зарар етказилиши айниқса, солиқ органларининг камерал назорат ўтказиш ҳаракатларидан, маҳаллий ҳокимликларнинг мулкдор мулкни бузиш билан боғлиқ эътирозлар кескин ортиши тенденцияси кучайиб кетди.

Бу ҳолатлар эса ушбу йўналишда тадбиркорлик субъектларини давлат органларидан, хусусан назорат қилувчи давлат органлари тизимидаги энг кўп бевосита тадбиркорлик субъектлари билан ҳуқуқий муносабатга киришувчи солиқ органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоялаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш, агар лозим бўлса янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя институти олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Назаримизда, тадбиркорлик фаолияти субъектларини нафақат ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилувчи ва бутун фаолиятини ҳуқуқий асосларини қамраб олувчи қонун ҳужжатларини хронологик жиҳатдан муайян босқич даврларида қабул қилинишига қараб туркумлаш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган тадбиркорлик субъектларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги иштироклари сифатидаги фаолиятини тартибга солувчи (хусусан, давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоялашга қаратилган) меъёрий ҳужжатларнинг шаклланиши ва ривожланиш даврини шартли равишда учта босқичга (1991-2004 йиллар, 2005-2015 йиллар ҳамда 2016 йилдан кейинги давр) ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи босқич, тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларининг шаклланиши (1991-2004 йиллар) ўзига хос мураккаб давр бўлиб, унда мустақилликнинг илк кунларидан марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга, тадбиркорлик муносабатларини

шакллантирувчи дастлабки меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Ушбу давр мобайнида ислоҳотларни руёбга чиқаришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қоидалар ўзига хос тарзда ифодаланиб, 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги, 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, 44-моддасида эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги белгиланди. Мазкур ҳуқуқий асослар “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 17-моддасида белгиланганидек, ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгаллиги ва ҳеч ким мулкдан зўравонлик билан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги ҳақидаги халқаро умумэътироф этилган ҳужжатларга мос равишда ишлаб чиқилди.

Юқоридаги конституциявий қоидалар жорий қонунларда, айниқса фуқаролик қонун нормаларида янада уйғунлашган ҳолда ифода этилди.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг ҳуқуқий кафолатларини тартибга солувчи 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги¹ қонунининг биргина 10-моддаси тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатларига бағишланган ва унда ҳам муҳим қоида мулк дахлсизлиги кафолати баён қилинган эди. Бироқ, ижтимоий-иқтисодий янгилашга таъсир қиладиган ўзгарувчан стихияли жараёнларни ҳуқуқий намоён қилиш зарурияти тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни батафсил қамраб ололмади ва кейинчалик ушбу соҳада қонунлар такомиллаштирилди ҳамда янги қонун ҳужжатлари яратилди.

Ушбу даврда Фуқаролик, Солиқ, Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиниши мамлакатда хусусий мулк, тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари қонунда белгиланиб, тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми ва институционал қонунчилик тизими яратилди.

Ушбу даврда тадбиркорлик фаолияти ва унинг ҳуқуқий ҳимоя тизимиини умумий қонунчилик асослари яратилиб, уларнинг аксарияти

¹ “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 15.02.1991 йил 15 февраль Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991, № 4, 60-модда. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 755-И Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотди.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, № 5, 107-модда.

умумий ва декларатив характерга эга бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш умумий ҳуқуқий ҳимоя қоидалари ва амалиёт тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда тадбиқ этиб келинди.

Иккинчи босқич бу мамлакатимизда 2005 - 2015 йиллар том маънода тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий ҳимояси тизимини концептуал асосларини яратилишини таъминлашга хизмат қилувчи моддий ва процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштирилиш даври бўлди,

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи ўзига хос концептуал қонунчилик ҳужжати бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-3619-сонли Фармони¹ тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларининг ривожланишини алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларни фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилди. Ушбу ҳужжатнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ФКнинг 15-моддасида мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларини ундириш масаласини амалиётда қўллашга оид ноаниқликка барҳам бериб, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари ёки органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлиги ҳамда зарарнинг ўрни суд қарори асосида етказилган зарар учун айбдор бўлган мансабдор шахсларга юкланиши мумкинлиги белгиланди. Бундай ҳимоя тизимининг белгиланиши, тадбиркорлик субъектларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатини яратди.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, ушбу Фармон муайян маънода концептуал-дастурий, ҳам методологик ва бевосита норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, илк бор мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот ва иқтисодий-ҳуқуқий майдонда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими мавжудлигини кўрсатиб берди².

К.Синдаровинг таъбири билан айтганда бу қонун ҳужжатларининг асл моҳиятини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмининг яратиш ташкил этади³.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. 23-24-сон- 167-модда.

² Окюлов О., Отахонов Ф.Ҳ. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография/Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, юридик фанлар доктори, профессор Х.Раҳмонкулов таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2010.-63б.

³ Синдаров К. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим масалалари.//Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожлантириш истикболлари./ҳалқаро

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ва манфаатларини солиқ органларининг ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларидан ҳуқуқий ҳимоялашни амалга оширишда 2008 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексининг ўрни бекиёс бўлди¹. Жумладан, солиқ қонун ҳужжатларидан биринчи бор “солиқ тўловчининг ҳақлиги презумцияси” (11-модда) принципи жорий этилди.

Шу билан бирга ушбу қонунчилик ҳужжатида давлат солиқ хизмати органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунга ҳилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли (31-модда) солиқ текширувини ўтказишда давлат солиқ хизмати органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши белгиланганлигини(105-модда) таъкидлаш лозим. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш тартиби(122-125-моддалар) ўз ифодасини топди.

Тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, уларга турли имтиёзлар ва рағбатлантиришлар бериш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши илгариги қонунлардан фарқли равишда тадбиркорлик субъектларига аниқлик киритиб, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳунармандлар фаолиятининг ўзига хослигини, тадбиркорга иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти юклатилишини, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилини белгилиб, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши (11-модда), инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-

илмий-амалий конференция материаллари, 27-28-ноябр 2007 йил.-Т.:“KONSAUDITINFORM-NASHR” нашриёти, 2008. -128б.

¹ Мазкур Солиқ кодекси 2020 йил 1 январдан ўз кучини янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кириши муносабати билан йўқотган бўлсада, тадбиркорлик субъектлари давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан ҳимоя қилишга доир қонунчиликни ривожланиш жараёнида муҳим ўрин эгаллади.

таомилининг мураккаблаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгиладиган қонун ҳужжатлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга киришини ва қатор афзалликларни белгилаб берди.

Учинчи босқич 2016 йилдан кейинги даврлар том маънода тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни изчиллик билан такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу даврда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни ундириш механизмининг яратишга қаратилган қонун ҳужжатларини яратилишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони¹ хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, умуман ушбу соҳада вазифаларни давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига асос бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган давлат ҳимоясининг қўшимча кафолатларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти таъсис этилди². Мазкур вакиллик институтининг ҳуқуқий мақоми 2017 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонун билан белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органларининг ғайриқонуний

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПФ-5037-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 333-модда.

ҳаракатларинидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги¹ Фармонида мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларини бирлаштириб турувчи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасига қаратилган фаолиятини тубдан такомиллаштирилиши белгиланди.

“Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги² 2018 йил 27 июлдаги Фармонида амалиётда анчадан буён йиғилиб келаётган муаммо яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик миқдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилиниши назарда тутилди.

Мазкур қонунчилик тизими такомиллаштирилиши, давлат органларининг масъулияти кучайтирилганлиги, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, режали текширишлар бекор қилинган бўлсада, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча салбий омиллар сақланаётганлиги, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ва унинг ҳудудларда тузилмалари ташкил этилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 1 августдаги Фармони³ билан 2018 йил 1 сентябрдан жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинishi белгиланди.

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектилари фаолиятига ноқонуний аралашishiга чек қўйиш, мулкдорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида тизимли равишда қонуности ҳужжатларига қарамасдан, хусусий мулкдорнинг мулк ҳуқуқларини давлат органлари (махаллий ҳокимликлар) томонидан бузилиши, зарар етказиш билан боғлиқ низолар кун тартибидан тушмасдан “юқори” даражасига кўратилди. Тадбиркорлик субъектларини

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 522-модда.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

давлат органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларида етказилган зарарни қоплаш масаласида ноаниқлик, яъни унда зарар давлатнинг айнан қайси давлат органи томонидан ва қайси пул маблағлари ҳисобидан қопланиши масаласи очик қолаётган эди.

Фуқаролик қонунчилигидаги мазкур бўшлиқ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни¹ билан ФКнинг 15-моддасини таҳрири асосида тузатиш киритилиб, унга кўра, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозимлиги, бундай зарарнинг ўрни аввало, давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари ҳисобидан қопланишини назарда тутилди.

Қонунчиликдаги бюджетдан ташқари маблағлар ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари етишмаган ёки бўлмаган ҳолатда ушбу зарарларни ким томонидан тўлдириш масаласи мавҳум эди.

Эндиликда мазкур мавҳумлик ҳам бартараф этилиб, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бекор қилинган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишини белгиланди.

Ўз навбатида зарар қайси давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин қайд этилди.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқида давлат органлари, хусусан солиқ органларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан тадбиркорлик субъектларини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш, давлат органларига нисбатан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ҳал этиш, етказилган зарарларни қоплашни тартибга солувчи фуқаролик қонун нормаларини мукамал даражада деб бўлмайди.

Жамиятимизда доимий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар ўз навбатида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб боришни, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартиш ва ислох этиш жараёнидан олдинроқда боришини тақозо этади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

Шу боис, биринчидан амалдаги ФКдаги 12, 15-моддаларини номланишини, унинг мазмун моҳиятини қайта кўриб чиқиш, амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар мазмунига мувофиқлаштириш таклиф этилади. Чунки, амалдаги ФКда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат органларига тенглаштирилганлиги, уларнинг ҳуқуқий мақомини инобатга олмасдан ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ва улар томонидан зарар етказилишида давлат органларига нисбатан қўлланиладиган фуқаролик ҳуқуқий воситаларининг қўлланишини назарда тутилганлиги моҳиятан янгича ёндашувни келтириб чиқармоқда.

Тадиқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги ФКда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг фуқарлик ҳуқуқий жавобгарлиги формал характерга эга бўлиб, суд амалиётида деярли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда улардан суд ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топилиши билан етказилган зарарни ундиришга билан боғлиқ низоларни кўрилмаганлиги қайд этиш лозим.

Шу боис, ФК ҳамда унинг 12, 15, 990-моддасидаги “Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” тушунчаларини “Давлат бошқарув органларининг ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” тарзида ўзгартиш ҳамда ФКдаги мавжуд бошқа нормаларини ҳам шу мазмунда унификация қилиш асосида такомиллаштириш таклиф этилади.

Иккинчидан, ФКда давлат органлари томонидан етказиладиган зарар билан боғлиқ муносабатлар, етказилиши мумкин бўлган зарар ёки уларнинг қонунга хилоф фаолияти ҳаракати (ҳаракатсизлиги) фуқаролик қонун нормаларида тўлиқ ўз аксини топмаган. Фикримизча, ФКда давлат органларининг хусусан, давлат органлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунга хилоф процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларнинг рўйхати, мулкӣ зарар етказилиши билан боғлиқ номулкӣ ҳуқуқларига зарар етказилиши мумкинлиги ифода этилиши лозим.

Учинчидан, тадбиркорлик фаолиятини ҳамда унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такрорланишларнинг олдини олиш, қонун ва қонуности ҳужжатларини мазмунан бирхиллаштириш (унификациялаш) мақсадида, жуда кўпайиб кетган қонуности ҳужжатларини тизимга солишни зарурати ва шароити юзага келди. Ҳатто анчадан буён тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни кодификация қилиш тўғрисида қатор фикрлар билдирилмоқда.

Чунки, соҳага оид ҳужжатларнинг ҳар томонлама кўпайиб кетганлиги натижасида иштирокчилар ушбу ҳужжатларни топиб уларнинг барчасидан хабардор бўлиш имкониятининг мавжуд эмаслиги¹, шу билан бирга уларнинг аксарияти бири-бирини мазмунан такрорлаши ёки ички зиддиятлари ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини бажаришга тўсиқ бўлмоқда. Шу боис бугунги кунда мазкур камчиликларни бартараф этиш ва қонун ва қонуности

¹ Ҳуқуқшунослик амалиётида қонун ҳужжатларидан хабардор бўлмаслик ёки уни билмаслик натижасида амалга ошириш (ёки бажармаслик) жавобгарликдан озод қилинмаслиги қондаси мавжуд.

ҳужжатларини тизимга солиш мақсадда Ўзбекистон Республикасининг
“Тадбиркорлик кодекси”ни яратиш зарур деб ҳисоблайман.

**ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИНИ
ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА ОЗ
МИҚДОРДА ҒАЙРИҚОНУНИЙ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ОЛИШ,
САҚЛАШ, ТАШИШ ЁКИ ЖЎНАТИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 6-бўлимнинг, XIX бобида гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар берилган бўлиб, бу бобига киритилган жиноятлар гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қўриқлашга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексимизда эса бу муносабатлар атиги битта моддада ўз аксини топган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56-моддаси гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур биргина модда нормасининг мақсади гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши ҳаракат қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар орасида ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан алоҳида ўринга эга бўлган гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатганлик учун жавобгарлик МЖТК 56-моддасида белгиланганлигидан ташқари, бу каби ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 19 августда “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги қонунида ҳам тўла намоён бўлади. Бу Қонун мазкур қўриқланувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Агар бу муносабатларни бузиш жиноят-ҳуқуқий қонунбузарлик (жиноят) даражасига етган бўлса, айбдор шахс ЖК нормаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан муомала қилишнинг махсус ҳуқуқий режими белгиланган. Бундай режим уч мезон: тиббий, ижтимоий ва норматив мезонлар йиғиндиси билан тавсифланувчи воситалар ва моддаларга нисбатан амал қилиши лозим.

Тиббий мезон нуқтаи назаридан гиёхвандлик воситалари қаторига келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган, марказий нерв системаси (МНС)га таъсирлантирувчи ёки галлюциноген таъсир кўрсатувчи, шу

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

туфайли нотиббий мақсадларда истеъмол қилинувчи ва рухий ва (ёки) жисмоний қарамлик вужудга келишига сабаб бўлувчи воситалар киритилади.

Муайян воситани гиёҳвандлик воситалари қаторига киритишда ижтимоий мезонни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу мазкур воситалар қаторига нотиббий мақсадда истеъмол қилиш ҳажмлари кўпайиб ва янада кенг тус олиб бораётган ва бу соғлиқ учун хавфлилиги туфайли у билан муомала қилишнинг алоҳида ҳуқуқий режимини белгилашни тақозо этадиган восита киритилиши лозимлигини англатади. Тиббий ва ижтимоий мезонлар жамулжам ҳолда воситани гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қаторига киритиш ва буни махсус норматив ҳужжатда мустаҳкамлаш учун асос берадики, бу норматив мезонни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” Қонуни ана шундай ҳужжат ҳисобланади. Бу Қонуннинг 3-моддасида “гиёҳвандлик (наркотик) воситалари”, “психотроп моддалар”, шунингдек “прекурсорлар”, “гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари”, “препарат” каби тушунчаларга таъриф берилган.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, **гиёҳвандлик (наркотик) воситалари деганимизда**, — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар назарда тутилган.

ЖК Махсус қисми VIII бўлими қоидаларига кўра, уларнинг қаторига БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияси (унга “1961 йилги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисида” 1972 йил Протоколига мувофиқ тузатишлар киритилган) I ва II рўйхатларига киритилган моддалар киради¹.

Психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддаларга айтилади.

Психотроп моддалар патологик кўникиш уйғотиш ва одамнинг марказий нерв системасига рағбатлантирувчи ёки тушкунликка туширувчи таъсир кўрсатиб, галлюцинациялар уйғотиш ёки мотор функцияси, фикрлаш қобилияти, хулқ-атвор, идрок ёки кайфиятнинг бузилишига сабаб бўлиш қобилиятига эга. Уларга 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг² I, II, III ёки IV рўйхатига киритилган моддалар мансубдир.

¹ Нью-Йорк, 1961 йил 25 март; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги Қарори билан ратификация қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 23 сентябрдан бошлаб кучга кирган. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 37-модда)

² Вена, 1971 йил 21 февраль Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 31-сон қарорига мувофиқ қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 23 сентябрдан бошлаб кучга кирган. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 38-модда.

Прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар тушунилади.

Уларга 1988 йилги БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишга қарши кураш тўғрисидаги Вена Конвенциясининг¹ I ва II жадвалига киритилган моддалар мансубдир.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар назарда тутилган.

Препарат — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши — гиёҳвандлик воситалари, — психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш;

Кўрсатилган Қонуннинг 4-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати I, муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати II, муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати III да келтирилиб ўтилган.

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати IV рўйхатда келтирилган. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳуқуқбузарлигининг **асосий бевосита объекти** аҳоли соғлиги ҳисобланади, кўшимча объекти эса гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

¹Вена, 1988 йил 20 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 32-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 22 ноябрдан бошлаб кучга кирган. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 39-модда

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг 7-қисмига биноан, **гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши** деганда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тушунилади.

Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши – халқаро-ҳуқуқий даражада ва давлат доирасида назорат остига олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан амалга ошириладиган ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний қилмишлар мажмуи.

Ҳуқуқбузарликнинг **предмети** гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек прекурсорлардир. **МЖТҚнинг 56-моддаси** назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** гиёҳвандлик воситалари уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатишда акс этади.

Тайёрлаш деганда пировард натажада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳосил қилинган ҳар қандай ҳаракат, шунингдек тегишли руҳсат бўлмаган ҳолда наркотикларни тўйинтириш ва наркотик таъсир кучини ошириш мақсадида уларни қайта ишлаш ва тозалаш (бегона аралашмалардан ҳоли қилиш) тушунилиши лозим. Фойдаланиш учун тайёр ҳолатдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни серияли олишга қаратилган ҳаракатлар уларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Тайёрлаш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фойдаланиш учун тайёр бўлган ҳеч бўлмаса битта дозаси яратилган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади.

МЖТҚ 56-моддаси маъносида гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни **олиш** деб сотиб олишни, бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарзи эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари наркотик эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаётган наша ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлакларини, шунингдек таркибида наркотик бўлган ўсимлик экинларининг қўриқланмаётган қолдиқларини йиғиб-териб олишни ҳисобламоқ керак.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар айбдорнинг ихтиёрига амалда ўтган пайтдан эътиборан олиш **тугалланган** деб ҳисобланиши лозим.

Сақлаш деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгалигида, ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Ташиш деганда, ташиш усулидан қатъи назар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташишни уларни сафар чоғида қонунга хилоф равишда сақлашдан фарқлаш учун айбдор қасдининг мўлжалини, транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар миқдори, ҳажми ва жойланган ерини ҳисобга олиш лозим. Жумладан, шахсий истеъмол учун мўлжалланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сафар чоғида сақлаш қонунга хилоф равишда ташиш деб топилиши мумкин эмас.

Ташиш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бир жойдан бошқа жойга кўчирилган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Жўнатиш деганда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга хилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

Жўнатиш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳар қандай усулда бир жойдан иккинчи жойга юборилган пайтдан эътиборан **тугалланган** ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни **қонунга хилоф равишда ўтказиш** деганда уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга укол қилиш, алмаштириш, қарз ва қарзи эвазига бериш ҳамда сотиш ва ҳоказолар) тушунилади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд қилинганидан мижоз билан тегишли аҳдлашувнинг мавжудлиги; восита ёки модданинг анчагина миқдори ва ўтказиш учун қулай бўлган тарзда қадоклангани; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар уларни ўзи истеъмол қилмайдиган шахс олгани, тайёрлагани ва ҳоказолар далолат бериши мумкин.

Ўтказиш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ўзга шахс ихтиёрига амалда ўтган пайтдан эътиборан **тугалланган** деб эътироф этилади. Бунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзга шахсга топшириш шакли қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

МЖтК 56-моддаси бўйича шахсни жавобгарликка тортишнинг муқаррар шарти кўрсатилган ҳаракатлар **оз миқдорда** содир этилгандир. Жумладан, каннабис, марихуананинг 1.0 г гача бўлган миқдори, трамадолнинг 0.01 г, кўкнорининг 1,0 г гача бўлган миқдори, кокаиннинг 0,001 гача бўлган миқдори оз миқдор деб эътироф этилади¹.

¹Бу ҳақда қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг “гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 2018 йил 27

МЖтКнинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик **субъектив томондан тўғри қасд** билан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай ғайриқонуний равишда тайёрлаётгани, олаётгани, сақлаётгани ва бошқа ҳаракатлар қилаётгани ёки уларни қонунга хилоф равишда ўтказётганини англайди ва шундай қилишни истайди.

Ўтказиш мақсадини бўлмаслиги ҳуқуқбузарлик таркибининг конструктив белгиси сифатида амал қилади. Агарда ҳуқуқбузарнинг ёнида бўлган гиёҳвандлик воситалар ва уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалари оз миқдордан ошиб кетадиган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 276-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) билан квалификация қилиниши лозимлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрь Қарорида шундай деб кўрсатилган, “Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодекси 273-моддаси), судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, наркотиклар ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак”.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши табиий албатта. Яъни шахс гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳолда оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳаракатларини амалга оширган ҳолда унинг ҳаракатларини қандай квалификация қилиш лозим бўлади.

Мисол учун А. исмли шахс таниши К. нинг илтимосига кўра унга оз миқдор яъни бир дона гугурт қутисига қадоқланган жами вазни 0.5 грамм бўлган марихуана гиёҳвандлик воситасини 50.000 сўмга сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан қўлга олинган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 56-моддасида Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний

равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 723-моддаси 1-қисмида эса гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш, 2-қисмида озгинадан кўпроқ миқдорда содир этганлик учун ва 5-қисмида эса кўп миқдорда содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Кўриб турганимиздек жиноят кодексимизда гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказишдан бошлаб жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ оз миқдордаги гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун на маъмурий жавобгарлик ва на жиноий жавобгарлик белгиланган. Хўш бундай ҳолатда А. исмли шахснинг ҳаракатлари қандай квалификация қилиниши лозим. Бунинг ҳуқуқий асослари қандай белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 4-банди 5-қисмида келтирилган тушунтиришда қуйидагилар қайд қилинган. Яъни, “Бунда шуни назарда тутиш лозимки, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун айбдорлар барча ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56-моддаси). Агар мазкур ҳаракатлар ўтказиш мақсадини кўзлаб содир этилса, қилмиш ЖКнинг 273-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади.¹

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасига мувофиқ гиёвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳуқуқбузарлигини содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар ҳуқуқбузарлик **субъекти** бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ўтказиш мақсадида оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28.04.2017 йилдаги 12-сонли Қарори 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУДЛАР: ЎТМИШ, БУГУН, КЕЛАЖАК

Давлат бошқаруви тизимида олиб борилган ислохотлар ва хусусан маъмурий ислохотлар борасида ҳар бир давлат тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ёки маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи ўзининг тажрибасига эга.

Кўпгина давлатларда маъмурий ислохотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида “маъмурий судлов” тушунчаси илк маротаба “туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси” тушунчаси остида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан мустақамлаб қўйилди. Лекин, амалда 23 йил давомида бундай судьяларнинг ўзи мавжуд бўлмаган.¹ Амалдаги қонун ҳужжатларида маъмурий судлов сифатида фақатгина маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш белгиланган ҳамда бундай тоифадаги ишлар жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан тегишлиликча кўриб чиқилган.

“Маъмурий судлов” (“маъмурий суд ишларини юритиш”) тушунчасини англаш учун, биринчи навбатда “оммавий ҳуқуқий муносабат”, “оммавий ҳуқуқий низо” ва “маъмурий низо” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур. Илмий изланишларда “оммавий ҳуқуқий муносабат”ларга таъриф берилганда, унинг оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар эканлиги, кўрсатиб ўтилган. Оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусияти сифатида эса, унда иштирок этувчи томонларнинг бири сифатида давлат ҳокимияти субъектининг иштирок этиши белгиланган. Кўпгина илмий адабиётларда бундай қарашларнинг тарафдорларини кўриш мумкин. Лекин, ҳозирги кунда оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида бир томонда жисмоний ва юридик шахсларни, иккинчи томонда эса фақатгина давлат органларини эмас, балки ҳокимият ваколатларига эга бўлган турли субъектларни учратиш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлатларда олиб борилаётган номарказлаштириш нафақат давлат органлари тизими ичида, балки ундан ташқарида ҳам юз бермоқда. Жумладан, айрим давлат функциялари нодавлат ташкилотларига (фуқаролик жамияти институтларига) ўтказилмоқда. Бу ўз навбатида оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида иштирок этувчи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайишига олиб келади.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Э.Хожиёв, Ш.Шайзаков. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2019 й., 12-б.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судга мурожаат қилиш белгиланган. Демак, маъмурий судда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо кўриб чиқиладиганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ ва процесс соҳасида кенг доирада изланишлар олиб борган Тихомиров Ю.А.нинг фикрича, “оммавий-ҳуқуқий низо” – бу ваколатли давлат органлари томонидан оммавий (жамоат) хусусиятига эга бўлган ва қонун билан ўрнатилган процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низодир. Юзага келган низо, агарда оммавий ҳуқуқ соҳалари (конституциявий, маъмурий, молия, солиқ, меҳнат ва х.к.лар)га тегишли масалаларни қамраб оладиган бўлса, бундай низолар оммавий-ҳуқуқий ҳисобланади.¹

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий-ҳуқуқий низоларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу низоли муносабат иштирокчилари ҳуқуқий жиҳатдан тенг эмас.² Жумладан, Замышляев Д.М.нинг кўрсатишича, ҳар қандай оммавий-ҳуқуқий низонинг хусусияти унда иштирок этувчиларнинг бири ҳокимият функцияларига эга бўлганлиги сабабли муносабат субъектлари тенг эмас. Шу сабабли ҳам бу ҳолат мазкур муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида тартиботини ва алоҳида юрисдикцияни талаб этади.

“Оммавий-ҳуқуқий низо” – бу ваколатли давлат органлари томонидан оммавий (жамоат) хусусиятига эга бўлган ва қонун билан ўрнатилган процессуал тартибда кўриб чиқиладиган низодир. Юзага келган низо, агарда оммавий ҳуқуқ соҳалари (конституциявий, маъмурий, молия, солиқ, меҳнат ва х.к.лар)га тегишли масалаларни қамраб оладиган бўлса, бундай низолар оммавий-ҳуқуқий ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий-ҳуқуқий низоларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу низоли муносабат иштирокчилари ҳуқуқий жиҳатдан тенг эмас. Шу сабабли ҳам бу ҳолат мазкур муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида тартиботини ва алоҳида юрисдикцияни талаб этади.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, ҳуқуқшунос олимлар томонидан “оммавий-ҳуқуқий низо” (ва хусусан унинг асосий кўриниши ҳисобланган “маъмурий ҳуқуқий низо”) нинг бир неча умумий хусусиятлар кўрсатиб ўтилган:

¹ Тихомиров Ю. А. Публично-правовые споры // Право и экономика. 1998. № 6. С. 8–13.

² Э.Хожиев, Ш.Шайзаков. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2019 й., 13-б.

биринчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар оммавий ҳуқуқ соҳаларига тегишли масалаларни қамраб олади;

иккинчидан, оммавий-ҳуқуқий низоларда муносабат иштирокчиларидан бири сифатида ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект намоён бўлади ҳамда муносабат иштирокчилари тенг эмас;

учинчидан, оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус тартиби жорий этилади;

тўртинчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар турли субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича юзага келади;

бешинчидан, оммавий-ҳуқуқий низолар ҳокимият субъектлари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракацизлиги), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа оммавий қарорлар ва ҳаракатлар бўйича юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига¹ биноан маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши ёки ушбу соҳадаги низода иккинчи томон сифатида (ЎЗР МСИЮтКнинг 27-моддасига асосланадиган бўлсак) давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари намоён бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда предмет сифатида юқорида санаб ўтилган шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракацизлиги) билан бир қаторда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намоён бўлади.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши лозим бўлган тушунчалардан яна бири – бу “маъмурий орган” тушунчасидир.

Ўзбекистон Республикасида “маъмурий орган” тушунчаси 2018 йил 8 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан кириб келди. Ушбу Қонуннинг 4-моддасига² биноан маъмурий органлар – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколоти берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳисобланади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг¹ 27-моддасида “давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар” – маъмурий орган сифатида ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони² биноан вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органларидир.

Фармонга биноан республика давлат бошқаруви органлари зиммасига:

✓ Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

✓ ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

✓ мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

✓ инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

✓ тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

✓ солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш каби вазифалар юклаб қўйилган.

Қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органларидан ташқари, хўжалик бошқаруви органларига ҳам раҳбарлик қилади.

Табиий савол туғилади, хўжалик бошқаруви органи “маъмурий орган” таркибига кирадими?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йи 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда

тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармонига¹ биноан қўйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари:

1) таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

2) муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади.

Ушбу Фармонга биноан давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, хўжалик бошқаруви органлари “маъмурий орган” таркибига кирмайди, шунингдек, улар томонидан амалга ошириладиган фаолият қонун ҳужжатларига биноан “маъмурий-ҳуқуқий фаолият” ҳисобланмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида “маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар” тушунчаси ёки рўйхати батафсил берилмаганлиги сабабли, маъмурий судларда ишларни кўриб чиқишда айрим муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритишни тушуниш уни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очади. Ушбу соҳадаги назарий муаммоларни кейинчалик ўрганиш талаб этиладиган маъмурий жараён, мавжуд маъмурий-процессуал қоидаларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва ушбу муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга кейинчалик қўшимчалар киритиш ва такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги ортади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий дунёда ривожланган кўплаб давлатларда маъмурий судларни ташкил этиш, маъмурий ҳуқуқ фанини ривожлантириш немис маъмурий-ҳуқуқий тафаккурининг асосида ва бевосита таъсири остида туғилган ёки ривожлантирилган.

Бироқ, бугунги куннинг талаби шуки, замонавий ўзбек маъмурий ҳуқуқ фани мустақил равишда ривожланиб бориши лозим. Бу ҳозирги глобаллашув ва иқтисодий интеграция шароитидаги талабдир.

Маъмурий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги Германия тажрибаси диққат билан ўрганишга лойиқ ва қисман Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Германия маъмурий ҳокимият субъектлари доктринаси асосида, улар орасида давлат ҳуқуқининг алоҳида субъектлари аниқланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 185-модда; 2007 й., 25-26-сон, 258-модда

бўлса, улар асосида давлат юридик шахсларининг маъмурий-ҳуқуқий институтини ривожлантириш мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритишдаги маъмурий процедуралар доктринаси бундай давлат процедураларини қонуний тартибга солиш бўйича немис тажрибаси билан тўлдирилиши мумкин.

Маъмурий ишларни такомиллаштириш учун қуйидаги атамаларни белгилаш таклиф этилади: “маъмурий даъво”, “маъмурий даъвогар”, “маъмурий жавобгар”.

- Маъмурий даъво - маъмурий даъвогарнинг маъмурий жавобгарга нисбатан маъмурий судга берилган мурожаат ҳисобланади;

- Маъмурий даъвогар - ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари маъмурий жавобгар томонидан бузилган жисмоний ёки юридик шахслар;

- Маъмурий жавобгар - давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда белгиланган тартибда ваколат берилган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари.

Маъмурий иш қўзғатишнинг асосий йўналишларига аниқлик киритиш ва янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд тизимининг қонун устуворлиги стандартларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган принципал нормаларини маъмурий орган томонидан бузилиши ёки амалга оширилишига тўсқинлик қилиши юзасидан даъволар;

- Шахснинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан даъволар;

- Жамият ва давлат ҳаётининг тобора кучайиб бораётган мураккаблиги ва динамикаси, давлат ва муниципал бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юзасидан даъволар.

- Судлар томонидан фуқаролар ва ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўртасида кўриб чиқиладиган маъмурий низолар.

- Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимида коррупциявий ҳолатлар юзасидан даъволар.

- Мулкий муносабатларнинг маъмурий-ҳуқуқий жараён билан боғлиқлиги юзасидан даъволар.

Суд тизимини такомиллаштириш зарурияти – маъмурий ишлар бўйича суд ихтисослигини ажратиш. Яъни ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида маъмурий судлар ихтисослигини ажратиш лозим. Бунда маъмурий судлар қандай турдаги ишларни кўриб чиқиш учун ваколатли эканлиги батафсил аниқлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, келажакда маъмурий суд иши юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини, шунингдек судларнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни, маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни модернизация қилиш яқин келажакда маъмурий судлар давлатимиздаги муҳим суд тизимидан бири бўлишига олиб келади.

**FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING WORK IN THE FIELD OF
PREVENTING THE CONSEQUENCES OF ROAD ACCIDENTS,
ASSIGNING FINES AND CALCULATING LOSSES**

As you know, at the end of the 90s, the main task of road safety representatives in various States was not to identify and punish violators, but to warn road users about the consequences of road accidents and serious accidents. The European road safety Council has suggested that accident damage can be reduced by almost 50 per cent if drivers strictly follow the road rules.

It should be noted that the rules of liability for traffic violations are enshrined in the legislation of all developed countries. Most often, these are the “rules of the road”, “on road safety”, “Rules of the road” and other laws, as well as a number of other legal acts. For example, in Norway, along with the road traffic act of 1936 on road safety.

It is also regulated by the law on alcohol consumption, which has been in effect for some professions since July 16. It requires drivers to refrain from drinking alcohol, other intoxicating substances or drugs, including for commercial vehicle drivers, at least 8 hours before the start of the trip. In foreign legislation, one of the most important aspects is that the main provisions are aimed at the responsibility of traffic violators. This is due not only to heavy fines, but also to the confiscation of vehicles, the deprivation of driver's licenses, the amount of payment for mandatory annual car insurance and the severity of violations. For example, in Germany, if a driver is fined for violating traffic rules for one year, the amount will increase to 500 euros, for the second time-to 1000 euros, for the third time-to 2000 euros. The insurance amount, which is 3000-5000 euros per month, is a very large expense that not every German can afford. Therefore, some violators will be forced not to use the car for a year, so as not to pay for insurance three times¹. In some countries (Belgium, Israel, Spain, Japan, the United States), there are conditions under which for non-payment of a fine, you can pay for a vehicle as a Deposit or for storing it in a penalty Parking lot, or you can lose your driver's license. In recent years, some violations of the legislation of a number of countries in the field of motor transport have been transferred to the crime. First of all, this is due to conducting telephone conversations while driving a vehicle. In almost all developed countries, it is forbidden to talk on a mobile phone while driving a car using wireless headphones. The United States, Canada, Kuwait, and some European countries are with the exception of Sweden.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Мачульская И.Г. Общие тенденции развития дорожного движения и обеспечения его безопасности в XXI веке. URL: <http://www.budgetrf.ru/Publications/Magazines/VestnikSF/2006/ vestniksf303-15/vestniksf303-15030.htm>.

In Australia, Switzerland, it is strictly forbidden to talk on the phone while driving. In some Australian States, as well as in Belgium, Kenya, Malaysia, and Singapore, this offense even carries a prison sentence. In Spain, it is also forbidden to use wireless headphones. You can only use specially installed perfume kits. It is also forbidden to send SMS messages while driving, which is equivalent to a fine for talking on a mobile phone without headphones. In addition, in Bulgaria, it is forbidden to talk on a mobile phone when driving urban transport, not only drivers, but also passengers. This is due to the fact that the electronic equipment of buses and trams of German and Czech production reduces the quality of work under the influence of radio waves coming from mobile phones, which can lead to an unexpected car accident.

In France, Germany, Italy, Spain and Turkey, drivers are automatically disqualified from driving for a certain period of time in addition to a fine for using the phone. The system of fines is also applied to foreigners. Currently, the adoption of laws prohibiting Smoking while driving in Australia, Belarus, Brazil, Germany, Cyprus, and the United States is being discussed. The UK actually leads Europe in the number of fines and the severity of penalties for traffic violations; Estonia, Hungary, France and Germany are slightly lower. In the field of transport, new types of offenses are constantly appearing, the reasons for which are also diverse. In response, various types of fines and penalties are being developed.

The issues of responsibility for causing road accidents due to fatigue are also being considered. It is in the UK government that the discussion of a law that toughens the punishment has begun. Its essence is to punish a driver who drives a tired car for driving under the influence of alcohol. Public organizations that fight for road safety give impetus to the legislative process. According to them, in the country every week as a result of accidents, about 10 people are killed, the culprits of which are asleep at the wheel.

European laws have also introduced offences such as road traffic (aggressive driving). Aggressive driving behavior is typical not only for Europe, but also for the whole world. Including this

- due to high motorization and, as a result, frequent traffic jams;
- distinguishes technical (mainly high-speed) parameters of cars;
- various levels of driver training;
- this happens as a result of impatience and aggression of people in society.

But it is quite difficult to determine its boundaries and forms. According to a 2003 Gallup poll of the European population, the most aggressive crimes on our continent are described by phrases such as “aggressive flashing of headlights”, in Australia - obscene gestures; in Japan – “aggressive pursuit”, driving another car at a very close distance. The meaning of this term is widely discussed in the world. In 2000, at a special conference on this issue in Canada, the following definition of this concept was proposed: “If driving is aggressive, it intentionally creates a risk of collision or tries to save time by nervousness, intolerance, hostility or other participants” is punished with severe penalties. As a rule, infringement of traffic rules implies simultaneous violation of several rules in a row. Dangerous maneuvers occur when a driver shows clear disrespect for other road users by not

allowing vehicles to stand in traffic on the roadway, on the side of the road, on the shoulder, or to other road users. The penalty for such violations is much higher than for other violations and is deprived of a driver's license for up to one year (Germany, Denmark, Latvia) with repeated Commission.

Recently, the EU traffic rules were amended: sanctions were introduced for non-compliance with the distance in the stream. If a car traveling at 100 km per hour approaches closer than 15 m to the previous car, the second driver will be fined 150 euros. In Germany, not following the distance while driving, the desire to drive the car from the front is the most common form of aggressive driving. For such violators, the German language has a special word “Drendler” - which means “click, crowd and hurry”. The German criminal code considers this a crime and a fine of 250 euros, deprivation of a driver's license for 3 months, if the driver's actions have caused serious consequences-is punishable by imprisonment for up to 5 years.

In New York, police have the right to seize cars from drivers who commit dangerous and aggressive actions on the road. However, crossing from one section to another, following the front car for a very short distance, and crossing the roadside is only punishable by a fine.

The number of fines in different countries indicates that offences are assessed differently, but they are all serious (table 1).¹

Country	Size of penalty	Notes
Australia	Up to 500 dollars	Speed increase from the specified kilometer to 40 km per hour
Austria	11 euros;; 22 euros; 36 euros;	- Speed increase up to 10 km / h - Speed increase up to 11-19 km / h - Speed increase up to 30 km / h
Andorra	30 euros;	- Speed increase up to 20 km / h
Belgium	320 euros;	Increase to 24 km at a fixed speed
Bulgaria	10 Levav (\$ 5)	Increase from 20 to 30 km
Great Britain	60 pounds	For speeding; further-disqualification and fine
Germany	From 200 to 500 euro	15 euros-up to 10 km per hour Increase to 50 km / h - Fine up to 700-800 euros; driver's license revocation up to 2 months
Greece	Up to 100 euros	-
Denmark	Up to 455 euros	-
Latvia	400 dollars. + Deprivation of a driver's license for 1 year	- Speed up to 60 km / h

¹ Обеспечение безопасности дорожного движения в России // Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. 2006. № 15 (303).

Lithuania	A fine of 5000 litas (about 1430 Euro)	Increased speed in case of intoxication
Spain	Up to 1500 euros + deprivation of rights up to 3 years	Increased speed in case of intoxication
Italy	Up to 300 euros	-
Netherlands	From to 100euros	-
Serbia	from 45 dollars	-
USA	From 100 US dollars- about 200-250 dollars.	Speed up to 10 km – increase to 20 km per hour
Finland	65-120 euros as well as deprivation of the right to drive and a fine in proportion to the income	40 km speed increase
France	5000 euros	-
Sweden	Up to 266 dollars or 8 months of deprivation of rights	40 km speed increase

According to statistics, the most serious violations in the world are considered to be speeding, driving under the influence of alcohol, or running a red light. For these offenses, the largest fines are provided in almost all countries of the world. Exceeding the speed limit causes up to 40% of accidents that result in people dying from life. The impact of speed on the number of accidents and especially the severity of the consequences of accidents has been confirmed by the results of scientific research conducted repeatedly in different countries. For example, the results of the speed study showed that an increase in the average speed of 1 km per hour leads to an increase in the number of accidents that then lead to injuries, up to 3% or 4-5% in the case of accidents with fatal consequences¹. Of all the ways to monitor police compliance with the speed limit abroad, it is common to install various devices for automatic detection and recording of violations on the roads. Despite the high cost of such equipment, its use is recognized as the most effective.

Thus, research shows that the activities of law enforcement agencies to ensure road safety are an important tool of state policy in the field of reducing socio-economic damage and strengthening the economic security of the state. This approach also has an economic basis, since, in terms of cost-benefit ratio, monitoring compliance with traffic law by law enforcement agencies is one of the most effective and cost-effective ways to reduce annual losses due to road accidents. Foreign experience shows that in developed countries, the system of accounting and prevention of car accidents, in contrast to the existing practice in the Republic of Uzbekistan, is characterized by a well-functioning system for the implementation of punishments for serious and illegal actions of sanctions. In

¹ Предупреждение дорожно-транспортного травматизма: зарубежный опыт. URL: <http://www.gai.udm.ru>.

particular, the property liability of drivers has been expanded. it should be noted that fines and confiscation of vehicles, the number and severity of violations are related to payment for mandatory annual car insurance, etc.

Based on the experience of Germany and other countries as positive aspects of the system of accounting and control of accidents in the Republic of Uzbekistan, for example:

- the insurance cost is significantly (sometimes) associated with traffic violations;
- introduction of a system of vehicle confiscation for non-payment of fines;
- driving a vehicle in an aggressive manner;
- impose heavy penalties for driving under the influence of alcohol.

The study shows that violations related to negligence, such as exceeding the speed limit, driving under the influence of alcohol, and non-compliance with safety regulations, are the most dangerous. After all, it is possible that the increase in the number of vehicles every year will cause very big problems with their regulation in the future.

In general, abroad there is a tendency to reduce contacts with drivers directly with a law enforcement officer-the transition to an electronic system for recording and reviewing offenses is carried out ahead of time. However, in many countries, experts consider it necessary and necessary to effectively control their good “appearance” on the road, so as not to increase fines, the number of arrests, and to create a General environment in which there is a high risk of capture by the police.

Summing up, it should be noted that foreign experience shows that a qualified approach to reducing harm from road accidents, i.e. the severity of fines and penalties, always finds a positive attitude among the population.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Суд ҳужжатлари ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган элементлардир. Суд ҳужжатлари давлат ҳокимияти тармоғи бўлган суд ҳокимиятининг органи - суддар томонидан қабул қилинганлиги сабабли алоҳида мақомга эга бўлади. Зотан, суд ҳужжатлари ёрдамида ҳуқуқий нормаларнинг амалга ошиши юз беради ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тизимида вужудга келган “носозлик”лар бартараф этилади. Шу муносабат билан, суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш тизимида тутган ўрни, унинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига ўтказадиган таъсири масаласини тадқиқ этиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Турон заминида, хусусан, мамлакатимиз худудида қозичилик ишлари ва ҳужжатлари масаласида асрлар оша муайян ижобий тажриба тўпланган¹. Қозилик институти шариат нормалари асосида низоларни ҳал этишнинг ўзига хос шакли сифатида амал қилган.

Амир Темур, Султон Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ўзлари ҳукмрон бўлган худудларда низоларни ҳал этишда, оддий фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлашда адолат тамойилига риоя этишларига катта эътибор қаратилган. Буюк ватандошларимиз бўлган мутафаккирлар ўз асарларида қозилик масъулияти, уларнинг низоларни ҳал этишда, бузилган ҳуқуқни тиклашдаги ўта масъуллиги масаласи, қозиларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳамда қозиларнинг жавобгарлиги ҳақида дурдона фикрлар ёзиб қолдирганлар.² Ушбу манбаларда қозилар фаолияти ва шахсига нисбатан қўйилган талаблар бугунги кунда ҳам мутлақо ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, аксинча, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари шароитида улар янада долзарблик касб этиши боиси, ушбу дурдона фикрларни бўлажак судьялар қалбига жойлаш мақсадида махсус ўқув курсларини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган суд ислоҳотлари ва унинг мақсад ва натижалари мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимияти органи - судлар томонидан қабул қилинадиган юридик ҳужжатларга эътиборни кучайтиради, уларнинг аҳамиятини оширади. Бу

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Бу ҳақда қаранг: Бекмирзаев И.Н. Бурхонуддин Махмуд Ал-Бухорийнинг “Ал-мухит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни. Тарих. файл. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2009. - 30 б.; Раҳмонова З.А. Низом-ул-мулкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Юрид.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошкент. 2004. 20 б

² Хусанбаев О.О. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари. Юрид.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2006. - 21 б.; Фомина Д.В. Власть и государство в философии Ион Халдуна. Автореф... дисс.на соис. учен. степ. канд. филос. наук. - М., 2003. - 27с.; Бекмирзаев И.Н. Бурхонуддин Махмуд Ал-Бухорийнинг “Ал-мухит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни. Тарих. файл. номз. илмий даражасини олиш унун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2009. - 30 б.

ҳолат ҳам суд ҳужжатларини тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этувчи омиллар сирасига киради.

Суд ҳужжатлари ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг муҳим бир тури ҳисобланади. Шу боис, унга нисбатан ҳам ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйилган талабларнинг барчаси қаратилади. Боз устига, айнан суд ҳужжатларига қўйиладиган яна бошқа талаблар ҳам мавжудки, булар мазкур тоифа ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади.

Суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида тутган ўрни масаласини тадқиқ этишда, дастлаб, “Суд ҳужжатлари қандай ҳужжат?” деган саволга жавоб беришимиз зарур бўлади.

Таъкидлаш керакки, инглизча “акт” ибораси кўп маъноларни англатади, Бироқ, “ҳаракат” маъносида энг кўпроқ ишлатилади. Шу ўринда дастлаб, “ҳуқуқий акт” тушунчасига эътибор қаратиш зарур бўлади. Бинобарин, ушбу атама бир неча маъноларда ишлатилади:

- ҳуқуқ субъектларининг ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туриши маъносида;
- ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқга мос ҳатти-ҳаракати натижаси сифатида;
- юридик ҳужжат сифатида.

Мазкур ибора учинчи ҳолатда, яъни “ҳуқуқий ҳужжат” маъносида юридик адабиёт ва юридик амалиётда кўпроқ қўлланилади. Айнан шу маънода ишлатилганда шакл ва мазмун бирлигини кўриш мумкин бўлади. Чунки бунда қилинган ҳаракат ўзининг сўзли - ҳужжатли ифодасини топади.

С.С.Алексеев таъкидлаганидек, айнан шу ҳолатда ушбу ибора ҳуқуқий тизимнинг юридик нормалар, индивидуал амр, қоидалар ва шахсларнинг индивидуал қарорлари каби мазмуний элементларини вужудга келиши ва амал қилишининг ташқи юридик ифодаси сифатида намоён бўлади.¹

Шу билан бир қаторда юқоридаги фикрга қўшимча қилиш зарурати мавжуд. Чунки ҳуқуқ субъектининг айрим ҳатти - ҳаракатлари, жумладан, интеллектуал - иродавий тусдаги ҳаракатлари ва унинг натижалари оғзаки шаклда ёки белги-рамзий шакллардаги (конклюдент) ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Масалан, раҳбарнинг оғзаки кўрсатмаси, йўл ҳаракатини тартибга солиб турган йўл ҳаракат хизмати ходимининг индивидуал транспорт ҳайдовчисига нисбатан кўрсатмаси (тўхташ ёки ҳаракатланиш ҳақида) гарчи ёзма шаклда булмаса-да, бироқ юридик оқибатга олиб келиши сабабли улар ҳам ҳуқуқий ҳужжатга тенглашади. Шу боис, ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатларининг ўзи юридик қоидаларни амалга оширишга қаратилганлиги боис тегишли ҳолатларда ҳуқуқий ҳужжат кучига эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда юридик нормалар жамланган бўлиб, улар орқали ижтимоий муносабатлар норматив-ҳуқуқий тартибга солинади. Айни пайтда, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизими бу билан чекланмайди. Индивидуал ҳужжатлар ёрдамида муносабатлар индивидуал тарзда тартибга солинади ва ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга ошади. Шархлаш

¹ Алексеев С.С. Общая теория права: В 2 т. М, 1982. Т. 2. - С. 193.; Рузиназаров Ш. Суд қарори: тушунчаси ва моҳияти // XO'JALIK VA HUQUQ. 2004. №10. – С. 15-18.

ҳужжатлари эса, ўз навбатида ҳуқуқ субъектларига норматив ва индивидуал юридик ҳужжатларнинг мазмунини тушунтириш орқали уларнинг бир хилда қўлланишини таъминлайди.

Суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида роли масаласини тадқиқ этишда, тадқиқот олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари, суд ҳужжатлари тўғрисида ноюридик йўналишдаги олий таълими тизими талабаларига ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Талабалар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда “Суд ҳужжатларининг вазифасини кўрсатинг” деган саволга талабаларнинг 35,2% суд ҳужжатлари - адолат ўрнатади деб, 8.8% эса суд ҳужжатлари - ижтимоий муносабатларни тартибга солади деб, 9.2% талабалар эса суд ҳужжатлари - бирор бир муаммони ҳал этади деб, 1.2% талабалар суд ҳужжатлари - индивидуал тартибга солиш воситаси деб жавоб берган бўлсалар, 16.8% талабалар суд ҳужжатлари - жазо тайинлайди деб жавоб берганлар. Худди шу саволга талабаларнинг 28.8% суд ҳужжатлари тўғрисида тушунчага эга эмасликларини баён қилганлар.

Шунга асосан қуйида “Суд ҳужжатлари нима ўзи” деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Суд ҳужжатлари қонун талаблари асосида низоли иш буйича ҳуқуқи бузилган тарафларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган индивидуал аниқ ҳужжатдир.

Суд ҳужжати доимо муайян юридик оқибат вужудга келтирадиган юридик ҳужжатдир. Суд қарорида, албатта, низоли иш қонунда ва процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган асос ва тартибда кўриб чиқилиб, тегишли қарор ўз ифодасини топиши керак. Айни пайтда Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 114-моддасида мустаҳкамланганидек, “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”.

Суд ҳужжатлари бу тегишли судларда қонун талаблари асосида жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ишларни моҳиятан кўриш натижасида қабул қилинадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжати дир. Суд ҳужжатлари давлат ҳокимияти тармоғи бўлган суд ҳокимиятининг органи - судлар томонидан қабул қилинганлиги сабабли алоҳида мақомга эга бўлади. Зотан, суд ҳокимияти унга Конституция ва қонунлар орқали юкланган вазифа - олий судловни ўз ҳужжатлари воситасида амалга оширади¹.

Таъкидлаш керакки, суд ҳужжатида шартли равишда икки жиҳатни: ички ва ташқи жиҳатларни ажратиш мумкин. Суд ҳужжатининг ички жиҳати шунда ўз ифодасини топадики, суд муайян юридик ишни кўриб чиқишда ақлий - иродавий ҳаракатлар содир этади, тегишли ҳуқуқий норманинг мазмунини ва ҳаракат доирасини аниқлаб олади, ишдаги ҳолатларни ўрганиб, тегишли ҳуқуқий норма асосида уларни таснифлайди ва шу аснода қарор қабул қилади.

¹ Кашанина Т.В. Юридик техника. -М.:Эксмо. 2008. -512 с.; Морозова Л.А.Еще раз о судебной практике как источнике праве // Государство и право, 2004. №1. - С. 19-23.

Суд ҳужжатининг ташқи жиҳати-суднинг ақлий - иродавий ҳаракатлари натижасининг объектив ифода этишга қаратилган амалий ҳаракатларида кўринади.

Айни пайтда ақлий - иродавий ҳаракат билан амалий ҳаракатлар ўзаро ўзвий боғлиқликда бўлади. Процессуал қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳолатлардан ташқари, аксари ҳолларда суднинг ақлий - иродавий ҳатти- ҳаракатлари юридик ҳужжатда ўзининг ифодасини топади. Маълумки, суд ҳужжатлари бу процессуал қонунчиликка асосланган ҳолда қабул қилинадиган процессуал ҳужжатдир. Суд ҳужжатини умумий тарзда шундай тавсифлаш мумкин: суд ҳужжати бу амалдаги процессуал қонунчилик билан тартибга солинган суд фаолиятининг ташқи ҳуқуқий ифодаланиш шакли.

Илмий адабиётда “суд ҳужжатлари”, “суд қарорлари” атамалари ишлатилади. Фикримизча, “суд ҳужжатлари” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг суд ҳужжатларининг мажбурийлиги тўғрисидаги 114-моддасида ҳам “суд ҳужжати” атамаси ишлатилган: “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”.

Айни пайтда, айрим ҳолларда, “суд ҳокимияти ҳужжатлари” деган атама ҳам қўлланилади. Шу ўринда суд ҳокимияти судьялар ва қонуний асосларда жалб этилган халқ маслаҳатчилари томонидан амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу икки атамани синоним сифатида эътироф этиш мумкин бўлади.¹ Бироқ шунга қарамай, бизнингча, “суд ҳокимият ҳужжатлари” атамасига кўра “суд ҳужжатлари” атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки “суд ҳокимияти” тушунчаси оддий суд органлари тизимидан кенгрок тушунча. Юқорида ҳам кўрсатиб кетилганидек, суд ҳужжатлари ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни ва аҳамиятига кўра:

- а) суднинг ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари;
- б) суднинг шархлаш ҳужжатларига ажратилади.

Суд ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари умуман юридик индивидуал ҳужжатларнинг бир кўриниши бўлиб, улар аниқ ва конкрет вазиятга тадбиқ этилади ва аниқ бир ижтимоий - ҳуқуқий низони ҳал этишга қаратилади ва аниқ шахсга нисбатан қўлланилади, унинг чиқарилишига ишнинг ҳолатлари ва тегишли ҳуқуқ нормалари асос бўлиб хизмат қилади, шу тариқа у конкрет ижтимоий муносабатни тартибга солади. Шунга боғлиқ ҳолда, унинг ҳам мазмуни ҳам оқибатлари индивидуал мазмунга эга бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, суд ҳужжатига муаллифлик таърифини шакллантириш мумкин: “Суд ҳужжати бу - ваколатли шахслар томонидан қўзғатилган аниқ юридик иш юзасидан процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ шаклда чиқариладиган ва ўзида давлат - ҳокимона амр

¹ Мустафоев Б. Суд қарори ижроси - адолат барқарорлиги омили // Ҳуқуқ ва бурч. 2009.№4.В. 6-9; Рузиназаров Ш. Суд қарори: унга шубҳа билан эмас, ишонч билан қарашга эришиш лозим //Халқ; сўзи, 2004 йил 15 декабрь, №257.

- иродани ифодалайдиган ҳамда ижтимоий муносабатларни индивидуал -
якка тартибда ҳал этишга қаратилган суднинг расмий қароридир”.

ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ АЙРИМ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРЛАРНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлиги(189¹-м.)нинг предметини зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли бўлимида келтирилишича, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда, бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар тушунилади. Бундай маҳсулотлар қаторига бераҳмлиқ, зўравонлик ва бошқа шу каби жисмоний куч ишлатишни ўзида ифода этувчи адабиётлар, видеофильм, магнит ва лазер дисклар, фотосуратлар, аудио ёзувлар ва бошқа ахборот ташувчи материалларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг объектив томони қуйидаги ҳаракатларда ифодаланади:

– зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш;

– зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

– зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш;

– зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш;

– зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш этиш.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар учун МЖТКнинг 189¹-моддаси бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида шундай қилмишлар қайта содир этилса, ҳуқуқбузар Жиноят кодексининг 130¹-моддаси биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш деганда, ушбу предметларни яратишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилади. Шу билан бирга, тайёрлаш, нусха кўчириш усулидан қатъий назар, зўравонлик ёки шафқатсизлик хусусиятига эга материалнинг асл нусхасидан нусха кўчириш ёки бадий, илмий ёки бошқа мазмунга эга бўлган маҳсулотларга қўшимчалар киритиш ёки қайта

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ишлаш натижасида уларни зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот хусусиятига келтиришда ҳам ифодаланади. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш усуллари турлича бўлиши мумкин (сценарий матнини ёзиш, расм чизиш, фильм яратиш, зўравонлик ёки шафқатсизлик хусусиятига эга бўлмаган предметларни қайта ишлаш, уларни зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотга айлантириш ва шу каби), бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

Қонун фақат зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаганлик учун жавобгарликни назарда тутади. Шаҳвоний ҳаракатлар содир этиш орқали зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлашда ижрочи сифатида иштирок этиш таҳлил этилаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил этмайди, чунки мазкур жиноят таркибини ташкил этувчи ҳаракат улар яратилишининг техник томонини ифода этади. Шу боис, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотнинг тайёрланишида ихтиёрий ёки зўрлик ишлатилиши натижасида иштирок этаётган шахсларнинг ҳаракатлари таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш мазкур предметларни бошқалар ихтиёрига вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун ўтказиш ёхуд ҳеч бўлмаганда битта шахс томонидан унинг мазмуни идрок қилиниши ёки англанилишида ифодаланган турли ҳаракатлар содир этилишини назарда тутади.

Тарқатилаётган материалларнинг сони ва ҳажми қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатаётган шахс ушбу предметларни тайёрлаган шахслар ёки бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш қайтармаслик (совға) ёки қайтариб бериш шarti билан ҳам (ижарага бериш ва ҳоказо) содир этилиши мумкин. Зўравонлик ёки шафқатсизлик мазмунидаги қўшиқларни хиргойи қилиш ва шеърларни ўқиш зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш деб қаралмайди. Шу билан бирга, телефон орқали ифодаланган овозли иборалар тарқатиш сифатида баҳоланмайди.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш деганда, божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яширин ҳолда ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда республика ҳудудига олиб кириш тушунилиши лозим. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деганда, уларнинг тарқатилиши учун имконият яратиш ва мазкур маҳсулотларга бошқаларнинг қизиқишини ошириш учун ноаниқ шахслар доирасини кенгайтириш мақсадида бундай мазмундаги ахборотларни ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида эълон қилиш тушунилади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш махсус реклама варақалари, жўнатма хат йўли билан, бундай мазмундаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет тармоқларига жойлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай маҳсулотларни реклама қилиш уларни эълон қилиш (улар мазмунини қўлёзма ёки нашр этилган шаклда айтиб бериш) ёхуд қўлга киритиш усулларининг ошкор қилинишида ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни интернет сайтларига ёки ушбу тармоқда очилган ўзининг шахсий анкетасига жойлаштириш ҳаракатлари зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деб баҳоланади ва бундай қилмиш Жиноят кодексининг 130¹-моддаси билан квалификация қилинади. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларни ҳар қандай шаклда ёки ҳар қандай воситалар ёрдамида бошқаларга маълум қилинишини назарда тутади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларнинг оммавий кўриш учун осиб қўйилиши, бошқалар томонидан эшитиладиган ва кўриладиган даражада қўйиб бериш кабиларда ифодаланади. Бундай маҳсулотни намойиш қилиш оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғи орқали, компьютер техникаси воситасида, электрон шаклда ёзувларни кўрсатадиган мобиль телефон аппаратлари, плакатлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш қилиш уларни тўлиғича ёки алоҳида парчаларини (фрагмент) намойиш қилишни талаб этади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг объектив томонини ташкил этадиган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан эътиборан ушбу ҳуқуқбузарлик тугалланган ҳисобланади.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Бунда айбдор зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Ҳуқуқбузарлик предметларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгилашда айбдор шахснинг бундай маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаганлигини аниқлаш шарт.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлигининг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар(191-м.)да қонунга хилоф равишда иштирок этиш - ана шу ўйинлар буюмларини,

шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш - ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Пул, буюм ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнашнинг объектив томони шахснинг ўйнашга розилик беришида, пул ёки бошқа хил қимматбаҳо нарсалар довга қўйилишида, ўйин шартлари амалий бажарилганда ўз ифодасини топади.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликнинг объектив томони, шунингдек, спорт ва бошқа томоша мусобақалари (футбол ва хоккей ўйинлари, югуриш ва ҳоказолар) ўтказилаётганда пул, буюм ва бошқа қимматбаҳо ашёлар дов сифатида қабул қилинишида (тикилишида) ҳам ифодаланади.

Ташкилий хусусиятга эга бўлган қуйидаги хатти-ҳаракатлар объектив томон таркибига киради:

- ўйин жиҳозлари билан қатнашчиларни таъминлаш;
- ўйинга кишиларнинг кенг доираларини жалб этиш (реклама қилиш, тарғиб этиш, ўйнашга розилик берган ўткинчиларни ютадиган қилиб кўрсатиш);
- ўйин учун қулай шароит яратиш (рақобатчиларни бартараф этиш, ўйин ташкилотчиларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари пайдо бўлгани ҳақида ўйновчиларни ўз вақтида огоҳлантириш ва ҳоказолар).

Кодекснинг ушбу моддаси бўйича жавобгарликнинг бошланиши шартларидан бири ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, яъни кўча, хиёбон, ўйингоҳ, истироҳат боғи, чўмилиш жойи, жамоат транспортининг барча турлари ва бошқа жамоат жойлари ҳисобланади. Лекин таъкидлаш жоизки, ушбу ҳуқуқбузарлик амалга оширилган жой (жамоат жойи ёки бошқаси бўлсин) ҳуқуқбузарликни ушбу модда билан малакалашга таъсир қилмайди.

16 ёшга тўлган, қонун олдида жавоб бера оладиган шахс ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг фақат қасдан амалга оширилиши мумкинлиги ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг субъектив томонидир. Бунда айбдор қилаётган ишининг қонунга хилоф эканини сезади ва маълум бир моддий фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ушбу ҳуқуқбузарлик содир бўлгани ҳақида ички ишлар органлари ходимлари баённома тузадилар. Унда бу қилмиш турини сифатловчи вазият таъкидланади. Бунда пул ва қимматбаҳо нарса тикиб ўйнаш хусусий шахсларнинг спорт ва бошқа мусобақаларда дов қабул қилиши билан

баравардир. Баённомалар туман (шаҳар) маъмурий судлари судьялари томонидан кўриб чиқилади (245-м).

ОБЩЕПРАВОВЫЕ ПРИНЦИПЫ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР

Принятие Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана на 2017-2021 годах позволило определить векторы развития страны на ближайшие пять лет¹. Во исполнение стратегии действий принят Закон “Об административных процедурах” который вступил в силу с 8 января 2019 г.².

В системе исходных начал реализации административных процедур в Республике Узбекистан важное место занимают принципы, которые одновременно являются одним из составляющих элементов института законодательства об административных процедурах и призваны стать нормами прямого действия и должны найти свое отражение во всей системе нормативно-правовых актов, которые регламентируют административно-правовые отношения.

Прежде всего, необходимо отметить, что правовые принципы, закрепленные в законе, в правовых нормах, пронизывают всю политико-правовую жизнь общества, социальную систему страны. Они не только характеризуют сущность права, его внутреннюю структуру, статическое состояние, но и его содержание, процесс применения права, а также отражает динамику действия права. Принципы права оказывают огромное влияние на весь процесс подготовки нормативных актов, их принятия и издания, установления гарантий соблюдения правовых требований³.

Согласно статье 5 Закона Республики Узбекистан “Об административных процедурах” основными принципами административных процедур определены законность, соразмерность, достоверность, возможность быть выслушанным, открытость, прозрачность и понятность административных процедур, приоритет прав заинтересованных лиц, недопустимость бюрократического формализма, содержательное поглощение, осуществление административного производства в “одно окно”, равноправие, защита доверия, правомерность административного усмотрения (дискреционного полномочия), исследование.

Кратко охарактеризуем самые распространенные, общеправовые принципы, оказывающие важнейшее воздействие на административные процедуры.

Принцип законности, как известно, имеет формальное и содержательное, процедурное и материальное измерения. Т.е. любые

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистана на 2017-2021 годах” от 7 февраля 2017 года.

² Закон Республики Узбекистан “Об административных процедурах” от 08.01.2018 г. № ЗРУ-457. /Национальная база данных законодательства, 9 января 2018 года, №03/18/457/0525.

³ Теория государства и права: Учебник / Х. Т. Адилкариев, И. Т. Тультеев, Н. П. Азизов и др. / Под общей редакцией проф. Х. Т. Адилкариева. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. -522 с.

действия, административные акты должны быть приняты уполномоченными на то субъектами права в установленном порядке (процедуре), в установленной форме и соответствовать законодательству по своему содержанию. Данный принцип означает необходимость соблюдения компетенции уполномоченного органа, то есть осуществления только тех административных процедур, которые в установленном порядке предусмотрены как осуществляемые этим органом, а также осуществление таких процедур в строгом соответствии с той процессуальной формой, которая предусмотрена Законом.

Принцип соразмерности в настоящее время можно отнести к одному из важнейших “сквозных” принципов, в том числе – применения административных процедур. Это – синтез принципов законности и целесообразности (разумности). Принцип соразмерности предполагает необходимость сопоставления предпринимаемых администрацией мер (по степени, объему и др.) и реально существующих обстоятельств. Он распространяется на все стадии административной процедуры, в том числе на процесс доказывания. Принцип соразмерности применяется только в тех случаях, когда законодательство допускает административное усмотрение.

Принцип достоверности. Ее значение заключается в том, что представленные участниками процедуры документы, иные сведения и материалы считаются достоверными до тех пор, пока административный орган, должностное лицо не установят иное. При наличии же обоснованных сомнений в подлинности представленных документов административный орган, должностное лицо обязаны самостоятельно и за свой счет проверять подлинность последних. Вместе с тем данная презумпция дополняется правилами об ответственности недобросовестных лиц за предоставление заведомо ложных документов (сведений, материалов).

Принцип возможности быть выслушанным, общепризнанный в мире принцип надлежащей процедуры, вытекающий из уважения к человеческому достоинству и признания важности участия заинтересованных лиц в принятии властных решений, затрагивающих их права и законные интересы. Данный принцип означает что административный орган обязан предоставить заинтересованному лицу возможность выразить свое мнение по всем обстоятельствам, имеющим значение для принятия административного акта.

Принцип открытости, прозрачности и понятности административных процедур призван реализовать в рамках этого вида деятельности Республики Узбекистан более общий принцип - прозрачность и открытость государства в целом. Элементами данного принципа являются свобода получения информации о той или иной административной процедуре, свобода получения информации о правовом статусе (включая вопросы компетенции) той или иной администрации, свобода получения информации об имеющейся практике по аналогичным делам и т.п.

Указанные общие принципы, закрепленные в указанном Законе, черпают свою основу из базовых принципов правового государства. Чем

конкретнее они будут отражены, тем выше вероятность их практического применения.

А.М.Ҳамидов*

Н.Т.Қуйсинов*

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ ВА ЮРИДИК ФАКТ СИФАТИДА

Ҳуқуқ назариясидан маълумки, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш икки кўринишга эга бўлади: индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш ва норматив тарзда ҳуқуқий тартибга солиш. Шу ўринда бир ҳолатга эътибор қаратиш зарур. Илмий адабиётларда норматив ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида олимлар ўртасида анча жиддий мунозара мавжуд. Ҳатто, ҳуқуқий тартибга солишнинг ушбу кўринишининг тушунчаси борасида ҳам яқдиллик кузатилмайди. Шу боис, бу тушунчанинг умумэътироф этилган таърифи ҳам шаклланмаган.¹

Норматив тартибга солиш қонун ва қонун ости ҳужжатларида мустаҳкамланган умумий қоидалар орқали ҳуқуқ субъектларининг хулқ-атвори тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш умуман тартибга солишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Шундай бўлса-да, индивидуал тартибга солиш - ҳуқуқ субъектларининг, инсонларнинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини яқка, бир марталик қарорлар билан тартибга солиш - ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ўзига хос ўрин эгаллайди, чунки юридик низонинг конкрет жиҳатлари ва шарт - шароитларини ҳамда ҳуқуқ субъектининг шахсий фазилатларини эътиборга олиш натижасида ижтимоий - ҳуқуқий низонинг чуқур ва тўғри хал этилиши таъминланади. Шу боис, самарали ҳуқуқий тартибга солишга эришишда ҳам норматив ва ҳам индивидуал ҳуқуқий тартибга солишни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш керакки, ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солиш муаммоси илмий адабиётда анча муаммовий масала ҳисобланади. Шу боисдан ҳам индивидуал ҳуқуқий тартибга солишнинг тушунчаси узил - кесил шаклланмаган. Шунга карамай, илмий манбаларда индивидуал ҳуқуқий тартибга солишнинг тор ва кенг маънода тушуниш анча кенг тарқалганлигини эътироф этиш мумкин.

Тор маънодаги индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш деганда қонун чиқарувчи батафсил ҳуқуқий тартибга солмаган масаланинг ҳуқуқий

* Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқуқ” кафедраси доценти, ю.ф.н.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ См.: Хорунжий С.Н. Решение суда в теории юридических фактов как основания возникновения, изменения и прекращения гражданских прав и обязанностей // Государство и право. 2008, №7,- С.39-45; Алексеев С.С. Теория права. М: БЕК, 1995. С. 34.; Рузиназаров Ш. Суд қарори: тушунчаси ва моҳияти // Хо’jalik va huquq. 2004. №10. Б. 15-18; Ершов Д.Д. Индивидуальное судебное репетирование // Правоведение. 1986. № 6. С. 10.; Красноярский С.Г. Индивидуальное правовое регулирование (Общетеоретический аспект) // Государство и право. 1993. № 7. С. 128.

муносабат иштирокчилари томонидан якка тартибда ҳал этилишини тушуниш мумкин.

Шу ўринда, бир ҳолатни таъкидлаб кетиш зарурки, индивидуал ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим хусусияти бўлиб, унинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этадиган масалаларни ҳал этиш ҳисобланади. Фарқи шундаки, бунда субъектнинг хоҳиш - иродасига боғлиқ ҳолда бу масала ҳал этилади. Шу тариқа қонун чиқарувчининг хоҳиш иродасига ҳуқуқ субъектининг хоҳиш - иродаси ҳам қўшилиб кетади, гарчи ҳуқуқ субъектининг хоҳиш-иродаси иккиламчи тусга эга бўлади.

Айни пайтда, индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш билан ҳуқуқни қўллаш ўртасида ҳам муайян фарқ мавжудлигини ҳам ёдда тўтиш зарур бўлади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш ҳужжати индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш бўла олмаганидек, ҳар қандай индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш ҳужжати - ҳуқуқни қўллаш бўла олмайди. Зотан, шундай тоифа фаолият турини индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш деймизки, қачонки, юридик аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳуқуқий муносабат иштирокчилар томонидан у ёки бу даражада ўз хоҳиш-иродаси асосида ҳал этилиши керак.

Ваҳоланки, судьялар нисбатан аниқ ҳуқуқий нормаларни қўллаш орқали бир неча вариантдаги суд қарорларини қабул қилиши мумкин бўлса, мутлоқ аниқ, императив нормаларни қўллашда эса судьялар юқорида қайд этилган имкониятдан фойдалана олмайдилар, шу тариқа бу ҳолатда уларнинг қарори индивидуал мазмунда эмас, балки намунавий тусга эга бўлади.

Шу билан бирга, илмий адабиётда бундай ёндашув узил - кесил эътироф этилмаган бўлиб, баъзан индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш хоҳиш - иродага доимо ҳам боғланмайди. Индивидуал ҳуқуқий тартибга солишни кенгрок ҳам тушуниш мумкин, бунда уни фақат хоҳиш - ирода билан боғламаслик зарурати вужудга келади.

Айни пайтда, илмий манбаларда индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш, хатто ҳуқуқ нормаси ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу турини муфассал тартибга солиб қўйган шароитда ҳам амалга оширилиши мумкин, деган ёндашув ҳам мавжуд. Бу ҳолатда норматив мазмундаги қоидалар мазмуни аниқдаштирилади, шу тариқа, якка тартибда қабул қилинган қоида ҳуқуқ нормасининг мазмунини ижтимоий муносабатнинг аниқ иштирокчисига қаратилган амр - ирода мақомига келтиради.

Суднинг мутлоқ аниқ ҳуқуқ нормасига асосланган ҳолда чиқарган қарори ўз навбатида аниқ қоидани аниқ ҳуқуқ субъектига нисбатан аниқлаштиради, шу тариқа, индивидуал ижтимоий муносабат тартибга солинади. Бу ҳолатда ижтимоий муносабатларни индивидуал тартибга солиш кенг маънода тушунилади ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суднинг ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг чинакам роли ва аҳамияти ҳамда суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги бошқа юридик воситалар - ҳуқуқ нормалари, юридик фактлар, ҳуқуқий муносабатлар, якка қоидалар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари билан ўзаро узвий алоқадорлиги якқол кўзга ташланади.

Шу ўринда, ушбу масала юзасидан хорижий илмий манбаларда айтилган фикрларга эътибор қаратиш зарур. Масалан, россиялик олима А.К.Безинанинг ёндашуви эътирофга лойиқ. Унинг ёзишича, кенг маънодаги индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш деганда ижтимоий муносабатларни норматив ҳуқуқий тартибга солиш асосида ва унда белгиланган доирадаги барча индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида амалга ошириладиган тартибга солишни тушунмоқ зарур.¹

Айни пайтда, индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш доирасида унинг икки кўринишини ажратиш мумкин: а) норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни билан тўла мос ҳолда амалга ошириладиган индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш; б) қонун асосида ва унда кўрсатилган доирада амалга ошириладиган, бироқ мазмуни тартибга солишни амалга ошираётган субъектнинг хоҳиш-иродаси билан тўлдириладиган томонидан индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш.

Суд ҳужжатлари орқали аниқ ҳуқуқий муносабат доирасида мавжуд бўлган ҳуқуқ ва мажбурият ўрнатилади.² Бунда имкон қадар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг турли жиҳатлари аниқдалади. Аслида, шартномадаги тарафларнинг биронтаси у ёки бу мажбуриятини бажармаган ёки бошқа тарафнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолда судга мурожаат этилади.

Индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш орқали ҳуқуқ нормасининг умумийлиги, мавҳумлиги йукотилмайди. Суднинг ҳуқуқни қўллаш ҳужжати умумий нормаларини аниқ вазиятга тадбиқ этиб, уни тартибга солади.

Индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида юридик фактлар ўрнатилади, ҳуқуқнинг аниқ субъектлари ва объекти белгиланади, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар аниқлаштирилади ва улар аниқ бир вақт ва маконга боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, маълум вақтда маълум жойга муайян маҳсулотларни етказиб бериш. Айни пайтда шуни назарда тўтиш керакки, суд ҳужжатида ифодаланган хатти-ҳаракат варианты ҳуқуқ субъектларининг бўлиши мумкин бўлган ёки зарур бўлган, бироқ амалдаги эмас, балки бўлиши керак ёки мумкин бўлган вариант ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларни индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатидаги суд ҳужжати ҳаракати асосан процессуал ҳуқуқда таҳлил этилган бўлиб, улар асосан икки нуқтаи - назарга асосланишади:

Биринчисига кўра, суд ҳужжати - бу томонларга ва бошқа барча шахсларга ҳамда давлат органларига қаратилган суд амри;

Иккинчисига кўра, суд ҳужжати бу — ўзида амр - иродани ифода этмайдиган қарор бўлиб, у фақат ҳуқуқий муносабат бор - йуқлигини, демакки, бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқнинг бор - йуқлигини тасдиқлайди, холос.³ Айни пайтда бу қарашларнинг бир ёқлама бўлиб

¹ Ражабова М.А. Хукм: унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлаш шартлари // Ҳаёт ва қонун. 2003,4, Б. 9-1.; Безна А.К Судебная практика в механизме правового регулирования трудовых отношений. — Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1989. (- 183 с) С. 26-27.; Красноярский С.Г. Индивидуальное правовое регулирование (Общетеоретический аспект) // Государство и право. 1993. № 7. С. 128.

² Хорунжий С.Н. Решение суда в теории юридических фактов как основания возникновения, изменения и прекращения гражданских прав и обязанностей // Государство и право. 2008, №7, - С.39—45.

³ Хорунжий С.Н. Решение суда в теории юридических фактов как основания возникновения, изменения и

қолганлигини таъкидлаш зарур. Чунки, ҳар қандай суд қарори ҳам ўзида маълум бир амрни ифода этмаса, унинг бажарилиши мавҳум бўлиб қолади.

Суднинг чиқарган қарори ижтимоий муносабатларни индивидуал ҳал этиш воситаси сифатида амалда қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳаракат қила бошлайди ва барқарорлик касб этади. Қонуний кучга кирган суд қарори айнан ўша пайтдан бошлаб индивидуал мажбурийлик, мазмуннинг аниқлиги, реал мажбурийлиги каби хусусиятлари намоён бўлади ҳамда аниқ шахслар ва ташкилотлар хатти-ҳаракатига таъсир эта бошлайди.

Суд ҳужжатида даъвогарнинг барча талабларига батафсил жавоб бўлиши керак. Унда даъвогарнинг талаблари, жавобгарнинг қарши талаблари ва учинчи шахсларнинг мустақил талаблари масаласига аниқлик киритиши керак. Маъмурий органлар хатти-ҳаракати юзасидан қилинган шикоятлар буйича ишларни ҳал этишда суднинг қарорида шикоят берган тарафнинг шикоятига батафсил жавоб берилган бўлиши керак.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг чинакам тутган ўрни ва вазифаларини аниқлаш индивидуал ҳуқуқий тартибга солишни тор маънода, яъни суднинг хоҳиши — иродаси билан боғлиқ ҳолда тушунишда самарали бўлиши мумкин.

Индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатидаги суд ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳаракати юридик фактларни ўрнатишда, аниқ ҳуқуқий муносабат субъектларини ва ушбу муносабатнинг бошқа элементлари бўлган - ҳуқуқий муносабат объекти, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда сон ва сифат жиҳатларини белгилашда намоён бўлади.

Индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатидаги суд ҳужжатининг функцияси ҳақида гап кетганда унинг вазифаларини белгилаш аҳамиятга эга:

1. Ҳуқуқий муносабатлар ривожининг альтернатив ва қўшимча вариантларини ўрнатиш;
2. Ҳуқуқ нормасини ва тегишли баҳоловчи (кўп микдорда, енгил шикаст) тушунчани аниқлаштириш;
3. “Бушликни” бартараф этиш.

Биринчи инстанция судида ишларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган суд қарорининг процессуал оқибатлари шунда кўринадики, айнан суд қарори процессуал муносабатларни тугатади. Зотан, суд қарори билан пайдо бўлган ҳуқуқий низо ҳал этилади. Шу билан бирга суд қарори янги процессуал муносабатлар, жумладан, назорат тартибида суд қарори устидан шикоят қилиш, протест киритиш ҳамда ижро этиш юзасидан янги процессуал муносабатларнинг пайдо бўлишига замин бўлиб хизмат қилади.

Процессуал ҳуқуқ соҳасида юридик факт сифатида амал қиладиган суд ҳужжати ҳаракати, ўз навбатида, суд ҳужжатининг индивидуал ҳуқуқий тартибга солиш ҳужжати сифатида ҳаракат қилишини таъминлайди. Суд ҳужжати юридик факт сифатида ҳаракат қилар экан, у ўз навбатида процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу

муносабат суд ҳужжатида ифодаланган қонидани бажариш ва ижро этиш мажбуриятини ўзида ифода этади.

Таъкидлаш зарурки, суд ҳужжатини юридик факт сифатида эътироф этиш масаласида илмий адабиётларда жиддий мунозара мавжуд. Мунозара иштирокчилари қарашларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Суд ҳужжатини юридик факт сифатида эътироф этадиган қарашлар;
2. Суд ҳужжатини юридик факт сифатида эътироф этмайдиган қарашлар.

Биринчи нуқтаи - назарга кўра, барча ҳуқуқ қўллаш ҳужжатлари моддий ҳуқуқ соҳасидаги юридик фактлар сирасига киради. (И.Я.Дюрягин, П.Е.Недбайло ва б). Дарҳақиқат суд ҳужжати масалан, ҳукм ёки аниқ иш юзасидан суд қарори ҳуқуқий муносабат бор ёки йўқлигини кўрсатибгина қолмасдан, айти пайтда, ҳуқуқий муносабат пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ қарашларга кўра суд ҳужжати моддий ҳуқуқ соҳасида юридик факт сифатида бўла олмайди. Суд ўз қарори билан даъвогарда судгача мавжуд бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиши мумкин, бироқ, у субъектив ҳуқуқни ўзгартириши ва барҳам топтириши мумкин эмас. Суд, ҳатто ҳуқуқий муносабатни ўзгартирган ёки барҳам топтирган ҳолатда ҳам, даъвогарда бу ҳуқуқий муносабатни ўзгартириш ва барҳам топтириш ҳуқуқи қонун асосида ва амалда судгача ҳам бўлган, кейин ҳам бўлаверади, бунинг судга алоқаси йўқ, деб таъкидлашади.

Шу тариқа, суд ҳужжатлари, муайян низоларни ҳал этиш, муайян ҳуқуқ бор ёки йўқлигини эътироф этиш орқали ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига, ўзгаришига ва барҳам топишига таъсир этади.

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИНГ СУДЛОВГА ТААЛУҚЛИЛИГИ ЮЗАСИДАН СУД АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий судларни ташкил этишнинг назарда тутилиши ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судда ишларни кўриш ва ҳал этишнинг сифатини ошириш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни назарда тутди. Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши билан боғлиқ конституциявий норманинг амалга оширилишини ҳам таъминлайди. Маълумки, ихтисослашган судлар судга тааллуқли ишларни ўз вақтида, сифатли кўриш ва ҳал этиш, одил судловнинг самарадорлигини оширишдаги муҳим омиллардан биридир.

“Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва 2017 йилнинг 13 апрелида матбуотда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини 2017 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш назарда тутилди¹. 2017 йил 1 июлдан бошлаб маъмурий судлар мамлакатимизда фаолият юрита бошлади. 2018 йилнинг 25 январида маъмурий судларда иш юритиш тартибини белгилаб берувчи “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекси қабул қилинди. Ушбу кодекснинг қабул қилиниши билан маъмурий судлар фаолиятини юритиш бир мунча такомиллаштирилди.

Маъмурий судлар судловига тааллуқлилиқ ва тегишлилик муносабатларининг қонун-ҳужжатлари асосида аниқ белгиланиши маъмурий

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Мамасадиков М. М. // Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида // <http://constitution.uz>

ишларнинг ўз навбатида суд томонидан ҳал этилишига, фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчиликларини олдини олишга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қайси судга мурожаат қилиши мумкинлигини англашда ёрдам беради.

Судда маъмурий ишларни юритишнинг фуқаролик процессидан ажратиб турадиган муҳим жиҳати - унда бир тарафда албатта мансабдор шахс (давлат бошқаруви органи) қатнашишидир. Фуқаролик-процессуал муносабатларда эса ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи фуқаролар-мулкдорлар иштирок этиши мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар хусусий шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаётган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади. Бир сўз билан айтганда, маъмурий суд ишларини юритиш ўзида бир тарафда фуқаро, иккинчи тарафда эса мансабдор шахс (ижро ҳокимияти органи) ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус процессуал тартибини белгилайди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши билан ушбу муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди ва умумлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда қандай ишларнинг маъмурий судга тааллуқлилиги ва тегишлилиги аниқ қилиб кўрсатилган бўлиб, бундай қоидала кодекснинг 5 бобида ўз аксини топган. Кодекснинг 26-моддасида судга тааллуқли ишларга таъриф берилади, унга кўра маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно¹. Шунингдек, Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкинлиги қўшимча қилинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий суд ўзига тааллуқли ишларни фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозимлиги қоидаси мавжуд. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 26-модда. 2018 й. <https://lex.uz/docs/3527353>

Хўш маъмурий судлар томонидан қандай ишлар ҳал этилиши лозим, Суд (27-модда):

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади¹.

Маъмурий судларга асосан мурожаат қилинадиган ариза ва шикоятларни кўриб чиқадиган бўлсак, туман (шаҳар) маъмурий судларига туман (шаҳар) ҳокимлигининг хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва қарорлари устидан келтириладиган ариза ва шикоятлар, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими мансабдор шахс хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги устидан келтириладиган ариза ва шикоятлар, мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимининг давлат ижрочиси хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва қарорлари устидан келтириладиган ариза ва шикоятлар, фуқаролик ҳолат далолатномаларини ёзиш туман (шаҳар) бўлими мудирининг хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва қарорлари устидан келтириладиган ариза ва шикоятлар ва бошқа бир қатор маъмурий органларнинг ва уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва қарорлари устидан келтириладиган ариза ва шикоятларни, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи нотариусларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги юзасидан келтириладиган ариза ва шикоятларни кўришимиз мумкин.

Ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилмаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига эмас, балки фуқаролик суди судловига тааллуқли ҳисобланади. Бунга мисол қилиб ушбу ҳолатни кўрсатиш мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 27-модда. 2018й <https://lex.uz/docs/3527353>

Вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғи билан фуқаро М.А. ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишган.

Шу сабабли М.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини қонунга мувофиқ эмас, деб топишни ва вилоят ИИБ бошлиғи зиммасига 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги қарори 3-банди ўн иккинчи хатбошисида агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги тўғрисида тушунтириш берилган¹. Пленум қарорлари ҳам маъмурий процессуал қоидаларга нисбатан тушунтиришлар бериши ва улар қонун ҳужжатлар ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 1-бандига асосан, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади². Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, аризачининг талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

Бундан ташқари, 2018 йил 8 январда ЎРҚ-457-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу ҳужжат ҳам маъмурий ишларни кўриш тартибларини белгилаб беради. Жумладан, Қонуннинг 20-моддасида маъмурий ишларнинг таллуқлилиги таъриф бериб ўтилади. Маъмурий органлар маъмурий иш юритишни қонун ҳужжатларида ўз ваколатига киритилган масалалар юзасидан амалга оширади. Маъмурий ишларнинг тааллуқлилиги тўғрисидаги низолар маъмурий органлар учун юқори турувчи ҳисобланган орган ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳал этилади³.

Демак, суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига

¹ <https://www.lex.uz>

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 108-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

³ Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz>

киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади. Маъмурий судларда ишларнинг кўрилиши бўйича тегишлилик ва таллуқлилик қоидаларини белгилаб беручи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек кодекс нормаларидан келиб чиққан ҳолда Олий суд томонидан қабул қилинган Пленум қарорларини бошқа қонун ҳужжатларини киритиш мумкин.

Суд ишлари юритилар экан ҳар қандай суд ишининг судловга таллуқлилик қоидалари билан бирга тегишлилик қоидалари ҳам ўз аҳамиятига эга. Маъмурий судларда қандай турдаги низолар ва ишларни кўриш тартибидан ташқари судловга тегишлилик тушунчаси ҳам мавжуд. Судловга тегишлилик тушунчасига аниқлик киритишда қайси турдаги судда ишларнинг кўрилиши ва қаерда кўрилиши масалаларига эътибор қаратилади, яъни туман ҳудудидаги судларда ёки шаҳар миқёсидагими ва ёки вилоят маъмурий судлари томонидан кўрилиши лозимлигини белгилайди.

МСИЮТКнинг 5-боби иккинчи параграфида маъмурий ишлар бўйича судловга тегишлилик қоидалари ўз аксини топган. Судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари қуйидагилардан иборат (МСИЮТК 32-модда): Фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади¹.

28-моддага асосан маъмурий ишларнинг судловга тегишлилик қоидасига кўра, судга тааллуқли ишлар туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан кўрилади, бундан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар мустасно деган қоида белгиланган². Шунингдек, 29-моддада тегишлилик қоидасига янада аниқлик киритилади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди судловига тегишли ишларга урғу берилади: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди биринчи инстанция суди сифатида давлат сирини билан боғлиқ бўлган ишларни кўради. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни туман (шаҳар) судидан олиб кўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли³.

Судловга таллуқлилик ва тегишлилик тушунчаларига нисбатан кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ўз фикрларини билдиришган. Профессор Шершеневич Г. Ф.нинг фикрига кўра, маъмурий ишларнинг судловга тегишлилик

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, 32-модда. 2018 й. <https://lex.uz/docs/3527353>

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, 28-модда. 2018 й. <https://lex.uz/docs/3527353>

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, 29-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

предмети тушунчаси, бир суднинг ишига таллуқли ишлар бошқа судлар билан таққослаганда судлар тузили жиҳатидан фарқ қилмасида вазифасини амалга ошириш жиҳатидан фарқ қилиши принципига асосланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Олий суднинг ваколатлари округ, туман, шаҳар, арбитраж судлариники билан бир хил эмас ва бир хил вазифани бажариши ҳам мумкин эмас¹.

Маъмурий ишларнинг Олий суд ва харбий судлар судловига тегишлилиги ҳам алоҳида моддалар асосида белгилаб қўйилган:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида қуйидаги маъмурий ишларни тегишлилик қоидаси бўйича кўриб чиқади (МСИЮТК 30-модда):

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади².

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонун билан ўз ваколатларига киритилган бошқа ишларни ҳам биринчи инстанция суди сифатида кўриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларга қараб, ҳар қандай ишни исталган маъмурий суддан олиб қўйишга ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан ҳал қилув қарори, қарор бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишни биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритувига қабул қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси харбий судлари эса қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга³.

Маъмурий ишларнинг харбий судлар судловига тегишлилиги нормасининг мавжудлиги ўз навбатида бир томондан харбий хизматчиларнинг кўшимча ҳуқуқий кафолатлари оперативлигини тамъминлаш нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларнинг тегишлилик критериялари асосида қонуний тартибга солиш имкониятини яратса, бошқа томондан, суд ваколатига кирувчи ишларни амалга оширишда тегишлилик бўйича минимал талабларнинг амал қилинмаслиги билан адолатли судни амалга оширишда қийинчиликлар туғдириши мумкин⁴.

¹ Терехова Л. А. Исправление судебных ошибок как компонент судебной защиты. – Омск, 2006. – С. 182.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 30-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 31-модда. 2018й <https://lex.uz>

⁴ Любимова Е. В. “Критерии подведомственности и подсудности в кодексе административного судопроизводства РФ”, Вестник омского университета. Серия “право”. 2015. № 3 (44). С. 221–225.

Юқорида қайд этилаганлардан ташқари аризачининг хоҳишига ёки танловига кўра ҳам судловга тегишлилик белгиланиши мумкин, яъни - турли ерларда жойлашган бир нечта жавобгарга нисбатан ариза (шикоят) аризачининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган ердаги судга тақдим этилиши мумкин.

Тегишлилик қоидасининг бир қисми сифатида маъмурий ишларни кўришда судлар ишни бир суддан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб кодекс бунга аниқлик киритилади. Суд томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя этилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа маъмурий суднинг судловига тегишли бўлиб қолса ҳам, илгариги суд томонидан мазмунан кўрилиши керак. Ишни бир маъмурий суддан бошқа маъмурий судга ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: (МСИЮТК 34-модда):

Суд ишни қуйидаги ҳолларда бошқа маъмурий судга ўтказди, агар:

1) иш судловга тегишлилик қоидасини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш вақтида маълум бўлса;

2) бир ёки бир нечта судья рад қилинганидан кейин уларни мазкур судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда¹.

Ишни кўриш бошқа маъмурий судга ўтказилганда, иш бошқа судга тўғрисида ажрим чиқарилиши билан расмийлаштирилади. Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун белгиланган процессуал тартибларга амал қилган ҳолда қабул қилиб олиниши керак.

Маъмурий судлар ўртасида судловга тегишлилик бўйича низолар юзага келиши мумкин. Маъмурий судларнинг судловга тегишлилик юзасидан муоммолар асосан ҳудудларнинг чегаралари ўзгарганида юзага келиши мумкин, яъни бирор-бир вилоят, туман, шаҳарларнинг ҳудудларига ўзгартиришлар киритилганида. Бунга мисол қилиб Самарқанд шаҳар ҳудуди ўзгартирилиб, Самарқанд туманининг “Қорасув” маҳалласи Самарқанд шаҳар ҳудудига кўшилган бўлиб ушбу ҳолатда “Қорасув” маҳалласида юзага келадиган оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган муносабатлар юзасидан ариза ва шикоятлар бўйича Самарқанд шаҳар маъмурий судига мурожаат қилиниши лозим бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ҳамда ушбу кодекс нормаларига шарҳ сифатида Олий суд Пленумининг қарорлари, шу жумладан Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарор билан янада аниқлик киритиб ўтилган ва бу пленум қарори амалиётда судловга тегишлилик ва таллуқлилик бўйича тушунмовчиликлар юзага келишини олдини олишга қаратилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 34-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

Мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш зарурати таллуқлилик ва тегишлилик қоидаларига амал қилинишини иобатга олган ҳолда қуйидаги омиллар билан ҳам белгиланган эди:

- ❖ жиноят қонунчилиги тобора либераллаштирилиб, айрим қонунбузарлик учун белгиланадиган жазо чоралари босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилиши;
- ❖ судларда кўрилаётган фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг кўпчиликини ташкил этиши;
- ❖ фуқароларнинг давлат бошқарувида оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш заруратлари.

Хулоса қилиш мумкинки, маъмурий ишларнинг судловга таллуқлилик қоидаларига амал қилиниши муҳим бўлиши билан бирга, судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилиш ҳам талаб этиладиган маъмурий процессуал нормалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ишларнинг судда кўрилиши бўйича тегишлилик қоидалари маъмурий низоларни кўришда судлар қандай турдаи маъмурий низларни кўриш ваколатига эга эканлиги бўйича белгиланади. Бунда албатта шикоят ёки ариза беришни истаётган шахснинг турар жойи ва ариза кимга нисбатан берилаётганлигига оид ҳудудий тамойиллар ҳам инобатга олинади. Маъмурий судловга тегишлилик қоидалари Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс нормалари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ҳуқуқ ҳақидаги низолар муайян ваколатларга эга бўлган бошқа органлар томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг нотариал шакли мавжуд. Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари меҳнат низолари комиссияси томонидан ҳимоя қилиниши мумкин. Айрим ҳуқуқий масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши ва бошқа жамоавий тартибда ҳам ҳал қилиниши мумкин.

Судга тааллуқли ишлар деганда судлар томонидан кўрилиб, мазмунан ҳал этиладиган ишларни тушуниш лозим. Суд ҳар бир ҳолатда муайян ишни ўз иш юритувига қабул қилиш жараёнида мазкур иш суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини, ушбу ишни кўриш бошқа орган ваколатига тегишли ёки тегишли эмаслигини текшириши шарт. Шундай қилиб, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни судга тааллуқли эканлигини аниқлаш бу ишларнинг қайси тоифаси амалдаги қонунчиликка биноан муайян судда ишларни юритиш тартибида кўриб чиқилишига тегишли эканлигини белгилаш демакдир. Ишларнинг тааллуқлилиги иш юритувига ушбу ишлар келиб тушган суд томонидан аниқланади¹.

Муайян ишни айнан қайси органга тааллуқлилигини тўғри аниқлаб олиш фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний

¹ Сабиров Э. К. “Судлар фаолиятида тааллуқлилик институти, тааллуқлиликнинг ҳуқуқий табиати ва турлари” // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. // Мақолалар тўплами. // Т.: 2019й. Б - 133.

манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Тааллуқлилик соҳасидаги айрим ҳатолар фуқаролар томонидан ортиқча вақт ва маблағ сарфланишига сабаб бўлиб, фуқаролар юридик шасхларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларига путур етказиши мумкин. Шу боис тааллуқлилик қоидаларини аниқ белгилаб олиш, ишларни органлар ўртасида аниқ тақсимланишини таъминлаш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Бир бирига боғлиқ бўлган бир нечта талабларни ўз ичига олган, яъни баъзилари судда, баъзилари эса бошқа ваколатли органга тааллуқли низолар, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, барча талаблар судда кўриб чиқирилиши керак.

Маъмурий суд ишлари юритувчи бўйича қонун ҳужжатларининг охириги йилларда қабул қилинганлиги, маъмурий судларнинг ҳам алоҳида суд сифатида яқин йилларда ташкил этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки маъмурий суд ишлари юритуви соҳасида ҳуқуқшуносларнинг томонидан етарлича ёритилаган.

Демак, тааллуқлилик - у ёки бу ишни қонун ҳужжатлари билан иш юритувига қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколати берилган муайян органга тегишлилигини белгиловчи хусусиятдан иборат. Ҳуқуқ тўғрисидаги низони вужудга келиши ва ривожланишидаги ҳуқуқий муносабатлар, манфаатдор шахсларнинг характеристикаси тааллуқлиликни аниқлашдаги ҳуқуқий мазмун-моҳиятни ташкил қилади. Тааллуқлилик ёрдамида судларнинг у ёки бу тоифадаги ишлар юзасидан одил судловни амалга оширишга оид ваколати белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 1 июль кунидан сўнг маъмурий ва иқтисодий судлар ташкил этилганидан сўнг қандай ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва маъмурий судларга тааллуқлилиги борасида аниқликлар киритиш биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлди.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритувчи соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди ва жойларда маъмурий судлар ўз фаолиятини бошлади.

Шу вақтга қадар давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар фуқаролик ишлари бўйича ва ҳўжалик судлари томонидан кўриб чиқилар эди, эндиликда эса ушбу тоифадаги ишларни кўриш маъмурий судлар томонидан амалга оширила бошланди.

Маъмурий судлар томонидан кўриладиган оммавий-ҳуқуқий муносаблардан келиб чиқадиган низолар – бу бир томондан фуқаролар ва юридик шахслар бўлса, иккинчи томондан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги ҳуқуқий низолардир. Бунда ҳар бир шахс бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда улар чиқарган қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

Ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар чақирув комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

2018 йил 1 апрелдан бошлаб янги, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларни юритиш тўғрисидаги кодексининг амалга жорий этилиши билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўйқланадиган манфаатларига зид келадиган давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жихатдан таъминланди.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Маъмурий орган бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, кўмиталар, марказлар, инспекциялар ва уларнинг ҳудудий органлари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддаси биринчи қисмига мувофиқ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари) ва маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа органлардир.

Мансабдор шахс бу – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 5-бандига кўра, маъмурий орган қарори бу – маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегия тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда,

судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

Маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорига асосан, давлат ижрочисининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан МСИЮтКнинг 23-бобида назарда тутилган тартибда шикоят қилинади, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича чиқарилган қарорлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86¹-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган иқтисодий судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкинлиги, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда давлат ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилиши назарда тутилган.

Яъни агар давлат ижрочиси ижро иши юзасидан қарорни иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши бўйича чиқарган бўлиб, у юзасидан низо келиб чиқса ариза иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади. Агарда давлат ижрочиси ижро иши юзасидан қарорни жиноят, маъмурий, фуқаролик суд томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши бўйича чиқарган бўлиб, у юзасидан низо келиб чиқса ариза иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади. Давлат ижрочисининг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар эса, у хоҳ иқтисодий хоҳ бошқа суд томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши бўлишидан қатий назар маъмурий судлар томонидан ҳал этилади.

Мажбурий ижро бюрolari маъмурий орган ҳисобланиши ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 86¹-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларини бирхиллаштириш мақсадида ушбу Қонуннинг 86¹-моддаси биринчи қисмини “давлат ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган

кундан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги маъмурий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади” – деб ўзгартириш, иккинчи қисмини эса чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА АРИЗА (ШИКОЯТ)НИ ҚАЙТАРИШ АСОСЛАРИ

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс талабларига асосан маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно. Қонун билан маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Мазкур Кодекста ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланган.

Маъмурий судларда иш кўзғатишга фуқаролар ва юридик шахслар, уларнинг манфаатларида прокурор, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг мурожаати асос бўлади. Ариза (шикоят) судга ёзма шаклда берилади. У аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекста маъмурий судга мурожаат қилиш учун ариза(шикоят)га қўйилган талаблар ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати белгилаб қўйилган. Ариза (шикоят) белгиланган шакл ва мазмунда ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда судья томонидан аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва кўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Судья ариза(шикоят)ни иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда унинг белгиланган талабга жавоб беришини, судловга тааллуқлилиги ва тегишлилигини, ариза имзоланганлигини, агар вакил томонидан имзоланган бўлса, ишончнома илова қилинганлигини, суд харажатлари ва давлат божи тўланганлигини, ариза(шикоят) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тарафларга юборилганлигини текширади.

Судья томонидан якка тартибда ариза(шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш, аризани (шикоят)ни қабул қилишни рад этиш, аризани (шикоятни) қайтариш тўғрисидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширилади.

Аризани (шикоят)ни қабул қилиш ва иш кўзғатиш маълум бир ҳуқуқий оқибатлар олиб келиб, судья ва тарафларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди. Бу маъмурий иш юритишнинг кейинги процессуал ҳаракатларини амалга ошириш яъни ишни суд муҳокамасига

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

тайёрлаш жараёнига киришилганлигини англатади. Маъмурий ишни суд муҳокамасига тайёрлашда далилларни талаб қилиш, дастлабки ҳимоя чораларини кўриш, манфаатдор шахсларни жалб қилиш, экспертиза тайинлаш масаласини ҳал қилиш, ариза(шикоят) юзасидан ёзма фикр ва эътирозларни тақдим қилиш каби муҳим ҳаракатлар бажарилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 134-моддасига асосан, судья аризани (шикоятни) ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради, агар:

1) аризанинг (шикоятнинг) ушбу Кодекснинг 128-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга тааллуқли бўлса;

3) ариза (шикоят) имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

4) иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;

5) жавобгар ва учинчи шахсларга аризанинг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

6) давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ҳамда миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

7) битта аризада (шикоятда) бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан ўзаро боғланмаган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса;

8) аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар аризани (шикоятни) қайтариб олиш тўғрисида аризачидан ариза келиб тушган бўлса¹.

Аризани(шикоятни) қайтариш деганда, суд томонидан уни иш юритишга қабул қилмасдан ва уни мазмунан кўрмасдан ариза(шикоят) берилган шахсга қайтарилиши тушунилади. Ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилиш ҳар доим ҳам уни кўриб чиқиш мажбурийлигини англатмайди. Агар судга мурожаат қилишда қатъий белгиланган процессуал қоидаларга риоя қилинмаса, ариза(шикоят) қайтарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги 15-сонли қарорининг 10-бандига кўра, МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аризани(шикоятни) қайтариш асослари рўйхати кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмайди.

¹Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 128-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

Шу ўринда прокурорнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқига тўхталадиган бўлсак, маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 41-моддаси биринчи қисмида, прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Демак, прокурор томонидан юқорида қайд этилган шахслар манфаатида киритилган аризалар, агарда аризанинг шакли ва мазмунига, судга тааллуқлилиқ ва тегишлилик қоидаларига риоя этилган ҳолда берилган бўлса, суднинг иш юритувига қабул қилинади¹. Ушбу қонун моддасида “прокурор” атамасида туман (шаҳар) прокурорларидан то Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроригача бўлган мансабдор шахслар тушунилади. Бундан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судларига тегишли бўлган ишлар бўйича аризаларни туман (шаҳар) ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳам бериш ҳуқуқига эгами деган ўринли савол туғилади.

Ушбу савол, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 46-моддасида ўз ечимини топган. Жумладан, прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ариза туман (шаҳар) маъмурий судларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судига эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тақдим этилиши, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий судларига ариза тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланган². Демак ушбу Кодекс талабларига кўра, туман (шаҳар) прокурорлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судига ёки Олий судга ариза бериш ҳуқуқига эга эмас.

Бугунги кунда, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 134-моддаси 3-бандига асосан туман (шаҳар) прокурорлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судларига ариза(шикоят) берилган тақдирда улар судлар томонидан қайтарилади.

Бироқ, ушбу Кодекснинг 134-моддаси 3-банди судья, агар ариза (шикоят) имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса аризани қайтариши назарда тутилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисидаги қонуни, 41-модда. 2001 й. <https://lex.uz>

²Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, 46-модда. 2018 й. <https://lex.uz>

Бизнинг фикримизча, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 134-моддасини “ариза(шикоят) қонун бўйича тегишли судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан берилган бўлса” – жумласи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу кўшимчани киритиш орқали прокурор, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг ариза(шикоят) бериш ваколати доирасидан четга чиқиб берилган аризаларини судлар томонидан асосли равишда қайтаришини ҳамда мавжуд ноаниқликларнинг бартараф қилинишини белгилайди.

Шунингдек, илмий адабиётларда, Россия ва Украина каби хорижий мамлакатларнинг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги норматив ҳужжатларида ариза(шикоят)ни қайтариш институти мавжуд бўлиб, деярли қайтариш асослари жуда ўхшаш. Лекин ариза (шикоят)ни қайтариш асослари аниқланса, судья аризачига мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун имконият беради. Ариза (шикоят) кодекс талабларига жавоб бермаса, судья камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш учун етарлича вақт ажратади. Белгиланган камчиликларни бартараф қилиш учун қанча вақт ажратилиши судьяга хавола қилинган. Судья томонидан албатта ариза(шикоят)ни ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Аризачи, судья томонидан ариза(шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги тўғрисидаги ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли тартибда хабардор қилинади. Агарда суд томонидан кўрсатилган камчиликлар белгиланган вақтда аризачи томонидан бартараф қилинмаса, ариза(шикоят) судга берилмаган деб ҳисобланади. Судья томонидан ариза(шикоят)ни қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилиб, барча ҳужжатлар билан аризачига алоқа воситалари орқали юборилади. Аризачи томонидан тўланган давлат божи масаласи ҳам аризадаги камчиликлар бартараф қилингунга қадар муҳокама қилинмайди¹.

Бизнинг фикримизча, ушбу процедурани Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодексга ҳам киритиш мумкин бўлади. Сабаби аризачи томонидан тақдим қилинган ариза(шикоят)да қайтариш асослари аниқланган ҳолда уни тезлик билан бартараф қилишга имконият яратилади.

Масалан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси 134-моддасида кўрсатилган ҳолатларда жавобгар ва учинчи шахсларга ариза(шикоят)нинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, аризачи томонидан белгиланган тартиб ва муддатда давлат божи тўланмаган тақдирда, аризани (шикоят)ни қайтармасдан туриб, аризачи томонидан ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун имконият яратилади.

¹ В.В.Ярков Административное судопроизводство (Учебник для студентов высших учебных заведений) 2016 г. стр 165.

Шунингдек, аризани (шикоят)ни қайтаришнинг бошқа асосларига ҳам мавжуд камчиликни бартараф қилиш учун маълум вақт ажратишни қўллаш мумкин бўлади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАР ЮЗАСИДАН ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳ этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири - инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Бугунги тезкор замон талаблари, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ҳаммимизга маълумки ҳар бир қонунга хилоф хатти-ҳақарат учун ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жавобгарлик мавдуд бўлиб, ушбу қонунлар жамиятдаги фуқароларни уларга риоя қилиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Судлар томонидан муайян ишни мазмунан кўриб чиқиб, яқуний хулосага келишдан олдин иш ҳужжатларидаги барча далилларни синчковлик билан текшириб уларга ҳуқуқий баҳо беради, ҳақиқатни аниқлашга оид барча чораларни кўради, ички ишончига таянади, лекин айрим ҳолларда муайян иш юзасидан адолатли ва холисона қарор қабул қилишда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, яъни - гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимоннинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Айнан гувоҳнинг кўрсатмаси, экспертнинг хулосаси, мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) ва таржимоннинг таржимаси муайян иш юзасидан яқуний қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунинг замирида эса инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, келгусидаги ҳаёт йўли ва тақдири ётади. Шу аснода гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг дастлабки суриштирув, тергов ҳамда суд жараёни босқичларидаги иштироки давомида берадиган кўрсатмаси, хулосаси, маслаҳати ёки таржимаси ишнинг ҳақиқий

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

* Бухоро вилоят маъмурий судининг судья катта ёрдамчиси.

ҳолатларига тўғри келиши талаб этилади, акс ҳолда уларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддасининг 1-қисмига кўра, ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш – уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 66-моддасида, гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасида, била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик, учун гувоҳ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасига мувофиқ жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 54-моддасида - гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 51-моддасига кўра, гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгар бўлади, суд томонидан бу ҳақда огоҳлантирилиб, тилхат олинади.

Дастлабки суруштирув жараёнида ва судда иш кўриш жараёнида гувоҳнинг ёлғон кўрсатма бериши Жиноят кодекси 238-моддасининг 1-қисми билан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради, ёлғон гувоҳлик бериш жиноят иши бўйича айбдорга фойдали ёки қарши бўлишидан, шунингдек, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича даъвогар ёки жавобгар фойдасига ёки унга қарши бўлишидан қатъи назар жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики жиноят иши, фуқаролик иши ва иқтисодий ишлар бўйича гувоҳнинг ёлғон кўрсатма бериши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддасининг 1-қисмига кўра жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимоннинг ёлғон кўрсатма бериши жиноий жавобгарликка сабаб бўладими? Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 298-моддасига кўра, гувоҳ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахсининг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт. Ушбу норма

мазмунидан келиб чиқилса гувоҳга таъриф берилган холос, гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида аниқ бир таъриф йўқ.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўришда гувоҳнинг кўрсатмаси ҳақиқатни аниқлашда инобатга олиниши мумкин бўлган омиллардан бири сифатида баҳоланадиган бўлса, шунингдек ёлғон гувоҳлик бериш – субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилишини инобатга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани киритишни лозим деб ҳисоблайман.

Бу борада қўшни давлатларнинг қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 17.9-моддасида, гувоҳнинг била туриб, ёлғон кўрсатув бериши, мутахассиснинг била туриб нотўғри тушунтириш бериши, экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши ёки била туриб нотўғри таржима қилиш 1.000 рублдан 1.500 рублгача миқдорда жарима солиш назарда тутилган¹.

Қозоғистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 659-моддасида, гувоҳ ва жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатув бериши, экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши ёки била туриб нотўғри таржима қилиш жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, мансабдор шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима солиш назарда тутилган. Ушбу модданинг 2-қисмида - эксперт томонидан ўша ҳаракатлар тиббиёт соҳасида экспертиза ўтказиш жараёнида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса - жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида, мансабдор шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима солиш назарда тутилган².

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини синчковлик билан таҳлил қилган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга миллий қонунчилигимиз ҳамда кадриятларимизга, шунингдек менталитетимизга тўғри келадиган ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани киритиш лозим деб ҳисоблайман. Чунки ушбу норманинг киритилиши маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар юзасидан кўрсатма бераётган гувоҳ биринчи навбатда жавобгарликни ҳис этади, ёлғон кўрсатма берган тақдирда оқибатини ўйлайди ва судни чалғитиш фикридан кўра, кўпроқ ҳақиқатни сўзлашни ўйлайди, бу эса ўз навбатида судларга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга аниқлик киритиш, ҳақиқатни аниқлаш учун замин яратади, яқунда эса иш юзасидан адолатли ва ҳолисона қарор қабул қилинишига асос бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан – хорижий мамлакатлар қонунчилигини синчковлик билан таҳлил қилиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга миллий қонунчилигимиз ҳамда кадриятларимизга, шунингдек менталитетимизга

¹ www.consultant.ru

² kodeksy.kz.com

тўғри келадиган гувоҳнинг била туриб, ёлғон гувоҳлик берганлиги, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, мутахассиснинг била туриб ёлғон тушунтириш берганлиги ва таржимоннинг нотўғри таржима қилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи нормани киритиш лозим.

Иккинчидан – ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норманинг 1-қисми ёлғон гувоҳлик берганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутса, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланганидан кейин 1 йил давомида такроран содир этилса жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 2-қисмни, гувоҳ ўзининг ёлғон кўрсатма берганлиги ҳақида, эксперт ўзининг ёлғон хулоса берганлиги ҳақида, мутахассис ўзининг ёлғон тушунтириш берганлиги ҳақида ва таржимон ўзининг нотўғри таржима қилганлиги ҳақида суднинг якуний қарори эълон қилингунига қадар судга ўз ихтиёри балнн маълум қилган тақдирда уларни жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи 3-қисмни киритиш лозим деб ҳисоблайман.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада таъкидлаганларидек, фуқароларимиз қонунларни бузишдан кўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим.

СУД ТИЗИМИ ВА СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ- ОДИЛ СУДЛОВ АСОСИ

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилди, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик амалда таъминланмоқда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устунлиги кафолатланмоқда. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик-ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифасидир. Демократик ҳуқуқий давлатда одил судлов кафолатларининг яратилиши унда суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги таъминланишини тақозо этади. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бугунги кунда долзарб мавзуга айланди. Хусусан, Президентимизнинг 2018-2019 йилларда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошлангани, уларни давом эттириш зарурлиги таъкидланиб, соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Комиссия ташкил этилишига урғу берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябрида эълон қилинган ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий нормани амалда тўла-тўқис рўёбга чиқишига замин яратди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди. Бу жиҳатлар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, халқ манфаатлари демократияга асосланган нуфузли судлар томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда эди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган мутлақо янги босқични бошланишини ҳаётий заруратга айлантирди.

Маълумки, чинакам эркинликни таъминлаш, судьяларнинг мустақил ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда иш юритишларининг конституция даражасида кафолатланишини асосий сабабларидан бири - суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ - одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳланади. Зеро, мамлакатимиз ҳаётида, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланишига эришишда одил судловнинг аҳамияти беқиёсдир. Одил судлов жамият ҳаётида, жамият аъзоларини ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда одил судлов ҳар қайси даврларда ҳам улуғланганлигини, кадрланганлигини ҳамда инсонлар унга интилиб яшаганликларини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, рим файласуфлари “Pereat mundus et fiat justitia”, яъни “майли дунё барбод бўлсин, лекин одил судлов қарор топсин” деб таъкидлаганликлари бежиз эмас. Рим файласуфларининг мазкур мумтоз шиорлари бир қарашда муболағадан иборат бўлса-да, лекин улар одил судловга шу қадар юқори баҳо берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016 йилнинг 21 октябрида эълон қилинган ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий нормани амалда тўла-тўқис рўёбга чиқишига замин яратиши учун асос бўлди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди. Хусусан, судлар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушини таъминлашда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва сўнг муддатсиз даврининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки судья лавозимида бўлишнинг ушбу тартиби судьядан зиммасига юклатилган вазифани намунали ва виждонан бажаришни талаб этиши билан бир қаторда лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга сайланиши ёки тайинланиши учун рағбатлантирувчи қоида ҳам ҳисобланади. Судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини, яъни туман ва вилоят судлари судья лавозимларини 65 ёшгача, Конституциявий ва Олий суд судьялари лавозимларини – 70 ёшгача белгилаш судьяларнинг мустақиллигини

кафолатлаш билан бир қаторда мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини етук, юқори малакали, одил судлов соҳасида катта тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва бенуқсон обрў-эътиборли судьялар билан тўлдиришга, уларнинг бой тажрибаларидан кенг фойдаланишга ҳамда барқарор судьялар мактабининг яратилишига замин яратади. Қолаверса, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органлари таъсиридан ҳоли бўлишига хизмат қилмоқда. “Ҳаракатлар стратегияси” даги суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги муҳим тадбирлардан бири – судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилиш, кенгаш таркибининг камида ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш ва унга суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга доир бир қатор ваколатлар берилиши назарда тутилганлиги бўлди.

2018 йилнинг 6 апрелида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида” ги қонунда ушбу тузилманинг фаолиятига оид масалалар тўлиқ ўз ифодасини топди. Мазкур Кенгаш конституциявий мақомга эга бўлди. Конституциянинг 111-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида ҳам “... давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда”-деб таъкидлади. Ушбу фикрлар жамиятни демократлаштиришда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармонида суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш-коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг ўрта муддатли истикболдаги устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Судларнинг ҳақиқий мустақиллигига, фақат қонунга бўйсуниб ҳаракат қилишига эришилмаса, коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда бошқа соҳаларда ютуққа эришиб бўлмаслиги сабабли ҳам мамлакатимиз раҳбари суд ҳокимиятини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фармонда шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказиш ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш ҳам белгиланган бўлиб, бизнингча судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам уларнинг мустақиллигини таъминлашда хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш мамлакатимиз Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир, Суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланиши жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш механизмининг янада такомиллашувига ҳамда жамият ривожланишига хизмат қилади. Судлар томонидан қонунийликнинг таъминланиши “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг амалда қарор топишини таъминлайди.

Судларнинг ҳақиқий мустақиллигига фақат қонунга бўйсуниб ҳаракат қилиш ва коррупцияга қарши курашиш орқали эришиш мумкин.

СУДЬЯЛАР ОДОБ-АХЛОҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига судьяларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ асосий ахлоқий-ҳуқуқий талабларига умумий мазмунда қуйидагилар киради: ўз профессионал фаолиятида ва хизматдан ташқаридаги пайтларда ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси судьяларининг одоб-ахлоқ кодекси ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахлоқнинг умумий қабул қилинган нормаларига амал қилиш мажбурияти: фақат қонунга ва ички ишончга асосланган ҳолда иш тутиш; адолатсизликка, салбий таъсирларга нисбатан муросасиз бўлиш; суд ҳокимиятининг обрўсини туширувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатдан қочиш, шахсий манфаатлари ёхуд бошқа бировлар манфаатлари йўлида ўз касби обрў-нуфузига зарар етказмаслик мажбурияти; беғараз бўлиш, ўз касбий-малака фаолиятига бировларнинг четдан аралашшига йўл қўймаслик мажбурияти. Жамоатчилик фикри, судья фаолиятини танқид қилиш эҳтимоли қабул қилган қарорининг қонуний ва асосли эканлигига таъсир қилмаслиги лозим. Судьянинг эркинлиги бу ерда унинг ички руҳий ҳолатини, демак, ҳуқуқий хулқ-атворини, шунингдек, агар улар аниқ бир ишни қонуний ва адолатли ҳал қилиш тўғрисидаги судьянинг қарашларига, унинг виждонига қарама-қарши бўлса, “жамоатчилик фикри”га қарши тура билиш қобилятини, танқид эҳтимолигидан руҳан чўчимаслигини ифодалайди. Судьялик обрўсини тушириш, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсий алоқалардан ўзини тийиш мажбурияти.

Шахсий алоқалардаги бефарқлик, совуққонлик судьяни обрўсизлантириш, бадном бўлишига олиб келади. Судьянинг холислигини бузиши, ўз мажбуриятларини тўла бажаришга халақит бериши мумкин бўлган молиявий ва хизматга дахлдор алоқалардан тийилиш мажбурияти қатъий тамойилдир. Судьянинг хулқ-атворини тартибга солувчи ахлоқий нормаларни фақат юксак ахлоқий фазилатларга эга компетентли етук мутахассис бажара олади. Судьянинг хулқ-атвор нормаларига мувофиқ судья, адолатли, мустақил, беғараз, қатъиятли, виждонли, ҳалол, инсонпарвар, юмшоқ, одобли, вазмин, интизомли ҳамда малакали бўлиши лозим. Судьялик лавозимига номзодлар танлашда, нафақат уларнинг профессионал билими, интеллектуал малакасини, айти пайтда лавозим бурч-мажбуриятларини тўлиқ адо этишлари учун зарур бўлган ахлоқий сифатларини ҳам инобатга олиш керак. Бироқ ҳозирги кунга қадар ахлоқий этик мезонлар бўйича судьялик лавозимига номзодлар танлашнинг

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилмаган. Келгусида бундай механизмларни яратилиши, судьяларнинг фуқаролар ва давлат органлари билан муносабатида муҳим рол уйнаши табиийдир. Бунга эришиш учун эҳтимол истиқболда бирон-бир янги қонун ёки норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Судьяга ахлоқий фазилатлар унга берилган мақом ёхуд ваколат билан биргаликда берилмайди. Ахлоқий сифатлар ва кўникмалар профессионал фаолиятда, хизматдан ташқари вақтларда эстетик тарбия ва маърифий сабоқ таъсири остида ҳар кунги ҳаёт сабоқларида шаклланади. Мазкур жараёнда судьяларнинг юксак ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, ахлоқий-руҳий оламидаги нуқсонларни бартараф этишга йўналтирилган ўз-ўзини ахлоқан-руҳан тарбиялаш муҳим ўринни эгаллаши лозим. 2019 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши раиси У.Мингбоев мамлакатимиз судьялари ва суд тизими ходимларига соҳада коррупцияга қарши курашиш борасида мурожаат билан чиқди. Мазкур мурожаатда “маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули-китобхонликдир. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиорига айланади. Асло адолатсизликка қул урмайди. Шунини инобатга олиб, бутун суд тизимида ҳар ойнинг бир кунини Китобхонлик куни деб эълон қилишни лозим деб ҳисоблайман. Барча суд идораларига нафақат ҳуқуқий китоблардан иборат, балки тарихий, бадиий китоблардан ташкил топган, ҳар томонлама салмоқли ва бой кутубхоналарни ташкил этиш керак. Судьянинг соғлом ва комил инсон бўлиб етишишида спортнинг ўрни муҳимдир. Спорт инсоннинг жисмини яйратиши, саломатлигини таъминлаши билан бир қаторда қалбини ҳам поклаши қадимдан маълум. Шу сабабли судьяларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши, спорт мусабоқаларини ташкил этиш суд жамоатчилиги ўртасида аҳилликни, жипсликни келтириб чиқариши билан бирга жамоаларда соғлом муҳитни шакллантиради, иш унумини ошишига имкон беради” деб таъкидлаб ўтдилар. Касбий масъулиятимиз мезонлари. 2019 йил 21 сентябр. Тошкент шаҳри.

Одоб-ахлоқ қоидалари судьянинг ҳам ўз касбий фаолиятини бажаришдаги ва ундан ташқари вақтлардаги хулқ-атвори ҳамда ахлоқий-психологик қоидаларини белгилайди. Касбий мажбуриятларини бажаришда судья инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш суд ҳокимияти идоралари фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилашидан келиб чиқади. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш концепциясига асосан, суд тизими ва соҳасининг демократик либераллаштирилган ислоҳий моҳияти одил судлов табиатини тубдан ўзгартириб юборади. Суд қонунчилигининг гуманизациялашгани ва либераллашгани ўлароқ, ҳозирги пайтда судья фуқароларга бўлган ҳурматни мустаҳкамлашга, жамиятда суднинг адолатлилигига, холислигига ва мустақиллигига ишончни тасдиқлашга даъват этилган. Судья ўз касбий

мажбуриятларини виждонан бажариши, суд ишлари ва ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқиш учун масъулиятли, тартибли, қатъиятли ва тиришқоқ бўлиши керак. Суд мажлисини ҳеч бир сабабсиз кечикиб бошлаш, суд ишларини кўришни инсофсизлик билан чўзиш, суд ҳужжатларини сохталаштириш судьяларнинг малака комиссияси томонидан судья шаъни ва обрўсини туширувчи ҳаракат деб қаралган. Дарҳақиқат, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида судьяларнинг “судьялик шаънини қатъий сақлашлари одил судловнинг обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт”лиги аниқ белгилаб қўйилган. Суд ишлари ва ҳужжатларини кўришда судья холис бўлиши, профессионал фаолиятига “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 66-моддаси талаб этганидек, кимларнингдир четдан таъсир кўрсатишига йўл қўймаслиги лозим. Судья ишда тарафлардан бирига ён босмаслиги керак. У суд жараёни томонларининг ҳам ўз касбий мажбуриятларини адо этишлари ва ўзларига берилган ҳуқуқни бажаришлари учун зарур шароитларни яратиб бериши шарт. Шахсий муаммоларини хизмат фаолияти ва унга зарар етказиш ҳисобига ҳал қилишга интилиш судьянинг ахлоқий-ҳуқуқий мақомига ҳам, ҳуқуқий хулқ-атворига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Судья суд ишларини юритишнинг барча иштирокчилари билан муомалада юксак маданият намунасини кўрсатиши, ибрат бўлиши лозим. Одоб-ахлоқ қоидалари судьялардан суд иштирокчиларига нисбатан сабрли, одобли, назокатли, ҳурматда бўлиши талаб этади. Айнан худди шундай хулқ-атворни суд ишлари ва ҳужжатларини кўришда иштирок этувчи барча кишилардан талаб қилиши лозим. Судья тарафидан ишда иштирок этаётган фуқароларга босим ўтказиш, уларни кўрkitиш, судда аввал берган гувоҳликларидан воз кечишлари ёхуд судда берган кўргазмаларини ўзгартирганлик учун пўписа қилиб, жиноий жавобгарликка тортишга ваъда бериш йўл қўйиб бўлмас ахлоқсизлик ҳисобланади. Судьяларнинг хулқ-атвори расман одоб-ахлоқ қоидалари мақомида уларга касб-малака сирларини сақлаш мажбуриятини юклайди. Ўз бурчини адо этаётганда судья олинган маълумотларни ошкор қилиш ҳуқуқига ҳақли эмас ҳисобланади. Ушбу қоидалар “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 66-моддасида белгиланган судьяларнинг мажбуриятларидан келиб чиқади. Касб малака сирларини сақлаш, одил судловни холис ва адлолатли амалга ошириш баробарида суд фаолияти дахл қилаётганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарур. Одоб-ахлоқ қоидаларида судьяларнинг ОАВ билан ўзаро алоқаси тартиблари белгиланган. Судья ОАВ вакилларининг ўз профессионал фаолиятларини ёритишлари билан боғлиқ интилишларига, агар улар суд процессини ўтказишга халақит бермаса ёки судга тазйиқ ўтказиш мақсадида фойдаланилмаса, тўсқинлик қила олмайди. Шунингдек судьяга суд қарорларини шарҳлаш, судда кўрилаётган иш юзасидан қабул қилинган қарор қонуний кучга кирмагунича жамоат олдида ва матбуотда чиқиш тақиқланади. Бу нафақат ахлоқий-этик мулоҳазалар, балки мазкур қарор

юкори турувчи суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси олий суди пленумининг 2020 йил 21 феврал кунидаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги №04-сонли қарори билан судьяларнинг ОАВ вакиллари билан ўзаро муносабати тартибга солинди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси судьялари одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасига биноан судьяларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда суд ишларини оммавий ахборот воситаларида профессионал даражада ёритишга кўмаклашиши ва бошқалар белгиланган, шунингдек мазкур соҳада судья бажариши шарт бўлган ҳолатлар ва мажбуриятлар белгилаб берилган. Ҳозирги вақтда судьяларнинг фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан муносабатларида профессионаллик етишмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг натижасида жойларда судьяларимиз ноқулай вазиятларга тушиб қолаётганлиги амалдаги суд тизими учун ачинарли ҳолдир. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида судьялар ва мактаб тингловчиларига ОАВ билан муносабат ўрнатишда судьянинг ахлоқий ўзини тутиши ҳақида фан сифатида ўқув машғулоти қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари ҳудудий вилоят суд тизимларида ҳам матбуот котиблари лавозимлари таъсис этилиши таклиф этилади.

Судья ўз профессионал фаолияти доирасидан ташқарида қонуний кучга кирган суд қароридан шубҳаланиши ва ўз касбдошларининг профессионал ишларини танқид қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳаракатлар суд ишига аралашуш ва четдан тазйиқ ўтказиш деб қаралиши мумкин. Одил судловни амалга ошириш судья фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Шу билан бирга судья Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Судьяларнинг одоб-ахлоқ қондаси талабларига зид келмайдиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидирлар. Судья асосий ишини илмий педагогик ва ижодий ишлар билан қўшиб олиб бориш ҳуқуқига эга. Ушбу фаолият, албатта иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, одил судлов манфаатларига зарар етказмаслиги шарт. Судьянинг сиёсий партиялар ва ҳаракатларда бўлиши, уларни моддий ёки бошқа усуллар воситасида қўллаши, шунингдек, ўз сиёсий қарашларини расмий равишда ифодалаш, ҳар хил расмий намоёнликларда ёки бўлак сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши қонун билан тақиқланади. Судьянинг хизмат ташқари фаолияти унинг виждонли ва ҳалол эканлигига шубҳа туғдирмаслиги керак. У обрўсига доғ тушириши, шаъни ва нуфузига таъсир этадиган ҳар қандай алоқалардан ўзини тийиши лозим.

Судьянинг профессионал фаолиятни амалга ошириш ва хизматдан ташқари пайтдаги хулқ-атворининг ахлоқий қоидаларга мос келиш-келмаслиги жамоатчилик фикри томонидан таъминланилади. Шунинг баробарида судьянинг алоҳида мақомини ҳисобга олган одоб-ахлоқ қоидалари ўзининг талабларини бузган судьяларни “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни назарда тутган шарт ва тартибда

интизомий жавобгарликка тортиш эҳтимолини назарда тутди. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш учун улар томонидан содир этилган, ўз характери билан судья деган юксак номга мос келмайдиган ҳаракат асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳаракатларга малака ҳайъати қўйидагиларни киритади. а) процессуал қонунчиликнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида суд ишларини кўришда сансоларликка йўл қўйиш; б) судьянинг процесс иштирокчилари ва бошқа фуқароларга нисбатан қўпол муомалада бўлиши;

в) фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини у ёки бу даражада камситиш; г) сабабсиз ишга келмаслик; д) иш ҳужжатларини йўқотиш; е) ҳужжатларни қалбакилаштириш; ё) судьянинг турмушдаги нолойиқ ҳулқи. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни нормаларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш фақат судьялар малака ҳайъатига тегишлидир. Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш сиёсати, аввало, судьялар олдига юксак ахлоқий талабларни қўяди. Ушбу талаблар аслида миллий суд қонунчилигининг талабларидир.

Суд тизими ва соҳасини ислоҳий янада либераллаштириш сиёсати унинг қонунчилик асосларини ҳам мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Бу жумладан, ҳозир махсус ўрганилаётган муаммога ҳам бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишга одил судловнинг мустақиллигини, беғаразлигини ва лаёқатлилигини таъминлаш орқали эришилади. Бу эса ҳар бир судьянинг конституциявий нормалар ва қонунларга, “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси” қоидаларига риоя қилишини, ўз фаолиятини адолат ва холислик принципларига асосланиб амалга оширишини назарда тутди. Судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги, уларнинг фаолиятига аралаштишга йўл қўйилмаслигининг давлат томонидан қафолатланиши, моддий ва ижтимоий таъминот даражаларининг юқори эканлиги одил судловга эришиш-қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорлари чиқарилишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, шиддатли ва кескин глобаллашув шароитида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва руёбга чиқариш зарурияти суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган мутлақо янги босқичга кўтариш каби вазифаларни кун тартибига қўйди. Тан олиш керакки ўтган йиллар давомида судлар фаолиятига салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар вужудга келган эди. Бу ҳолат ўз навбатида судлар фаолиятида ҳам номуносиб из қолдирмасдан қўймади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг

қонуний манфаатларини амалда таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган суд ҳокимиятини мутақиллигини, судьяларнинг одил судловни ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирор-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳатлар ўтказилди ва бу тизимли давом эттирилмоқда. “Одоб-ахлоқ қоидалари” норматив ҳужжат эмас, бироқ у бутун суд тизими ходимларининг иродасини ифодаловчи, судья жавоб бериши лозим бўлган ахлоқий талабларни белгилайди, судьянинг профессионал ва хизматдан ташқари фаолиятининг ахлоқий хулқ-атворини тайин этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судьялар фаолиятини баҳолашда қўлланилади. Шунинг учун одоб-ахлоқ қоидаларида мустаҳкамланган судьянинг ҳуқуқий ахлоқий хулқ-атвори эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, ҳар бир судья учун, шунингдек истеъфодаги, лекин судьялик даражаси ва судлар ҳамжамиятига дахлдорлиги сақланиб қолган судьялар учун мажбурий ҳисобланади. Айни вақтда суд тизимида судьяларнинг иш юкламасини ҳаддан ошиқ кўплиги судья ва суд тизими ходимларида стрессини келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг оқибатида соҳа ходимларида руҳий зўриқиш ҳолатлари вужудга келади. Бу эса ўз навбатида кўрилаётган ишнинг сифатига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Судьянинг фаолияти доимо жамоатчилик эътиборида бўлади. Баъзи вақтларда ташқи таъсир этувчи босим шунчалик кучли бўлиши мумкинки, у инсонни турли даражадаги стрессларга солади. Стресс ходимнинг хизмат фаолиятида салбий акс этиб, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Стресс-оғир, мушкул ёки мураккаб шароитларда юзага келувчи психиканинг зўриқишидир. Унинг вужудга келиш сабаблари қўйидагича: инсон шуғулланадиган фаолиятнинг тури, мазмуни, мавжуд шарт-шароитлар, фаолиятининг ташкилий қисми шунингдек ташқи муҳит инсоннинг бор имкониятларидан ортиғини талаб қилиш. Масалан судьядан хизмат фаолиятида ортиқча талабларнинг кўпайиши ҳам кучли стрессор ҳисобланади. Стресснинг юзага келиш сабаблари илмий нуқтаи назардан турлича изоҳланади. Жумладан, энг машҳур қараш сифатида Г.Сельенинг стресс назариясини олиш мумкин. Унга кўра, дунёдаги жамики биологик мавжудодлар муҳим механизм- мувозанатни таъминловчи қурилмага эга. Ички ва ташқи стрессорларнинг кучли ҳамда давомий таъсирлари мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Организм ушбу вазиятда ўзининг юқори даражадаги ҳимоя-мослашув реакциясини намоён қилади. Қўзғалиш ёрдамида организм ташқи таъсирга мослашишга уринади. Айнан шу таъсир стресс ҳолати ҳисобланади. Таъсир йўқолмаса, стресс кучаяди, ривожланади ва организмда бир қанча ўзгаришларга олиб келади. Стресснинг турғунлиги ҳамда давомийлиги инсон хатти-ҳаракатида қуйидаги ҳолатларни келтириб чиқаради:

- иштаҳанинг бузилиши;
- уйқусизлик;
- хатти-ҳаракатлардаги сусткашлик.

Бундай физиологик бузилишларнинг давомийлиги инсонда стрессни пайдо қилади. Организм эса ўзини ҳимоялашга, таъсирни сўндиришга ҳаракат қилади. Аммо, маълумки организмнинг кучи чексиз эмас ва жиддий стресс вазиятида, инсон буни кўтара олмайди. Натижада турли хасталиклар пайдо бўлади, стресс ўта кучли бўлганда, ўлим ҳолати ҳам кузатилади.

Стресснинг физиологик, психологик, шахсий ҳамда тиббий белгилари мавжуд бўлиб, уларнинг исталган тури доимо ҳиссий қўзғалиш билан биргаликда кечади. Асабий зўриқиш судья фаолиятини юқори экстремаллиги низоли вазиятлар шароитида ҳаркат қилиш, турли стрессни вужудга келтирувчи ташқи омиллар таъсири, меъёрланмаган иш куни, фаолиятида салбий ҳис-ҳаяжонларнинг мавжудлиги туфайли юзага келадиган катта жисмоний ва руҳий зўриқиш билан боғлиқ.

Стресснинг нафақат тиббий, балки замонавий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган турли салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳақида гап кетганда: ишдан қоникмаслик, меҳнат маҳсулдорлигининг тушиб кетиши, ишга сабабсиз келмаслик каби ҳолатларнинг мавжудлиги психологик стресс ҳолатини ўрганишга катта эҳтиёжни пайдо қилади. Судьянинг руҳий маданияти бу- шахс психологияси ва фаолиятини, суд психологиясини ўзида қамраб олган психологик билимлар мажмуи бўлиб, унинг малакавий ўзига хос маҳорат усулларида одил судлов амалиёти процессида рўй бериши мумкин бўлган руҳан турли вазиятларда фойдалана билишидир. Маълумки, суд мажлисида иш кўриляётганда судья инсонлараро мураккаб муносабатлар оқибатига дуч келади. Жиноят содир этган шахснинг шу жиноятни содир этилишига сабаб ва шароитлар ҳамда улар билан боғлиқ руҳий ҳолатлар судьяда стресс ҳолатларини келтириб чиқаради. Судья ҳар кунги амалий малакасида доимий равишда одамларнинг асаббузар хатти-ҳаракатларига дуч келади. Буларнинг ҳаммаси табиий ҳолда судьяда норозилик, асабийлик кайфиятларини қўзғаш бароборида, уларнинг янада кучайишига олиб келади. Судья ўзи кўраётган ишида золимлик, маккорликни, қабихликни айбламасдан туролмайди. Агар инсон тез-тез бошқа одамларнинг салбий хатти-ҳаракатларини айблаш билан шуғулланса, уларнинг хулқ-атворидан ичида бўлсада таъсирланса, демак унинг бутун вужуди ортиқча режимда ишлайди. Бу эса уларнинг ҳам жисмонан ва ҳам маънан, ҳатто руҳан ишдан чиқишига олиб келади. Судьялар кўрадиган ишларни ҳаддан ташқари кўплиги ва мураккаблиги оқибатида жуда катта жисмоний оғирлик руҳий босимни, ҳиссий тангликни кучайтиради, интеллектуал ва ҳис-ҳаяжон юқори даражага кўтарилишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб судьялар одоб-ахлоқини профессионал такомиллаштириш, ҳуқуқий онги ва психологиясини теран шакллантириш, зарур малакавий ахлоқий-руҳий сифатларни тарбиялашда уларнинг индивидуал ҳуқуқий психологиясини илмий ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарблик касб этади. Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьянинг руҳий ҳаяжонларини ҳисобга олиш зурур. Судьянинг руҳий ҳолати дейилганда, у томонидан олиб бориляётган суд жараёнида судьянинг ўзини тутиши ва суд жараёни иштирокчиларини суд

ҳокимиятига ишончини ошириш тушинилади. Суд жараёнида судьянинг хотиржамлиги, яқин вақтда бўлиб ўтган ишларга эътибор қаратмаслиги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Австралия ва Буюк Британия) судьяларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга касбий фаолиятини бажаришда янги унумли қулайликлар ва қўлланмалар ишлаб чиқилди ва бу ижобий натижага олиб келди. Судьялар томонидан эски андозаларда фаолият олиб бориш қуйидагиларда намоён бўлади:

- барқарор, кучли, матонатли ва ҳис-ҳаяжонларга берилмаслик;
- бейтарафлик;
- механизациялашган холислик.

Анъанавий эски андозалардан воз кечиш янги йўлларга бошлайди. Бунда судьянинг одоб-ахлоқ қоидаларига замон билан ҳамнафас ҳолатда амал қилиши юқори натижаларга эришишга олиб келади. Ушбу ҳолатда қуйидагиларга амал қилиш лозим бўлади:

- судьянинг кундалик ҳаёти ҳис-ҳаяжон билан узвий боғлиқ;
- суд зали – бу “ижтимоий” бекат;
- судья янгиликларни ва туйғуларини доим назоратга олиши шарт;
- стратегиялар билан ишлаш лозим;
- кўпгина инсонлар тасдиқлайдики, энг яхши ҳал қилинган масала, бу

ҳал қилишга ҳаракат қилинган масаладир.

Судья истайдими йўқми профессионал фаолияти доирасида ташқи босим ва ишда иштирок этувчиларнинг таъсири остида турли хил руҳий зарбаларга дуч келади ва бундан чиқиб кетиши жуда қийин бўлади. Бу руҳий зарбалар судьянинг иш фаолияти билан узвий боғлиқ қуйидагиларда намоён бўлади:

- иш ҳажмининг ҳаддан ташқари кўплиги;
- билимдон адвокатлар;
- касбий фаолият билан боғлиқ мураккаб саволлар;
- қолдиқдаги ишларни мунтазам кўпайиб бориши;
- қарордаги хато ёзувни тузатишни қийинлиги;
- ижтимоий алоқалар;
- оилавий келишмовчиликлар;
- соғлиқдаги муаммолар;
- ўзини шахсий баҳолашни билиш.

Судьянинг ташқи кўриниши доим унинг судьялик фаолиятига мос бўлиши зарур. Ташқи кўриниш атрофдагиларда бирламчи ижобий таассуротни вужудга келтиради. Ҳис-туйғуларни назорат қила олмаслик қуйидагилардан келиб чиқади:

- руҳий таъсирлар;
- хотиржам бўла олмаслик;
- хавотир;
- концентрацияни йўқотилиши;
- суд мажлисида ишни етарли даражада кўра олмаслик;
- ёзув шаклида суднинг якуний қарори тушунарсиз бўлиши;

- бесабрлик ва тажанглик;
- ахлоқсиз ўзини тутиш ва ҳаракатлар, ёвузлик ва беадаб ахлоқ;
- жамоа билан бўладиган кескинликлар.

Одоб-ахлоқ қоидалари судьялар томонидан унга оғишмай амал қилишни талаб этади. Бу турдаги қаттиққўллик турли хил касблар ва бизнесларда ҳам мавжуддир. Ушбу қоидалар судьяларни тўғри шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг иш фаолияти доираси ҳамда шахсий ҳаётида катта аҳамият касб этади. Одил судловга нисбатан жамоатчиликнинг ноҳолис ёндошуви ҳамда иш фаолиятига яхши баҳо берилмаслиги судьяда беқарорликни келтириб чиқаради. Замонавий дунёда судьялар ички хотиржамликка эришишлари шарт ҳисобланади. Ишдан ташқари вақтларда судьяни жамоалар ва бошқа турдаги инсонлар билан учрашишига тўсқинлик қилмаслик керак. Судья суд муҳокамаси вақтида стрессни хотиржамликка эришган ҳолда бошқариши лозим. Шахсий ҳаётда судьяни стрессга учрашининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- руҳиятни бузилиши
- соғлиқдаги муаммолари
- соғлом оила аъзолари
- молиявий муаммолар
- айрилиқ ва ажралиш
- яқин инсонини йўқотиш
- қариш жараёнидаги эшитиш, хотира ва кўз кўриш қобилиятини камайиши.

Судьялар иш фаолияти жараёнида шахсларни оқ-қорага ажратиши керак эмас. Бу каби фикрлаш касб нуқтаи-назаридан шаклланади. Бундай фикрлашдан “рангли” фикрлаш фойдасига воз кечиш шарт. Бу эса судьяга вазиятдан чиқиш йўлларини излаб топишда ёрдам беради. Тадқиқотларни кўрсатишича, стресс соғлиқ учун зарарли эканлиги ҳақидаги қатъий ишонч вазиятни бошқара олиш қобилиятимизда акс этади. Юқорида қайд этилганидек судья ва суд тизими ходимларида стресс қуйидагиларда намоён бўлади. Ўзига ишонмаслик, ғамгинлик, тушкунлик кайфияти, умидсизлик, тасаввурларнинг бир қолипга тушиб қолиши, ҳаракатларнинг чегараланиши билан намоён бўлади. Ушбу ҳолатларга тушмаслик ва ундан узоқлашиш учун судья қуйидаги тавсияларга амал қилиши лозим. Ўйда, ишда, жамоада соғлом руҳий муҳитни яратиш, ўқиниш, хафагарчиликни тезда ёддан чиқариш, кек сақламаслик, эҳтиросларни тия билиш асаб тизимини мустаҳкамлайди. Эмоцияларни чиниқтириш ва тарбиялаш лозим бўлади. Ёқимли мусиқа салбий ҳиссиётларни босиши ва чарчоқлик ҳиссини йўқотишда аҳамияти катта ҳисобланади. Эрталаб одатдагидан ўн дақиқа олдин туриш, киядиган кийимлар, зарурий иш қоғозлари ва ҳужжатларни олдиндан тайёрлаб қуйинг. Хотирангизга ишонманг, кундалик тутинг ва асосий ишларни ёзиб қуйинг ҳамда бугунги ишни эртага қуйманг бу стрессни келтириб чиқаради. Иш вақтида вақти-вақти билан жисмоний машқларни бажаринг. Дам олиш кунларини яхши ўтказишга ҳаракат қилинг, ижодий ёндошиш ва бир хил турмуш тарзини яхши томонга ўзгартиринг.

Спорт билан тизимли шуғулланишни йулга қуйинг. Умуман олганда қийин вазиятларга тушган судьяларга махфий ёрдам кўрсатиш ва стресс вазиятидан чиқиш маслаҳат марказини яратиш суд тизимида долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Судьяларни турли хил стресс ҳолатига тушиб колган вазиятдан чиқиш маслаҳат марказини ташкил этиш ушбу муаммоларни ечишда калит бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Р.М.Каукышев *

С.И.Дилмуродова *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “МАЪМУРИЙ-ТАРТИБ ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан Ҳаракатлар стратегияси асосида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояга асосланган замонавий давлат бошқаруви жорий этилишига алоҳида эътибор берилмоқда¹.

Конституциямизнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар” дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустақкамланган ва кафолатланган.

Шу муносабат билан мамлакатда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун 2018 йилнинг 8 январь куни Президент томонидан имзоланган ва 2019 йилнинг 8 январидан кучга кирди².

Унинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари сифатида маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши давлат органларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларида қонунийлик ва шаффофлик даражасини ошириш, стандартлаш ва маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш тартиб-таомиллари соддалаштириш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш орқали сифатли давлат хизматларини кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги”ги Қонун амалиётга тўлиқ жорий этилиши зарур. Чунки мазкур ҳужжат айнан аҳолини бирон бир масала юзасидан давлат органларига мурожаат қилган вақтида турли расмиятчиликларга ва бюрократик тўсиқларга дуч келмай, иши осон ва қисқа вақт ичида битишига хизмат қилади. Лекин, очиқ айтиши керак, ушбу Қонун барча маъмурий органларда ҳам самарали ишлаётгани йўқ. Тўғри, бу янги Қонун. Шундай бўлсада, унинг

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

* Судьялар олий мактаби кабинет мудири.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 37. – 979-модда.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

тўлиқ ишлашнинг кутиб ўтириши эмас, балки уни амалиётга жорий этишидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш керак.

Ҳуқуқ доктори, доцент Жўрабек Нематовнинг фикрича, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала – маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган. Шу маънода, “маъмурий тартиб-таомиллар” тушунчаси, унинг асосий қойдалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади¹.

Маъмурий тартиб-таомиллар – бу маъмурий органлар (маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар)нинг айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалардир.

Маъмурий тартиб-таомиллар атамаси юридик адабиётларда маъмурий процедуралар деб юритилиб келинган. Айрим ҳуқуқшунос олимлар ўзбек тилида “процедура” тушунчасини “тартиб-таомил” деб қўллашни мунозарали масала деб ҳисоблаб, замонавий оммавий маъмуриятчилик (public administration) асосидаги бошқарувда маъмурий процедуралар қоидаларига шунчаки “тартиб-таомил” сифатида эмас, балки иштирок этиш, шаффофлик, яхши бошқарув қарорларига эришиш йўли, маъмурий қарорлар самарадорлигини ошириш тизими, давлат бошқарув органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, маълум бир қоидаларга бўйсуниб орқали ўз ваколатларини суистеъмол қилишдан сақланишни таъминлаш, маъмурий органлар томонидан маъмурий процедуралар легитимлиги орқали адресат ва бошқа манфаатдор шахслар билан биргаликда, ҳамкорликда аниқ иш юзасидан маъмурий тартиб-таомиллар воситасида маълум бир ечимга келиш, маъмурий тартиб-таомилларнинг барча иштирокчилари биргаликда ўзлари учун аниқ ҳолат бўйича позитив характердаги маъмурий тартибга солишни аниқлаб олишига қаратилган адолатли жараён сифатида қаралаётганлини таъкидлаб ўтадилар².

Ҳуқуқшунос олим Л.Б.Хваннинг фикрича, маъмурий процедуралар – бу маъмуриятчилик жараёнини амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган тартибидир. Маъмурий процедуралар ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг муҳим элементи дир. Айнан улар моддий маъмурий ҳуқуқ нормаларини амалиётда қандай ишлашнинг аниқлаш орқали маъмурий ҳуқуқни қўллаш жараёнини тартибга солиди. Маъмурий процедуралар

¹ Нематов Жўрабек Нематиллоевич. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқ институти сифатидаги илмий-назарий таҳлили. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2018. - №9. Б. 41-47.

² Неъматов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтининг такомиллаштирилиши (киёсий-ҳуқуқий таҳлил). Монография. – Тошкент, 2018. - Б.65.

индивидуал характердаги ташқи бошқарувни ёки маъмуриятчиликни тартибга солиди¹.

Маъмурий тартиб-таомил ҳақида сўз кетганда уларга боғлиқ бўлган айрим тушунчаларга изоҳ беришимиз лозим. Хусусан, маъмурий жараён, маъмурий ишни кўзғатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорни қабул қилиш, устидан шикоят қилиш ва ижро этиш бўйича маъмурий процедура билан тартибга солинган жараён тушунилади.

Умуман олганда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг тўлиқ амалиётга *жорий этилиши* қуйидаги муҳим омилларга олиб келади:

маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнининг стандартлашиши ва енгиллаштирилиши сабабли давлат органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан бўлган муносабатларининг қонунийлиги ва шаффофлигини оширади;

маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг замонавий технологияларини киритиш асосида давлат хизматларининг янада сифатли кўрсатилиши учун шароитлар яратади;

маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида вужудга келаётган муносабатларнинг тартибга солинишининг тизимлилигини ва уйғунлигини таъминлайди;

маъмурий тартиб-таомиллар амалга оширилишининг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратади;

маъмурий тўсиқ ва чекловларни бартараф этади, сифатли давлат хизматларини кўрсатишга шароит яратади, давлат органлари томонидан маъмурий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва бажарилишининг аниқ тезкор механизмини таъминлайди;

коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятида шаффофликни оширади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун ўз мазмун-моҳияти, асосий принциплари ва бошқа қоидаларига кўра давлат органларининг манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида уларнинг халққа хизмат қилишини белгиловчи ҳуқуқий механизмни шакллантириб бергани билан алоҳида аҳамиятга эга.

¹ Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. – Ташкент, Консаудинформ-нашр 2012. - С.410-413.

**ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ ОРГАНИ
МАНСАБДОР ШАХСИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ,
ДАЛОЛАТНОМАЛАРНИ ЁЗИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ РАД
ЭТИЛГАНЛИГИ ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Ижтимоий муносабатлар шароитида бир шахс ҳуқуқларини иккинчи шахс ҳуқуқларидан фарқлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ифодалаш, унинг туғилиши, ўлими, шунингдек, муайян ёшга етганда никоҳини тузиш ёки никоҳдан ажралиш каби фактларни тегишли тарзда расмийлаштириш давлат ва жамият бошқарувида муҳим омил саналади.

Мазкур фактларни қайд этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш мамлакатимизда махсус орган – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

ФХДЁ ўзи қандай орган?

ФХДЁ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш жумлаларининг аббревиатурасидан олинган бўлиб, амалиётда ФХДЁ шаклида қўлланилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ва уларни ёзиш нимани англатади?

Фуқаролик ҳолати далолатномалари деганда қонун ҳужжатларида белгиланган алоҳида турдаги юридик фактлар: туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, шунингдек, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм, ота исмини, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактларни тегишли ҳужжатларда акс этишини тушуниш лозим бўлса, ФХДЁ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш эса юқорида санаб ўтилган юридик фактларни далолатномаларда акс эттириш, уларни ёзиш ва қайд этишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида Низомга¹ кўра қуйидагилар ФХДЁ органлари ҳисобланади:

- туман ва шаҳар ФХДЁ бўлимлари, шунингдек Никоҳ уйлари;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари деб аталади) ФХДЁ архивлари.

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 498-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 09/18/498/1438-сон. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 3, 2018 № 498 “on measures for the organization of activities of bodies writing acts of civil status”. National database of legislation data, 03.07.2018 y., 09/18/498/1438)

ФХДЁ бўлимлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тизимига киради ва уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий тузилмаси ҳисобланади. Уларнинг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишдир.

Шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ ФХДЁ органлари уларга юклатилган вазифага мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

– фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш;

– фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг ҳисобини юритиш;

– фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ва қонунда белгиланган бошқа ҳужжатларни сақланишини таъминлаш;

– фуқароларга (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар бериш;

– фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг электрон маълумотлар базасини юритиш;

– фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим)ни қайд этиш, шунингдек оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳаракатларини амалга ошириш;

– фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклаш ва бекор қилиш;

– шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари)нинг ўлимни қайд этишдаги ишларини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

– никоҳни, шу жумладан никоҳ уйларида ва туғилганликни тантанали равишда қайд этиш;

– тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига никоҳ муносабатлари бўйича далолатномаларни қайд этиш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларни олдини олиш бўйича маълумотлар тақдим этади.

Шунингдек, ФХДЁ органларининг:

– фуқароларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш;

– фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш вақтида фуқаролар томонидан қонунчилик бузилганлиги аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли ташкилотларга бу ҳақда хабар қилиш;

– қонун ҳужжатларига зид бўлган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишни рад қилиш сингари мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Бизнинг таҳлилимиз айнан ФХДЁ органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этишни рад қилиш мажбурияти хусусида бўлганлиги сабабли бунга алоҳида тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 143¹-бандида далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ёки манфаатдор шахслар ўртасида низо мавжуд бўлган ҳолларда ФХДЁ органи томонидан Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисида хулоса 52а-илова шаклида тузилади ва мурожаат қилувчига берилади¹. Аризага илова этилган ҳужжатлар ва ички ишлар органининг хулосасига асосан ФХДЁ органи раҳбари томонидан Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш (рад этиш) тўғрисида хулоса 52а-илова шаклида тузилади.

Шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага 52а-иловага мувофиқ Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни рад этиш тўғрисида хулоса тузилади.

Хулоса Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 228-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 148-бандига асосланиши лозим ва бу хулоса матнида кўрсатиб ўтилади. Хулоса матнида далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида аризаси рад этилиши кўрсатилади. Рад этиш тўғрисидаги хулоса устидан судга шикоят қилиниши мумкинлиги тушунтирилганлиги тўғрисида устхат ёзилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага 56-иловага мувофиқ Фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш (рад этиш) тўғрисида хулоса тузилади. Юқоридагиларга асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 160 ва 167-бандларига кўра хулоса қилиниши лозим. Қайд этиш керакки, бу шаклда фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришни рад этиш тўғрисидаги хулоса устидан фуқаролик ишлари бўйича судга шикоят қилиниши мумкинлиги тушунтирилиши белгиланмаган.

Бугунги кунда маъмурий судларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ФХДЁни рад этганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар орасида шахснинг ўн олти ёшга тўлганидан кейин унга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома бериш, аниқроғи унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини тиклаш билан боғлиқ ишлар ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2019 й., 10/19/2547-2/2964-сон, 06.11.2019 й., 10/19/2547-3/4000-сон. (Decree of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan on the procedure for conducting business in the bodies of writing acts of civil status approved by the order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan dated December 31, 2013 № 400. National database of legislation data, 18.04.2019 y., 10/19/2547-2/2964-San, 06.11.2019 y., 10/19/2547-3/4000-SEC.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли қарори билан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари тасдиқланган¹. Унга кўра белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди. Мазкур Қоидаларнинг 18-бандига мувофиқ, ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилишини қайд этиш учун ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган ариза тақдим этилади. Бундай аризани қуйидаги шахслар бериши мумкин:

- туғилиши ўн олти ёшгача қайд этилмаган боланинг ота-онаси;
- ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири;
- ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс;
- ота-онанинг ўрнини босувчи шахс;
- васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари.

Ушбу вазиятда ФХДЁ органи туғилиш фактини тасдиқловчи ҳужжатга қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилади.

Бироқ, 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади.

Мазкур тоифадаги низоларнинг муаммоли жиҳати, бизнингча, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, фуқаро мазкур тоифадаги низоларни кўриб чиқиш учун маъмурий судга давлат божи тўлайди;

Иккинчидан, мазкур тоифадаги низоларни кўриб чиқиш учун маъмурий судга даъво аризасини киритган фуқаро давлат божи тўлашдан озод этилмаган;

Учинчидан, давлат божи ставкалари ва уларни ундириш билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ туғилганлик тўғрисида гувоҳнома беришни тиклаш билан боғлиқ низоларни кўришда даъво фуқаронинг фойдасига қаноатлантирилганда тўланиши лозим бўлган давлат божини ФХДЁ органидан ундиришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Унга кўра, давлат божи агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 09/19/134/2621-сон; 30.09.2019 й., 09/19/827/3827-сон (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated November 14, 2016 № 387 ‘On approval of the rules for recording acts of civil status’. National database of legislation data, 16.02.2019 y., 09/19/134/2621-SEC; 30.09.2019 y., 09/19/827/3827)

қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115-моддасининг иккинчи хатбошисида ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Мазкур вазиятда маъмурий судлар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, сўз юритилаётган ҳолат бўйича аксарият ҳолларда даъвогар фойдасига ҳал қилув қарори чиқармоқдалар. Бу эса даъвогар – ФХДЁ органи мансабдор шахсидан давлат божи қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилиши лозимлигини тақозо қилади.

Бундай вазиятда ФХДЁни, рўйхатга олишнинг рад этилганлиги хусусида манфаатдор шахс, масалан фуқаро маъмурий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги бўйича маъмурий судга мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига мувофиқ маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлардан бири сифатида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш назарда тутилган².

Қайд этиш керакки, мазкур вазиятда манфаатдор шахс ФХДЁни, рўйхатга олиш рад этилган нотариал идора турган жойдаги маъмурий судга шикоят қилиши лозим. Шунингдек, ушбу вазиятда шикоят мазмунига кўра ўзаро боғлиқ бир неча шикоятлардан иборат бўлиб, уларнинг баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўриб чиқилади. Лекин, манфаатдор шахсининг шикояти ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга эса йўл кўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ФХДЁ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон (Law of the Republic of Uzbekistan ‘On state duty’ in 2020 Year 6 January. National database of legislative data, 07.01.2020 у., 03/20/600/0023-San, 14.03.2020 у., 03/20/610/0299)

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон, 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон. (Code of Administrative Judicial Proceedings of the Republic of Uzbekistan. National database of legislation data, 26.01.2018 у., 02/18/mpg/0627, 12.10.2018 у., 03/18/496/2043-SEC; 11.05.2019 у., 03/19/536/3114, 13.09.2019 у., 03/19/567/3737, 13.11.2019 у., 03/19/583/4016, 04.12.2019 у., 03/19/586/4106; 07.01.2020 у., 03/20/600/0023, 11.03.2020 у., 03/20/607/0279)

манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари, далолатномаларни ёзиш, рўйхатга олишнинг рад этилганлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли бўлиб, мазкур суднинг вазифаларидан бири сифатида маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилиши тартибини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилиши таъминланишига, фуқароларнинг сарсон бўлиши ҳамда мансабдор шахслар томонидан сансалорчиликка йўл қўйилмаслиги учун хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси лойиҳаси (ID-10756) ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 03.12.2019 йилда “Regulation.gov.uz” ҳуқуқий порталига ЎзР норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасига қўйилган. Муҳокама 15 кун давом этган ва бу даврда кодексни такомиллаштириш юзасидан 105 та таклифлар келиб тушган.

Лойиҳа 5-бўлим, 37-боб ва 571-моддадан иборат.

Албатта, лойиҳада кўплаб камчиликлар ва бўшлиқлар тўлдирилган, янги зарурий қоидалар киритилган бўлсада, яна бир қатор тушунмовчиликлар мавжуд. Улар юзасидан ўз фикрларимни билдириб ўтаман.

1. Лойиҳанинг 10-моддасида шахсий дахлсизлик принципи кўзда тутилган. Бу янги принцип бўлиб, унинг 2-қисми шундай баён этилган:

“Маъмурий қамокқа олиш жазоси мазкур Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда фақатгина суд қарори билан қўлланилиши мумкин”.

Энди лойиҳанинг 36-моддасига назар соламиз.

“Маъмурий қамокқа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамокқа олиш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи судлар томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан ҳам белгиланиши мумкин”.

Ушбу моддалар мазмуни бир-бирига зид бўлиб, 10-модда маъмурий қамокни фақатгина суднинг қарори билан қўлланилишини назарда тутса, 36-моддада суддан ташқари бошқа орган ҳам бундай жазо қўллашга ваколатли экани назарда тутилган.

Ушбу моддаларнинг бирини иккинчисига мувофиқлаштириш ва қарама-қаршилиқни бартараф этиш лозим.

2. Лойиҳанинг 44-моддасида ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тартиби белгиланган. Бу қоида амалдаги кодекснинг 21-моддасида назарда тутилган. Ўзгариш шундан иборатки, лойиҳада ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ваколати суддан ташқари бошқа ваколатли органлар (мансабдор шахслар)га ҳам берилган. Амалдаги кодексда

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

бу ваколат фақат судга тегишли. Бундай асослар бўлса, ваколатли орган бу ҳақда судга тақдимнома билан мурожаат этиш ваколатига эга.

Бу ваколатнинг бошқа органларга берилишини нотўғри деб ҳисоблайман. Чунки, одил судлов вазифаси фақат судга юклатилган, суд ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб, текшириб қарор қабул қилади. Ҳуқуқбузарга жазо тайинлаш ёки уни жазодан озод қилиш вазифасини ички ишончига асосан мавжуд далилларга таяниб ҳал қилади. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи, судьялар ва суд ходимларининг мақоми, уларнинг вазифалари ва жавобгарлиги, ишларни кўриш ва суд ҳужжатларини қабул қилиш, жазо тайинлаш ва ижрога қаратиш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ва протест келтириш каби барча масалалар қонунлар (кодекслар) билан қатъи тартибга солинган. Бу эса судьяларга қарор қабул қилишда муайян масъулият юклайди.

Бошқа органлар ёки мансабдор шахслар эса субъект сифатида юридик билимга (маълумотга) эга бўлмаслиги мумкин. Масалан, ДСЭНМ мансабдор шахслари. Улар томонидан шахсни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал қилиш мураккаб масала. Чунки, бунинг учун кодекс нормаларини яхши тушуниб англаш, қонунларнинг умумий мазмуни ва асосларини билиш лозим. Бундай ваколатни уларга берилиши асоссиз жавобгарликдан озод қилишларга, эҳтимолий коррупция ҳолатларига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу органларнинг кўпчилигини ташкил қилиш ва фаолият юритиш тартиби қонуности ҳужжатлари билан белгиланган. Бу ҳужжатлар кўпчилик учун маълум эмас, улар борасида ҳуқуқий ахборот олиш ва фойдаланиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

3. Лойиҳанинг 44-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги белгиланган.

Лойиҳанинг 489-моддасида эса, агар ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида ҳулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилиши крсатилган.

Эътибор берган бўлсангиз, ушбу моддаларнинг мазмуни бир-бирига зид. 44-модда маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод этиш ваколатини берса, 489-модда эса асослар бўлганда орган ёки мансабдор шахслар бу ҳақда судга

тақдимнома билан мурожаат этишлари лозимлигини, ўзлари ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод этиш ваколатига эга эмаслигини назарда тутди.

44-моддани 489-моддага мувофиқлаштириш ва мавжуд қарама-қаршилиқни бартараф этиш лозим бўлади.

4. Лойиҳанинг 430-моддасида исбот қилиниши талаб қилинмайдиган ҳолатлар белгиланган. Модданинг 2-қисми қуйидагича баён қилинган:

“Айнан ўша шахслар иштирок этган фуқаролик иши бўйича чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан судья чиқарган қарор билан аниқланган ҳолатлар ўша шахслар қатнашаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича исботланиши талаб қилинмайди”.

Бошқа процессуал кодексларимизда исботлашдан озод этиш асослари сифатида қонуний кучга кирган жинойт ишлари бўйича судларнинг ҳукми, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари билан аниқланган ҳолатлар ушбу шахслар иштирок этаётган айна иш бўйича исбот талаб этмаслиги белгиланган. Исботлашдан озод этиш асосларининг шу тарзда талқин этилиши тўғри. Шу сабабдан лойиҳадаги 430-моддани амалдаги процессуал кодексларимизга унификация қилиш лозим.

5. Лойиҳанинг 490-моддаси 7-қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, суд ёки ваколатли органнинг қарори - мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Бу қонуннинг судга оид қисми нотўғри. Сабаби барча суд ҳужжатлари, шу жумладан қарор ҳам судьянинг яққа ўзи томонидан имзоланади. Суд мажлиси баённомаси ва алоҳида процессуал ҳаракатларнинг баённомалари эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан имзоланади. Бу қонунлар амалдаги барча процессуал кодексларда белгиланган. Фақат МЖТКнинг янги лойиҳаси бундан истисно. Одил судловни амалга ошириш судья томонидан мустақил равишда амалга оширилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш якуни бўйича ўзи қарор қабул қилади ва қарорнинг қонунийлиги ва адолатлилиги учун шахсан ўзи жавоб беради.

6. Лойиҳанинг 495-моддасида суд ҳуқуқбузарлиқнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим ва тақдимнома чиқариши кўрсатилган.

Бирок, қандай ҳолларда хусусий ажрим ва қандай ҳолларда тақдимнома чиқарилиши, шунингдек хусусий ажрим ижроси қанча муддатда бажарилиши назарда тутилмаган.

Ушбу модда ҳам юқоридаги камчиликлардан бартараф этилиши лозим.

Биринчи инстанция судида иш юритиш тартиби назарда тутилмаган, алоҳида бўлим сифатида лойиҳага ушбу қонунларнинг киритилиши муҳим. Сабаби, суд бошқа органлар ёки мансабдор шахслардан фарқли ўлароқ одил судловни амалга оширишга масъул ҳисобланади. Мисол учун, судьяга раддия бериш тартиби амалдаги кодексда мавжуд эмас. Лекин, ишларни кўришда

ишда иштирок этувчи шахслар томонидан раддия берилганда, судьяларнинг бир қисми жиноят-процессуал қонунчилиги аналогиясини қўллаб раддияни муҳокама қилса, баъзилари бундай тартиб МЖТКда назарда тутилмаган деб муҳокамадан чиқариб юбормоқда. Агар, кодексга биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари тўлиқ киритилса, шу каби ҳуқуқий тушунмовчиликларга ўрин қолмас эди.

Лойиҳанинг ижобий томонлари.

1. Лойиҳада ишларни апелляция тартибида кўриш институти назарда тутилган. Агар, лойиҳа қонунчилик органи томонидан шу ҳолда қабул қилинадиган бўлса, суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан ўн кун ичида апелляция шикояти ёки прокурор тақдимномаси берилиши мумкин. Шунингдек, прокурор протести институти ҳам лойиҳада тугатилиб, унинг ўрнига тақдимнома киритилиши белгиланган. Ҳозирда суднинг қарори қабул қилинган куни кучга киради, лойиҳага кўра суд қарори 10 кун ичида кучга киради ва бу даврда апелляция шикояти (тақдимнома) берилиши мумкин бўлади.

Назорат тартибида ишларни кўриш механизми тугатилиб, назорат ўрнига кассация институти жорий қилинган. Кассация шикояти (тақдимнома) бериш муддати суд ҳужжати чиқарилган кундан бошлаб олти ойни ташкил қилади.

2. Лойиҳанинг 375-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи органлар рўйхати берилган. Ушбу органлар сафига жиноят ишлари бўйича судлар ҳам киритилган. Амалдаги кодексда бу судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрувчи органлар қаторига киритилмаган бўлсада, МЖТКнинг 180, 181-моддаларида назарда тутилган ишларни кўриб келмоқдалар.

Ушбу ўзгариш билан кодексдаги камчиликлардан бири бартараф этилади.

3. Лойиҳанинг 465-моддасида жабрланувчига оид ҳуқуқий нормалар белгиланган. Унинг 3 ва 4-қисмларида жабрланувчини кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиши ҳамда ишни жабрланувчининг иштирокисиз кўриш тартиби белгиланган. Бу каби муҳим нормалар амалдаги кодексда мавжуд эмас.

Амалиётда баъзи судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда жиноят-процессуал қонунчилиги аналогиясини қўллаган ҳолда жабрланувчини жиноий жавобгарлик билан огоҳлантирса, баъзилари кодексда бундай талаб мавжуд эмас деб огоҳлантиришмайди.

Лойиҳадаги бу ўзгаришлар республика судларида мазкур масалада ягона амалиёт шаклланишига туртки бўлади.

4. Лойиҳанинг 472, 474, 476-моддаларида тегишлича гувоҳ, эксперт ва таржимонларни жиноий жавобгарлик билан огоҳлантириш назарда тутилган ва амалдаги кодексда бундай талаб мавжуд эмас. Юқорида айтганимдек, бу нормаларнинг киритилиши ишларни кўришда ягона амалиёт шаклланишига

сабаб бўлади. Бу билан судлар томонидан ишларни кўришда катта бўшлиқ тўлдирилади.

5. Лойиҳанинг 473-моддасида “холис” назарда тутилган. Амалдаги кодексда бундай иштирокчи йўқ. Ушбу моддада холис сифатида кимлар қатнашиши, улар қандай ҳаракатларда иштирок этиши лозимлиги, уларнинг ҳуқуқлари белгиланган. Бу ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда бўшлиқларни тўлдириш учун хизмат қилади.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг қарор топишининг асосий шартларидан бири – инсон ҳуқуқларини жамият ва давлат томонидан олий неъмат сифатида эътироф этилиши, унинг барча учун мажбурий бўлишининг таъминлашдир. Шубҳасиз, бу ҳолат ҳуқуқий давлатнинг энг асосий белгиси бўлган қонун устуворлиги таъминланган ҳолдагина мавжуд бўлиши мумкин. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари ҳамма учун мажбурий бўлишини таъминлашда ҳокимиятлар бўлиниши муҳим аҳамиятга эга, чунки, ҳуқуқий давлатчиликнинг асоси инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини яратадиган ҳокимиятлар бўлинишидир.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мавжудлиги сабабли давлат ҳокимияти тизимида ҳокимият органлари бир-бирини тийиб туришга ва назорат қилишга йўл очиб берадиган ҳамда бир шахс ёки органнинг қўлида ҳокимият тўпланишига имкон бермайдиган давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатлар тартиби ўрнатилади. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) мустақил ва ўз ваколатларини амалга оширишда эркин ҳисобланади. Ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғи бошқа тармоғи вазифаларини бажаришга ҳақли ёки мажбур эмас. Барча давлат органлари ўз ваколатлари доирасида фаолиятини амалга оширади. Шу билан бирга, ҳокимиятнинг барча тармоқлари бир-бирига боғлиқдир, улар биргаликда ҳаракат қилиб, яхлит давлати механизмини вужудга келтиради.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти органлари бир-бирини тийиб туриши ва мувозанатни сақлаш механизмнинг ўрнатилишини назарда тутаяди, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг мустақил ҳаракат қилишини ва мустаҳкам алоқада ишлашини таъминлайди. Шу сабабли давлатда авторитар ва тоталитар интилишларнинг ривожланишига қаршилик қиладиган, жамиятда эркинликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган кўшимча ҳуқуқий кафолатлар юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан

* Судьялар олий мактаби тингловчиси.

мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Мазкур конституциявий қонундан амалга татбиқ этиш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг аҳоли муаммолари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини устувор ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, тadbиркорлик субъектлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансалорлик ва ҳужжатбозликка барҳам бериш учун зарур бўлган ташкилий механизмлар шакллантирилган ҳамда керакли ҳуқуқий асос яратилган. Умуман олганда, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мос равишда ташкиллаштирилган.

Қонун ҳужжатларининг таҳлили маъмурий тартиб-таомиллар ҳуқуқий базамизда бир хилда тартибга солинмаганлигини кўрсатиб турмоқда. Бундай ҳолатни, мисол учун, давлат органи томонидан қабул қилинган қарор ҳақида манфаатдор шахсларни хабардор этиш институтининг тартибга солиш механизмида яққол кўриш мумкин. Хусусан, қонун ҳужжатларида хабардор этишнинг тартиби ва муддатлари турли соҳаларда ҳар хил қилиб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кундаги ривожланиш шароитларида давлатнинг нодавлат ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларини янада ривожлантиришга, бизнес ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатга киришиш механизмини шакллантиришга, давлат бошқаруви соҳасида маълум бир тартибни белгилашга, ҳуқуқий ва умумижтимоий доирада маълум бир натижага эришишга ёрдам беришга қаратилган вазифалар қўйилмоқда.

Маъмурий тартиб-қоидалар соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан, бу бир томондан, давлат идоралари ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни, иккинчи томондан эса, кўплаб бўйсунмайдиган субъектлар – фуқаролар ва ташкилотларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Бинобарин, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши давлат органларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларида қонунийлик ва шаффофлик даражасини ошириш, стандартлаш ва маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш тартиб-таомиллари соддалаштириш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш орқали сифатли давлат хизматларини кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Қонунда маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколоти берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган

комиссиялар кириш кўрсатиб ўтилган. Яна бир мавзу доирасидаги тушунча бу маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси эканлигидир.

Маъмурий органлар турлари қуйидагилардан иборат бўлиб, улар давлат бошқарувининг маъмулу бир функцияларини бижариши билан бири-биридан фарқ қилади.

Давлат бошқаруви органлари – вазирликлар ҳокимликлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари – туман шаҳар ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаро йиғинлари, бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар – агентликлар, интеллектуал мулк агентлиги.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига кўрсатилган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонуни билан Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга ошириши улар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги, уларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат

органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Қонуннинг мақсади фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ўз навбатида бир қатор принципларга асосланади. Улар қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олиш кабилардир.

Қонунга биноан давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг асосий бўлаги бу фуқаролар йиғини ҳисобланади. Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади.

Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

Фуқаролар йиғини органлари - фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссиясидан иборат.

СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАР.

Судьяларнинг суд ишини кўришда мустақил қарор чиқариши, уларнинг фаолиятига аралашинишга ҳеч бир тарзда йўл қўймаслик, барча давлат органлари мансабдор шахсларидан мутлақо мустақил бўлишини таъминлаш адолатли суд ҳукми чиқарилишига хизмат қилади. Маълумки, суд органлари фақат мамлакат ички миллий ҳуқуқий тизимида эмас балки, халқаро миқёсда ҳам муҳим аҳамият касб этади ҳамда бугунги кунда бир нечта халқаро судлар фаолият юритади. Бундай халқаро судларда давлатлар даражасидаги ўта муҳим масалалар ҳал этилиши сабабли ҳам судьяларнинг мустақиллиги кафолатланиши муҳим ҳисобланади. Бутун дунёга маълум бўлган халқаро судлар томонидан суд органлари ва судьялар мустақиллигига оид халқаро тамойиллар қабул қилинган ва улар халқаро шартномалар орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Қуйида уларнинг бир нечтаси таҳлили келтирилган.

БМТ Бош Ассамблеяси бир неча бор таъкидлаганидек, “ҳуқуқ устуворлиги ва адолатли судловнинг керакли тарзда амалга оширилиши инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоялашда марказий роль ўйнайди” ва “адолатли судловни амалга ошириш тизими, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва прокуратура органлари, айниқса, мустақил суд органлари ва адвокатура ходимларини қўшган ҳолда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда белгиланган андозаларни тўла қўллаган ҳолда инсон ҳуқуқларининг ҳар томонлама ва камситишсиз амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга ҳамда демократия ва барқарор ривожланиш жараёнларининг таркибий қисми ҳисобланади”¹.

Америка Қўшма Штатларида судьяларни сайлаш ва тайинлашнинг ҳам ўзига хос амалиёти шаклланган. Федерал судларидаги судьялик лавозимларига тайинлаш Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан амалга оширилади, бунда Сенат президент таклиф қилган номзодни рад этиш ҳуқуқига эга. Федерал судьяликка номзодларга касбий маҳорат жиҳатидан ҳам, ахлоқ жиҳатидан ҳам юқори талаблар қўйилади (адвокат, юристмаслаҳатчи ёки университет профессори сифатида катта иш тажрибасига эга бўлиш, шаънига доғ тегмаганлик)². Федерал судьялар ўз

* Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқуқ” кафедраси мудири ю.ф.д., проф.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

¹ Қаранг. «Адолатли судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари» 2005 йил 16 декабрдаги 60/159 сонли резолюцияси. - <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/60/159>.

лавозимларига умрбод тайинланадилар, уларни фақат импичментдек мураккаб жараён натижасида лавозимдан четлатиш мумкин.

Штат судларида судьялик лавозимига тайинлаш турли қоидалар асосида ўтказилади. Кўпгина штатларда олий судлар ва апелляция судлари судьялари губернатор томонидан Сенат ёки штатнинг бошқа қонун чиқарувчи органи розилиги билан 6-15 йил муддатга кўпинча такроран тайинланиш ҳуқуқи билан тайинланадилар. Худди шу тартибда айрим Америка штатларидаги куйи турувчи суд инстанциялари судьялари ҳам ўз лавозимларини эгаллайдилар. Бироқ штатлардаги кўпчилик судьялар аҳоли томонидан сайлов кампаниялари давомида сайланадилар. Бундай тизим гарчи ташқи томондан халқчил кўринсада, аслида кўпинча бу ерда номзодларни қўлловчи бир-бирига рақиб сиёсий партияларнинг манфаатлари биринчи ўринга чиқиб қолади, касбий ва шахсий сифатлар эса эътибордан четдан қолади, шу сабабли бу тизим АҚШда ҳақли равишда танқидга учрамоқда. Натижада кўпгина штатларда сўнгги ўн йилликлар давомида лавозимларни эгаллаш тизимининг янги вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Францияда эса суд тизимида умумий судлар билан бирга махсус судлар ҳам мавжуд. Умумий судлар тизимида, аввало, кичик процесс трибунали даражасида, муайян тоифадаги ишларни муҳокама қилишга ихтисослашган бир қатор суд муассасалари туташади. Улар қаторига савдо трибуналлари, прюдомлар кенгашлари, ижтимоий суғурта бўйича комиссиялар, ер ижараси бўйича паритет трибуналлари, денгиз савдоси бўйича трибуналлар ва шу кабилар киради. Улардан савдо трибуналлари ва прюдомлар кенгашлари кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Францияда маъмурий адлия институтининг пайдо бўлишида Монтеске томонидан ишлаб чиқилган ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи маълум рол ўйнаганлигини кўрсатади. Ушбу назариядан келиб чиққан ҳолда, Аббот Сиесес каби Француз давлат арбоблари умумий судлар маъмуриятдан ташқарида бўлган органлар бўлиб, унинг фаолиятига аралашмаслиги керак деган фикрларни илгари сурган¹.

Ишнинг адолатли ҳал қилиниши учун у ёки бу ишни кўриб чикувчи судьянинг ёки суднинг мустақиллиги таъминланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро воситалар ишнинг “мустақил ва холис трибуналлар” томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини кўзда тутаяди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита мустақил ва холис судга бўлган ҳуқуқ “ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлақ ҳуқуқ” ҳисобланиши борасида бир неча бор фикр билдирилган.

Инсонни ишининг судда адолатли кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқига, мустақил судья мавжуд бўлгани ҳолда риоя қилиш мумкин, акс ҳолда, давлат, суд тизими ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлмагани ҳолда ўзининг халқаро мажбуриятларини бузади. Шу сабабли, ушбу нуқтаи

¹ Хомяков Г.А. Административный суд в Российской Федерации. URL: http://old.kpfu.ru/infres/homyakov/h4.htm#4_1.

назардан мустақиллик шахсан судьяга, ва умуман суд тизимига тааллуқли бўлади.

БМТнинг суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойилларида мустақилликнинг зарурий жиҳати қуйидагича баён қилинган:

“Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституциясида ёки қонунларида мустақамланади. Барча давлат ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши керак»¹.

Европа Иттифоқи Кенгашининг Судьялар мустақиллигига оид тавсияларида кўзда тутилишича, судьялар мустақиллиги аниқ қоидаларнинг конституцияга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига киритилиши орқали кафолатланиши керак, ҳамда “ижро ҳокимияти ва қонунчилик ҳокимияти тармоқлари судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда судьяларнинг мустақиллигига раҳна солувчи чораларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслиги керак”².

Осиё-Тинч океани худудида *LAWASIA* минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти (“Пекин тамойиллари”)да кўзда тутилишича: “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги у томонидан масалаларни ҳолис баҳолаш асосида ҳамда қаердан келаётганидан қатъий назар, бевосита ёки билвосита тарзда, қонунни тегишли таъсирсиз тушуниш асосида ҳал қилинишини тақозо этади”³.

Дунёнинг барча худудлари судьялари томонидан тасдиқланган Умумжаҳон судьялар партияси шуни белгилайдики, “судьяларнинг мустақиллиги қонунга мувофиқ ҳолис адолатли судловни амалга ошириш учун зарурдир. У бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро муассасалар ва ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилиши, сақлаши ва ҳимоялаши зарур”⁴.

Суд органларининг мустақиллиги тамойиллари қуйидагилардан иборатлиги белгиланади яъни:

¹ Миланда 1985 йилининг 26 августидан 6 сентябригача бўлиб ўтган БМТнинг жинойтчиликнинг олдини олиш ва жинойтчилар билан муомала қилишга оид Еттинчи Конгресси томонидан қабул қилинган ва Бош Ассамблеянинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32 сонли ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146 сонли резолюциялари билан қўллаб-қувватланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари («БМТ Асосий тамойиллари»). - https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml

² Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси, 1994 йил 13 октябрь, 2 (b) тамойил. - <http://docs.cntd.ru/document/901927870>

³ *LAWASIA* минтақаси худуди олий судлари Раислари ва Осиё-Тинч океани минтақасининг худудидаги бошқа судьялар томонидан 1995 йилда қабул қилинган *LAWASIA* минтақасида Суд муассасаларининг мустақиллигининг тамойиллар тўғрисида Пекин баёноти, шунингдек *LAWASIA* Кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган, 3-а резолютив параграф. - https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31033389

⁴ Халқаро судьялар ассоциацияси (ХСА) томонидан 1999 йил 17 ноябрда маъқулланган Умумжаҳон судьялар хартияси, 1-модда. ХСА 1953 йилда профессионал носийсый халқаро ташкилот сифатида тузилган бўлиб, у алоҳида судьяларни эмас, судьяларнинг миллий уюшмаларини бирлаштиради. 67-та миллий уюшмасини бирлаштирган Ассоциациясининг асосий мақсади—судьялик иши учун асосий талаб сифатида суд тизимининг мустақиллигини ҳимоялаш ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборат. - https://www.unodc.org/res/ji/import/international_standards/the_universal_charter_of_the_judge/universal_charter_2017_russian.pdf

Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустақамлаб кўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар улар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шартлилиги¹;

Суд органлари ўзларига топширилган ишларни холисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қилиши;

Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгадирлар ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатга кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилганлиги;

Одил судлов жараёнига ғайриқонуний ёки рухсат этилмаган аралашувлар бўлмаслиги керак ҳамда судлар чиқарган қарорлар қайта кўрилмайдди. Ушбу тамойил судлов органлари чиқарган ҳукмларнинг қонунга мувофиқ равишда суд тартибида қайта кўрилиши ёки жазонинг енгиллаштирилишига монелик қилмаслиги;

Ҳар бир инсон ишнинг белгиланган юридик чоралар қўлланиладиган оддий судлар ёки трибуналларда суд тартибида кўрилиши ҳуқуқига эга. Оддий судлар ёки суд органларининг ваколатларини алмаштириш мақсадида белгилаб берилган юридик чоралардан талаб даражасида фойдаланмайдиган трибуналлар тузилмаслиги кераклиги;

Суд органларининг мустақиллиги тамойили уларга қатор ҳуқуқлар беради ва улардан судлов ишини адолатли олиб боришни ва томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этиши;

Ҳар бир аъзо давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбур.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг суд тизими мустақиллигига доир асосий Тамойилларини (1985), ҳамда суд мустақиллиги ва адолатли судлов ҳуқуқига доир бошқа халқаро қоида ва нормаларни ҳисобга олиб, ҳар бир суд ва трибуналнинг ўз хусусиятлари ва функциялари мавжудлиги ҳамда маълум инстанцияларда судьялар тўла иш билан таъминланмаганлик асосида ёки *ad hoc* ва *ad litem* судьялари сифатида фаолият юритишини эътиборга олиб Халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги «**Бург-Хаус тамойиллари**» ишлаб чиқилган² яъни;

- суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш учун судьялар кўриб чиқилаётган ишлар томонларидан, улар фуқароси бўлган ёки истиқомат қилаётган давлатлардан, хизмат қилаётган мезбон мамлакатлардан, шу суд ёки трибунални тузишга шафъелик қилган халқаро ташкилотдан мустақил бўлишлари лозимлиги;

¹ Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. - www.icj.org

² Уша жойда

- судьялар ҳар қандай манбанинг ноўрин таъсиридан эркин бўлишлари кераклиги;
- судьялар ишларни шу иш далиллари ва қўлланиладиган ҳуқуқ асосида ҳолис ҳал этишлари лозимлиги;
- судьялар ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви, шунингдек, қандайдир манфаатлар тўқнашувига сабаб сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймасликлари зарурлиги;
- судьялар ўзларининг суддаги ва суд билан боғлиқ фаолиятида нотўғри ахлоқдан ўзларини тийишлари даркорлигини умумий таъсир кучига эга тамойиллар сифатида ҳисоблайди.

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг ҳам Европа Суди судьялари учун умум тамойиллар қабул қилинган бўлиб қуйидагиларда акс этади:

Судьялар мустақиллиги ҳурматланиши, ҳимоя қилиниши ва қўллабқувватланишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши лозим. Жумладан, қуйидаги чоралар кўрилиши тавсия этилади⁶:

- а) Судьяларнинг мустақиллиги Конвенция қоидалари ва конституциявий тамойилларга мувофиқ, масалан, конституция ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига аниқ қоидалар киритиш ёки ушбу тавсия қоидаларини ички ҳуқуққа жорий этиш орқали кафолатланиши лозим.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий анъанасини ҳисобга олган ҳолда бундай қоидалар, масалан, қуйидагиларни назарда тутиши мумкин:

- судьяларнинг қарорлари қонунда назарда тутилган шикоят қилиш тартиботларидан ташқари ҳолатда қайта кўриб чиқилмайди;
- судьяларнинг хизмат қилиш муддати ва уларнинг ҳақ олиши қонун билан кафолатланади;
- қонунда белигланганидек, судларнинг ўзларидан ташқари ҳеч бир орган уларнинг ваколатларини белгилай олмайди;
- амнистия, афв этиш ёки шунга ўхшаш масалалар бўйича қарорлардан ташқари, ҳукумат ёки маъмурият суд ҳал қилув қарорларини ретроактив тартибда бекор қиладиган қарорларни қабул қила олмайди.

1) Ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари судьяларнинг мустақиллигини таъминлаши ҳамда судьялар мустақиллигини хавф остига қўювчи қарорлар қабул қилмаслиги лозим;

2) Судьяларнинг касбий кўтарилишига алоқадор барча қарорлар объектив мезонлар ва танлов тамойилига асосланиши, судьяларнинг мансаб пиллапояларидан кўтарилиши эса шахсий хизматларига боғлиқ равишда, уларнинг малакаси, ахлоқий фазилатлари ва ишчанлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Судьяларни танлаб олиш ва кўтариш тўғрисидаги қарорларни қабул қилувчи орган ҳукумат ва маъмуриятдан мустақил бўлиши зарур. Унинг мустақиллигини таъминлаш қоидаларида, масалан, судьяларнинг суд корпуси томонидан танлаб олиниши ҳамда шу органнинг мазкур тартибот қоидаларига доир қарорлар қабул қилишда мустақиллиги назарда тутилган бўлиши керак;

3) Қарор қабул қилиш жараёнида судьялар мустақил бўлиши ҳамда ҳеч қандай чеклов, ташқи таъсир, босим, дўқ-пўписа ёхуд, қайси томондан ёки қандай сабабга кўра бўлмасин, бевосита ёки билвосита аралашувдан ҳоли ҳаракат қилиши лозим. Қонун судьяларга шу усуллардан бири орқали таъсир кўрсатишга уринаётган шахсларга нисбатан жазо чораларини назарда тутиши керак. Судьялар ўз виждони, фактларнинг ўз талқини ва амалдаги ҳуқуқ меъёрларига амал этган ҳолда холис қарор қабул қилишда чексиз эркинликка эга бўлишлари даркор. Судьялар ўз ишларининг моҳиятига доир маълумотларни суд тизимидан ташқари ҳеч кимга тақдим этмасликлари лозим;

4) Ишлар тақсимотида унда иштирок этувчи ва унинг натижасидан манфаатдор бўлган ҳеч бир томон ёки шахсларнинг мақсадлари таъсир кўрсатмаслиги керак. Бундай тақсимот, масалан, қуръа ташлаш ёки алифбо тартибида автоматик тақсимлаш тизими ёрдамида ёки шунга ўхшаш бошқа усулда ўтказилиши мумкин;

5) Иш у ёки бу судьядан жиддий хасталик ёки манфаатлар тўқнашуви сингари асосли сабабларсиз чақириб олинмаслиги лозим. Ишни чақириб олишнинг бу каби асослари ва тартиботи қонунда назарда тутилган бўлиши ҳамда ҳукумат ёки маъмурият манфаатларига боғлиқ бўлмаслиги даркор. Ишни судьядан чақириб олиш тўғрисидаги қарор судья каби мустақилликка эга орган томонидан қабул қилиниши керак.

Бундан ташқари, Миллатлар Ҳамдўстлигининг Парламент устуворлиги ва судьялар мустақиллигига оид Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари («Латимер-Хаус бошқарув тамойиллари») қабул қилинган.

Бугунги кунда шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан республикада ҳам инсоннинг кейинги ҳаётига салбий таъсир кўрсатмайдиган оқилона ва тўғри қарор чиқариш судьялар зиммасидаги асосий вазифа эканлигини ҳисобга олган ҳолда, улар учун зарур шарт шароитларни яратиш, судьялар фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани жамиятда адолат қарор топишини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармоннинг имзоланиши, унга кўра, 2030 йилгача қонун устуворлиги, сўз эркинлиги, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари ва бошқалар бўйича халқаро рейтингларда ТОП-50таликка кириш вазифаси қўйилганлиги, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссияси тузилиши ва “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишонинг таъсис этилганлиги бунинг исботидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мустақил, холисона, ҳалол ва малакали суд ҳокимияти ҳуқуқ устуворлигини сақлаш, жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишнинг ажралмас қисмидир. Суд ҳокимиятининг функцияси ҳар бир Ҳамдўстлик мамлакатлари миллий ҳуқуқий асоси имкониятидан фойдаланган ҳолда, инсон

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ миллий конституциялар ва қонунчиликни шарҳлаш ва қўллашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

СУД АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ.

**2020 йил 3 июль куни ўтказилган халқаро илмий-амалий
онлайн-конференция материаллари тўплами**

Муҳаррирлар: Н.Ниязова

Мусахҳих: Р.Юнусова

Техник муҳаррир: Асрор Муҳамедов

**Босишга рухсат этилди 20.12.2019. Қоғоз бичими
60x84 1/16. Босма табағи 10,1. Нашриёт ҳисоб табағи 7,6.
Адади 50 нусха. 25-12 буюртма.**

**“IMPRESS MEDIA” MChJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 6-уй.**
